

Максуда Бердимуродова

МУҲАММАД ЮСУФ РОЖИЙ ХОРАЗМИЙ

ДАВРИ. ҲАЁТИ.
АДАБИЙ МЕРОСИ



МАҚСУДА БЕРДИМУРОВА

**МУҲАММАД ЮСУФ РОЖИЙ ХОРАЗМИЙ
ДАВРИ. ҲАЁТИ. АДАБИЙ МЕРОСИ**

Муҳаррир:
Акрам Деҳқон

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

Дизайнер:
Асқар Ёқубжонов

«Муҳаррир» нашриёти
Лицензия: АИ № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2012 йил 30 октябрда берилди.
Босишга 2013 йил 25 январда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 ¹/₁₆. «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
9,75 шарт. б.т. 8 ҳисоб нашр. таб.
Адади 1000 нусха. 09-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй
E-mail: Muharrir@list.ru

Ўзбек мумтоз адабиётининг истеъдодли вакили Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий (1825-1870) ҳаёти ва ижодига бағишланган мазкур монография бирламчи манбалар - шоир қаламига мансуб девон ва ўша даврга оид қўлёзмалар асосида илк бор мустақиллик мафқураси тамойиллари нуқтаи назаридан ўрганилди. Муаллиф шоирнинг девонини табдил қилиб, нашр этди. Унга замондошлари Огаҳий, Комил Хоразмийларнинг берган холис баҳоси ва ўз даври адабий муҳитидаги шоирнинг ўрни ҳамда энг асосийси унинг сўз санъаткори сифатидаги бадиий маҳорати таҳлил қилинган.

Мазкур китоб филолог-мутахассислар, адабиёт муаллимлари, шунингдек, Хоразм адабий муҳитига қизиқувчи талаба ва ўқувчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар: проф. Н.Комилов
проф. А.Абдуллаев

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди О.Тўлабоев

*Ушбу асарим боис етажак савобни отам
Раҳмат Бердимурод ўғлининг руҳига бағишлайман.
Муаллиф*

К И Р И Ш

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўтмиш маданий меросимизга муносабат тубдан ўзгарди. Халқимизнинг тарихи, маънавияти, дини ва адабиёти, қадриятларига эътибор кучайиб, уни халққа асл ҳолида етказиш имконияти пайдо бўлди. Шу муносабат билан ўзбек адабиётининг узвий бир қисми бўлган XIX аср иккинчи ярмидаги Хива адабий муҳитига оид бир қанча манбаларни назардан ўтказганимизда, ижоди айрим ишларда қисман зикр этилган ёки бутунлай эътибордан четда қолган ижодкорлар қаторида Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг ҳам ўзига муносиб ўрни борлиги маълум бўлади. Шўролар замонида мафқуравий сабабларга кўра адабий фаолияти ўрганилмаган ва мероси кўпчилик учун нотаниш бўлиб келган мазкур шоирнинг девон соҳиби эканлиги диққатни тортади.

Тарихий меросимизни қандай бўлса, шундайлигича ўрганиш ва халққа етказиш бугунги куннинг энг долзарб муаммосига айланди. Бу эса тадқиқотчилар зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Бугунги миллий мафқурани яратиш, уни халқимиз онига сингдириш ва шу асосда ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон сифатида шакллантиришда адабий меросимиз ниҳоятда катта илмий-амалий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Президентимиз И.А.Каримов бунини ўз вақтида жуда ўринли таъкидлаган эдилар: «Улуғ аجدодларимиз томонидан илгари сурилган миллий, умуминсоний ғоялар халқни, миллатни бирлаштирувчи, тараққиёт сари сафарбар этувчи кучдир»¹. Зеро, аждодларимизнинг бу адабий мероси замирида халқимизнинг узоқ тарихга эга бўлган орзу-армонлари, эртанги кунга бўлган ишонч ва кураш тарихи ётади.

XIX асрнинг иккинчи ярми Хива адабий муҳити ҳам халқимиз маданий меросининг ажралмас бир халқасини ташкил этади. Бу адабий муҳитнинг истеъдодли

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 79.

намояндаларидан бири Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийдир. Шоир, хаттот, таржимон сифатида танилган Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг ўз давридаёқ истеъдоди тан олинган. У Шарқ адабиётининг ўлмас адабий анъаналаридан илҳом олди. Унинг юксак инсоний ғоялар билан суғорилган лирикаси халқни илм-маърифатга, одоб-ахлоққа, эзгу фазилатларга чорловчи фалсафий руҳ билан бойиган ижод намуналари ўрганишга арзирлидир. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг IV ва V қисмини ҳамда Аштархоний ҳукмдорлардан Сайид Субҳонкули Муҳаммад Баҳодирхон (ҳукмронлик йиллари-1091-1680-1114-1702) нинг «Ўубби лавойиқ ул-қамар фи-л-ихтиёрот (Ойнинг одамлар ҳаракатига доир қулай вақт танлаш учун кўрсатмалари)» номли форс тилидаги асарини ўзбек тилига таржима қилган. Шу билан бир қаторда, хаттотлик ҳам қилган. Демак, Муҳаммад Юсуф Рожийнинг кенг кўламли адабий мероси ўрганилишга, таҳлил қилинишга тўла ҳақлидир. Юқорида келтирилган далилларга биноан бугунги мустақиллик даврида Рожий ижодини кенг кўламда махсус ўрганиш ва тадқиқ қилиш адабиётимизнинг кендик саҳифаларини тўлдиришга, яхлит ва бир бугун ҳолда тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади. Миллий ғоя ва янги тафаккур асосида унинг ижодини замондошлари ижоди билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиб, муаммалар ҳолда халқимизга етказиш давр талабидир.

Ўзбек адабиётшунослигида XIX аср Хоразм адабиётини ўрганиш бўйича бирмунча ишлар қилинган. Жумладан, Огаҳий, Феруз, Комил, Табибий, Аваз, Ниёзий, Роғиб, Роқим меросини тадқиқ этишга оид ишлар мавжуд бўлса ҳам, қатор шоирлар ижодини ўрганиш ишлари энди бошланмоқда. Шу ўринда ижоди энди ўрганилаётган ижодкорлар сирасига Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ижоди ҳам киради.

Рожий ҳақидаги дастлабки маълумотлар замондошлари Огаҳий ва Комил томонидан берилган. Улар Рожий ижодига юксак баҳо бериб, истеъдодли шоирлигини тан олганлар. Огаҳий, Комил, Зийрак, Роғиб, Табибий, Аваз, Ожиз, Мунший, Девоний, Холис каби замондошлари унинг ғазалларига муҳаммас боғлаб, ўз муносабатларини билдирганлар. Биргина Огаҳийнинг ўзи унинг 8 та, Комил 3 та, Табибий 2 та, Холис 4 та, Мунший 3 та, Роғиб ва Аваз эса унинг биттадан ғазалига муҳаммас боғлаши диққатга сазовордир. Шоир ҳақидаги бирламчи маълумотлар Пўлатжон Қайюмийнинг «Тазкираи Қайюмий» тазкирасида, Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари» ҳамда «Хива шоирлари» тазкираларида мавжуд¹. Бу манбаларда, асосан шоир ҳақида умумий маълумотлар берилиб, лирикасидан айрим намуналар берилган.

¹Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий, II дафтар, -Тошкент: Нашриётсиз, – Б. 412-413; Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий. Хива шоирлари. Адабиёт музейи фонди. Инв №213. 1948.-Б.17-18; Лаффасий. Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари. Пед.фандок. У. Долимовнинг шахсий архив материалларидан. –Б. 13-16;

Кейинчалик адабиётшунос Ж.Шарипов Рожийнинг таржимонлик фаолиятига диққатни қаратди¹. ЎзР ФА ШИ илмий ходими А. Муродов Рожийнинг хаттотлигига эътибор қаратиб, унинг айрим ғазалларидан намуналар беради². Адабиётшунос В.Мўминова Рожийни Муқимий, Завқий, Фурқат, Комил, Аваз Ўтар, Нодим каби шоирлар қаторида турувчи шоир дея баҳолайди³. XX аср ўзбек адабиётшунослигига улкан ҳисса қўшган олим Абдурауф Фитрат ўзбек адабиётида мусаммат жанрига ҳисса қўшган Лутфий, Навоий, Ҳусайний, Амирий, Комил Хоразмий каби санъаткорлар сафида Рожийни ҳам тилга олиб ўтади⁴. Шунингдек, «Ўзбек адабиёти» дарслигининг тўрт томликка илова сифатида нашр этилган 5-жилдида, Айёмийнинг «Ўт чакнаган сатрлар», «Хоразм шоирлари», Н.Қобулов, И.Ҳаққул, В.Мўминованинг «Аваз ва унинг адабий муҳити» монографияларида, Г.Исмоилованинг «Феруз даври адабий муҳити» ва М.Мадғозиевнинг «Рожий Марғилоний ва унинг поэтик маҳорати» мавзуидаги номзодлик диссертацияларида, К.Ҳошимов, Сафо Очилларнинг «Ўзбек педагогикаси антологияси» дарслигида, В.Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи», Б.Қосимов ва бошқаларнинг «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарсликларида, Муҳаммад Раҳимхон Феруз. «Элга шоҳу ишққа қул» лирик девонида, «Асрлар нидоси» антологиясида, Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул «Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати» тарихий-бадиий лавҳаларида, С.Долимов «Алишер Навоий ва XIX аср Хоразм адабиёти» мақоласида, М.Юнусов ва Н.Қобуловларнинг ишларида Рожий номи тилга олиниб, ғазалларидан намуналар берилган ва ҳаётининг у ёки бу жиҳати ҳақида мухтасар маълумотлар берилади⁵.

1860-1916 йилларда Хивада яшаб ижод қилган шоир Сўфи бир шеърида кўпгина шоирлар номини санаб, улардан илҳом олганлигини айтади. Шоир ғазалларида ҳақиқий ёр образини яратиш учун кимлар қалам сурганини номма-ном тилга олади, шунингдек, ўзи

¹ Шарипов Ж. Ўзбекистонда тарихима тарихдан. –Т.: Фан, 1965. –Б. 120-121;

² Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. ф.ф.н. дис.-я. –Т.: 1967. –Б. 146;

³ Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. –Т.: Фан, 1979. –Б. 81., В.Мўминова. Шоир Рожий // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. №5. –Б. 56-57;

⁴ Фитрат. Адабиёт коидалари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б.53.

⁵ Ўзбек адабиёти. Тўрт томликка илова. V жилд. II китоб.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. –Б. 93-112; Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 10; Ю. Юсупов. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 52-81; Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити.-Т.: Фан, 1987. –Б. 200; Исмоилова Г. Феруз даври адабий муҳити: филол.фан.номз... дисс. –Т., 1995; Мадғозиев М. Рожий Марғилоний ва унинг поэтик маҳорати: филол.фан. номз... дисс. –Самарканд, 1973. –Б. 11-12; Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 464; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. II китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1964. –Б. 348; Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. –Б.71; Асрлар нидоси. Антология. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. –Б.320; Раҳим Давлатёр, Шихназар Матрасул. Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б. 76; Долимов С. Алишер Навоий ва XIX аср Хоразм шоирлари // Маърифат фидойиси. (С.Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан). –Т.: Ўқитувчи, 2007, - Б. 82-89. Юнусов М. Комил Хоразмий. –Т.: Фан, 1960. –Б. 51-53; Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. -Урганч.: 1992. –Б. 75.

яшаган даврининг ва умуман, XIX аср хоразмлик шоирларнинг номларини эслайди. У ёрнинг реал портретини яратиш ғоят мушкул иш бўлганлигидан Хисрав, Жомий, Навоий, Ҳоконий каби кишилар ёр портретининг қад-бўйини яратган бўлса, Анварий, Саъдий, Киромий кабилар унинг гул юзини тасвир этди, ёрнинг кўзини Волим, Равнақ, Мунислар яратган бўлса, Огаҳий, Рожий, Баёнийлар ёр портретининг яна бошқа бўлагини яратдилар дейди. Бу ерда гап шу ҳақда борадики, у ёр портретини яратишда шу шоирлардан таъсирланган ¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, булар орасида Айёмий ва В.Мўминоваларнинг ишлари диққатга сазовордир, бошқалари Рожий Хоразмий ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш, оммалаштириш йўлидаги дастлабки қадамлар сифатида қадрли бўлса-да, уларнинг ҳаммаси кичик ахборот ёки айрим қайдлардан иборат. Бу ишларнинг ҳеч бирида шоир ижодий меросининг барча қирраларини батафсил тадқиқ этиш мақсади қўйилмаган. Хусусан, унинг муножотнома туркумидаги «Илтижономаи Рожий» асари, Хоразмшоҳларга бағишланган қасидалари ва мусаддас, мустазодлари ҳақида умуман фикрлар билдирилмаган. Шуларни ҳисобга олиб, биз Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ижодий меросини том маънода монографик тарзда ўрганишни бош вазифа деб билдик. Монографияда Рожий ҳаёти, фаолияти, меросининг ғоявий йўналиши, услуби ва бадиияти кенг қўламда тадқиқотга тортилган.

Илк бор Рожийнинг 4000 мисрага яқин адабий мероси жорий алифбога қўлёзма девонларини, турли баёзларни ўрганиш орқали табдил қилинди ва Танланган асарлари «Жамолинг гулшанининг булбулиман» номи билан Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриётида 500 нусхада нашр қилинди.

Рожийнинг ўзбек адабиётидаги зулусонайнлик анъаналарини давом эттирганлиги шоирнинг форс-тожик тилидаги мухаммаслари орқали ёритилди. Лирикасининг бадиият билан боғлиқ масалаларини тадқиқ этиш натижасида Рожийнинг маҳорат ва балоғатга эришган баркамол ижодкор эканлиги очиқ берилди ва мумтоз адабиётимизда ўз ўрнига эга шоир эканлигига алоҳида урғу берилди.

Унинг мумтоз адабиётимиз турли жанрларига қўшган ҳиссаси натижаси сифатидаги хулосаларимиз мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос вакили ижодини кенгроқ билишга ҳамда ўша давр адабиётини тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, Рожий таҳаллуси билан ижод қилган 16 нафар шоир ҳақида турли тазкиралар, архив материалларидан ҳамда илмий тадқиқотлардан маълумотлар тўпладик.

¹ Қаранг: Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 119.

I БОБ. XIX аср иккинчи ярми Хоразм адабий муҳиtida Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг ўрни

1.1. Рожий тахаллусли шоирлар

Шарқ адабиётида бир тахаллусда ижод қилган шоирлар кўп бўлган. Уларнинг номи ва ижоди кўп ҳолларда бир-бирлари билан аралашиб кетган. Рожий тахаллусли 16 нафар шоир мавжудлиги аниқ бўлди ва улар орасидан биз ўз “Рожийимиз”ни ажратиб олдик. Демак Рожий тахаллусли шоирлар қуйидагича:

- 1. Хўжа Мирзо Абулҳасан Рожий-** озарбайжон шоири, (1696- 1752 йилларда яшаб ижод қилган). «Девони Абулҳасан Рожий» ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида №12497 инвентар рақам билан сақланади.
- 2. Буман Али Рожий Кирмоний-**форс шоири. Унинг ижоди қуйидаги фондда сақланади: Феҳристи дастанависҳои шарқии Афғонистон, ҷилди IV, Душанбе. 1970 с. саҳ. 99
- 3. Рожий Бухорий-исми Идрисхўжа Набирахўжа ўғли** (1880-1919) йилларда яшаб ижод этган шоир ва ҳаттот. Ҳаттотликка оид «Рисолаи хушнависон» ва «Рисолаи хаттоний манзума» номли асарлар яратган. Рожий Бухорий 1907 йилда китобат қилган баёз ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида №3272 инвентар рақам билан сақланади.

Идрис Махдум Рожий шеърдан бир байт намуна:

Навбахор омад чу бошад пеши Рожий чор чиз:

Жоми мул, домони гул, саҳни чаман, важҳи ҳасан.

Таржимаси: Баҳор кунлари етиб келди. Рожийга тўрт нарса-чаман саҳни, гулларнинг таги, майга тўла қадаҳ ва гўзал юз муяссар бўлса эди¹. Бизнингча, мазкур байтни қуйидагича таржима қилсак мақсадга мувофиқ бўлади:

Баҳор етиб келди. Рожий олдида тўрт нарса муҳайё. Булар: май қадаҳи, гул сайри, чаман оғуши ва ҳусн эгасининг ҳузур-ҳаловати.

¹ А.Муродов. Ўрта Осиё ҳаттотлик тарихидан. -Т.: 1967, Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Б. 126.

4. Мирзо Юнус Китобий Рожий Шахрисабзий-машхур хаттот ва шоир бўлган. (XIX аср II ярми XX аср бошларида яшаб ижод этган). Жадидлик тухмати билан Олимхоннинг амакиси Ақромхон қўлида Шахрисабзда 1910 йилда қатл қилинган. Кўп фазлу камолга эга киши эди¹. Бу маълумотдан Мирзо Юнус Рожий жадид бўлганлигини, уларга қарши кураш 1937 йилги қатли ордан анча олдин бошланганлигини билиш мумкин.

5. Насриддин Рожий - унинг ижодий мероси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида № 9970 инвентар рақам билан сақланади.

6. Аҳмад Рожий - унинг адабий мероси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида №2116 инвентар рақам билан сақланади.

7. Фахриддин Мирзо Рожий Самарқандий - Самарқанд адабий мактабининг истеъдодли вакили. 1916 йилда «Оқ подшо»нинг 16 ёшдан 43 ёшгача бўлган ғайрирус эркакларини мардикорликка олиш ҳақидаги фармонида асосан Фахриддин Рожий таниқли маърифатчи Абдулқодир Шакурий ва Ҳожи Муинлар билан биргаликда ўша йилнинг 2 ноябридан Минск губернясининг Новоборисов шаҳри яқинидаги ўрмонларда фронт орқасидаги қора ишлар, дарахт кесиш, ёғоч тайёрлаш, хандақлар қазилар каби оғир ишлар билан шуғулланардилар. 1917 йилнинг майида Феврал ўзгариши берган имконият туфайли она ватанга қайтишга муяссар бўладилар².

Фахриддин Рожий Самарқандийни Аҳмад Закий Валидий Тўғон ўз «Хотиралар» ида тилга олган...

«Фахриддин Мирзо Рожий Самарқандий-1878 йилда Самарқандда туғилган. У ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиси сифатида Самарқанд адабий муҳитида яшаб ижод қилган ва Саидахмад Васлий ва Махмудхўжа Бехбудий билан ёшликдан дўст бўлган».

Туркий оламни уйғотган Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг 1913 йилдан 1924 йилгача бўлган умрининг кўп қисми Туркистонда ўтган бўлса, шу давр мобайнида у лоақал бир марта учрашган ёки ҳамсуҳбат бўлган ҳар бир кишини унутмади ва «Хотиралар» китобида у ёки бу даражада эслаб ўтади. Айниқса, тоғу тошларда большевиклар ҳукумати раҳбарлари уни ушлаш учун махсус қўйган айғоқчилари таъқиб қилиб келганда, унга бир кечалик жой бериб, жонини сақлаб қолган оддий кишиларни меҳр-муҳаббат билан эслайди. Табиатан синчков олим бўлган Валидий Фахриддин Рожийни шундай эслайди:

«Туркий адабиётни севган тожик. Балки тожиклашган туркдир. Мен туғилган йиллардаёқ вафот этган отаси Мирзо Нуриддин (негадир, Валидий унинг отасини Насриддин эмас, Нуриддин деб эслайди-М.Б) ҳожи ҳам шоир бўлган. Унинг форсча ёзган шеърларини Рожий 1913 йилда Самарқандда нашр қилган эди. Мирзо ҳожи форсий, хинд

¹ Ўша манба. –Б. 126.

² Бу ҳақда қаранг. Б. Қосимов. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002, -Б. 316-317.

ҳикояларини туркий шеърӣ шаклда ҳам таржима этган. Қисқаси, Рожий ўз нутқларида жуда жасур бўлиб, ҳаммага ақл ўргатарди».¹

Фаҳриддин Рожий маълум муддат Валидий ва Жаббор қўрбоши бошчилигидаги гуруҳга қўшилиб, Қарши ҳудудида совет ҳукуматиға қарши курашган. Аммо, тўғриси айтганда, у бу йўлдан жуда тез қайтган.

Яна Валидийнинг «Хотиралар»ига қайтамиз: «Мен бу ишлар билан машғул бўлган вақтимда ўртоғим Рожий бир бурчақда «уф-уф»лаб қаттиқ оғриганини билдиришга ҳаракат қиларди. Эрталаб Китоб шахридаги қариндошлариникига юборишга рухсат сўраб ёлворди. Йўлда бўлган воқеа уни жуда қўрқитганди. Олдинга қадам босишга ҳам ҳоли қолмаганлиги сезилиб турарди.

«Бир кун даволанайин, кейин Жаббор қўрбошиға бориб қўшиламан»,-деди. Сўзлари албатта, ёлғон эди. Мен унга: «Яхши, кўриниб турибди, жуда рангинг ўчган, бир-икки кун даволан»,-дедим. Чунки ундан барибир фойда йўқ эди. Ўртоғимиз Рожий «қизил»лар билан 15 дақиқа давом этган урушни кўтаролмай қочиб қолди. Жаббор қўрбоши гуруҳига ҳам бормади. Қўрқоқлигидан кулуга ҳам қолди. Зарари йўқ, кейин ёнимизга келажак ёки келтирилажақ».²

Рожийнинг ўз сафларига қайтишини кутган ёки келмаса мажбурлаб олиб келиш ҳақида гапиришидан Валидий бу эсдаликларни шу ерда ёзган. Аммо эсдаликларнинг давомини Туркияда ёзганлиги, тўлдирганлиги куйидаги сўзларидан сезилиб турибди:

«Ўша Рожий аллақачон вафот этган бўлса керак. Тирик қолган бўлса ҳам бизнинг сафимизни тарк этганлиги учун большевиклар жазоламаслар»³.

Аммо совет ҳукумати 1937 йилда жамиятнинг гули бўлган зиёлиларни оммавий равишда қиришни бошлаганда, орадан 13 йил ўтса ҳам, Фаҳриддин Рожийнинг бир вақтлар Аҳмад Закий Валидий Тўғон каби «антисовет» билан бирга бўлганлигини «унутмади» ва уни қамокқа олади.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон уни Фаҳриддин Мирзо Рожий Самарқандий деб тилга олса, М.Мадғозиев уни Фаҳриддин Мирзо Назриддин Ҳодий ўғли Рожий деб тилга олади ва «Оина» журналида котиблик қилганини, унда бир қанча шеърларини «Рожий», «Ф.Рожий», «Фаҳриддин Рожий», «Ф.Р.» имзолари билан бостирганини, журналнинг 1913 йилги №3 сониде «Табиб ҳикояси» босилганини таъкидлайди⁴

МХХ (Миллий Хавфсизлик Хизмати) архив ҳужжатлари:

П-13856 Абусаидов Қози Ҳайдарбек ва бошқалар (10 киши) нинг жиноий иши.

¹ Axmet Zeki Velidi To'gan. Xetireler. «Kitap». —O'FO': 1996, -B. 422

² Ўша манба, -Б. 422.

³ Эхметзеки Валиди То'ган . Xetireler. O'FO': «Kitap». 1996, -Б. 422

⁴ Бу ҳақда қаранг: М.Мадғозиев. Рожий Марғилоний ва унинг поэтик маҳорати. филол. фан. номз. дисс. Самарқанд, 1973, -Б.13

Фахриддин Насриддинович Рожийнинг 1937 й 13 сентябр тергови баённомаси (144-146 бет).

Маълумотнома: 1878 йилда Самарқандда туғилган тожик. Уй манзили: мулла Қаландар 27 (Хўжа Ахрор мадрасасининг ёнида) касби ўқитувчи. Хотини Мастура-45 ёшда, қизи Музаффара-25 ёшда, ўғли Азиз-14 ёшда, қизи Мусаввара-11 ёшда, ўғли Садриддин-8 ёшда, ўғли Азмиддин-5 ёшда.

Сўроқ материалларидан:

- «Миллий иттиҳод»да қатнашмаганман.
- «Ойина»да ҳам қатнашмаганман.
- 1919-1921 йилларда Сайид Ризо Ализоданинг «Шўройи инқилоб» журналида қатнашганман.

Хуфийлар маълумотидан:

1925 йил 20 май куни Ҳасанчанинг боғида «Иттиҳотчи»лар йиғини бўлиб ўтди:

Қатнашдилар:

1. Қози Ҳайдарбек Абулсаидов 2. Камолитдин Ҳусаинов 3. Ҳожи Мўйин ибн Шукрилла
4. **Фахриддин Рожий** 5. Маҳдихон.

Кўрилган масала: вақф мулкидан кенгроқ фойдаланиш ҳақида¹.

Фахриддин Рожий ва унинг сафдошларини йўқ қилиш учун большевиклар ҳукумати шу тариха анча олдин замин тайёрлади.

Хуллас, буларнинг ҳаммаси қўшилиб, Фахриддин Рожийга «**халқ душмани**» сифатида айб қўйилади ва 1937 йил 12 сентябрда ҳибсга олиниб, 23 сентябрь куни НКВД ходими Комачиев томонидан тергов қилинади ва 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Фахриддин Рожий етим қолган болалари ва хотини номидан юқори органларга мурожаатлар, илтимослар йўллайди. Бироқ, бунинг фойдаси бўлмайди. (Ариза лотин алифбосида ўзбек тилида ёзилган). Бироқ, Рожийнинг аризаси жавобсиз қолади. Озодлик илинжида ёзилган қатор синонимли илиқ сўзларнинг ҳам, садоқатли хизмат ваъдасининг ҳам фойдаси бўлмайди. Рожий 1941 йил 24 январда Тошкентдаги қамокхоналарнинг бирида вафот этади.²

8. Бобо Рожий - Қўқонлик бўлиб, сипоҳ оиласида 1239 хижрий (1823) йилда туғилган. Исмои Мулла Бобобек домудла бўлиб, Юсуфбек бин Ҳотамбекнинг ўғлидир. Хўжанд даҳасида «Ғози ёғлиқ» маҳалласида яшаган. Қўқон мадарасаларида ўқиб, араб тилини пухта ўрганган. Бутун ҳаётини имомлик билан ўтказиб, шуҳрат қозонган. 91 ёшида

¹ Ушбу маълумотлар 2003 йил октябр ойида проф. Б.Қосимовнинг шахсий архив материалларидан олинган.

² Бу ҳақда қаранг: Баҳодир Карим. Янгиланиш соғинчи. –Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. Б. 76-78.

хижрий 1330 (1912) йилда Кал Дўшон қишлоғида вафот этган. Умрининг кўп қисмини Катта Афғон қишлоғидаги масжидда ўтказган. Бобо Рожий ўз таржимаи холи ҳақида тўхталиб, ўзбекнинг Юз уруғидан эканлигини, отаси Худоёрхон замонида Қўқонга келиб, шу ерда уйланиб қолиб сипоҳлик қилганлигини, оилада уч ўғил бўлиб, Рус ҳукумати даврида отаси ҳажга кетиб, Мадинаи Мунавварада яшаб қолганлигини ва ўша ерда вафот этганлигини айтади.

Бизгача ундан ягона тасаввуф ва ахлоқ руҳидаги «Тазкират ун-аном» номли асари етиб келган. Бу асар 1885 йилда ёзиб тугалланган. Мазкур асар унинг ўғли қўлида сақланиб қолган¹.

9. Рожий Намангоний - XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, Наманганда қозилик қилган. Бедилнинг «Раҳматаст» радифли ғазалига кўп шоирлар муҳаммас боғлаганлар. Аммо ҳеч бирининг муҳаммаси Рожий Намангоний муҳаммасига етолмаган. Ўз вақтида унинг шеърларининг таърифи Намангандан Бухорогача машҳур бўлган. Ўзбек тилида ижодидан намуналар етиб келмаганлиги учун ўша муҳаммаснинг охири бандини намуна учун келтирамиз:

Курсийи андиша Рожийи лаҳзаи дар жайби туст
Сад чаман бахшойиши у гулфуруш аз ғайби туст
Рўзу шаб то нур (и) зулмат раҳмати ло райби туст
Шом агар гул кард Бедил пардадори айби туст
Субҳ агар хандийд дар таждиди кори раҳматаст².

10. Сулаймонқул Рожий уста Суяркул ўғли - 1871 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Ундан 220 бетли туркий ва форсий қўлёзма ғазаллар қолган. XX аср вақтли матбуотида шеърлари босилиб турган. Жумладан, Бехбудийнинг «Ойина» журналида ҳам шеърлари босилган. Сулаймонқул дастлабки таълимни янги Чорсу маҳалласида яшовчи Аҳмадхон домладан олади, сўнгра Қўқондаги мадрасаи Мирда ўқишни давом эттиради.

Ўз даврининг истеъдодли, ўқимишли кишиси бўлиб етишган Рожий Қўқондаги мадрасаи Олий ва мадрасаи Жомеда адабиёт, ҳуснихат ва муаммодан дарс беради.

Рожий ижоди гуллаб турган бир пайтда 1924 йилнинг 11 ноябрида 54 ёшида вафот этган. Қўқонда чиқадиган «Фарғона» газетасининг 1924 йил 12 ноябр сонида Рожий вафоти муносабати билан билдириш берилади. Унда Рожий қуйидагича ёдга олинади: «Марҳум шоир, ҳуснихат, аруз ва муаммо фанларида Туркистонда нодир ва тансиқ кишиларимиздан эди. Таниш-билишлардан Рожий домла хусусида хотира ёзғувчилар бўлса, «Фарғона» идорасига топширишларини сўраймиз».

¹ Бу ҳақда қаранг: Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий -Т.: 1998, III жилд. –Б. 603

² Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. -Т.: 1998, I жилд. -Б. 199

Рожий асарларидан баъзиларини ўз ичига олган, Абдумажид котиб томонидан тузилган қўлёзма баёз Қўқондаги Ғафур Ғулом номли Адабиёт музейида сақланмоқда. Унда Рожийнинг масаллар тўпламидан иборат асари, устози шоир Мавлавий Йўлдошнинг вафотига таърих, Ҳаким халифа эшон Хўқандийга таърихлари бор. Шунингдек, музей фондида сақланаётган Мирзо Хўқандий архивида шогирднинг устози тўғрисида ёзганлари, унинг вафотига марсия-мусаддас, шоирнинг вафоти ва кўмиш маросимида оид маълумотлар, Рожийнинг қўқонлик шоир Калтатой шеърига мухаммаси, биринчи жаҳон уруши ва қўрбошилар ҳақидаги шеърлари ҳам мавжуд. Рожий ўзбек ва тожик халқининг севимли шоираси Дилшод меросини кидириб топиш, унинг библиографиясини яратиш устида анча меҳнат қилди. Натижада у Дилшоднинг анча уринган девонини топади ва ундаги шеърларнинг фақат ўндан бир қисмини тиклаб, кўчиришга эришади.

Рожий лирик турнинг ғазал, мухаммас, таърих, маснавий жанрларида ижод қилди. Муаммо тарзида манзум-таърихлар яратди. Рожийнинг Муқимий вафотига таърих ёзгани муҳимдир. Чунки шу вақтгача Муқимий вафотига ёзилган таърихлардан Мавлавий Йўлдошнинг шеъри маълум эди, холос.

Шоирнинг гуманистик ва дидактик қарашлари, даврнинг ижтимоий масалаларига муносабати унинг 880 мисрадан иборат шеъри, 400 дан ортиқ мақол ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олган «Зарбулмасал» асарида ўз ифодасини топган. Рожий хаттот сифатида А.Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Хамсат ул-мутаҳайирин» асарларини кўчирган¹.

11. Рожий Марғилоний - Хўжажон Низомиддин ўғли-(1834-1918) йилларда яшаб ижод этган. Муқимийга замондош шоир. Отаси камбағал шувоқчи косиб бўлиб, иш вақтида йиқилиб, оёғидан ажралади ва 50 ёшларида вафот этади. Хўжажон Рожий етимликнинг барча азобларини тотиб, қариндошларининг ёрдами билан Қўқон, Андижон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. То 34 ёшгача кўрмаган қийинчилиги қолмаган. У чўзиқ юзли, доимо кулиб турадиган, шавқ-завққа тўла, ўтар дунёнинг ҳою ҳавасларига кўнгил қўймаган киши бўлган. Шариат, тариқат, тиб, илми нужум соҳаларида ўз даврининг билимдони бўлган.

Фурқатнинг Марғилондаги илк устозларидан бири. Эҳтимол, Фурқатнинг Ёркентга бориб табиблик қилишида илк устози Хўжажон Рожийнинг таъсири бўлса ажабмас. Фурқат у ҳақида «Туркистон вилоятининг газети» нинг 1891 ва 1892 йиллардаги сонларида мақола ёзган. Жумладан, Фурқат Хўжажон Рожийга шундай баҳо беради: «Марғилон шахрининг қозийи калони домла Хожажон Хожа бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий ғазал машқида таъби кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир ғазалига қилган мухаммаси кўп

¹ Рахматова Дилбар. Муқимий издошлари. -Т.: Фан, 1978. -Б. 37-50.

мустаҳсин кўринди. Писандида автор ва ҳамида афъол киши экандур. Тарикат йўлига кирган, муҳаббатлик киши экандур»¹. Рус шарқшунос олими академик В.В.Бартольд Рожий Марғилонийдан жуда кўп тарихий воқеалар ва хотираларни ёзиб олганлигини ўз китобида қайд этган. Рожий Марғилонийдан бизгача жами 9558 мисра шеър етиб келган. У Ҳофиз, А.Навоий, Мирзо Бедил ва Нодира ғазалларига гўзал муҳаммаслар боғлаган. 40 йил қозилик қилиб, 1918 йилнинг 9 апрелида вафот этган. Жанозага келган одамлар Марғилон кўчаларига сиғмаган.

Туркий тасаввуф адабиётида маломатийлар сардори Ҳамдун Қуссор ҳисобланади. Ул зотнинг ўз нафсини маломат қилиб айтган сўзлари машҳур бўлган. «Аҳмад Яссавий, Ҳувайдо, Рожий Марғилоний, Ҳазиний каби шоирлар ижодида маломатийлар фалсафаси ўз аксини топган. Айниқса, Рожий Марғилонийнинг «Нечук жонман, паришонман, Сару по айбу нуқсонман» деб бошланувчи ғазали маломатиянинг яхши намунаси ҳисобланади»². Қуйида ҳофизлар қабристонгача айтиб борган ўша ғазалидан намуна келтирамиз:

Матлаъ:

Нечук жонман, паришонман,

Сару по айбу нуқсонман,

Ёмонман, йўлдан озғонман,

На инсонман, на ҳайвонман.

Мақтаъ:

Гуноҳим ҳаддидин ошги,

Қиёмат ваҳми ҳам бости.

Бўлуб ғуфронинга Рожий

Умидвор аҳли Раҳмонман³.

12. Авазбек Рожеҳ-Муниснинг биродарзодаси бўлган. Бу ҳақда профессор Ғ.Каримов «Халқ. Тарих. Адабиёт» китобида маълумот келтирган⁴. В.А.Абдуллаев ҳам «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида⁵ XIX асрда яшаган шоирларни санаганда, Хоразм адабий муҳитида Рожий ва Рожеҳ таҳаллусли икки шоир мавжудлигини қайд этган. Рожий сўзи Аллоҳга қайтувчи деган маънони ифодаласа, Рожеҳ сўзи ёниб қайтувчи, унга интилувчи деган маънони билдиради.

¹ Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Эътиқод сабоклари туркумидан. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. –Б. 100.

² Ўша манба. –Б. 251

³ Ўша манба –Б. 102-103.

⁴ Ғ.Каримов Халқ, тарих, адабиёт. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1977. –Б. 164

⁵ В. А.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. II китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1964. –Б. 348

13. Муҳаммад Қиличбек Рожий-Хоразм адабий мактабининг вакили. Огаҳийнинг «Риёзуд давла» асарида шоир ҳақида шундай сатрларни ўқиймиз:

«Фазойил маоби камоли интисоб (тегишли) Муҳаммад Қиличбекким, ҳамул замоннинг забардаст шуаросидин эрди, ул хавли биносига таворихин айтибдурур:

«Шоҳу олам паноҳу динпарвар,

Гирди барпо иморати чу эрам.

Соли тарих «ибн бино Рожеъ».

Ҳизру ҳаббат нашон намуд (қўриниш, манзара) рақам. Рожеъ (қайтувчи) мазкурнинг таҳаллусидур».

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Муҳаммад Қиличбек Рожий ва Муҳаммад Ёқуббек Нозим таҳаллуси билан ғазаллар битган кимсалар Огаҳийнинг амакиваччалари бўладилар¹.

14. Рожий Ҳиндий - академик В.А.Абдуллаев Самарқанд област газетасида босилган «Қадрдон Фурқат» номли мақоласида шоир Зокиржон Фурқатнинг ҳиндистонлик дўстлари орасида Рожий таҳаллусли шоир борлиги ҳақида маълумот беради².

15. Муҳаммад Амин Рожий Андижоний - унинг шеърлари мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Аммо «Ал-ислоҳ» журналининг 1915 йилги июн сонидида унинг «Саккизинчи номердаги имон ва ислом танқидина андижондин бирғина жавоб» сарлавҳали мақоласи босилган ва бундан маълум бўлишича, у ўз даврининг дин арбобларидан бўлган³.

16. Рожий Хоразмий - биз ўрганаётган адабий фигура бўлиб, у ҳақидаги маълумотлар ишимизнинг кейинги фаслида батафсил ёритилади. Гарчи, Рожий таҳаллуси билан жуда қисқа вақт оралиғида 16 нафар ижодкор яшаб ижод қилган бўлса-да, энг асосийси шуки, уларнинг ижоди ва номи бир-бири билан аралашиб кетмаган ва алоҳида ҳолда бизгача етиб келган.

1.2. Адабий муҳит ва Рожий Хоразмий

Рожий таҳаллусли шоирлар Навоийгача бўлган тазкираларда ва ундан кейинги уч аср мобайнида, яъни XVIII асргача бўлган арафада ўзбек адабиётида учрамайди. Аммо Озарбайжон ва форс адабиётида XVII аср охирида иккита Рожий таҳаллусли шоир яшаб

¹ Омонулла Муталов. «Риёзуд давла» адиблар хусусида. // Шарқ юлдузи. 2000, №1, -Б. 122.

² Бу ҳақда қаранг. М.Мадғозиев. «Рожий Марғилоний ва унинг поэтик маҳорати» филол. фан. номз. дисс. Самарқанд, 1973, -Б. 14.

³ Шу дисс. -Б.14

иждод этган. Шу тахаллус билан ҳозирча аниқланган-ўн олти нафар шоир иждод қилган, улардан ўн уч нафари ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари дид.

Рожий арабча сўз бўлиб, икки маънони ифодалайди:

1. Асл маъноси-қайтмоқ,
2. Мажозий маъноси-умид қилмоқ¹.

Қайтмоқ-Яратган ҳузурига қайтишни ифодаласа, умид қилмоқ ҳаёти давомида гуноҳ қилмай яшашга умидни ифодалайди.

Рижо-тасаввуфдаги 9 мақомдан бирининг номи. Сўфиёна тариқат босқичида солиқнинг рухий юксалиши учун тўққиз поғоналик мақомлар мажмуаси муайянлашган. Шулардан еттинчи зина рижодид. Бу зина умидворлик зинаси. «Ражо-тасаввуфдаги еттинчи зина. Умидворлик. Қалбнинг келажакда махбуб васлига етишидан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди. Дилнинг соғинчи, интиқликлари ҳам шунга киради»². Солиқ катта бир ишонч билан олдинга интилади. У умид қиладики, бошқа хавф-хатарларга йўлиқмайди, энди бало-қазолардан қўрқмайди, уларни қатъийлик билан бартараф этиб, ўз мақсадига эришади. У гуноҳ қилиш хавфидан қутулганига қатъий ишонади. Ишонч унга қувват ва жасорат бахш этади. Шу тариқа, Рожий сўзи ишонч, умид, бахт, қатъийлик, мақсадга эришувчи маъноларини ифодалаб, тасаввуфна рижо зинаси сифатида тоза сўфиёна оҳанг касб этган. Мазкур шоирлар тахаллусда қўллаган маъноси ҳам мажозий маънодаги умидворлик мазмунини ифодалайди.

Кўплаб истеъдодли сўз санъаткорлари камол топган маърифат маскани-Хива адабий муҳити XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб юксак даражага кўтарилди. Иждодий жараёндаги бу кўтаринкилик Мунис бошлаб берган кенг қамровли адабий жараённинг узвий давоми ва юксак чўққиси бўлди. «Мунис XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярми ўрталарида давом этган прогрессив адабий муҳитнинг етакчи шоирларидан эди. Шунинг учун ҳам у ўша даврда ва ундан кейин давом этган адабий муҳитга ва унинг вакиллари иждодида кучли таъсир кўрсатди. Бу таъсирни жумладан, Огаҳий, Комил, Рожий, Сўфи, Баёний ва бошқалар иждодида яққол кўрамаиз»³. Ўз муҳитида кўплаб шоирларни уюштирган Хива адабий муҳити кенг йўналишдаги иждодий жараёнга бошчилиқ қилди. Давр адабий ҳаётининг ранг-баранглиги, анъаналар ва янгиликлар уйғунлиги бу даврда иждод илган қалам соҳиблари фаолиятида ҳам акс этди. Огаҳий, Комил, Рожий, Табибий, Девоний, Ожиз, Мунший, Зийрак, Феруз, Аваз каби кўплаб иждодкорлар Мунисга издошлиқ қилдилар. Хива адабий муҳитининг бу даврдаги умумий қиёфасини академик

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. II жилд. -Т.: Фан, 1983. -Б. 626.

² Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. -Б.27.

³ Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. -Б. 67.

В.В.Бартольд шундай баҳолаган эди: «Чор истилосига қадар ва истило даврида ҳам сақланиб қолган икки хонлик ўртасида Хивада маданий юксалишга интилиш Бухородан ҳам кўра жонлироқ эди»¹. Хива адабий муҳитида бу даврда ғазал ҳали ҳам етакчи мавқега эга эди. Шу билан бир вақтда, мухаммасчилик юксак даражада ривож топди. Бу ерда кўлёмаларни китобат қилишда уларнинг жанр хусусиятларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. «Баёзи ғазалиёт», «Баёзи мухаммасот», «Баёзи мусаддасот» каби айрим жанрлардан иборат китоблар тузилди.

Бу давр жамият ҳаётида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар туфайли маданий-адабий ҳаётда ҳам кескин бурилишлар юз берди. Халқ ҳаёти, тақдирида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва тарихий ҳодисаларнинг барчаси давр адабиётида ўз мураккаблиги билан акс этди. Прогрессив шоирлар ижодида халқнинг оғир аҳволи, ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеалар, хон ва бекларнинг адолатсизликлари кенг кўламда тасвирланди. Адабиётда юксак инсоний ғояларни улуғлаш билан бирга, танқидий руҳ ҳам кучайди. Абдурауф Фитрат «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш» тадқиқотида қатор хулосалар берадики, бу хусусиятлар айнан XIX аср Хива адабий муҳитига кўпроқ мос келади:

«1. Бу даврнинг адабиётига XVII асрнинг иккинчи ярмиларидан бошлаб ўғузчанинг, айниқса, Фузулийнинг кучли таъсири бор. 2. Бу даврда тарихий асарларга айрича аҳамият берилган. 3. Шеърда Яссавий мактаби бу даврда саройгача кўтарилди»². Юқорида саналган хусусиятларга шуни қўшимча қилмоқчимизки, бу давр Хива адабий муҳитида тазкирачилик ва таржимонлик ҳам кучайди. Хива адабий муҳитида тазкирачиликнинг ўзбек адабиётида учрамаган, яъни фақат ғазал жанрига мансуб асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот берувчи «Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий» ҳамда фақат мухаммаслардан тузилган «Мухаммасоти мажмуат уш шуарои Ферузшоҳий» типига алоҳида жанрлардан тузилган тазкиралар яратилди³. Таржимачилик эса мисли кўрилмаган даражада ривожланди. «Хоразм адабиёти ўзбек адабиётининг таркибий қисми сифатида умумий хусусиятларни акс эттирса-да, аммо шу билан бирга, анча ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб ҳам туради. Шундай ўзига хос белгилардан бири-бу ерда таржимачиликнинг кучли ривожланганидир»⁴. Албатта, бу хусусиятлар биз ўрганаётган ижодкор Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ижодида ҳам давом этди. У Муҳаммад Аминхон, Сайид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг раҳнамолигидан

¹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II. Ч. I. –М.: Изд. Вост. лит. 1963. –С. 292.

² Қаранг: Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. –Т.: Маънавият, 2000. –Б. 61.

³ Қаранг: Матқаримова Саломат. Табибий-тазкиранавис. Филол. фан. номз... дисс. автореф. Тошкент, 2007. –Б. 9.

⁴ Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. –Б. 22.

илҳом олди ва бу адабий муҳитда шоир, таржимон, хаттот сифатида танилиб, ўз ўрнига эга ижодкор сифатида камол топди.

Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий XIX асрда Хоразм ҳукмдорларидан Оллоқулихон (1825-1843), Раҳимқулихон (1843-1845), Муҳаммад Аминхон (1845-1855), Саййид Муҳаммадхон (1856-1863) ва Муҳаммад Раҳимхон Соний (1863-1910) хонлик қилган даврда яшаган шоир бўлиб, мазкур шоҳлардан кейинги учтаси билан адабий алоқада бўлган эди.

«Сарой адабиёти деганимиз, бизга уқтиришганидек, жуда маҳдуд ва ғариб мулкка ўхшамайди. Бу адабиётни ягона миллий адабиёт бағридан суғуриб олиб ўрганиш ҳам қийин, чамаси. Тарихнинг барча давларидаги сарой адабиёти ва унинг намояндалари ижодини бир-икки мақола ё китобга сиғдириб ўргангулик эмас... Сарой муҳитига покиза ва холис ният билан сафар этайлик»¹. Н.Жумаҳўжа Феруз ижоди муносабати билан айтган бу фикрлар шу адабий муҳит вакили Рожий Хоразмийга ҳам тегишли.

Ижодкорнинг давр адабий муҳитидаги ўрнини белгилашда шоирларнинг бир-бирларига муҳаммас боғлашлари муҳим ўрин тутати, чунки тахмис боғлаш билан бир шоир иккинчи бир шоирнинг маҳоратини тан олади, салафлари ижодига боғлаган тахмислари билан унинг издошлик анъаналари ўрганилади. Рожий Хоразмийнинг 35 та муҳаммасидан тўрттаси «табъи худ», биттаси Ўз ғазалига ва 30 таси Навоий, Фузулий, Ҳусайний ва замондошларидан Огаҳий, Комил, Зийрак, Амирий, Ҳозик, Шариф каби шоирлар ғазалларига боғланган. Ўз навбатида, замондош шоирлар ҳам унинг кўплаб ғазалларига тахмис боғладилар. Огаҳий Рожийнинг «Кел, эй сарви равон, айлаб хиром оҳиста-оҳиста», «Лаъли ҳаёт афзосидур рухсори жонон устина», «Буки, санчибдур бошиға зеб учун дилдор гул», «Гулшанда зоҳир этсанг, эй гулўзор қомат», «Жонфизо лаълиға элтар ул пари рухсора қанд», «Айламишму ул суманбар қаддиға гулгун либос», «Соқий, етушти ийд ўлубон рўзадин фароғ» деб бошланадиган ғазалларига тахмис боғлаган. Улардан бири шундай якунланади:

Келибдур то адамдин Огаҳий бу олами дунға,
Бўлубдур мубтало дарду ғами беҳадди афзунға,
Тарахҳум айлабон илгинг сунуб сахбойи гулгунға,
Кетур, соқий паёпай жоми май Рожийи маҳзунға,
Ғами дафъин қилур шурби мудом оҳиста-оҳиста².

Комил Хоразмий шоирнинг «Ул санамким, кўзлариға шевадур жаллодлиғ», «Қуёш, қуёш, қуёшосо жамолин ул дилбар», «Эйки гулзори жаҳон ичра қилиб айши мудом» деб бошланадиган ғазалларига, Аҳмаджон Табибий «Хусраво, даҳр саботинг била маъмур ўлсун», «Букун ул дилрабо дилдорлиғ расмин аён айлаб» деб бошланадиган ғазалларига

¹ Жумаҳўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. –Т.: Фан, 1995. –Б. 7.

² Огаҳий. Асарлар. II жилд. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 202.

тахмис ва мусаддас боғлаган бўлса, Холис унинг 4 та, Мунший 3 та, Ожиз, Девоний 2 тадан, Аваз ва Роғиб биттадан ғазалларига тахмис боғлаганлар. Замондоши Мунший шоирнинг «Гулшанда зоҳир этсанг, гулғуздор қомат» деб бошланадиган ғазалига гўзал тахмис боғлаган:

Мунший киби иродат қил, Рожиё, истар эрсанг,
Сидқинг била итоат қил, Рожиё, истар эрсанг,
Кўнглинг била инобат қил, Рожиё, истар эрсанг,
Шаҳнинг дуосин одат қил, Рожиё, истар эрсанг,
Топмоқ ики жаҳонда давлат била саодат¹.

Хива адабий муҳитининг ўша даврдаги қиёфаси Рожийнинг қасидасида ҳам қисман акс этган:

Гулситонлар ичра фазли илм етиб мажмаъ тузуб,
Ҳар бири бир илм фаннида тақаллумрон эрур.
Шеър эли гулзор табъи доғи гулдек очилиб,
Шаҳ мадҳида ҳама ғарра қасоидхон эрур (81 а).

Илм аҳлининг жамулжам бўлиб, суҳбат қуришлари саройда ташкил этилган илмий муҳит фаолияти билан боғлиқ. Шеър аҳлининг гулдек очилиб туриши ҳам шу муҳит ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Гарчи, қасидада жанр талаби билан мадҳ устун бўлса ҳам, унда маълум маънода ҳақиқат ҳам ифодаланган эди.

«Устина» радифли ғазал Рожийда ҳам Огаҳийда ҳам мавжуд. Огаҳий Рожийнинг шу радифли ғазалига муҳаммас боғлаган.

Эҳсон сани қилғусидур мақбули табъи хосу ом,
Сандин они кўргач бўлур банданг жаҳон аҳли тамом,
Эмдики фаҳм эттинг мун, эй хисрави олий мақом,
Эҳсон эт, аммо қилмағил миннатдин элни талхком,
Бўлғойму базл оғу солиб берса киши нон устина.²

Хайр-эҳсон сени барчага - имтиёзли табақага ҳам, оммага ҳам мақбул қилади. Эй, олиймақом шоҳ, сен шуни яхши англагилки, сенинг бу ҳимматингни кўрган жаҳон аҳли лол қолади. Аммо бу ҳимматингни миннат қилсанг, гўёки берган нонингга захар қўшиб берган кабисан.

Қасд этса жаллоди ажал гар ҳар кишининг жониға,
Боқмас онинг юз хийлау минг рев ила достониға,
Гар исми аъзамни ўқуб кирса Али қалқониға,
Ҳойил бўла олмоқ эмас мумкин ажал пайкониға,
Довуд қилғон жавшанин кийса Сулаймон устина.

Ажалдан ҳеч ким қочиб қутулган эмас. Киши ҳар қанча хийла-найранг ишлатмасин, ундан қутулолмайди. Алининг қалқонини кийиб, дуолар ўқиса ҳам, Сулаймон кийган Довуднинг зирҳли совути ҳам ажал пайкониға тўсиқ бўлолмайди. Ўлим ҳақ.

Йўқтур сабот ушбу жаҳон идбору иқболиғақим,
Олданмағил оқил эсанг асбобу амволиғақим,

¹ Баёз №1132. –Б. 138^а.

² Огаҳий. Асарлар. II жилд. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 194.

Берма раоё хайлини, зулм аҳли чанголиғаким,
Эй шах, иноят бирла боқ, афтодалар ҳолиғаким,
Бўлмиш, оларнинг сан киби қўб кимса султон устина.

Бу жаҳоннинг бахти ҳам бахтсизлиги ҳам абадий эмас. Агар оқил бўлсанг, бу дунёнинг мол-дунёсига алданма. Эй шоҳ, халқни зулм аҳли-яъни, бир тўда амалдорлар чангалига ташлаб қўймагинки, ҳар бир амалдор ўзини халқнинг устидан ҳукмронлик қилувчи султонман деб ҳисоблайди. Бу бечора, афтодалар ҳолига марҳамат назари билан боқ.

Назм ичрадур кашф Огаҳий табъиға сирри ғайбким,
Йўқтур бу сўз таҳқиқида, албатта, шакку райбким,
Билгач они рашк илгидин юз чок айлаб жайбким,
Бўлса паришон хотири Рожийнинг эрмас айбким,
Жамъ ўлғуси ҳар дам онинг андуҳи даврон устина.

Мухаммасдаги «ғайбким», «райбким», «жайбким», «айбким» каби сўзлар бир-бирига шундай боғланганки, натижада худди мухаммасни бир шоир яратган каби таассурот пайдо бўлади. Назм ичра Огаҳийнинг талантига сабаб ғайб сирларини кашф қилганлигида десам, бу сўзга шак-шубҳа йўқдир. Буни билгач, рашкдан ёқасини чок-чок айлаб, Рожий паришонхотир бўлса айб эмас. Унинг устига ҳар дам ғаму аламлар ёпирилиб келади.

Огаҳийдек улкан сўз санъаткори шоирнинг 8 ғазалига мухаммас боғлаган экан, демак Рожийнинг ўз даврида қандай мавқега эга бўлганлиги ҳақида маълум бир хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Комил Хоразмий шоирнинг ўзига хос «Қуёш, қуёш, қуёшосо жамолин ул дилбар» деб бошланадиган ғазалига мухаммас боғлаган. Унинг охири банди қуйидагича:

Ёниб, ёниб, ёнибон Комил ушбу сўзлардин,
Кўзунг, кўзунг, кўзунгни юм бу маст кўзлардин,
Тамаъ, тамаъ, тамаъ уз ул лола ранг юзлардин,
Уёл, уёл, уёл, эй Рожий ушбу сўзлардин,
Магар, магар, магар этмишсан ўзга ёва ҳунар.¹

Феруз бир ғазалида XII асрдан –Анварю Хоқонийлар давридан бошлаб ўз замонасидаги шоирларнинг номини санаб, Рожийнинг ҳам номини тилга олади:

Огаҳию Комилу Феруз, Холис, Чокарий,
Рожию Мирзою Акмал, Мунису Хокий, Ғулом.²
Шу даврда яшаб ижод қилган шоир Илёс Мулла Муҳаммад Сўфи ҳам бир ғазалида Рожий номини зикр этади:

Нуктаи лаълингдин ўлмишлар таваҳҳум кунжида
Огаҳию Комилу Рожий, Баёний мустадом.³

Рожий Хоразмий ўз даврининг истеъдодли шоири сифатида учта тазкирадан ўрин олган. Биринчиси Лаффасийнинг «Хива шоирлари», иккинчиси шу муаллифнинг «Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкираси бўлса, учинчиси Пўлатжон

¹ Комил. Девон. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1975. –Б. 224.

² Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1994. –Б.71.

³ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1967. – Б. 52.

Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» сидир. «Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида 51 нафар шоир ҳақида маълумот берилган бўлиб, Рожий тўртинчи ўринда келади ва Лаффасий унга шундай баҳо беради:

Рожийким, махсумзода эрур,
Анинг таъби шеъри озода эрур.
Хирад ичра топиб иззат-эътибор,
Китобатлиғ билан доим барқарор.
Қилиб анча китобат таржима,
Мусамман қилиб фикрига ҳама.

Рожийким Муҳаммад Юсуф махсум қози Хўжамберди ўғлидур. Ул ёшлик замонида Хева мадрасаларида илм таҳсил ҳосил қилиб, ўзининг ғайрати орқаси анчоқли маълумотли бўлиб, йигитлик ғурурига вобаста ва ширин мисол гулчехра маҳбубаларнинг мушқин зулфлариға кўнгил қушин пайваста қилиб, ўзиға Рожий тахаллус билан анча шеърлар машқин этиб, бир хили адабиётлар ёзади. Рожийнинг шеърлари зоҳиран ошиқона бўлса-да, асли маъний жиҳатдан бир дарёи уммон бўлиб, илм ғаввослари бир нуктасидин юзларча маъний ҳосил қилур эрдилар. Рожийнинг кўпчилик шеърлари ҳамди олло таолоу наът расул олло бўлуб, аксари Хива уламо вузароларини танқид этиб, оларни ҳажвлар этур»¹. Ижод аҳли ҳеч бир замонда роҳат-фароғатда яшамаган. Жумладан, Муҳаммад Юсуф Рожий ҳам бундан мустасно эмас. Тазкирада бу ҳолат қуйидагича акс этган: «Аммо Рожий Муҳаммад Аминхон замонида илм таҳсилни хатми кутуб қилғондин кейин Муҳаммад Аминхон фармойиши билан «Тарих равзат ус-сафо»ни форсий тилдан чиқариб, туркий тили билан либоси мулкона кийгузуб андоғ зийнатлик қилиб олам аҳлиға хуршиди рахшондек жилвагар этадур. Аммо Рожий Муҳаммад Аминхон замонидин кейин Саид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон Феруз замонларида форсий лисонлиғ ва арабий луғат китобларни ўзбек она тилиға ўтказуб олардин ҳеч бир вақт фориг осуда хотир бўлғон эрмас. Тамоми умрин хаттотлиғ билан машғуллиқ қилиб ўтказган. Шул сабабдин Рожий тамом вақт фалак золими жафокорнинг зулм ситамидин додланиб ҳамиша дилгирлик билан паришон рўзгор бўлиб, умр кечирганлиги Рожийнинг адабиётларидан ҳам маълум бўладур. Рожий шундоғ хушхат, хушнависат бўладирки, онинг замонидаги ёзувчилари мусаллам ангуштларидин ҳайрат дандонлари бирлан тишлаб, Рожийға хат хусусида шогирд бўлмоғлиғни ўзлариға файз биладурлар. Рожий охирги умрида Хива хонлиғи амири вузароларидин анча додланиб, юз минг ҳасрат ва надоматлар билан золим фалакдин шиквалар қилиб ушбу бевафо дунёдин воз кечиб, охират сафариға рахти эҳром боғлаб, беҳишг жовудониға бориб ором қилодур»².

¹ Лаффасий. Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари. -Б. 13. Пед.фан.док. У. Долимовнинг шахсий архив материалларидан.

² Ўша манба. -Б. 14-16.

Лаффасий ўзи ҳам ижодкор бўлиб, якунида Рожий шаънига қуйидаги мисраларни битади:

Рожийким, устои хаттотдур,
Кўрибон фалақдин анча зулм Фарҳоддур.
Анинг ашъоридур ширин мақол,
Ки йўқтур монанди ажаб бемисол.
Ки Рожийнинг асаридин бир ғазал,
Анинг ёзғум варақ узра бебадал

деб, унинг иккита ғазалини намуна сифатида келтиради. «Тазкираи Қайюмий» да тазкира муаллифи Рожийнинг хоразмлик бўлуб, қозининг ўғли бўлганлигини, шунинг учун унга ҳурмат юзасидан маҳдум сифати қўшиб айтилишини, отадан эрта етим қолиб, моддий муҳтожликда мадрасада ўқиганлигини айтиб, девони ҳажман кичик бўлса-да, аммо шеърларида амалдорларни танқид этадиган ўринлар борлигини ёзади. Шу билан бирга, тазкира муаллифи Рожий ҳаётидаги муҳим бир фактни ўқувчиларга тақдим этади:

«Бу кишининг таржимаи ҳолидан шунки қолдириб ўтиб бўлмайдикки, ўз фазлига ярашган¹ бир қилиғи шул бўлдики, шоир Комил Хоразмийнинг шаънига йўқ бўхтонларни тақиб, Ферузнинг фармони ила бир ҳажв тўкиди. Ферузга мақбул бўлиш учун бор ижтиҳоди ила шериги ва замондоши бўлмиш Комилни ёмон сўкиб ҳажв этди. Феруз эса бутун аъёни издиҳом Комилни ҳозир қилиб, ҳамманинг олдида Рожийнинг ўзига ўқитди. Шул виждонсизликни тарихда Муҳаммад Юсуф Рожий қабул этгани кечирарлиқ ҳол эмастур»², -деб шоир устидан кескин ҳукм чиқаради. Лаффасий тўхташни истамаган, китобхонга Рожий шахсияти ҳақида айтишни лозим кўрмаган ҳодисага Пўлатжон Қайюмий алоҳида аҳамият беради. Бу ҳам тазкира тузувчининг ижобий фазилатларидан биридир. Чунки ижодкорга у қандай бўлса, шундайлигича, рўй-рост баҳо бериш адабиётшуносликнинг энг асосий ва бирламчи талабларидан биридир.

Огаҳий, Комил, Рожий... улар жуда яқин дўст, ҳамкор, ҳамфикр, ўзлари айтмоқчи «анис»-ҳамдам, ҳамдард эдилар. Рожийда шундай мисралар бор:

Сўз камолидин Рожий огоҳ эрса тонг йўқким,
Бор анису дамсози Огаҳий била Комил³ (36 б).
Комил ҳам ўз навбатида шунга ҳамоҳанг мисраларни битади:

Комил, нетонг, гар огаҳ эса сўз камолидин,
Доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур⁴.

Ёки:

Буки Комил сўзини Рожий этар истехсон,
Онда не навъким асрор эди билмиш билдим¹.

¹ мазмунан «ярашмаган» бўлиши керак.

² Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий, II дафтар, -Тошкент: Нашриётсиз, 1998. -Б. 412.

³ Рожий. Девон. №1271 инвентар рақам билан ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади. Биз ишимизда бошқа нусхаларига нисбатан мукаммалроқ бўлган шу нусхадан фойдаландик. Бундан кейин кавс ичида фақат бетлари кўрсатилади.

⁴ Комил. Девон. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. -Б.127.

Ўзининг аҳволи ёмонлигидан зорланган шоир Комил сўзини Рожийгина яхши қабул қилади, унинг ҳам қандай сири бўлса, мен биламан деб ёзган эди. Бу икки дўст қандай қилиб, душманга айландилар? Бунинг ўзига яраша субъектив сабаблари бор.

Уларнинг бу яқинликлари, ўзаро дўстиклари ижодий жараёнда ҳам ўз аксини топди. Феруз форс адабиётидан бир асар таржимасини Комилга топширади. Аммо нима бўлади-ю, Комил бу асарни белгиланган муддатда битира олмайди. Шунда Муҳаммад Юсуф Рожий Комилга ёрдам бериб, асар таржимасини якунлайдилар. Аммо бир англашилмовчилик юз беради-ю, таржима Рожий номига ўтиб кетади. Комил меросини тадқиқ қилган М.Юнусов бу ҳодисани шундай изоҳлайди: «Комил таржима жараёнида баъзи масалалар ҳақида Рожий билан маслаҳатлашади. Асар тайёр бўлгач, хонга тақдим этади. Бироқ Рожий «Асарни Комил эмас, мен таржима қилдим»-деган даъвони кўтариб чиқади. Хон эса, суришгирмай, нетмай, қилинган хизматнинг мукофоти сифатида Рожийга бир хужра бериб, кўп илтифотлар кўрсатди»² дейди-ю, негадир бу маълумотни қайси манбадан олганлигини кўрсатмайди. Ҳарҳолда, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Бу воқеа ҳақида Комил шундай мисраларни битади:

Турки они Рожий қилмамиш эрди,
Лекин андак анга кўмак берди.
Чу бир устод этар бир ишни бунёд
Берур анга кўмак, неча устод³
деб Рожийни нафақат дўст, балки ўзига устоз ҳам деб билади.

Икковлари ўртасида шундай совуқчилик тушиб турган бир маҳалда Матмурод девонбегининг фитнаси ҳам юз бердики, ўртадаги ришталар бутунлай узилди. Маълумки, Комил 1865 йилда мирзабошилик лавозимига ўтириб, хоннинг олдида мавқеи тобора ошиб борарди. Унинг доно маслаҳатлари ва санъатни нозик ҳис қиладиган қалби Ферузни мафгун этган эди. Кейинчалик, у Матмурод девонбегининг ўрнида девонбегилик ҳам қилади. Матмурод девонбегининг мавқеи ҳақида академик В.В. Бартольд шундай деган эди: «Хивада ўша пайтда Матмурод девонбегининг европа услубидаги мебеллар билан жиҳозланган, европача қулайликларга эга бўлган бундай ойнаванд уй ҳали хонлик пойтахтида йўқ эди»⁴. Шарқшунос олим Ф.И. Лобасевич ҳам Матмурод шахсиятига тўхталиб шундай баҳо беради: «Хоннинг атрофидаги кишилар орасида биринчи ўринни девонбеги Матмурод эгаллар эди. Ғоят ғайратли, айёр, аммо таъмагир ва шафқатсиз бўлган бу киши, аслида, хонликни ўзи идора қилар эди. Халқ уни ёмон кўрар, ундан нафратланар, лекин шу билан бирга, ундан кўрқар эди. Матмурод золим, интиқом олувчи

¹ Комил. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. –Б.127.

² Юнусов М. Комил Хоразмий. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1960. –Б. 52.

³ Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 104.

⁴ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинение. Т. II. Ч. I. –М.: Изд. Вост. лит. 1963. –С. 413.

ва ёвуз киши эди. У халқдан, хонлик ва уруш учун деб, ўз фойдасига оғир солиқлар ва жарималар олиб турган»¹. Матмурод девонбеги Комилни обрўсизлантириш мақсадида хонга ўз таъсирини ўтказди. Хон Рожийга Комилни ҳажв қилиб мажбурий шеър ёздирди ва уни катта издиҳомда Рожийнинг ўзига ўқиттиради. Бу воқеага Комил ўз муносабатини шундай ифодалайди:

Шаҳдин, Рожий сўзидин огаҳ ўлғонлар дегай,
Зам қилоли яна уч мисра бу абёт устина.

Комил устига қилур ғамлар ҳужум ул навъким,
Лашкари Саййид Мухаммадшоҳ Қўнғирот устина².

Бу воқеани эшитган кишилар ўша шеър устига яна уч мисра қўшсак соз бўларди деб киноя қиладилар. Устига ғамлар бостириб келишини Комил худди Саид Мухаммадхоннинг Қўнғирот устига қилган юришига ўхшатади. Лекин ўртага тушган мана шу совуқчилик ҳақида Рожий бирон ўринда бир нарса демаган. Эҳтимол, уни Матмурод девонбеги оғиз очмасликка мажбур қилган бўлса ажаб эмас, деган фикрни ўртага ташлайди Айёмий³. Гарчи, бу масалага ўз муносабатини очиқ баён этмаса-да, қуйидаги ғазалдаги тагдор, киноядор сўзлар шу муносабат билан ёзилганлигини эҳтимол қилиб, унинг «Мухолиф» радифли ғазалини кўрсатади:

Даврон ситаму, чарх жафо элга қиладур зулм,
Мен бедилига бўлгали дилдор мухолиф.

Ул ёр манга бўлса мувофиқ, не ғамим бор,
Юз кин ила гар бўлсалар ағёр мухолиф.

Бир ёри мувофиқ, санга Ҳақ айласа рўзи
Бўлма анга ҳар ҳол ила зинҳор мухолиф (33 а).

«Нима учун бу мисраларда айтилаётган сўзларни Комилга нисбат бериш ёки ўз дўсти, ёри Комил ҳақида дейиш мумкин эмас. Ҳар ҳолда сир-сирлигича қолиб кетди. Аммо гап таржиманинг кимга нисбат беришдангина эмас, балки Рожий билан Комил ўртасидаги дўстлик ва ғоявий ҳамкорликка қатъиян барҳам бериш учун сарой реакцион доираларининг демократик кайфиятдаги оқимга қарши қаратилган сиёсий фитнаси ҳақида боради. Ҳолбуки, Комил ва Рожийлар ўз дунёқарашлари билан бир-бирига самимий дўст, ҳамкор бўлганлар. Бас, шундай экан, Комил ва Рожий ўртасида юқоридагидек шахсий шуҳрат учун низо чиқиши мумкин эмас эди»⁴. Бу воқеа туфайли Рожий ҳам обрў-эътиборидан, ҳам дўстидан айрилди ва шундан сўнг бизнингча, саройни тарк этган. Унинг

¹ Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1987. –Б. 171.

² Комил. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. –Б. 151.

³ Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 104.

⁴ Шу манба. –Б. 104.

«ҳасби ҳол» руҳидаги бир ғазалида ифодаланган мана бу армон тўла соғинч билан ўтган кунларни эслаган дардли сатрлари Комилга бағишланган бўлса ажаб эмас:

Не хуш айём эди ул кунларким,
Олар ила тузубон сози вифок.

Юрур эрдук қилибон айши нишот,
Орада йўқ эди осори нифок.

Яна ул дўстларим оразидин,
Кўзларимни ёруғ этгай Халлок.

Тузди аҳбоб «Ҳижоз» оҳангин,
Эй муғанний, манга йўқ ҳожати «Ирок»

Рожийи зор ҳазиндур, сокий,
Бошинг учун аяма ондин аёқ (34 а).

Қуйидаги «ҳасби ҳол» руҳида яратилган ғазал мазмуни ҳам юқоридаги ғазалга ҳамоҳанг бўлиб, шоир ҳаётидаги айрим саҳифаларни очишга хизмат қилади. Биз бу ғазални тўлиқ келтирамиз:

Эй муғанний, қилдилар, аҳбоб оҳанги «Ҳижоз»,
Эмди сан ҳам бир нафас қилғил «Ҳижоз» оҳанги соз.

Бўлмади рўзи манга ул хайл ила ҳамроҳлиғ,
Боғлабон бахт ила иқболим йўлин хирс айла оз.

**Ваҳ не хуш кун эрдиким, аҳбоб ила ҳамдам бўлуб,
Ҳар нафас юз айши роҳат бор эрдим сарфароз.**

**Ҳар кудурат етса кўнглумға замон осебидин,
Рафъ ўлуб қилмоқ била бир-бирга ҳардам кашфи роз.**

Ёна кўз очмоқ олар дийдориға бўлғай насиб,
Айлабон лутфи иноят кирдикори корсоз.

Рожийи бекасға ҳардам ёрлиғ оҳанги соз,
Эй муғанний, қилдилар, аҳбоб оҳанги «Ҳижоз» (21 б.)

Матмурод девонбегининг фитнаси шу билан ҳам тугамайди. У Сибирь сургунидан қайтиб келгандан сўнг, Иброҳим Султон исмли шоирни ҳам мажбурлаб, Комилга бағишланган ҳақоратомуз шеър ёздиради ва уни саройда ўқиттириб, девонбегилик мартабасини қайтариб олади.

XIX аср Хоразм адабий муҳити ўзбек адабиёти тарихида ўзининг илмий, ижтимоий, адабий ва тарихий салоҳиятига эга бўлиб, шоирлар миқдори, адабий меросининг салмоғи ва аҳамияти билан шу даврдаги Бухоро ва Қўқон адабий муҳити орасида алоҳида ўринга эга.

Айёмий сарой адабиётидаги пайравчилик ҳақида фикр юритиб, у оригинал ва мустақил ижод қилишга тўсқинлик қилишини, сабаби, унинг тематикаси тор ва чекланганлигини қайд этиб ёзади: «Огаҳий бошчилик қилган прогрессив оқим вакиллари Комил, Рожий, Баёний, Авазлар гарчи сарой доирасида турсалар-да, сарой шоирлари ижодидан тубдан фарқ қиладиган ижодий маҳсулга эга эдилар»¹.

Хаттот, таржимон, шоир Муҳаммад Юсуф Рожий ижоди ўз даврида кадр-этибор топди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Огаҳий, Комил, Табибий, Ожиз, Холис, Девоний, Мунший, Роғиб, Аваз каби шоирлар унинг кўплаб ғазалларига мухаммас боғлаш билан истеъдодли шоирлигини тан олдилар. Давр адабий муҳитида унинг ўз ўрни, овози ва мавқеи бор эдики, Хива хонлари ва замондош ижодкорлар унинг шахси ва ижодига бефарқ бўлолмадилар.

1.3. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ҳаёти ва адабий мероси

Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг туғилган йили ҳақида адабиётшунослар икки хил фикр билдирганлар. Адабиётшунос В.Мўминованинг тахминига кўра, Рожий Хоразмий 1825 йилда туғилиб, 1900 йилда вафот этган ва у Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Комил ва Аваз Ўтар қаторидаги шоирдир².

Айёмий (Ю.Юсупов) «Хоразм шоирлари» монографиясида Рожийнинг 1880 йилда кўчирилган ва Хива тарих музейида сақланаётган девонидаги:

Рожий, ўтди йигитликда йигит деб умринг,

Қирқдин ошти ёшинг, эмди не даркор йигит³.

деб якунланадиган «Йигит» радибли ғазалнинг мактаъсидаги «қирқдин ошти ёшинг» жумласига эътиборини қаратиб, демак девон 1880 йилда тузилиб, шу пайтда шоирнинг ёши 40 дан ошган бўлса, у XIX асрнинг 30-йиллари охирида туғилган деб хулоса чиқаради.

Бу фикрга аниқлик киритишимизга тўғри келади. Чунки шоир девонининг барча кўлёзма нусхалари ҳаётлигида эмас, вафотидан сўнг кўчирилган ва тошбосма нусхалари Феруз Хивада литография очгандан сўнг нашр қилинган. Шунини алоҳида таъкидламоқчимизки, гарчи Комил билан Рожий ўртасида айрим келишмовчиликлар бўлиб ўтган бўлса ҳам, Комил Рожийнинг девонини шахсан ўзи нашр қилдирган⁴. Иккинчидан, Комил Хоразмий:

Комил, нетонг, гар огаҳ эса сўз камолидин,

Доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур⁵ -

¹ Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 86.

² Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. –Т.: Фан, 1979. –Б. 81.

³ Рожий. Девон. Хива нусхаси. Инвентар рақамсиз. - Б. 14.

⁴ Қаранг: Маҳмудова Раъно. Тошбосма асарлар ва уларнинг ўзбек адабиёти тарихидаги аҳамияти. (XIX аср охири-XX аср бошлари). Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 1970. –Б. 83.

⁵ Комил. Девон. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1975. –Б.30

дейишига қараганда, улар жуда яқин дўст, тенгдош бўлишлари керак. Рожий ўз даврининг истейдодли хаттоти сифатида танилгани маълум. У Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» асарини 1849 йилда китобат қилган ва у №7346 инвентар рақам билан Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ қўлёзмалар фондида сақланади. Бу факт ҳам унинг туғилган санасига бир қадар аниқлик киритишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Рожий «Равзат ус-сафо» нинг IV ва V жилдларини Муҳаммад Амин Хоразмшоҳнинг буйруғи билан таржима қилганлигини асарнинг V жилдига ёзган дебочасида айтиб ўтади¹. Муҳаммад Аминхон 1846-1855 йилларда ҳукмронлик қилган. Агар Айёмий домланинг фикрларига қўшиладиган бўлсак, хон тахтга ўтирганда, бўлажак шоир 7-8, ҳукмронлигининг охириги йилларида эса 15-16 ёшли ўсмир бўлган ва шу ёшда «Равзат ус-сафо» дек улкан асар таржимасига қўл урган бўлади. Бу мантиқан мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз юқоридаги далилларга суяниб, шоирни 1825-1830 йиллар оралиғида туғилган деб ҳисоблаймиз.

Айёмий Рожийнинг вафот этган йилини номаълум деса,² адабиётшунос В.Мўминова 1900 йилда вафот этган деб ҳисоблайди³. Бу икки адабиётшунос олимларимизнинг шоирни XIX аср 30-йиллари охирида туғилиб, 1900 йилда вафот этган деган фикрлари кўпгина адабиётларда қайд этилган. Лекин Лаффасий ўзининг «Хива шоирлари» тазкирасида «Рожийким, Муҳаммад Юсуф махдум кози Хўжамберди ўғли бўлиб, ул Хевада Муҳаммад Аминхон замонида онинг мажбурий фармойиши илан бир неча форсий ва арабий китобларни таржима этиб, онинг вузароларидан ҳам зулм кўруб, Хева хонлиғидин додлангон ҳолида тарих ҳижрий бир минг икки юз дағи саксон олтиланчи йили ҳасрат билан дунёдан ўтадур»⁴ деб ёзган маълумотларини инобатга оладиган бўлсак, у 1870 йилда вафот этган. Лаффасийнинг маълумоти асосли. Зеро Лаффасий - тазкиранавис олим. Ўз тазкирасида у аниқ маълумотларга суянган ҳолда, шоирнинг вафоти санасини тўғри белгилаган. Рожийнинг «Илтижономаи Рожий» номли муножоти бор. Аввало, муножот руҳидаги асарлар, асосан, умр сўнгида ўтган умр сарҳисоб қилиниб, қилган гуноҳлари, умрни беҳуда ўтказгани учун Яратгандан афв сўраш руҳида яратилади. Шу билан биргаликда асардаги:

Ман ғариб, эй Ибн Ҳожиб, дардима топмадим даво,
Келмишам дарғаҳинга истаб мадад ҳайрон манам⁵
сатрларидан шоирнинг оғир, тузалмас дардга чалинганлиги аён бўлади. Асардаги 1869 йил санаси ҳам шоирнинг вафоти ҳақидаги Лаффасийнинг фикрини тасдиқлайди. Бундан

¹ Қаранг: Равзат ус-сафо. V жилд. № 7416. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар ҳазинасида сақланади. 2 а бет.

² Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 80.

³ Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. –Т.: Фан, 1979. –Б.81.

⁴ Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий. Хева шоирлари. Инвентар № 213. 1948. –Б. 17-18.

⁵ Илтижономаи Рожий. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар ҳазинаси. Инвентар № 6895. –Б. 20⁶.

ташқари, агар у 1900 йилгача яшаганда, албатта унинг ижодида рус босқинчилиги туфайли Хивадаги давр талотўплари акс этиши керак эди, чунки Рожийдек пешқадам шоир бундай воқеаларга, албатта, ўз муносабатини билдириши лозим эди. Юқоридаги далилларга суяниб, биз шоирни 1825-1870 йилларда яшаб ижод қилган деган фикрга келдик.

Унинг исми Муҳаммад Юсуф, отасининг исми Хўжамберди, Рожий адабий таҳаллуси, маҳдум ал-қози эса отаси қози бўлганлиги учун ҳурмат юзасидан қўшиб айтилган сифат, таҳаллусига қўшиб айтиладиган Хоразмий эса унинг нисбасидир. Муҳаммад Юсуф дастлабки саводини оиласида чиқаради. Кейин Хивадаги мактаблардан бирида таълимни давом эттирди. Отаси Хўжамберди охунд Хива шаҳрида қози бўлиб, ўз замонасининг пешқадам, фозил кишиларидан эди. Рожийга маърифатпарвар отасининг таъсири катта бўлган. Бироқ у ўсмирлик даврида отаси оламдан ўтади ва Муҳаммад Юсуф жуда кийинчилик билан мадрасада таҳсил олади. У мадрасада араб, форс тилларини мукаммал ўрганганлиги шубҳасиз, бунга унинг араб ва форс тилларидан таржималари гувоҳлик беради. У тез орада зукко шоир ва ҳуснихатда алоҳида қобилияти билан ном чиқарди ва Муҳаммад Аминхоннинг назарига тушди. Унинг буйруғи билан «Равзат ус-сафо» асарининг IV ва V жилдларини таржима қилди. Унинг саройдаги ижодий фаолияти айниқса, Саййид Муҳаммадхон даврида юқори чўққига кўтарилди. Бунга унинг шу шоҳга бағишлаб ёзган қасидалари гувоҳлик беради:

Мен ким эрдим хусрави соҳибқирон маддоҳидин,
Назму наср ичра каломим шуҳраи даврон эрур (81 а).

Шоир, хаттот, таржимон Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий қисқа, 45 йил умр кўрган бўлса-да, ўзидан салмоқли мерос қолдирдики, бу билан бугунги мустақиллик шарофати туфайли унинг асарлари ва номи иккинчи умрини бошлаётир.

Рожий ижоди кўп асрлик анъаналарга бой Шарқ шеърини негизида шаклланди. Бу баҳрамандлик унинг ижодини ташкил этган жанрларда ўз ифодасини топди. Ўзбек адабиёти IV жилддигига илова сифатида нашр этилган V жилдида Рожийнинг учта девони бор деб қайд этилган¹. Бу маълумотларга асосланиб, адабиётшунос М.Мадғозиев ҳам «Рожий Марғилоний ва унинг поэтик маҳорати» номли тадқиқотида шу маълумотни такрорлайди. Айни шу маълумот собиқ иттифок даврида нашр этилган энциклопедияда ҳам ўз ифодасини топган². Аслида Рожийнинг девони учта эмас, битта бўлиб, қолганлари турли йилларда кўчирилган ва нашр бўлган нусхаларидир. Рожий девони нусхалари орасида №1271 инвентар рақами билан ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида сақланаётган нусхасини энг мукаммал деб топдик ва уни ишимизга асос қилиб олдик ҳамда Хивадаги

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. Тўрт жилдликка илова. V жилд. II китоб. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. –Б. 93-112.

² Ўзбек совет энциклопедияси. 9-том. –Т.: 1977. –Б. 308-309.

Ичонқалъа кўриқхонасида сақланаётган инвентар рақамсиз девон (биз уни шартли равишда Хива нусхаси деб атадик) билан солиштириш натижасида айрим тафовутларни аниқладик. Масалан: «Эшигинда» радифли ғазал №1271 рақамли девонда 6 байт, №922// инвентар рақамли ЎзФАШИ фонди ва Хива нусхасида бу ғазал 7 байтдан иборат. Ўша ортиқча байт қуйидагича:

Даҳр эли шаҳлиғидин ортуқ эрур юз йўли биллаҳ,
Ит бўла олсам ўшул шўхи ситамкор эшигинда.

Бу ва шунга ўхшаш фарқлар ҳамда девонга кирмаган, турли баёзлардан олинган ғазаллари ва мухаммасларидан ўрни билан ишда фойдаланамиз ва Рожий асарлари нашрида ҳам бу нарсалар ўз ифодасини топган.

Рожийнинг бутун ижодий мероси ҳозирча аниқлаганимиз 3500 мисра бўлиб, ғазал, мухаммас, мустазод, мураббаъ, мусаддас, қасида, ҳикмат ва муножотдан иборат, унинг асосини ғазаллар ташкил этади. Шоир девонининг барча нусхаларида ғазаллари сони 120 та деб кўрсатилган. Аммо биз Аваз девонидаги Рожий ғазалига боғланган мухаммасни ўрганганимизда бу ғазал шоир девонида мавжуд эмаслиги аён бўлди. Биз мухаммасдан Рожийга тегишли мисраларни ажратиб олдик. Ўша ғазал қуйидагича:

Алифдек рост қаддинг ҳасрати қаддимни ё қилмиш,
Хаёли оташин лаълингда ўт жонимда ёқилмиш.

Халос ўлғай нечук жону кўнгул ул турк шастидин,
Алар қасдимға қошу киприкидин ўку ё қилмиш.

Эмас нақшу нигор ул қотили хунхорни илкида,
Хино ранги била хуни шаҳиди ишқи ё қилмиш.

Бировким поймоли аҳли олам қилғоли онинг,
Жабинин хомаи тақдир нақши бўрё қилмиш.

Вале Рожий бўлуб шокир ғами беҳадду сониға,
Демак асрў хатодур қилмамиш ул ишни ё қилмиш¹.

Авазнинг Рожий ғазалига мухаммас боғлаши бежиз эмас. У Рожийни ўзига устоз деб билган, унинг ижодидан таъсирланган. «Аваз ва унинг адабий муҳити» монографиясида бу ҳақда шундай маълумот бор: «Прогрессив шоир Муҳаммад Юсуф Рожий Авазга Комил Хоразмий, Огаҳий каби улуғ сўз соҳибларининг илғор ғоялари билан қуролланишига йўл-йўриқлар кўрсатган. Буни Аваз кейинчалик ғазалларидан бирида айтиб ўтган эди»².

Рожий ижодида ғазалдан кейин кенг кўламдор ўринни мухаммаслар эгаллайди. Рожийнинг барча девон нусхаларида унинг мухаммаслари сони 28 та деб белгиланган. Аммо ЎзРФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган №1918, №7050 ва №7006 инвентар рақамли баёзлардан Рожийнинг девонига кирмай қолган 6 та мухаммасни аниқладик.

¹ Аваз. Девон. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. -Б. 324.

² Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. -Т.: Фан, 1987. -Б. 106.

Улардан 3 таси Навоий ғазалига, 2 таси Огаҳий ғазалига ва биттаси Фузулий ғазалига боғланган. Шундай қилиб, унинг жами мухаммаслари сони 34 тани ташкил қилади. Шу билан бирга, унинг девонига кирмаган ва ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида №6895 инвентар рақам билан сақланаётган «Илтижономаи Рожий» асари шоирнинг ижодий мероси ҳақида тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Биз Лаффасий ва Пўлатжон Қайюмий тазкираларида Рожий ижоди юзасидан берган баҳосида унинг ижодида Хива вазир ва амалдорларини қаттиқ ҳажв қилган шеърлари бор деган қайдни учратган эдик. Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида 377/III инвентар рақам билан «Рожий мухаммаслари» деб номланган баёз бор. Унинг 237^б бетдан 240^а бетгача бўлган саҳифаларида Рожийнинг «Илтижономаи Рожий» асари боши йўқ, чала ҳолда берилган. Рожий муножотлари композицион жиҳатдан мухаммас шаклида бўлганлиги учун у мухаммас деб белгиланган ва баёз ҳам «Рожий мухаммаслари» деб аталган. Мажмуанинг 240^а бетида Рожийнинг форс тилидаги «табъи худ»и «Дастгир» радифли мухаммаси ва «Илтижономаи Рожий» асари оралиғида бир саҳифада, 237^б бетда «Насихати ҳикмат» номли уламоларни, амалдорларни ҳажв қилиб ёзилган шеър берилган. Унда шоир номи берилмаган. Яссавиёна ҳикматлар руҳида ёзилган бу шеър ҳақиқатан Рожийнинг шеъри. Унинг руҳи ва мазмуни тазкира муаллифлари айтган фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, бу ҳикмат Рожий муножоти ва мухаммаси билан бир саҳифада жойлашганлиги ва баёз ҳам Рожий номи билан аталиши шундай дейишимизга асос беради:

Бу такаллум айтур сўз айлагин баён,
Охири вақт нишони бўлубдур аён.
Дунёда фасойиш кўп бўлди ёмон,
Билмайман, яқинму охир уз-замон?

Рожий ҳикматлари шундай бошланади. «Муосир турк олими Ҳамдий Язирнинг таърифида «Ҳикмат» - «ҳар гўзал илм (илми ҳасан) ва солиҳ амалнинг номи»¹дир. Навоий асарлари луғатида ҳикмат арабча сўз бўлиб, билимдонлик, донишмандлик деб изоҳланган ва ақл ва ҳақиқатга тўғри келадиган нозик маъноли қисқа сўз, масал, ҳикмат айтмоқ-нозик маъноли фикр баён қилмоқ деб изоҳланган². Бу сатрлар Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги ҳикматларини эсга туширади:

Мулло, муфти бўлғонлар, ёлғон даъво қилғонлар,
Оқни қаро қилғонлар ул томуғга кирмишлар.
Қози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,
Ҳимор янглиғ бўлубон, юк остида қолмишлар³.

Рожийнинг ҳикматларида ҳам яссавиёна руҳ бор ва бу ғояни шоир XIX асрда ўз даври нуқтаи назаридан ривожлантирди:

¹ Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. филол. фан. док... дисс. автореф. – Т., 1995. –Б. 25.

² Алишер Навоий асарлари луғати. Ўн беш томликка илова. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б.772.

³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б. 196.

Қози бўлгон пора ола бошлади,
Хайр ишни қўйуб, шаррни ушлади.
Дунё учун шариатни ташлади,
Билмайман, яқинму охир уз-замон?

Муллалар этмади илмига амал,
Шариат ишини айламай жадал.
Феълимиз бузуб-ку айлади касал,
Билмайман, яқинму охир уз-замон?

«Ҳикмат илми-бир нуқтаи назарда тасаввуф илмидир. Шунинг учун X асрдан эътиборан диний-тасаввуфий мазмундаги шеърлар «Ҳикмат» деб аталган. Ва уни биринчи бўлиб Хожа Аҳмад Яссавий қўллаган»¹.

Муфсихлар пул олиб, ривоят қилур,
Ноҳақ пулни олиб, халқни қуйдирур.
Замоннинг ишлари мундоғ бўлубдур,
Билмайман, яқинму охир уз-замон?

Шоир ҳикматларида даврдан озурда қалбнинг изтироблари акс этган. Бу изтироблар инсонни «жон гавҳари»-бўлган иймонни тоза сақлаб қолишга даъват этади. Эзгу амаллар қилиб, абадий дунёга иймонни саломат олиб бориш-ҳар бир мусулмоннинг юксак орзуси. Рожий ҳикматларида нафақат шунчаки насихат, балки «Хайр ишни қўйуб, шаррни ушлаган, пора олган қозилар», «илмига амал қилмаган мулалар», «пул олиб ривоят қиладиргон муфсихлар» кескин танқид остига олинади. Инсонни руҳий покланишга, маънавий комилликка чорловчи бундай ҳикматлар нафақат XIX асрда, балки бугунги мустақиллик мафқурасини шакллантириш учун ҳам жуда зарурий эҳтиёждир.

Рожий Хоразмийни ҳар иккала тазкира муаллифлари моҳир таржимон сифатида тилга оладилар. Ҳақиқатан ҳам, Рожий Хоразмий форс тилини мукаммал билган ва илми нужумга оид «Лубби лавойиқ ул-қамар фи-л ихтиёрот» (Ойнинг одамлар ҳаракатига доир қулай вақт танлаш учун кўрсатмалари) деб номланган асарни форс тилидан ўзбек тилига ўгирган. Муаллиф-Аштархоний ҳукмдорлардан Сайид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхон, ҳукмронлик йиллари-1091/1680-1114/1702. Мазкур асар илми нужумга оид «Равзат ул-мунажжим» (Мунажжимлар боғи), «Кифоят ут-таълим» («Таълим учун кифоя китоб») сингари асарлар асосида форс тилида таълиф этилган. Муаллиф асар муқаддимасида таъкидлаганидек, Али ибн Ҳусайн Воиз ал-Кошифийнинг асарига тақлид қилиб ёзилган. Асар муқаддима, иккита боб ва хотимадан иборат. Асарнинг ушбу ўзбекча таржимаси (1272/1855-1856) йилда Хива хони Сайид Муҳаммад (1856-1865) нинг вазири Муҳаммад Яъқуб илтимосига кўра амалга оширилган. Асарни Рожийнинг ўзи 1856 йилда кўчирган, ҳажми 42 варақдан иборат бўлиб, № 1205 инвентар рақам билан қўлёзмалар фондида сақланади. Шу билан бирга, Рожий Мирхонд тахаллуси билан машҳур йирик

¹ Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998. –Б. 148.

тарихчи олим Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (1433-1498) нинг форс тилидаги дунёнинг яратилишидан то 1523 йилгача бўлган даврни қамраб олувчи, умумий тарих типидagi 7 жилд ва хотимадан иборат “Равзат ус сафо” асарининг IV ва V жилдларини таржима қилди. Хоразмдаги бу қизгин ижодий жараён ҳақида Ж.Шарипов шундай маълумот беради: «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш маркази Хоразм бўлди десак, хато қилмаган бўламиз. Хоразмда қисқа муддатда тарихга оид 28 та фундаментал китоб, бадиий адабиётдан 23 та, бундан ташқари, бир қанча илмий-фалсафий асарлар ағдарилган, таржимонларнинг сони эса 280 кишидир»¹. Мунис бошлаган бу таржиманинг давомини Огаҳий, Рожий, Муҳаммад Назар ҳамда Комил Хоразмийлар ниҳоясига етказдилар. Мунис ва Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати ҳаммага маълум. Аммо Рожий билан Муҳаммад Назар ҳақида Хоразм таржима мактабини махсус тадқиқ этган олим Н.Комилов ёзади. «...Равзат ус-сафо» нинг таржимонлари Хоразмнинг истеъдодли шоирлари эдилар. Сабаби Мирхонднинг асари XV аср Ҳирот бадиий насри услубида серифода тил билан ёзилган, унда шеърӣй парчалар, ҳикоятлар ҳам бор. Шунинг учун бундай бадиий-тарихий асарларни оддий муллалар таржима қила олмас эдилар. Рожий ва Муҳаммад Назар ҳам шоир бўлганлар»². Рожий таржима қилган IV ва V жилдлари №7415 ва №7416 инвентар рақамлар билан ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади. Рожий асарнинг IV жилди таржимасига киришар экан, бунини Муҳаммад Аминхон даврида Муҳаммад Ёқуб Меҳтар воситасида амалга оширганлигини кириш сўзида ёзади: «Бу фақир хоксор ва ҳақир Муҳаммад Юсуф ал-мулаққаб Рожий бин Хожамберди–юл-қози-юл-Хоразмий тўртинчи дафтар атроқ нафъи учун турк тилида таржима қилурни буюриб они итмомиға еткуруб юз минг хавфу рижову ҳадсиз ваҳм ва илтижо била вазири соҳиб тадбири жанобиға жабҳосо бўлғоч алҳамдулиллаҳ салтанат боргоҳидин мақбуллик башорати ва Муҳаммад тажҳиди била «Равзат ус-сафо» нинг тўртинчи дафтар таржимасиға маъмурлик ишорати даст берди»³. Бу дебочадан таржимоннинг таржима бошлашидан олдинги руҳий ҳолати, ҳаяжонлари ифодаланган. Бундай дебочалар шоир ҳаётининг айрим саҳифаларини ёритишда муҳим манбадир. Шу билан биргаликда, Рожий таржима қилган «Равзатус-сафо»нинг V жилдида тил тарихи ва диалектологияга оид қимматли маълумотлар бор. Жумладан, айрим уруғларнинг келиб чиқиши ва номланишини қуйидагича изоҳлайди: «...Аммо уйғур лақабининг сабаби улким, Ўғузхон дин ва миллат жиҳатидин атоси ва ақробоси била муножот қилди. Онда баъзи қариндошлариким, онга муттафиқ бўлуб хизмат қилдилар, оларға уйғур лақаб қўйди ва уйғур «ёпишхўр» демак бўлурким, алас

¹ Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Т.: Фан, 1965. –Б. 106.

² Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. –Б. 22.

³ Мирхонд. Равзатус-сафо. IV жилд. Инвентар №7415, 1 б-2 а бетлар.

маованат қилиб, хизматдин айирмадилар. Мавлоно Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» муқаддимасида келтурубдурким, уйғурнинг маъноси «ёпушмоқ» ва биров-бирова аҳд-паймон боғламоқдур». Бу икки маъно бир-биридин йироқ эрмастур. ... Аммо қипчоқ лақаби Ўғузхон бир сафарда итбароққа бориб инхизом топиб, икки руд орасига тушди. Бир ҳомила хотунким, онинг эри урушда ўлуб эрди. Ул ерда ваъзи ҳомиланинг вақти бўлуб, бир ковак яғоч ичига кириб туғди ва ул муаййиндин Ўғузхон хабар топиб, «отаси менинг учун ўлуб, ўғли етим қолди» деб, тараххум юзидин ул ўғлонни ўзига ўғил атаб, Қипчоқ от қўйди. Қипчоқ «қабуқ» дин олинғандур, қабуқ-ичи ковак яғочдур. Аммо қорлуқ лақаби дерларким, Ўғузхон Ғур ва Ғуржистон вилоятидин ўз юртига қайтғанда қиш бағоят совуқ ва қор ҳам кўп ёғиб эрди. Ўғузхон фармон эттиким, ҳеч кимса лашкар изидин қолмасун ва баъзи мутасаддиким қор кўплиги жиҳатидин кейин қолиб эрди. Ўғузхон аларни келтуруб «қорлуқ» қўйди, яъни «қор эгаси» демак бўлур»¹. «Равзат ус-сафо»нинг Рожий таржима қилган IV ва V жилдларини Мулла Холмурод девон Ибн Муҳаммад Юсуф Гурланий 1902-1903 йили кўчирган. Асар 440 varaқ бўлиб, ҳажми 28,5x47. Асарнинг бу жилдлари Чингизхон авлодлари тарихини ёритишга бағишланган. IV жилд Аббосийлар билан замондош бўлган сулолалар тарихига, V жилд Чингизхон авлодидан то Амир Темургача бўлган давр тарихини ёритишга бағишланган.

XIX аср таржима тарихида таржимонлар асарнинг бошига сўзбоши, дебоча ёки хотима ёзганлар, бунда исми, шарифи, асарни нима учун таржима қилаётганлигини изохлаб, ўзлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берадилар. Рожий ҳам дебочада ўзининг оғир қисматидан шикоят қилади: «Мен ҳақири бедастгир, яъни Муҳаммад Юсуф мулаққаб бил Рожий бин қози Хўжамберди Хоразмий бир афтода эрдимким, эътибор доирасидин хориж ва ижтиҳор мартабасидин соқит, олами ҳаводис ҳужумидин аҳволим хароб ва даврон навойиби вуфуридин ишим талваса ва изтироб...»да эканлигини билдиргач, меҳнат ва машаққат чекиб қалам сурганини ва агар хатоси бўлса, кечирешларини илтимос қилади»². «Таржимонларнинг ўзлари ёзган сўз бошида араб, форс-тожик сўзлари ҳаддан ташқари кўп учрайдики, бу сўз бошилар эски адабиётга хос кўтаринкилик, дабдабали услубда ёзилган бўлиб, «улуғ» зотлар, пир-устодларнинг номлари тилга олинади. Таржима ана шуларга бағишланади ёки ҳукмдорга мадҳ ёзилади... Бу каби ҳолни XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида ижод қилган Мунис, Огахий, Сайқалий, Хиромий, Баёний, Рожий, Сидқий Хондайлиқий, Алмаий ва бошқа

¹ Мирхонд. Равзат ус-сафо. V жилд. Инвентар 7416, 6 а-б бет.

² Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Т.: Фан, 1965. –Б.211.

таржимонларнинг асарларида ҳам учратамиз»¹. Бу фикрнинг ифодаси учун Рожийнинг Муҳаммад Аминхонга ёзган мадҳини кўздан кечирайлик:

«Муҳаммад Амин Хоразмшоҳ халладаллоху таоло мулкию султону ва алфози олий ал бил амин пайрави эҳсони инояти подшоҳона ва атифат бекаронасидин мен афтодага сарафрозлик еткуруб, «Равзатус-сафо» нинг бешланчи дафтариниким форсий алфоз била марқуму мастурдур...»² деб тантанавор, услуби оғир сўзларни қўллайдики, худди шундай ҳолни Огаҳий «Шоҳ ва гадо» асарига ёзган «Бу қисса таржимасининг боиси» номли дебчасида ҳам кўриш мумкин. Лекин улар сўзбошини шундай услуб билан ёзсалар-да, асосий матн таржимасини жуда содда ва тушунарли услуб билан бажарганлар. Буни биз юқоридаги Рожий таржималари мисолида ҳам кўрдик.

Асарнинг Рожий таржима қилган қисмларида тил тарихи ва диалектологияга оид қимматли маълумотлар бор. Умуман, Рожийнинг бу ва бошқа таржима асарлари унинг форс ва араб тилларининг билимдони экани ва ўзбек адабиётини янги асарлар билан бойитганлиги жиҳатидан аҳамиятлидир.

Рожий таржимонлик фаолиятининг ўзи алоҳида бир тадқиқотни талаб этади. Бу асар Рожий ижодий меросининг бир қисми сифатида шоирнинг форс тилининг билимдони ва насрий таржимадаги иқтидоридан далолатдир.

«Хоразмда битилган қўлёзмалар» тавсифини тузган тарих фанлари номзоди Г.Машарипова XI асрда яшаган Сайфуззафар Навбахорийнинг «Дурр ул-мажолис» (Мажлислар инжуси) номли форс тилида ёзилган диний-ахлоқий мазмундаги хикматлар тўпламидан иборат асарни ҳам каталогга киритган, унинг сюжети Одам Атодан Муҳаммадгача бўлган пайғамбарлар ва бошқа руҳоний шахслар билан боғлиқ бўлиб, 33 бобдан иборат.

Асарнинг ушбу изоҳли таржимаси Хива хони Сайид Муҳаммад Баҳодир (1272/1856-1282/1865) буйруғига биноан бажарилган. Таржимон мулла Саидназарбек ибн Давлатназарбек матнни шарҳлаш учун машҳур мутасаввиф шоирлар Жалолиддин Румий, Саъдий, Сўфи Оллоёр ва Рожий шеърларидан фойдаланган³, деб ёзади муаллиф.

Биз ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 6633/III инвентар рақамли «Дурр ул - мажолис» асари қўлёзмаси билан танишиб, бирор ўринда Рожий номини учратмадик. Бу асарнинг 15 та нусхаси Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда. Ҳайдарбек Бобобеков ва Махмуд Ҳасаний томонидан нашрга тайёрланган «Дурр ул-мажолис» сўзбошисида шундай маълумот келтирилади: Бу «Дурр ул -мажолис»нинг шарҳланган ва кенгайтирилган нусхаси бўлиб, таржимон шарҳда Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий,

¹ Шу манба. –Б. 217.

² Мирхонд. Равзат ус-сафо. V жилд. Инвентар 7416, 2 а бет.

³ Машарипова Г. Хоразмда битилган қўлёзмалар. –Т: Нашриётсиз, 1997. –Б. 28.

Сўфи Оллоёр, Росух ҳамда ўзининг шеърларидан фойдаланган»¹ деб «Собрание восточных рукописей» тўпламини иқтибос сифатида кўрсатадилар. Биз СВР (Собрание восточных рукописей) тўпламининг “Суфизм” деб аталган бўлимини кўздан кечирганимизда ҳақиқатан Рожий эмас, Росух деб кўрсатилганлигига² ишонч ҳосил қилдик.

Рожий ижодида мадҳ руҳидаги ғазаллар ҳам мавжуд бўлиб, унинг қаҳрамони шохдир. Шоирнинг бу руҳдаги ғазалларида бошдан охиригача шох мадҳ қилинади. Шўро даврида бундай руҳдаги ғазаллардан кўз юмиб ўтилди. Бунинг сабаби эса барчамизга маълум. Шунинг учун ҳам ғазал ҳақидаги назарий маълумотларда мадҳ ғазал деган жумла умуман учрамайди. Мумтоз адабиётимизда мадҳ ғазаллар мавжуд бўлиб, у қарийб анъана тусини олган.

Навоийда:

Шаҳ харимида неча топсанг Навоий эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнью беҳад риоят қил адаб³.

Огаҳийда:

Қил шаҳ дуосин, Огаҳий, ихлос бирлаким,
Берсун худо анга не эса ком тоза йил⁴.

Рожийда:

Эй Рожий, айла жон борича шаҳ дуосини,
Оламда борча пешаларингдин будур савоб (5 а).

Бу ғазаллардан ҳам шоир ҳаётига оид айрим маълумотларни олиш мумкин.

Шоирнинг шох мадҳига бағишланган ғазаллари бир туркумни ташкил этади:

Подшоҳликни ҳам шоир худонинг инояти деб ҳисоблайди:

Ҳақ кимга берса иззат, хор ўлмоғи не мумкин,
Қўй, эй ҳосуд, мундоқ беҳуда иш не ҳожат (10 а).

Шоирнинг мадҳ ғазаллари ҳам ўз ичида турларга бўлинади. Айрим ғазаллари маъшуқа таърифи билан бошланиб, шох мадҳига уланиб кетади:

Эй юзунгдин гули тариға уёт,
Гул демай меҳри ховариға уёт.

Айла Хоразмшох эҳсоне,
Берур офоқ шаҳлариға уёт.

Дастгоҳи жалолатидин эрур,
Рой ила Рум қайсарига уёт.

Шох шаънида сўз деса Рожий,
Солғай олам суҳанвориға уёт (10 б).

Шоир «либос» радифли фалсафий руҳ билан суғорилган ғазалини либос таърифи билан бошлаб, мақтаъни шохга ишора қилиш билан якунлайдики, уни «Сонии Аффридун»

¹ Қаранг: Сайф уз-зафар Навбахорий. Дурр ул-мажолис. –Т.: Ёзувчи. 1991. –Б. 4.

² Машарипова Г. Хоразмда битилган қўлёзмалар. –Т: Нашриётсиз, 1997. –Б. 28.

³ Алишер Навоий. МАТ. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987. –Б. 39.

⁴ Огаҳий. Асарлар. Девон. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, -Б. 341.

деб сифатлаб, агар у бир лутф қилса, ҳамма нарса муҳайё бўлади дейиш билан уни ўзига эътибор беришга чорлайди:

Бўлса Рожийнинг сўзи урён латофатдин, не ғам,
Қилса лутфидин анго сони Аффридун либос (24 б).
Рожийнинг кўплаб ғазаллари бошдан охиригача шоҳ мадҳига бағишланган.
Эй жалолат сипехри узра қуёш,
Давлати ҳашматинг жаҳон аро фаш.

Сухбатингни тилаб сиғору кибор,
Раҳматинг вирд этиб қари била ёш.

Таоминга муфтахар сахо аҳли,
Караминг била факр элига маош.

Кафларинг зар сочар жаҳон ичра,
Бўла олмай биров санга қўлдош.

Сен чу эҳсон йўлига қўйдинг аёқ,
Қочди Ҳотам жаҳондин олиб бош (26 а).

Шоирнинг мадҳ ғазалида чой образи учрайди ва у тимсол вазифасини бажаради. Қора чой яхшилик ва кўк чой ёмонлик рамзи сифатида келади:

Дўстинг еб палову ичиб қора чой,
Туну кун ўлсун тараб била ёш.

Душманинг кўк чой ичсун лекин,
Топмасун еб ичарга нон ила ош.

Модехинг қанд бирла ширин ком
Ўлсун ҳосидингнинг оғзига тош.

Ҳама фазл аҳли махрами базминг,
Этса Рожий доғи ул эл аро кош (26 а).

Шоирнинг мадҳ ғазалларидан яна бири худди қасидаларидек баҳор айёми васфи билан бошланиб, ғазал охири шоҳ мадҳи билан якунланади. Шоир ийд байрами билан шоҳга табрикнома йўллайди.

Ҳамди худоки кўргузуб алтофи бекарон,
Офоқ элини қилди тараб бирла комрон.
Бу кунни айлаб ийди фараҳбахш аҳли даҳр,
Оламини айш гуллариға қилди гулистон.
Бўлсун муборак ўшал шаҳғаким, эрур
Хоразм тахти салтанатида анга макон.
Исми мубораки битилиб чарх авжида,
Саййид Муҳаммад ибни Муҳаммад Раҳимхон (41 а).
Биз шоир қасидаларининг ҳеч бирида Муҳаммад Раҳимхон номини учратмаган эдик.

Бу ғазалда биз унинг номини кўриб турибмиз.

Шоир-лирик қаҳрамон жуда одоб ва назокат билан шоҳни мақташ орқали уни адл ва инсофга чақиради:

Ҳаводис зулмидин тийра бўлса даҳр ғам йўқим,
Мунаввар қилғусидур айни адлидин шаҳаншоҳим.

Матоф остони шахриёри арши жоҳ ўлмиш,
Нетонг афлок тафидин бор эрса Рожий икроҳим (39 а).

Шу тарзда мадҳиёна ғазал айрим байтларида шоҳ образи адолат ва инсоф тимсоли сифатида улуғланади. Шоҳ образи тез-тез такрорланиб, у Хоразм давлатининг сояйи субҳони сифатида қайта-қайта шоир ғазалларида таъриф-тавсиф қилинади.

Рожий ўзининг бой адабий мероси, хусусан, ғазал ва мухаммаслари билан нафақат мазкур жанрлар тараққиётига ўз хиссасини қўшди, балки XIX асрдаги халқона ва демократик адабиётнинг ривожланишига астойдил ҳаракат қилди, бу борада Огаҳий ва Комил Хоразмийнинг олқишига сазовор бўлди. Унинг ғазал ва мухаммаслари поэтик ўзига хослиги билан ажралиб туради. Рожий нафақат лирикада, балки Хоразм таржима мактаби тараққиётига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Биринчи бобдаги масалалар юзасидан кузатишларимиз қуйидаги хулосалар учун асос беради:

Шарқ адабиётида бир таҳаллусда ижод қилган шоирлар кўп бўлган. Уларнинг номи ва ижоди кўп ҳолларда аралашиб кетган. Аммо Рожий таҳаллусли шоирлар номи ва ижоди бир-бирига аралашиб кетмай, яхлит ва алоҳида ҳолда етиб келган.

Барчамизга маълум шарт-шароитларга кўра кўп асрлик тарих ва маданиятимиз, хусусан XIX аср Хоразм адабиётининг кўпгина намояндалари «сарой шоири», «реакцион ижодкор» тамғалари билан шўро адабиётшунослиги эътиборидан четда қолиб келди. Шулардан бири Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийдир. XIX асрда яшаб ижод этган кўплаб истеъдодлар қаторида эътиборли шоир Рожий Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ўрганишга арзирлидир.

Рожий Хоразмий Хоразмда туғилган, шу муҳитда тарбия топган. Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий, Комил ижодидан баҳрамандлик ва Хива адабий муҳитидаги ижодкорлар билан яқин алоқада бўлган, улар ижодидан озик олиб улғайган. Унинг Комил Хоразмий билан адабий ва шахсий муносабатлари Хоразм адабий муҳитининг муҳим қиррасини ёритишда асос бўлади.

Рожийнинг туғилган ва вафоти саналарига аниқлик киритилди, таржимаи ҳоли илк бор илмий асосда ёритилди.

Рожий асарларининг салмоғи, жанрлар таркибини аниқлаб билдикки, у адабий меросининг кўлами, ҳажм ва йўналиш эътибори билан сермахсул ва серқирра ижод соҳиби бўлган.

Рожий Хоразмийнинг таржимонлик фаолияти ҳам салмоқли бўлиб, нафақат Хоразм таржимачилик мактаби, балки ўзбек адабиётининг ҳам ёрқин саҳифасини ташкил этади.

II БОБ. Рожий Хоразмий лирикасининг мавзулар кўлами ва бадияти

2.1. Шоир лирикасининг ғоявий йўналиши ва мавзулар кўлами

Шарқ халқлари адабиётида лирика сўз санъатининг асосини ташкил этади. Мумтоз адабиётимизда ғазал етакчи жанр бўлиб келди. Лириканинг бошқа санъат турларидан устун туришини кўпгина адабиётшунослар эътироф этадилар. Жумладан, «Поэзия санъатнинг олий туридир», -деб ёзган эди В.Г.Белинский, «поэзия эркин инсон сўзида ифодаланади, сўз эса ҳам товуш, ҳам картина, ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввурдир. Шунинг учун поэзия бошқа санъатларнинг ҳамма элементларини ўз ичига олади, бўлак санъатларнинг ҳар бирига айрим равишда берилган ҳамма воситалардан бирваракай ва тўла суратда фойдаланади»¹.

Барча мумтоз адабиёт вакиллари ижоди каби Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ижодининг асосини ҳам ғазаллар ташкил этиб, адабиётимиз хазинасини ўзига хос гўзал ғазаллар билан бойитди. Рожий Шарқ адабиёти дурдоналаридан маънавий озиқ олди ва унинг ижоди ҳам анъаналар бағрида шаклланиб, ўз истеъдод қирраларини камол топтириб ривожланди. Алишер Навоий, Фузулий, Огаҳий, Комил каби устоз ва замондошларида бўлгани каби у ҳам «девон адабиёти» деб ном олган анъанавий адабиётни давом эттирди. Унинг девонидаги ғазаллари ҳам алифбо тартибида жойлашган бўлиб, бошқа лирик жанрларга ҳам анъанани сақлаган ҳолда тартиб берилган.

Рожий ўз ғазалларида Шарқ шеъриятининг ўлмас инсоний ғоялари, эзгулик ва ёмонлик, маърифат ва жохиллик, олам ва одам каби мавзуларни қуйлади ва буларнинг замирида комил инсонни тарбиялаш ғояси биринчи ўринда туради. Адабиётшунос

¹ Белинский В. Г. Танланган асарлар. –Т.: Ўздавнашр, 1955. –Б. 133.

Ю.Юсупов таъкидлаганидек, «Рожий ижоди ўз тематик-ғоявий йўналиши билан Оғахий, Комил ва Мирза каби мутараккий шоирлар шеъриятига жўр ва ҳамоҳангдир»¹.

Рожий лирикасининг мавзу мундарижаси ва ғоявий олами ранг-баранг бўлиб, уларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин. Булар: 1. Ошиқона. 2.Орифона. 3. Ахлоқий-маърифий. 4.Ҳамд ва наът ғазаллар.

Адабиётнинг минг йиллардан бери ўзгармай келаётган ўлмас мавзулари бор. Бу, биринчи навбатда ишқдир. Ҳамма шоирлар бу мавзуда қалам тебратганлар. Аммо ҳар бири ўзига хос маҳорат кўрсатган. Ишқ мавзуи Рожий ижодида ҳам етакчи ўринда туради. Зеро, А.Ҳайитметов айтганидек: «Гарчи Шарқ поэзияси тарихида биз сатирик, фалсафий, автобиографик ғазалларни, табиат, май ҳақидаги ғазалларни учратсак ҳам, лекин ғазалнинг асосий специфик мавзуи ишқдир. Буни фақат ғазал назариячиларининг фикригина эмас, балки шу нарсанинг неча юз йиллик тараққиёт тажрибаси ҳам кўрсатиб туради»². Унинг ижодида ишқ ва муҳаббат идеал даражага кўтарилган туйғудир. Шоир маъшуқа ва унинг муҳаббатияю ҳусни жамоли ва лирик қаҳрамон аҳволи ҳақида сўз юритиб, улар орқали дунёвий ва ирфоний ғояларни ифода этади. Бу ғоялар шоир кўзлаган меҳр-вафо, инсонийлик, одоб-ахлоқ ва иккинчи томондан илоҳий муҳаббат, ирфоний тахайюл каби идеалларни қамраб олади.

Рожийнинг ошиқона ғазалларини иккига бўлиш мумкин. Уларнинг бир қисми Аллоҳ ишқи ва иккинчи қисми реал ишқни ифода этган ғазаллар бўлиб, шоир ижодининг асосини иккинчи тур ғазаллар ташкил этади. Лекин бу икки тур ғазаллар орасида муайян чегара қўйиб бўлмайди. Шоирнинг лирик «мен»и илоҳ ва инсон куйчиси сифатида унинг қатор ғазалларида намоён бўлади. В.Г.Белинский «Лирик шоир ўз шахсияти учун бутунлай ташқи бўлган, ўзига бегона дунёдан олган туйғуни ифода қилган вақтида ҳам у субъективдир: чунки у ифода этган ҳар қандай туйғу, ижод қилиш вақтида, унинг ўз хусусий туйғуси бўлиб қолади, сабаби шуки, бу туйғу шоирнинг шахсияти орқали ўтади»³ деб таъкидлайди. Ишқ шундай бир улғу туйғуки, у инсонни фақат эзгулик ва олижаноблик сари етаклайди:

Бир пари шамъи рухи ишқида мен ошуфтаҳол,
Тонг эмас, саргашталиқ мандин чу фонуси хаёл.

Демангиз нечун қурубдур пайкаринг фонусдек-
Ким, ҳарорат еткурур кўнглумға бир ўтлуғ жамол.

Ул париваш хирғаҳидин ҳардам айрулса не тонг,
Урса фонуси хаёл атрофида парвона бол (36 б).

¹ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б.81.

² Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1961. –Б.56.

³ Белинский В.Г. Танланган асарлар. –Т.: Ўздавнашр, 1955. –Б. 138.

Парвона-ошиқ, риёзат аҳли тимсоли. Парвона доимо ўзини шамъга, ёруғликка ургани каби ошиқ ҳам ёрга мафгун бўлиб, унга интилади, чексиз хаёлларга банд бўлиб, ўзини унутади. Рожий «фонуси хаёл» образи билан тахайюлга ботган ёр ишқидаги саргашталиқни ифодалаган. У фонус каби қуриган жисмига ўтлуғ жамол ҳароратини иштайди. Ёр унинг идеали, жисм-жони ва вужуди. Навоийда ҳам айнан шу каби ғоя фонус ва парвона образи орқали ифодаланади. Рожий эса, ўз навбатида, улуг шоир анъанасини давом эттирди. Чунончи, Навоий ёзади:

Сен шамъ вале гардун фонуси хаёл эрди,
Урғанда малак хайли тегрангда саросар чарх.

Ёки:

Шамъингга лаган бўлғач афлок малойиқдин,
Парвоналар урдилар тегрангда мукаррар чарх¹.

Фонуснинг ўз маъносидан ташқари, мажозан осмон маъноси ҳам борки, агар инсон кўнгли осмон сингари беғубор бўлсагина унга ишқ муяссар бўлади. Осмон куёш нурларини шуълалантиргани каби муҳаббат ҳам инсон қалбини нурафшон қилади:

Бўлмайин фонусдек холи ичинг ағёрдин,
Мумкин эрмас хотирингга ишқ ўтидин иштиғол.

Кўрсангиз фонус аъзосин қилинг андин қиёс,
Ишқ ўти кўнглига тушкан кимсага бордур бу ҳол.

Эйки бир ой зори сен меҳрин ёшур кўнглинг аро,
Шамъи анворини фонус айлагандек иштиол.

Навоий «Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била» деб бошланадиган ғазалида гул ишқида нола қилаётган булбул тимсоли билан шамъга «индамас»дан, сассиз интилаётган парвона тимсолини тазод сифатида қўллайди. «Тасаввур қилинг: шамъ, унинг атрофида эса алангага қараб талпинаётган митти парвона. У ўтга шундай ихлос, шиддат билан интиладики, оловга қўшилиб ёниб кетгунча тинчимайди. Бироқ парвона шунчалик ошиқлиги, дардининг зўрлигига қарамай, оху нола чекмайди, балки жимжит ўтга томон талпинаверади. «Ул ўт», яъни илоҳий ишқ алангаси фақат парвонани эмас, шамнинг ўзини-да, муми ва ёғи билан қўшиб қовуради, эритиб қуйдиради. Шамнинг шуъласи-илоҳий ишқ, муми ва ёғи-дунё, инсон вужуди, парвона-ошиқ инсон тимсолларидир. Парвона фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва маҳмуда (яхши) сифатларга эга бўлиш, ҳирсу ҳавасни тарк этиш йўли» дир.²

Ишқ ичра комиллик касб этишни истаган шоир-лирик қаҳрамон хотирида муҳаббат шамъини ёқмоқлик иштайди. Яна фонус образи билан бу мавзу давом этади. Муҳаббат шамъи эса ҳаракатда, қуриган хотир-фонусни у уйғотади, унга нур бағишлайди:

¹ Алишер Навоий. МАТ. II жилд. Наводир ун ниҳоя. –Т.: Фан, 1987. –Б.96.

² Комилов Н. Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била // Алишер Навоий. ғазаллар. Шарҳлар. –Т.: Камалак, 1991.–Б.119.

Хотиринг фонусида ёққил муҳаббат шамъини,
Рожие, истар эсанг ишқ ичра топмоқлик камол (36 б).

Мазкур ғазалда шоир Навоий даҳосидан илҳомланиб, ҳам илоҳий, ҳам реал ишқни ифода этган. «Демангиз нечун курубдур пайкаринг фонусдек, Ким ҳарорат еткурур кўнглумга бир ўтлуғ жамол» байтларида хусни таълил санъати қўлланган. «Жисминг нега фонусдек қуриди,- деб ошиқдан сўраганларида, у кўнглумга бир ўтлуғ жамол ҳарорат етказиб турибди»,- дея чиройли сабаб кўрсатади. Бу ғазалда ташбеҳ ва ташхис санъати ҳам омукта қўлланган. Шоир «Шамъ» радифли иккинчи бир ошиқона ғазалида бу борадаги фикрларини янада ривожлантиради.

Бу кеча базмида равшан қилмиш ул жонона шамъ,
Етти охир васлига ҳажр ичра ёна-ёна шамъ.
Ёш тўқуб жўлидамў ҳар кеча тортар ўтлуғ оҳ,
Кўйи бир ой ишқиди мендекдурур девона шамъ.

Шамъ-муҳаббат шуъласи. Шоир шамъ тимсолини тақдорланмас ва ўзига хос тасвирлаган. Гўзал ёр. Унинг кўз ёшлари ёйилган, паришон сочларига оқиб тушмоқда. У ҳар кеча ўтли оҳ тортади. Шоир шамънинг эришини кўз ёшларига, ундан ҳосил бўлган манзарани паришон сочларга қиёслапти. Сочнинг қора ранги қоронғи тунга ишора. Шу билан бирга мазкур байтда шоир шамъ образини «лирик мен» га ҳам қиёс қилади.

Ўзни парвона нечук шамъ ўтига кул қилмасун,
Очса ҳар маҳфилда рухсорин кезиб мастона шамъ.

Ҳар кишига хусн бир мазҳарда бўлмиш жилвагар,
Қумри истар сарв, булбул гул, севар парвона шамъ.

Шамъи васлин тутғил, эй парвона, бу тун муғтанам,
Ким бу маҳфилда на сен қолғунгдурур фарзона шамъ (30 а).

Мазкур байтларда тасаввуфнинг тажалли назарияси ифодааланган. Унга кўра илоҳ ҳар бир яратилган нарсада жилва қилади. Парвона қандай қилиб ўзини шамга урмасин, ахир Ёр унга ўз жамолини жилва қилиб турган бўлса.

Шоирнинг бу туркум ғазалларида “маҳбуб”, “шамъ”, “парвона”, “ўт”, “соч”, “кўз ёш” каби ташбеҳлар воситасида ошиқлик ҳолатлари, изтироблари ва кечинмалари ифодааланган. Мазкур тимсоллар воситасида шоир Инсон ва Илоҳ ўртасидаги ботиний боғлиқликни ифодалайди. Шу маънода уни мажоз тариқида ҳақиқатни куйловчи шоирлар сирасига киритиш мумкин. Шоирнинг бу туркум шеърларида Ошиқ, Маъшуқа ва Рақиб образларини параллел тасвирлаш мавжуд. Шоирнинг ошиқона ғазалларини шундай тушуниш мумкин. Биринчидан, маҳбубанинг ағёр (рақиб) билан ошно бўлиб, ошиқни азобда қолдириши; иккинчиси, инсон руҳи билан Мутлақ рух ўртасида моддий оламнинг мавжудлиги, аммо икки ҳолатда ҳам ағёр (моддий олам) ошиқ (инсон) ишқи (Мутлақ руҳни англашга бўлган иштиёқи)ни кучайтирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Шоир ижодида ўзига хос, янги «Қанд» радибли ошиқона ғазал мавжуд. Шоир оригинал ташбеҳ қўллаб, қанд образини тимсол даражасига кўтаради:

Жонфизо лаълиға элтар ул пари рухсора қанд,
Бергудекдур жон улусга эмди бора-бора қанд.

Гўйё тарки адаб қилмишдур ул лаб оллида,
Элдин элга сотилиб бўлмишдурур оввора қанд.

Қилғонидин ўзни ташбеҳ ул дилоромимға ким,
Бўлодур ҳар ерда мажмаъ бўлса пора-пора қанд (14 а).

Маъшуқа жонга роҳат бағишлайдиган қандни лабига олгани учун, халқ ҳам бора-бора қандни жон бағишловчи деб билдилар, яъни маъшуқанинг лабини унутдилар. Ул гўзал лаб олдида одобсизлик қилиб, ўзини ундан ширин ҳисоблаб, ул дилоромга ўхшатгани учун қаерда халқ тўпланса, қанд қўлдан-қўлга сотилиб овора бўлди. Шоир бу байтларда маъшуқа лаби билан қандни бир-бирига зид қўйиб, тазод ва ҳусни таълил санъатини қўллаган.

Рожийнинг ошиқона лирикасида, асосан, учта - ошиқ, маъшуқа ва рақиб образи туради. Улар ичида, шубҳасиз, ошиқ ва маъшуқа образи асосий ўринни эгаллайди. Зеро, ғазал сўзининг маъноси аёлларга бўлган муҳаббат маъносини билдираркан, мумтоз адабиётимизда яратилган ғазалларнинг катта қисми ошиқона мавзуда бўлиши табиий ҳол. Шу боис ғазалларда ошиқ ва маъшуқа образи бўлиши доимо талаб этилади. Ағёр образи шоир ижодида тез-тез учраб турадики, у ошиқ ва маъшуқа образи билан ёнма-ён келадиган қадимий образлардан биридир. Аслида, у номаълум, шахси ноаниқ образ, аммо унинг ҳаракати ва қиладиган иши аниқ. Бинобарин, шоир ағёрни фош қиларкан, у туфайли замона дастидан, золимлар кирдикоридан шикоят қилади:

Ваҳки, беором этибдур кўнглум ул ороми жон,
Ишқ зўри айламишдур хаста жоним нотагон.

Ул санамким айш уйин обод этар ағёр ила,
Не ғам бўлсам харобу зор мен бехонумон...

Рожие, кулбам сари келмоқда эрмиш ул пари,
Ёшурун элдин фиғонинг қилмағил оташишон.
Кейинги байтларда шоир ташбеҳ, талмеҳ санъатини қўллаб, янада таъсирчан тасвир яратади :

Эй Масеҳим, ҳажр аро етдим ўларга, раҳм этиб,
Не бўлур бошим уза сарви қадинг қилсанг равон (40 б).

Маъшуқанинг камон қошларидан отилаётган пайдарпай ўқлар ошиқ кўксини яралайди. Энди уни элдан яшириб бўлмайди. Бу сирдан ҳамма воқиф бўлди. Тарихий ёки афсонавий шахсларнинг номларини баъзан истиора тарзида қўллаш ҳодисаси Рожий ижодида тез-тез учраб туради. Жумладан, мазкур байтдаги Масиҳ номи Исо пайғамбарни

эмас, балки маҳбубани ифодалайди. Шу тарзда анъанавий тимсол-золим маъшуқа ва хокисор ошиқ ҳамда ағёр тимсоли шоир ижодида ўзига хос тарзда ифодаланган. Бу ўринда мажоз санъати ҳам қўлланилган бўлиб, у туфайли ҳақиқатга эришиш мақсади кўзда тутилган. Бундай оҳангдаги мазмунлар рақиб образига қўшилиб, ошиқ ва маъшуқа образини тўлдирадиган, кўпинча маъшуқа билан параллел келадиган образдир. «...Дунё мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан «у» орасида ғайр, бегона бир тўсиқ, ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан маъшуқа орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб-севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни ўзида жамлаган образ бўлиб гавдаланади.¹ Шарқ адабиётида анъана тусини олган бу образ Навоийда гўзал ифодаланган:

Тушга кўрдум ёрни хандон рақибни ўтруда,
Рашкдин ҳар лаҳза тиш қирчилдатурмен уйкуда².

Рожийда эса ағёр образи Навоий даражасидаги умумлашган образга кўтарилмаган бўлса-да, ўзига хос ифодаланган. Масалан:

Жамолинг васлидин рози эдим ҳарчанд эсам маҳрум,
Ҳарими васлингта бўлмас эса ағёр ҳам маҳрам (37 б).

Шоирнинг айрим ошиқона ғазалларида даврдан шикоят оҳанглари унинг ёрдан айрилиқ дардлари билан қўшилиб кетадики, бутун ғазал давомида бир нафас ҳам «ғами озордин фориғ бўла олмаган» лирик қаҳрамон ғазалнинг мақтаъсида «умид мурғи парвозин баланд» бўлишига ишонади. Рожий ғазалларидаги шикоят мавзуси алоҳида таҳлил қилинади. Бу ўринда биз фақат ёр ишқидан шикоят, унинг ошиққа етказган жабру жафосига тўхталамиз. Зеро, айрилиқ тошни игна билан тешиш, сўзон оловда ёнишдир... Аммо лирик қаҳрамон умид билан яшайди, айрилиқ ва ҳижрон оқибат васлга олиб боради. Чунончи, лирик қаҳрамоннинг субҳу шомини ким тийра қилган? Ёр. У озор бергувчи тимсолдир:

Неча кундур ойрилибмен бир қуёш рухсордин,
Тийра бўлмишдур кўзумға субҳ шоми тордин.

Шавқ ўти кўнглимни ўртар, жоним олур дарди ҳажр,
Бир нафас фориғ бўла олмон ғами озордин.

Эй сабо, еткур ул Исовашға нолам номасин,
Чикмасун жоним фироқида тани афкордин.

Рожий, қилғил умидинг мурғи парвозин баланд,
Муждае гар истасанг ул сарви гулрухсордин (41 б).

¹ Комилов Н. Тимсоллар тимсоли // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т.: Камалак, 1991. –Б. 103.

² Алишер Навоий. МАТ. Наводир ун-ниҳоя. II жилд. –Т.: Фан, 1987. –Б.18.

Мазкур ғазалнинг «**Эй сабо, еткур** ул **Исовашга** нолам номасин, Чикмасун жоним фирокида тани афкордин» байтида шоир биратўла учта бадий санъатни қўллаб, ўзининг санъаткорлик маҳоратини намоиш этган. Жумладан, **Эй сабо** бирикмаси орқали шоир нидо санъатини қўллаган бўлса, **еткур ул Исовашга** бирикмаси орқали ҳам амр наҳий, ҳам талмеҳ санъатини назокат билан қўллаган. Байтнинг мазмуни шу бирикмалар асосида ҳосил бўлган. Шоирнинг ноласидан ҳосил бўлган нома-хатни сабо маҳбубага етказиши сўралади. Шоирнинг куйидаги ғазали ҳам диққатга сазовор:

Ошиқ эрсанг чек бало боринг дилу жонинг била
Солма ғавғо олам ичра оху афғонинг била.

Ишқ йўлида йўлуқса олида минг кўҳи ғам,
Юз аюрма истар эрсанг васл жононинг била...
Жонон-маъшуқа, унинг васлига етишиш учун минг кўҳи ғамни босиб ўтиш керак, шунда васл ҳосил бўлади. Шу тариқа, ошиқ образи сабр-бардошга даъват этилади, маъшуқа учун жон нисор этиши шарт ҳисобланади. Талаб водийсига қўркмасдан кирган ошиқгина ўз мақсадига эришади:

Рожий, ошиқ эрсанг, кир талаб водийсиға,
Топғасен мақсуд дуррин, ғўта урғонинг била (47 б).
Бу муҳим ҳаётий ғоя ғазалнинг ошиқона одоб-ахлоқ мазмунига ҳамоҳангдир.

Оламга подшоҳ бўлишдан кўра ситамкор маъшуқа эшигида ит бўлиш ҳақидаги ғоя куйидаги ғазалда жуда чиройли ифодаланган:

Манга армон йўқ эди ўлсам эди ёр эшигинда,
Оҳким қўймади чархи жафокор эшигинда.

Даҳр эли шахлиғидин ортуқ эрур юз йўли биллаҳ,
Ит бўла олсам ўшул шўҳи ситамкор эшигинда.¹ (3 б).
Ит образи Шарқ адабиётида вафодорлик рамзи бўлиб келган. Шу тарзда Рожий бу ғазалида реал ва ўзига хос радиф-«эшигинда» сўзидан фойдаланиб маъшукани меҳр-вафо, аҳд-паймонга чақиради, унинг эшигида ит бўлишни орзу қилади, чархи жафокор шу орзусини ҳам рўёбга чиқишига имкон бермаганини армон билан ёдга олади.

Баъзан лирик қаҳрамон маъшуқага бироз танбех беришга ҳам журъат топади:

Ғаррайи ҳусн ўлма, эй гул, охирин андиша қил,
Ҳар баҳор ўлса муқаррардур сўнгидин ҳам хазон (40 б).
Ёшлик, гўзаллик ҳам баҳор кабидир. Ҳар баҳорнинг сўнгидан хазон келгани каби ҳар қандай гўзалликнинг ҳам охири бор. Шунинг учун ҳам ошиқ маъшуқага ҳуснингга кўп бино қўйма, охирини ўйла дея огоҳлантиради. Айнан шу ғоя ва шу руҳ Рожийнинг «Анга» радифли ғазалида давом этади:

Ҳусн даврони ғаниматдур, нигоро, раҳм қил,

¹ Бу байт №1271 ва 922/ II рақамли Рожийнинг ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган девонида йўқ. Биз бу байтни инвентар рақамсиз Хива нусхасидан олдик.

Ҳар баҳор ўлса хазон осеби бордур бот анга (4 а).

Умрнинг, гўзалликнинг, ёшликнинг ўткинчилиги ҳақидаги бу ғоялар ошиқнинг ҳижрон дарди ва изтироблари билан уйғунлашади ва шоир ижодида ишқнинг айрилиқ тимсолини ифодаловчи сўз ва бирикмалар бот-бот такрорланиб туради:

Рожий ўлди **ҳажр зиндонида**, эй пайки сабо,
Бер хабарким, хисрави соҳибқироним қайдадур (19 а).

Рожийи зоринг қолибдур **водийи ҳижрон** аро,
Раҳм қилғилким, эрур ҳам ожизу ҳам дилфигор (19 б).

Васл боғида қилиб дилбари ғайр ила нишот,
Ваҳки, Рожийдурур ҳижрон аро **ғам-зиндони** (49 б).

Ваҳки **ҳижрон қудуги** ичра қолиб нола қилурман,
Қилғоли ишқи мени ул моҳи Канъонима банда (45 б).

Ҳажр зиндони, водийи ҳижрон каби тушунчалар тасаввуфий тушунчадан ташқари реал тушунчаларни, жумладан, айрилиқда қолган ошиқ қалбининг озорларини ҳам ифодалайди.

Шоирнинг ошиқона лирикасида ошиқнинг ёрга қуйидаги мурожаат шакллари учрайди: эй Масиҳим, эй гулрух, эй қарокўз, эй хўблар шоҳи, эй гулғизор, эй дилдор, маҳвашо, эй Масиҳ дамим, эй сарви равон, эй сарви гулбадан, эй жонофати, эй пари, нигоро, дилистоно, эй гул, эй ғайрати хур ва бошқалар. Бошқа шахс ва табиат ҳодисаларига нисбатан эй хожа, эй соқий, эй фақир, эй шах, дўстлар, эй сабо, эй пайки сабо каби мурожаат шакллари қўллайдики, булар шеър бадииятини шакллантиришга хизмат қилувчи воситалардир.

Рожийнинг ошиқона ғазаллари силсиласида ошиқ образи мумтоз адабиёт вакиллари ижодидаги ошиқ образидан унча фарқ қилмайди. Чунки мумтоз адабиётимизда асосан анъана тусини олган ошиқ образи ҳамиша хокисор, фақир ва маъшуқа учун ҳамма нарсага тайёр инсон сифатида гавдаланади. Шунинг учун ҳам шоир бир ғазалида:

Эрур Рожий ул навъ ишқ ичра комил-
Ки, осон анго дарду ғам мушкilotи (48 б),-
дейдики, бу ишқда комилликка эришган лирик қаҳрамоннинг ўз-ўзига ишончи ва эътиқодидир.

Одатда висол эмас, ҳижрон ошиқни камолга етказди. Ҳижрон дамлари муҳаббатни янада қадр-қимматли қилади. Рожий бу борада сўз юритар экан, у маъшуқа таърифини давом эттиради:

Жамолинг гулшанининг булбулидур дардлиғ кўнглум,
Не тонг, гар анбарин сунбуллариингда анга маъводур.

Ул оқшомдин бериким, оразингдин ойри тушмишмен,
Ишим ҳар кеча тинмай телбалар янглиғ улолодур (21 а).

«Жамолинг гулшанининг булбулидур дардлиғ кўнглум» мисрасида ҳусн подшоҳи ҳажридаги дардли кўнгул изтироблари гўзал тарзда ифодаланган. Улоло-шовқин-сурон. Ошиқ ўзининг дардли ҳолатини телбалар улолосига ўхшатади.

Шунингдек, шоирнинг ошиқона лирикасида гул ва булбул образи ҳам борки, булар параллел равишда ошиқ ва маъшуқа ички кечинмаларини очишга хизмат қилади. Чунончи:

Буки санчибдур бошига зеб учун дилдор гул,
Лек топмиш ҳусни бирла зеб-фар бисёр гул.

Ишқ тиғи ёлғуз этмас булбул аъзосини чок,
Кўр, нечук юз соридин бўлмиштурур афжор гул.

Рожий олам гулшанида тутма кўз бўйи вафо,
Еткурур булбулға ҳар дам юз туман озор гул (36 а).

Даҳр боғи бевафо эрконин гўйе онгламиш,
Мотамилардек юзида чок этар изҳор гул.
Агар мазкур байтда ҳусни таълил санъати ифодаланса, кейинги Десам: «Айрилғил онга ағёрдин» айтур кулуб: «Бўлғусидур муттасил ҳар ерда бўлса хор гул» байтида эса савол-жавоб санъатини назокат билан қўллаганки, булар шоирнинг бадиий маҳорати кирраларини ифодалайди.

Шундай қилиб, Рожийнинг ошиқона ғазаллари шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Шоир ғазаллари китобхонни мафтун этиб, унинг диққат-эътиборини тортади. Улар анъанавий руҳда яратилган бўлса-да, аммо Рожий қаламига мансуб бетакрор мазмун ва ифода воситаларини қамраб олган. Лирикасида қўлланилган айрим қофия ва радифлар, бадиий санъатлар Рожий услубига хос изланишлар натижасидир. Унинг ошиқона ғазалларида маъшуқа тимсоли идеал даражада кўтарилган. Шу боис у баъзан Аллоҳ даражасида зухур этиб, сўфиёна ғояларга ўралиб ифодаланади. Аммо маъшуқа Рожий тасвирида биринчи ўринда гўзал инсон образини ифода этади.

Орифона шеърят

Шоир ижодида ошиқона лирикадан сўнг орифона шеърят етакчи мавқега эга.

Орифона лирика ҳақида М.Шайхзода шундай ёзган эди: «...Орифона ғазалларнинг мазмуни вужуд бирлиги (тангри) бўлиб, тасаввуфнинг маънавий таянчини ташкил этади. Ваҳдати вужуд (ёки вужуд ваҳдати) бутун ғазалиётга тафсилот, суратлар, деталлар бахш этади. Бу хил ғазалларнинг образлари ҳам, йўналиши ҳам бошқа оқимлардан тамомила айрилади. Обид ва маъбуд, қосид ва мақсуд, нозир ва манзур, холиқ ва махлуқ, маст ва

махмур, шоҳ ва дастур, фоний ва боқий, одам ва олам, Мусо ва Фиръавн, зоҳир ва ботин, зарра ва офтоб ва ҳоказолар орифона лирикани чуқур озиклантириб туради»¹.

Рожий маломат, талаб водийси, жунун водийси, жодайи фақр, мулки ҳақиқат роҳи, нафс оти, сулук, мақом, рижо, ғайб илми, дайри фано, муракқа, хирқа, маъни аҳли, файз, ориф, шайх, зоҳид, сўфи, хонақоҳ, харобот аҳли, бодайи жоми аласт, май, майхона, майпараст, қаллош, соқий, муршид, кулоҳ, қадах, лояқил, саршор, соғар, аёқчи, муғ, пири муғон, бут, бутхона, куфр, зулф, зуннор, барқи истиғно каби тимсоллардан фойдаланиб, қатор орифона ғазаллар ва байтлар яратган.

Гарчи унинг сўфиёна сатрлари зимнида Яссавий ғояларига ҳамоҳанглик ва соф тасаввуфона тимсоллар мавжуд бўлса-да, у ўзини бирор - бир тариқатга мансуб деб ҳисобламаган. «Тасаввуф ўзини англаш ва шу орқали Аллоҳни севиб таниш ва билиш илми ҳисобланади. Ўз-ўзини англаш, ўз нуқсонларини, айбу қусурини англаш демакдир. Шундай экан, тасаввуфни инсоннинг ўз вужуди, нафсига қарши исёни, ўз-ўзидан қоникмаслик норозилиги сифатида талқин этиш ўринлидир»². Бу таълимот ўз сиру синоатини сўзга кўчириб, бутун гўзаллигини намоён қилди. Тасаввуф, бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялайдиган маърифат булоғидир. И.М.Фильштинский тасаввуф шеърияти ўрта асрларда араб адабиётида сарой аристократиясига қарши танкидий йўналишда пайдо бўлганлигини қайд этади³. Илмий ва ирфоний билимларни чуқур билган шоир Олам ва Одам фалсафасини англашда бу таълимотга суянди ва ундан рухий қувват олди. Даставвал, бу руҳ Рожийнинг девони орифона «Пайдо» радифли ғазал билан бошланганидаёқ кўзга ташланади:

Зиҳи кавнайн аро ҳар не бўлур сарви алан пайдо,
Тамомин айладинг изҳори сунъ айларга сан пайдо (2 а).

Бу радиф билан ғазал ёзган шоирлар жуда кўп бўлиб, «...Шеърий девонларни орифона ғазаллар билан бошлаш одат тусига кирди»⁴.

Навоийда:

Не сунъингдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо,
Не мулкунга ҳалал юз минг жаҳондек бўлса нопаёдо⁵.

Фузулийда:

Зиҳи зотинг ниҳону ул ниҳондин мосуво пайдо,
Бихори сунъингга амвож пайдо, қаҳр нопаёдо⁶.

Ферузда:

¹ Носиров О. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б. 90-91.

² Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. –Т.: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. –Б. 73.

³ Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. –Москва.: Наука. Главная редакция восточной литературы. 1965. –С. 259.

⁴ Носиров О. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б.93.

⁵ Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. Бадоеъ ул-васат. V жилд. –Т.: Фан, 1990. –Б. 8.

⁶ Фузулий. Асарлар. II жилдик, I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. –Б. 30.

Зихи бордур зухурингга азал бирла абад пайдо,
Тафаккур айлабон Зотинг, қила олмас хирад пайдо¹.

Огахийда:

Зихи жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Гахи дарду фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо².

Кўринадики, Рожий ижодиёти руҳ ва услубда Навоий, Фузулий, Огахий, ва Феруз шеъриятига ҳамоҳанглик касб этган. «Ориф-билувчи, воқиф, ошино, танувчи, ирфон ва маърифат соҳиби. Тасаввуфда Аллоҳ таолонинг зотини, сифатларини, исмларини ва феълларини мушоҳада этувчи»³ дир.

Шоир бир ғазалида ориф образини шундай тасвирлайди:

Бошига ёғса борони алам меҳнат саҳобидин,
Бировга бош эгиб, дардиға уммиди илож этмас.

Фано хокистарида маскан этган фақр кўйида,
Жаҳонда шахдиг истаб, орзуи тахти тож этмас.

Кел, эй Рожий, ғанимат тут қаноат кунжи оромин,
Эр ўлғон ҳар киши аслида арзи эҳтиёж этмас (23 а).

Бу дунёнинг ҳою ҳавасларидан воз кечган фақр шохликни ҳам назарига илмайди. Ориф образи Рожий ижодида етакчи мавқега эга. Шоир Навоийнинг «Асру» радифли ғазалига боғлаган муҳаммасида бу борадаги фикрни юксак чўққига кўтаради:

Кел, эй Рожий, сенга жаҳл ила ғафлат мунча ҳам басдур,
Жаҳон аҳлидин уз пайванд бори дун нокасдур,
Ҳама мол ила жоҳи аҳли ориф олдида бир хасдур (74 б).

Бутун олам мол дунёси ва амал-мартабасини ориф олдида бир хас деб билган шоир агарчи кўп вақтини саройда ўтказган бўлса-да, ўзи ҳам бир умр фақрликда яшади ва қаноатни ўзига пеша қилди. Бу дунёга кўнгил бермаслик тасаввуфнинг бирламчи шартларидан бири. Демак, дунёга кўнгил бериш солиқни улуғ мақсаддан сўндиради:

Айла ҳосил қилибон қатъи тааллуқ тажрид
Ғайри мақсуд санго ҳар не эса бордур дом.
Жодайи фақрдурур мулки ҳақиқат роҳи,
Борсанг ул мулук сори қил бу тариқ ила хиром (39 б).

Улуғ мақсаддан чекинтирадиган нарсалар сенда бисёр, бунинг учун ҳамма нарсадан кечиш, ёлғизланиш шарт. Ҳақиқат мулкига олиб борадиган катта йўл - бу фақрликдур. Фақрлик-бу дунёдан кечишдир. Фақрлик-инсоннинг инсонга нисбатан даражасини ифодаламай, балки банданинг Яратгувчига нисбатан даражасини ифодалайди. «Фақрлик – бу, ички хурлик. Фақрда Ҳақдин ўзга ҳеч ким ва ҳеч нимага ботиний боғлиқлик бўлмаслиги лозим»⁴. Аҳмад Яссавий: Дунё кўймай, ҳол илмини билиб бўлмас, деганда ана

¹ Феруз. Элга шоху ишққа қул. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. –Б.91.

² Огахий. Асарлар VI жилдлик. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б. 51.

³ Dr. Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. Marifat yayinlari. Yaylacir matbaasi. –Istanbul.: 1991. –Б. 51.

⁴ Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б. 83.

шу ички хурликни назарда тутган. Юқоридаги ғазал таҳлилига қайтамиз: кейинги сатрларда Рожий ирфоний ғояларни давом эттириб ёзади:

Ушбу йўл қатъида бўл нафс отиға рокиб,
Солибон лек риёзат била топма ором.

Илику тил била еткурма бировга озор,
Будурур шевайи инсоф, тариқи ислом (39 б).

Нафақат бировга озор бермаслик, балки ўзига озор етганда ҳам сабр қилиш лозим.

Ниҳоят шоир айтмоқчи бўлган мақсадга етиб келдик:

Ростлиғ бирла қил оҳанги мақомоти сулук,
Топмоғай бу йўл аро ҳеч чапандоз маком.

Хор бўлмай десанг эт олам аро тарки тамаъ
Беқаноат киши иззат била топмас иқром

Рожие, бандалик оини эрур биму ражо,
Бу ики шевани тарк айламагил субҳ ила шом (39 б.)

Сабр-қаноат ва бими ражо-гуноҳ қилиш хавфидан кўрқиш шоир лирик «мен»и учун бош шиор. Аллоҳ ҳузурига қайтишга интилган лирик қаҳрамон гуноҳ қилишдан кўрқади. Бу кўрқув лирик қаҳрамонни огоҳликка чорлаб туради. Демак, қаноат ва гуноҳ қилишдан кўрқув ҳисси комил инсонда доимо бўлиши шарт. Шоир ижодида бу мавзу тез-тез такрорланиб туради. «Хос» радифли ғазалида яна шу мавзуга қайтади:

Куллуқ тариқи бими умид ўлди Рожиё,
Қил ўзни бандалиғ аро хавфи ражоға хос.

Ҳар кимса англай олмади анжоми корини,
Ғайб илми филҳақиқат бир худоға хос (27 а).

Шоир Навоийнинг қуйидаги мисраларидан таъсирланиб, уни ўзига хос тарзда ифодалаган:

Оғзининг сирри менга маълум агар эрмас не айб,
Ҳеч кимга зарраи чун бермамиш Ҳақ илми ғайб.¹

Махфий нарсаларни билиш, ҳар хил сирли нарсаларнинг сирини очиш ёлғиз Худога хос дейиш билан шоир Навоийнинг бу борадаги фикрини янада ривожлантиради. «Аллоҳни ҳеч ким Унинг ўзичалик билмайди», дейди Ибн Арабий.²

Маълумки, тасаввуфда «маъни аҳли» ва «суврат аҳли» деган қараш мавжуд. «Маъни аҳли» ички руҳий олам, маънавият тарбиясига алоҳида эътибор берадилар. «Суврат аҳли» деганда фақат ташқи, зоҳирий жиҳатларга аҳамият берадиган кишилар, кўпроқ кўр-кўрона эл назарида шарият амалларини бажарадиган шайх ва зоҳидлар орифнинг зидди сифатида адабиётда анъана бўлиб келган образлардир. Фалсафий мушоҳадаларга бой «Либос»

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, II жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987. –Б. 52.

² Суфизм в контексте мусульманской культуры. –М.: Наука. Главная редакция восточной литературы. 1989. –С. 30.

радибли ғазал инсоннинг зоҳирий ва ботиний қиёфасидан баҳс этади ва ориф инсоннинг ҳаётий ҳулосалари сифатида жаранглайди. Гўзаллик аввало, ботинда бўлиши лозим. Тўғрироғи, инсонни сўз гўзал қилади:

Ботинингни маъни этгил, зеби зоҳирда нӣхон,
Айлаким, алфози рангидин қилур мазмун либос (24 а).

Ботинни бойитмоқ-бу баркамол инсоннинг мақсади. Шоирнинг сўфиёна бу ғоялари унинг Навоий ғазалига боғлаган мухаммасида янада ёрқинроқ акс этган:

Оқил эрсанг, зеби зоҳирдин узуб бил кулл кўнгул,
Кийгали ҳар дам мулавван жома сори тутма кўл,
Гар танинг ёпса эски шол анга хурсанд бўл,
Эйки, бўлмиш хилъатинг зарбафт бори билким, ул,
Маъни аҳлин кулдурурга заъфароне беш эмас (70 а).

Оқил киши ҳеч қачон юзаки гўзалликка асир бўлмайди, у бундан бутунлай кўнглини узади, ҳар қандай безакли кийимга кўл узатмайди. Ориф учун танни ёпадиган бир эски шол бўлса, кифоя. Навоийнинг «Беш эмас» радибли ғазалига Рожий боғлаган мисралар шундай мазмун билан суғорилган. Инсон комиллик касб этар экан, бу йўлда у ўзидаги барча қусурларни бартараф этиб боради. Албатта, ташқи гўзаллик керак. Аммо инсоний фазилатлар ҳам шунга муносиб бўлмоғи керак:

Субҳ янглиғ сидқ ила қилгил вужудинг ғарқи нур,
Кўр не навъ ўлғусидур, гар бўлмаса собун либос (24 б).

Тўғрилиқ-инсон вужудини нурга ғарқ қилади. Инсон ички дунёси қанча бой бўлса, бу нарса зоҳирда ҳам намоён бўлади. Буни шоир чиройли ташбеҳ билан, агар совун бўлмаса, либос қандай аҳволга тушарди, деб ифодалайди.

Инсон суврати ва сийрати ҳақидаги бундай фалсафий ғоялар билан ўралган сатрлар шоир ижодида бисёр:

Мард улки ишқ даштини мардона қатъ этар,
Дема рижол суратида ҳар кишини мард (15 а).

Рижол-эр киши. Эркак суратидаги ҳар бир кишини мард ҳисоблама, шундай одам мардки, у ишқ даштини мардона босиб ўтади.

Гар оқил эрсанг, этмагил эл бирла ихтилот,
Ҳақ инқитойи боисидур элга иртибот
Қилма работи даҳрда масканки бошингга,
Еврулмасун зиёда экан эски бу работ (29 а).

Оқил киши ўзини элдан узоқроқ тутати, чунки орифни Ҳақдан ажратадиган нарса бу гавжум ҳалойиқ билан бирга бўлишдир. Одатда, кўп билган одам кам гапирди. Бундай кишилар гапиришдан кўра, тинглашга мойилроқ бўладилар. Бу сифатларнинг барчаси орифда мужассам.

«Дийдорталаб ошиқларнинг суҳбати-илоҳий суҳбат. Улар учун, Ибн Арабий айтмоқчи, жимлик ва сукут орифликнинг олий белгиси, негаки «билган гапирмай, гапирган билмайди» Ҳақиқий ишқ аҳлининг иқрорига кўра, қай ерда тинчлик бўлса, Ҳақ

ила бирлик бўлар. Халойиқнинг ўткинчи манфаатларига дахлдор машмаша ва ғавғолари ана шу хаёлий бирликка халал беради»¹. Махатма Ганди Яратгувчи билан Инсон ўртасидаги сирли суҳбатни янада ёркинроқ ифодалаб айтадики «Кимки Худога дўст бўлишни истаса, ё ёлғизланиши ёки ҳаммани ўзига дўст деб билиши керак»².

Рожий навбатдаги ғазалида бу фикрни янада гўзалроқ ифодалайди:

Хушо улким, жаҳон аҳлига майли итҳизож этмас,
Тутуб улфат халойиқ бирла айши ибтиҳож этмас.
Алойиқ ришгасин тажрид тиғи бирла қатъ айлаб,
Куҳанзоли жаҳонга майли ақди издивож этмас (23 а).

Юкоридаги байтларда бу дунёни эски работ деб атаган шоир, бу ғазалда уни куҳанзоли-маккора қари кампир дея сифатлайди ва оқил киши уни тажрид тиғи-яккалаш орқали кесишини таъкидлайди. Шоир ирфоний тафаккур ғояларини янада ривожлантиради:

Бўл даҳрда ҳақорат эли бирла мунтахарт
То тонгла иззат аҳли аро топғунг инхирот.

Жоҳ иртифоидин ўзингга бермагил ғурур,
Ҳар иртифоъ четида ҳозирдур инхитот.

Шоир лирик қаҳрамони ҳақорат эли билан бирга бўлиш лозимлигини таъкидламоқда. Хўш, ҳақорат эли ким? Тасаввуф таълимотида маломат аҳли деган қараш мавжуд. «Маломат» сўзи арабча бўлиб, ўзбек тилида таъна, дашном, тергов, таъкиб каби маъноларга эга. Маломат қилинган одамга нисбатан «таъна эшитди», «дашном еди», «гапга қолди», «расво бўлди», «расвоси чикди», «обрўси тўкилди», «беобрў бўлди», «обрўси бир пул бўлди» каби сўз ва иборалар ишлатилади. Мавжуд маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, маломатиялар ўз нафсларини маломат қиладилар. Тасаввуфда «маломатда саломат» ибораси мавжуд бўлиб, яъни киши ўз нафсини ўзи маломат қилса, саломат юради, яъни имони саломат бўлади, агар ўз нафсини ўзи маломат қилиб турмаса, туғёнга берилса, гуноҳ устига гуноҳ қилади, натижада имон саломатлигига путур етади, деб таълим берадилар. Бу маломатийларга хос тарбия усулидир»³. Инсон ҳар қанча амал-мартабанинг юксак чўккисига кўтарилмасин, охир бир кун тушари бор. Бу дунёда кибрга берилмасдан, маломат аҳлидан бўлган ошиқлар тонгла Ҳақ ҳузурида иззат топадилар,- шоир шундай фикрлайди:

Шод улки ўлди хотиринг оламда қайғулиғ,
Невчунки ҳазин бўлғусидур мўъжиби нишот.

Маҳди риёзат ичра солиб нафс тифлини,

¹ Ҳаққулов И. Парим бўлса учиб қочсам // Алишер Навоий. ғазаллар. Шарҳлар. –Т.: Камалак, 1991. –Б.149.

² Қаранг: Ҳаққулов И. Тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. филол.фан.док... дисс. автореф. –Б. 15.

³ Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Тўплам. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. –Б. 251.

Шаръ амри наҳй бирла анго боғлағил кумот

Қил мунбасит фироқ аро Рожий бисоти жаҳд,
То курби васл базмида топғайсен инбисот (29 а).

Қачонки сен қайғулиқ бўлсанг, шодлигинг шудир, чунки инсонни хайратга соладиган шодлик сўзининг ўзи ҳам мунглидир. Қайғулилар-бу дард аҳли. Ошиқлик. Чунки ошиқ лаззатдан кўра кўпроқ дард чекади. Ана шу дард ошиққа мангу шодлик бағишлайди.

Навбатдаги байт ориф инсоннинг энг катта душмани-нафсни енгиш ҳақида. Демак, мақсадга эришиш учун нафсни болалигидаёқ маҳдиёна қийноққа солмоқ лозим. Шайтонга қарши қандай курашилса, нафсга қарши ҳам шундай курашиш ва уни амри наҳй-ёмон йўлдан қайтариб, яхши йўлга ундаш керак. Зеро, айрилиқда очиқ юзлук билан ғайрат қилсанг, эй Рожий, Ёр висолига яқинлашганингда шодлик топасан.

Шу билан биргаликда, Рожий лирикасида тасаввуфнинг тажалли назарияси намоён бўлади. Тажалли-ҳар бир яратилган нарсада Аллоҳнинг жилва қилишидир.

Оразин очғач, паривашлар бошидин айрулур,
Не ажабким, ул қуёшдур бу бори заррот анга (4 а).

Агар гул бўлмаса, булбул бунча нола афғон этмасди. Ҳар бир нарсанинг сабаб ва оқибати бор:

Лолагун ашким фироқингда тутубдур дашғни,
Йиғламақдин орази холинг тилаб девонавор.
Жилва қилсанг боғ аро гул-гул очиб рухсоринги
Ўртанур булбул, чекар гул, ҳасратингда хор-хор (20 а).

Шоир ижодида бот-бот «водийи ҳижрон», «ғами чоҳ», «ҳижрон қудуғи»

каби иборалар кўзга ташланадики, булар ошиқ (ориф)нинг Ёр васлига етишиш йўлидаги машаққатларни англатади.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида тез-тез аҳли аёлга боғланиб қолмаслик ҳақидаги даъватлар кўзга ташланади. Яссавий аҳли аёлдан ва фарзанддан кўнгил уза олмаётганлиги учун афсус-надомат ҳам чекади:

Бошим, таним туфроқ қилиб фано қилсам,
Дийдор талаб ҳасратида адо бўлсам.
Аҳли аёл хонумондин жудо бўлсам,
Дўстлар, Хожам манга раҳми келармукин?¹

ёки:

Раҳмон эгам соқи бўлуб май ичурса,
Аҳлу аёл хонумондин пок кечурса².

Рожий Хоразмий ижодида ҳам Яссавий даъватига ҳамоҳанг сатрларни кўрамир:

Зану фарзанд қайди ичра қолма,
Эр эрсанг, қил талаб бир марди олам.

Юмуб кўз ўт жаҳондин, йўкса қилғай,
Мукаддар хотирингни гарди олам

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б. 194.

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б.108.

Тонг эрмас, тарки олам қилса Рожий
Ки жонидин ўтубдур дарди олам (40 б).

Қайд-кишан, боғланиш. Дунёнинг майда-чуйда ташвишлари ориф қалбини хиралаштириб, унинг Ҳақ васлига етишига ҳалақит бергани каби аҳли аёлга муҳаббат қўйиш ҳам ана шу бирликка ҳалал беради. «Гарчи тасаввуфда уйланиш, фарзанд кўриш манъ қилинмаса ҳам, Иброҳим Адҳам Аллоҳ муҳаббатини тожу тахтдан ҳам, фарзанд муҳаббатидан ҳам устун қўйди. Аҳмад Яссавий ҳам шу йўлга даъват қилса-да, ўзига навбат етганда шундай ҳолатга тушади:

Аллоҳ учун фарзандларим етим қилсам,
Жондан кечиб, молдан кечиб ғариб бўлсам,
Биёбонда ялғуз қоздек нола қилсам,
Нечук илож этаримни билмам, дўстлар!

Аллоҳ ва фарзанд муҳаббатини Аттор ва Румий кўп марта қиёс қилганлар¹. Ана шу улуғ зотлар фалсафий тафаккуридан баҳраманд бўлган Рожий Хоразмий ҳам шундай ғояни олға сурган. Рожий ижодида «Ўртади» радифли ғазал характерлидир. Ирфоний ғоялар билан лиммо-лим бу ғазали унинг илоҳий муҳаббат ҳақидаги қарашларининг яна бир намунасидир.

Ишқинг андоқ солди ўтким жисму жоним ўртади,
Дедим охи тортамен кому забоним ўртади.

Дўзах ўти маҳруқ эрматур фироқ ўти киби,
Оҳ бу ўтдинки пирохану ниҳоним ўртади (49 а).

Ишқ кимгадир, нимагадир қаттиқ интилишдир. Айрилиқда қолган ошиқнинг охи олдида дўзах ўти ҳеч нарса эмас:

Нўши лаълинг ташнасидурмен талаб водийсида,
Найламен, бу ташналик руҳи равоним ўртади.

Бенишонлиқнинг нишони чун эрур гумномлиғ,
Барқи истиғно тушиб, ному нишоним ўртади (49 а).

Талаб водийси-сўфийлик маслағидаги етти водий (етти даража) нинг биринчиси. Сўфийликнинг амалий-ахлоқий сулукидир. Нўши лаб-ширин лаб, ёрнинг ширин лаби. Мажозан Ҳақнинг висол лаззати. Барқ-чақмоқ, кўнгилга ишқ алангасининг тушиши. Кейинги мисраларда Ҳақнинг сифатлари янада ойдинлашади:

Эрди жон оинасида ёр рухсори аён,
Оҳким тан кулфати ул навъ жоним ўртади.

Неча юз минг парда ҳоил эрди ул юз васлиға,
Барчасин бир шуъладин ўтлуғ фиғоним ўртади (49 а).

Жон оинаси-кўнгил. Ҳақнинг рухсорини, гўзаллигини кўз билан кўриб бўлмаса ҳам, ошиқ қалби билан ҳис қилади. Тасаввуф таълимотида Олам муҳаббатдан яралган, Ҳақ ўз

¹ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. –Т.: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. –Б. 77.

хусни жамолини жилва қилдириш, севдириш учун бу оламни яратди, деган қараш мавжуд. Ҳақ жамоли шу даражада нурлики, шоир фикрича, бир неча юз минг парда билан ўралган. Ёр васлига эришиш учун ошиқнинг ўтлуғ охи ана шу ҳоил-пардаларни ёндиради. Ғазалда исёнкорлик ҳам, масту девоналик руҳи ҳам бўй кўрсатиб турибди. Шу тариқа, шоир завқ-шавқ билан тасаввуф водийсига майл кўргизади.

Одатда, ишқ икки киши-ошиқ ва ёрнинг бир-бирига сирли интилишидир. Бу ишқ дахлсиз бўлиб, унга учинчи бир шахснинг аралашishi ҳеч бир одоб-ахлоққа тўғри келмайди. Тасаввуф таълимотида ҳам орифнинг муҳаббати сирли, пинҳон бўлиши талаб этилади. Бунга қарама-қарши ўлароқ, кўпгина шоирлар зоҳиднинг тоат-ибодатини мисол келтирадилар ва ориф муҳаббатини ундан устун қўядилар.

Мумтоз адабиёт вакиллари ҳар доим руҳ тарбиясини биринчи ўринга қўйганлар. Жалолиддин Румий руҳга шундай таъриф беради: «Руҳ шундай бир латифадирки, у ғайбдан қалбга келиб киради, у ҳаётнинг асоси ва ҳатто ҳаётдан ҳам баланд, руҳ-раббоний амрдир». Демак, руҳ ғайб оламидан келиб қалбга кирадиган латиф бир қувват... Руҳни ҳимоя қилиш инсон камолотини ҳимоя қилиш ва парвариш этиш деб тушунади улуғ мутафаккир»¹. Инсонни ичдан нурлантириб турадиган манба-бу кўнгил. Қалб бойлиги ҳамма нарсадан, дунёнинг беҳисоб молу дунёси, амал-мартабасидан ҳам аъло:

Бўлғил кўнгил ҳузурига машғул мутгасил,
Руҳинг била агар тиласанг иттисоли файз.

Хотирга солма ғайр хутури била халал,
То топмасун хавотир ила ихтилоли файз.

Ҳар бир комил оллида хизматга комил ўл,
Рожий кўнгулда коминг эса гар камоли файз (28 б).

Файз-маъни аҳли учун илоҳ тажаллиси. Кўнгил-бу комил инсон учун бир кўзгу. Ана шу кўзгуда тажалли жилва қилади. Инсон мутгасил руҳини, кўнглини шунга тайёрлаб бормоғи лозим. Шоирнинг сўфиёна бу ғоялари унинг мухаммасида ҳам давом этган:

Маъни эт ҳосил агар ҳар сурат ила дерди ҳаст,
Қил ҳаёли нашъайи кайфияти жоми аласт,
Сурат оро бўлма қул нашъа майдин ўзни маст,
Гар ўзини доно тутар тақлид ила суратпараст,
Олами таҳқиқида бир они нодон билмишүз (68 а).

Фузулий ғазалига боғланган бу мухаммасда шоир ҳар бир нарсанинг шаклига қараб уни мавжуд дейдиган суратпарастларни танқид остига олади. Суратга қул бўлгандан кўра, ўзни ташналик майи билан маст қилган афзал. Шоир, Фузулийнинг бировларга тақлид қиладиган суратпарастларни ҳақиқат йўлидаги нодонлар деган ғоясига ҳамоҳанг ғояларни илгари суради. Бу мавзу Навоий ғазалига боғлаган мухаммасида ҳам давом этди:

¹ Комилов. Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. –Т.: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. –Б. 37.

Истасанг кирмак агар аҳли муҳаббат сониға,
 Сур азимат тавсанин дашти фано майдониға,
 Бокма олам гулшанининг ҳар гули хандониға,
 Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға,
 Барқ эрур ҳар ел учурғон барги булбул жониға.

Истама, бу боғ аро ҳар сарву гул бўю қадин,
 Еткурурлар кўкка ўтлуғ оҳ ила ноланг ҳадин,
 Маъни иста, қўй жамоли зоҳирининг марқадин,
 Гарчи шамъ ўлди шабистон зеби, кўрким шуъладин,
 Тил чиқармишгур сусаб парвоналарнинг қониға (64 б).

Барча махлуқотлар орасида руҳий камолотга эришиш шарафига фақат инсонгина муяссар бўлган. Шоир «аҳли муҳаббат сониға» киришни истаган лирик қаҳрамони «маъни иста»шини истайди, «жамол зоҳир» ўткинчи эканлигини таъкидлайди.

Мумтоз адабиётимизда зоҳид образи ва шу мавзу доирасида қатор ғазаллар битилган. Навоий асарлари луғатида зоҳид-дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх ёки ўзини халқ назарида шундай кўрсатувчи риёкор шайх деб таъриф берилган¹. Алишер Навоий ижодида зоҳид ва шайх образи жуда ёрқин тасвирланган:

Қилма кўп, эй шайх, айбим хонақоҳга етмасам,
 Ким харобат аҳли хушроқ аҳли тақводин йироқ²

Ёки:

Зоҳид айтурким, май ичма, ваҳ, анинг ҳукми била,
 Соғ ўла олғайму масти бодайи жоми аласт³.

Барча мумтоз адабиёт вакиллари каби, Рожий нафақат мавзу ва бадиият оламида, балки ирфоний ғоялар борасида ҳам Навоийдан таъсирланганлиги шубҳасиз:

Чу зоҳид беҳабардур ишқ ўтидин не асиғ қилмоқ,
 Эл ичра гаҳ сужуду гаҳ қиём оҳиста-оҳиста.

Кўруб ўзни камол авжида эмин бўлма нафсингдин,
 Нечук нуқсон топар моҳи тамом оҳиста-оҳиста.

Чу донишда чиқординг от, қаноат файзин эт ҳосил,
 Тамаъдин элга ёрур нангу ном оҳиста-оҳиста.

Кетур, соқий паёпай жоми май Рожийи маҳзунга,
 Ғами дафъин қилур шурби мудом оҳиста-оҳиста (47 б).

Ишқ ўтидин беҳабар зоҳидга ишқдан нима фойда, эл ичра гоҳ сажда қилади, гоҳ туради. Зоҳид ўзини камолотда етук ҳисоблайди-ю, аммо нафсидан айрилолмайди. Донишликда от чиқарган, аммо тамаъгирликда ҳам эл орасида шухрат қозонган. Энди ўзингга қаноатни аста-секин шиор этгил. Сатрлар зимнида аччиқ киноя руҳи сезилиб

¹Алишер Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарлари 15 жилдигига илова. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. -Б. 257.

²Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. 20 жилдлик. 2-жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987.-Б. 275.

³Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. 20 жилдлик. 2-жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987 -Б. 70.

туради. Огаҳий ғазалига назира тарзида ёзилган бу ғазалда «Камолотда етук», «донишликда от чиқарган» зоҳиднинг таъмагирликда ҳам охиста-охиста ном чиқарганлиги фош этилади. Зоҳид ва шайх образи унинг мухаммасларида ҳам давом этади. Алишер Навоийнинг «Мен янглиғ» радифли ғазалига боғлаган мухаммаси бунинг далилидир:

Мангаки шайх деди: бир мурид ўлуб қулким,
Беҳишг гулшаниға бошқарай санга йўлким,
Дедим: узатма сўзингни эй сўфи, гум бўлким,
Абири жаннат исин айламас писанд улким,
Муаттар айласа майдин машом мен янглиғ.

Кел эмди пандингни эй зоҳид, этма кўп азбар,
Ки суйи кавсар учун тутма деб букун соғар,
Бинойи ҳушинг этибдур риё аҳли абтар,
Ба нақди жаннат аро нўш этар майи кавсар,
Ангаки, майкада бўлмиш мақом мен янглиғ (52 а).

Ўзини доно тутиб, ҳаммага насихат қиладиган шайх ваъз айтиб, лирик қаҳрамонни жаннатга тайёрлайди. Аммо у майни жаннат исидан афзал кўради. Лирик қаҳрамоннинг унга муносабати аён: у нодон, бир гапни минг такрорлайдиган, риё аҳлини бузган зоҳиднинг пандига мухтож эмас. Мана шу руҳ ва ғоя Навоий ғазалига боғланган «Эрмиш» радифли мухаммасида ҳам давом этади:

Не ҳосил ўзни тутмоқдин риёю уjb ила обид,
Кириб масжид аро гоҳи бўлуб қоим, гоҳи қоид,
Қил ўзни бир париваш қўйи туфроқи уза сожид,
Бало захрин чекмай зуҳдинг, эй зоҳид, эрур борид,
Ҳақиқат ишқиға ҳам чошни ишқи мажоз эрмиш (64 а).

Ошиқ (ориф) ларни зоҳид ва обидга қарши қўйиш биргина Рожий Хоразмийда эмас, умуман мумтоз адабиётда қатъий принцип, қоида даражасига кўтарилган. Масалан «Яссавий ошиқларни зоҳид ва обидга қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. (Умуман, тасаввуф шоирларида бу анъанага айланган эди). Нега шундай? Ахир зоҳидлар тасаввуф аҳлига буткул бегона эмаслар-ку? Тасаввуфнинг талабларидан бири ҳам зуҳд ва вараъ (парҳез) дир. Аммо шунга қарамай, зоҳидлар билан ошиқлар бир-бирига зид табиатли кишилардир. Чунки зоҳидлар тақво ва ибодат билан шуғуллансалар-да, бироқ тамаъдан холи эмас эдилар, бунинг устига Худони ёниқ ишқ билан севиш, илму ирфон асроридан бохабарлик улар ақидасига сиғмас эди»¹.

Шоирнинг лирик қаҳрамони-ориф нафақат Ҳақ ишқида ёнган ошиқ, балки Олам ва Одам фалсафаси ҳақида чуқур мулоҳазаларни ўртага ташловчи, дунёга теран назар ташлайдиган реал инсон. У шоҳ ва салтанат мавзусидан сўз очиб, шоҳга танбеҳ ва насихат беришга ҳам журъат қилади:

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. –Т.: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. –Б. 82.

Банда бўлсанг, бандалик амрида коҳил бўлмаким,
Салтанат бирла иморат сори мойил бўлмаким,
Иззату жоҳи насаб мулки манозил бўлмаким,
Меҳр тожу чарх тахтинг бўлса ғофил бўлмаким,
Меҳр бемеҳри фалак номехрибоне беш эмас.

Шаҳриёро, бермагил қасринга кўб тазҳибким,
Ўзни олам ичра султони мамолик деб ким,
Пастлиғ айлаб шиор, эт нафсинга таъдибким,
Шаҳға эл фикрини қилмоқдур, улким, зебким,
Бир суруг кўйдур раоё, шаҳ шўбоне беш эмас (70 а).

Тазҳиб-оройиш бермоқ, таъдиб-адабини бермоқ. Ўзингни бутун оламнинг султониман деб қасринга кўп оройиш берма, эй подшоҳ, ундан кўра сени шу кўйга солган нафсингнинг адабини берсанг бўлмайдами? Эл фикрига кулоқ солмоқ шохга зебу зийнат бағишлайди, халқ бир кўй бўлса, подшо чўпондир, ундан ортиқ эмас. Навоийнинг халқ бир суруг кўйдир, подшоҳ эса бир чўпон деган фикрларига ҳамоҳанг шоир подшоҳга карата нафсингни адабини бер, дея танбеҳ беради. Навоий ҳам саройда туриб, Ҳусайн Бойқарога пандомуз ўғитлар берган, Рожий ҳам саройда туриб Саййид Муҳаммадхон ва Ферузшоҳга ўғитлар беради. Инсон вужудида, жумладан, шохда ҳам Фиръавн ва Ҳомон хулқи, юз тўнғиз феъли бор, уларни риёзат қиличи билан қатл этмас экан, мақсадга етиб бўлмайди. Шоир сўфиёна шеърларининг асосини ташкил этган мавзу нафсга қарши курашдир ва подшоҳга ҳам танбеҳ бериб, уни комиллик сари ундайди.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда тасаввуф ғояларини ифодалашда май, майхона, майпараст образларидан ҳам унумли фойдаланилган. «Майхона-шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб тошган комил инсон-орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир»¹. Рожийнинг айрим сўфиёна ғоялари ҳам шу тимсолларда ифодаланади:

Айламиш Рожийни бир соқи онингдек майпараст,
Ким дер они кўргон эл майхона қаллоши келур (16 б).

Сокий-муршид. Солиққа тўғри йўл кўрсатиб, Ҳақ висоли сари илҳомлантирадиган раҳбар. Май-сўфийлар назарида илоҳга олиб борадиган маърифат нури. Майпараст-илоҳ васлидан, маърифат нуридан шунчалик мастки, уни кўрган эл жинни, дайди деб атайди. Бундай деталь Навоий лирикасида ҳам мавжуд:

Асра сийминг, эй ғаний, май берки йўқ туфроқча,
Берса олам нақдини дайри фано қаллошига².

Ёки:

Ким эрур ушбу иши қаллошлиқ,
Ринду қаландарвашу авбошлиқ³.

Май орифни илоҳий ваҳдат сари етаклаб, дунёни унутиш рамзи сифатида ифодаланган. Бу йўлда албатта, солиқ (лирик қахрамон) ка муршиднинг таъсири катта.

¹ Комилов Н. Тимсоллар тимсоли // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т.: Камалак, 1991. –Б. 101.

² Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. 20 жилдлик. I жилд. –Т.: Фан, 1987. –Б. 385.

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилдлик. I жилд –Т.: Фан, 1983. –Б.27.

Шоир кел, эй соқий, мурожаатини қўллаганда, албатта муршиди комилга муҳтожлигини ифодалайди. Масалан:

Кел, эй соқий, манго роҳи тараб тут,
Ичай то келмасун ёнимга қайғу (44 а)-
деб ёзади Рожий бир ғазалида. Шоир ғазал ва мухаммасларида май образи қизил ип бўлиб ўтади:

Кетур, соқий паёпай жоми май Рожийи маҳзунға,
Ғами дафъин қилур шурби мудом оҳиста-оҳиста (47 б).
Май образи баъзан кишилар портретини очишга хизмат қилади:

Зоҳид, аёғ қўймағил дайр аро ғофил эсанг,
Май чиқориб бошингга қилғуси расво қадаҳ (13 а).
Маълумки, илоҳий сирларни ақл билан идрок этиб бўлмайди, уни фақат кўнгил билан ҳис қилиш мумкин. Рожийнинг сўфиёна сатрлари силсиласида ҳам ана шу ғоя барқ уриб туради:

Фано дайрида гар лояқил эрсам,
Тонг эрмас, соғари саршор боис (11 б).
Лояқил-ақлсизлик, ҳушсизлик. Фано мақомида маърифат нурига ғарқ бўлган ошиқда ақлдан кўра ҳиссиёт устун туради. Ғофил-ишқдан беҳабар, демак худобеҳабар. Бобур бир ғазалида:

Ўзни кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутконни унутмоқ керак¹-
дейди. Ўзгани эслаб туриш меҳр-муҳаббат рамзи. Инсонни севиш-Илоҳни севишдир. Чунки унда Яратгувчи зухур этади:

Ҳақ ёдини қил то сани ёд айлағай ул ҳам,
Ёд айламаганларни Худо айламади ёд (14 б).
Тасаввуф таълимоти бадиий адабиётга кириб келгандан сўнг, аста-секин ўзига хос символик атрибутлари-образлари шакллана бошлади. Масалан: зулф-ошиқ учун тузоқ ва машаққатли йўл. Бу унинг жингалаклиги ва қора рангидан олинган, бутхона эса орифлар мажлиси, тарсо-дунёдан этак силкиб илоҳий ишққа ғарқ бўлган ошиқ. Ҳусни мутлаққа ошиқ бўлган орифнинг ғамбода кўнгил изтироблари шоир ижодида қатма-қат:

Жунун тухмининг мазраидур вужудим,
Эрур хирмани ғам онинг ҳосилоти

Аёқчи, кетур майки, солмиш аёқдин,
Мени ул пари ҳажрининг ҳодисоти (49 а).
Жунун-савдойилик. Мазра-экин экиладиган ер. Аёқчи-соқий, май ташийдиган хизматкор. Ошиқ қалбида фақат ғамлар етилади. Бу унинг жунунлигини оширади. Бундан қутулишнинг ягона воситаси-май. Май-маъни аҳли учун ҳақиқат маърифати, унга бўлган

¹ Бобур. Девон –Т.: Фан, 1994. -Б. 34.

ишқу муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззат. Огаҳийда ҳам Рожий сатрларига ҳамоҳанг мисралар мавжуд:

Замирим дард тухми мазраъидур
Онга келди сипехри даҳр ҳодис¹.

Сатрдан-сатрга ирфоний тафаккур кучайиб боради:

Нетонг ул санам тутса кўнглумда маскан,
Эрур кўнглум уйи онинг Сумноти.

Эрур Рожий ул навъ ишқ ичра комил,

Ки, осон анга дарду ғам мушкилоти (49 а).

Сумнот-Ҳиндистондаги машҳур бутхона. Санам-бут, мажозан Ёр. Ориф қалби бутхона тимсоли билан ифодааланган. Кўнгил-орифларнинг мажлис ўтказадиган жойидир. «Қалб-Аллоҳнинг уйи. Ер ва кўкка сиғмаган Аллоҳ сиғадиган ер»², -деб таъриф беради турк тасаввуфшунос олими Сулаймон Улутоғ. Алишер Навоийда ҳам Сумнот образи мавжуд:

Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилвайи хусн,
Тенг ўлди Каъба била дайри Сумнот манга³.

«Тасаввуф шеърятини қахрамонлари, хусусан, ошиқ ва орифлар учун «куфр»га берилмоқ, «тарсо»ни севмоқ, «бут»га сажда қилмоқ энг олий истак ва шавқу завқ матлабидир. Мана, Алишер Навоий нима деб ёзган эди:

Зулфин очти ул санам, эй шайх, бовар қилмасанг,
Ким асири куфрман, бут бирла зунноримға бок.

... Бу тимсолларнинг тасаввуфий маъноси бундай: «куфр»-Ҳақ сиррини махфий сақламоқ; «тарсо»-дунёдан этак силкиб, илоҳий ишққа ғарқ бўлган ошиқ; «тарсобача»-мурид нигоҳини жазб айлайдиган муршиди комил юзида жилваланган нур: «дайр», «бутхона», -орифлар мажлиси ва «зоти аҳадият»дан ҳузурланиш демак. «Бут»-тимсолига келсак, у ишқ ва ваҳдат рамзи. Зеро, ашёлар борлиқнинг зухури экан, «бут» ҳам ўша ашёлардан бири «холос»⁴.

Фузулийда ҳам шу фикрларга ҳамоҳанг образларнинг гўзал намунаси мавжуд:

Саждадур ҳар қанда бир бут кўрсам ойиним маним,
Ҳоҳ мўмин, ҳоҳ кофир тут, будур диним маним⁵.

Агар Фузулий қаердаки бир бут кўрсам, унга сиғиниш менинг одатим, сен мени кофир деб атайсанми, мусулмон деб атайсанми менинг диним шудир деса, Рожий эса менинг кўнглим Сумнот бутхонаси дейдики, унга бориб сиғиниш ҳар бир бутпарастнинг орзуси. Маъжозан эса орифлар суҳбатини тинглаш ҳар бир комилликка интиладиган инсоннинг орзуси. Ишқ ичра комилликка эришиш ҳар бир ошиқнинг мақсади. Мақсад

¹ Огаҳий. Асарлар. Девон. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б.134.

² Dr. Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. Marifat yayinlari. Yaylacir matbaasi. –Istanbul.: 1991. –Б.274.

³ Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. 20 жилдлик. IV жилд. –Т.: Фан, 1989. –Б. 15.

⁴ Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. 93-94 бетлар. Бу кўчирмани И. Ҳақкулов. Тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти. филол. фан. док... дисс. авторефератидан олдик. –Б. 41-42.

⁵ Фузулий. Асарлар. II жилдлик. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. –Б.234.

улуғ бўлса, йўлдаги ҳар қандай машаққатлар, тўсиқлар унга ғов бўлолмайди. Лирик қаҳрамон ишқ йўлида собит, эътиқоди мустаҳкам, ўз кучига ишонадиган фаол шахс.

Ҳар на ислом асари бор эса, таркин тутубон ҳам,
Куфри зулфин қилибон белима зуннор эшигинда (3 б)-
сатрлари ҳам ўтган салафлари илгари сурган сўфиёна ғояларга ҳамоҳанг тарзда ҳурфикрлиликнинг ёрқин намунасидир. Зеро, И.Ҳаққулов ёзганидек, «Тасаввуф дин бўлмаганидек, динсизлик ҳам эмас. Тасаввуф диндорни ҳам, даҳрийни ҳам, мусулмонни ҳам, христианни ҳам-хуллас, дини, миллатидан қатъий назар, барча кишиларни Оллоҳ ишқи ва гўзаллигига йўналтирувчи бир эркин маслакдир»¹.

Тасаввуф адабиёти образлари рамзларга асосланган: «Бода» «шароб», «вахдат майи», «сир шароби», «жом», «қадах», «соғар», «майқада», «соқий», «муғбача», «пири муғон» сингари атамаларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ва мақсадни ифода этадиган тимсоллардир»². Рожий сўфиёна руҳ билан суғорилган ғояларини ифодалашда асосан ошиқ (ориф), зоҳид ва обид, бут ва бутхона, май ва майхона каби образлар тимсолида тасаввуф таълимотидаги талаб, тажриба ва натижа каби ирфоний ҳолатларни ифодалайди, руҳан ва маънан ўзини ва ўқувчини ҳам комилликка ундайди.

Ҳамд, наът ва муножот руҳидаги шеърлари. Шоир ижодида сўфиёна ғоялар билан биргаликда муножот, ҳамд ва наът руҳидаги ғазаллар ва айрим байтлар ҳам мавжудки, «уларда ҳақ таолонинг олқиши келади, бу олқиш «ҳамд» деб аталади»³.

Бу тур шеърларида шоирнинг дунёқараши, фалсафий фикр-мулоҳазалари акс этган. Рожий ҳам ўз замонага қадар шарқ фалсафасида чуқур илдиз отган “вахдат ул-вужуд” таълимотидан чуқур хабардор. Унинг фикрича, бу ашёлар дунёси (моддий олам) Яратувчининг санъаткорона санъати билан яратилган ва бунда “қун” (“бўл”) сўзи кифоя қилди, холос. Аммо Яратувчининг зотини билиб бўлмайди, уни ҳис этиш, тасаввур қилиш, англаш мумкин. Негаки, яратилган ашёлар (моддий олам)да Унинг белгилари бор. Шоир ҳамд ғазалларида ўзига хос бир маърифий қарашларни ифодалайди. Унинг наът ғазалларида комил инсон тимсоли пайғамбар Муҳаммад (сав) сўз, фикр ва ахлоқда идеал намуна сифатида тақдим этилади.

Барча мумтоз адабиёт вакиллари ижоди каби Рожий ижодида ҳам Яратувчининг мадҳи, унинг сифати бирламчи ўринда туради. Шоир Аллоҳнинг фақат ўзигагина хос бўлган Яратувчилик қудратини тасвирлайди:

Насими раҳматинг очса бировнинг ғунчаи бахтин,
Анга сўзон ўт ичра айлаунг рангин чаман пайдо.
Бировга чоҳи ғамдин истасанг бермоғ нажот ўлғой,

¹ Ҳаққулов И. Тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва таракқиёти. филол. фан. док... дисс. автореф. –Б. 40.

² Тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва таракқиёти. филол. фан. док... дисс. автореф. –Б. 38.

³ Рустамий Алийбек. Адиблар одобидан адаблар. –Т.: Маънавият, 2003. –Б. 64.

Халос айларға они ғайбдин далву расан пайдо (2 а).
Иккинчи бир ғазалида ҳам Яратгучининг сифатларини тасвирлайди:

Эй дарғахинг анбиёга маъво,
Султон сан, алар санга риоя.
Олам келибон туфайли зотинг,
Отингга икки жаҳон муаммо (2 а)

деган шоир пайғамбарга ҳам бўлган беадад меҳру муҳаббатини шундай ифодалайди:

Тилаб аламзада уммат гуноҳига бахшиш,
Иноят айни била Ҳақ ҳусулинг айлаб ком.

Қаю набиға муяссар дурур бу навъ уруж,
Қаю расулға бу навъ васл аро икром.

Агарчи Рожий эрур журми бодаси била маст,
Шафоатингдин этар, эй ҳабиб, умид мудом (39 а).

Шоирнинг кўплаб ғазалларида Аллоҳнинг сифатлари мадҳ қилинади ва айрим ғазалларида мадҳ билан бирга наът ҳам келади, яъни ғазал охирида шоир пайғамбардан шафоат сўрайди. Навоийнинг «Малоз» радифли ғазалига назира тарзида яратилган қуйидаги ғазалида ҳам шоир Аллоҳ мадҳидан сўнг пайғамбарга наът бағишлайди ва Рожий баркамол инсон деганда биринчи навбатда пайғамбаримизни тушунади:

Эй жанобинг шаҳу гадога малоз,
Шафқатинг ёту ошнога малоз.

Дарғахининг буди паноҳи дурур,
Деса бўлғай оқу қароға малоз.

Ё наби, қил шафоатинг кўйин,
Рожийи зори бенавоға малоз (15 б).

“Шоҳу гадога, ёту ошнога бир хил муносабатда бўлиш” – комилликнинг идеал намунаси бўлиб, Пайғамбар (сав) бунинг ёрқин намунасидир.

Шоир ижодида айрим муножот ғазаллар ҳам борки, уларда лирик қаҳрамон Яратганга юкинади ва нотинч қалбига осойишгалик бахш этишини тилайди. Инсоннинг ўз хато ва гуноҳларини англаб етиб, тавба мақомига келиши узоқ давом этадиган оғир жараёндир. Мақом – маънавий куч ва ирода билан эришиладиган мавқе, малака, марҳала. Унинг биринчи «бекати» – тавба.

Одатда, муножотларнинг асосини банданинг Яратганга илтижоси ташкил этади. Аммо шоир муножоти ижтимоий масалалар акс этгани билан Навоийнинг муножотига яқин туради. Зеро, Навоий муножотлари кейинги давр ижодкорлари учун тажриба ва илҳом манбаи бўлганлиги сир эмас.

Айлаб мани ҳазинға лутфингни ёр, Ёраб
Қилма мудом кўнглумға ғафлат шиор, Ёраб.

Бир ишда йўқ қарорим, бир йўлда йўқ саботим,
Фақру фано йўлида қил устувор, Ёраб.

Хирсу ҳаво олибдур илгимдин ихтиёрим,
Тун-кун ишим хатодур, беихтиёр Ёраб.

Журмимга йўқ шумора, нуқсимга ҳад падидор,
Мен рўсиях на қилғум рўзи шумор, Ёраб.

Жонимга даҳр элидин ҳардам етар жафолар,
Бу жавру пешалардин бергил канор, Ёраб (4 а).

Шоирнинг форс тилидаги муножот мухаммаси ҳам бу туркумдаги лирикасида муҳим ўрин тутади. Тўққиз банддан иборат ўзига хос бу муножотда шоир йигитликда қилган гуноҳлари учун тазарру қилиб, чуқур пушаймонлик ва қалб нидоси билан Худодан мадад сўрайди, уни нафс ботқоғидан қутқаришини ўтинади. Бу мухаммас муножот, мавъиза, илтижо руҳидаги нолаю фарёддан иборат бўлиб, шоир умрининг сўнгги йиллари ҳақида маълумот беради. Лутфу карами кенг ва мағфират айлагувчи ягона зот Оллоҳдир. Инсон ва Оллоҳ: бири – гуноҳкор, бири – мағфират қилгувчи Зот. Бундай ғоялар Рожий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди.

Мубталойи нафси шайтонам, Худоё дастгир,
Роҳи ворастан намедонам, Худоё дастгир,
Монда дар тўфони ҳирмонам, Худоё дастгир,
Ғарқайи дарёи исёнам, Худоё дастгир,
Аз гуноҳи худ пушаймонам, Худоё дастгир.

Мазмуни:

Нафс шайтони мени босиб олган, эй худо, мени қутқаргин,
Бу балодан қутулиш йўлини билмай қолдим, эй худо, мени
қутқаргин,

Ранжу бало тўфонига гирифтор бўлганман, эй худо, мени қутқаргин
Гуноҳлар дарёсига ғарқ бўлганман, эй худо, мени қутқаргин,
Ва барча гуноҳларимдан пушаймонман, эй худо, мени қутқаргин.

Шоир шу тарзда худога мурожаат қилиб, ноҳўя қилмишларидан қутқаришни илтижо қилади. Унинг гуноҳи тўлиб-тошган, бунинг ягона йўли тазарруъ қилишдир. Шу тарзда, шоир ҳалоллик, тавба, ибодат каби шариат амалларини тарғиб этиб, инсонларни покликка даъват этади. Бу шоирнинг идеали эди, у ҳақиқий ҳалол инсонни орзу қилади. Унинг бу пандомуз маъвизаси ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва катта тарбиявий кучга эга. Муҳаммаснинг кейинги бандларида кўтарилган мазкур ғоялар кенг кўламда тасвирланади. Жумладан, шоир ғафлат ҳақида тўхталади, гуноҳлар юкидан нолийди, дунёга келганида пок бўлиб, сўнг дунё фитна-фасодига йўлиққанидан афсус қилади, амал ва мартаба туфайли нафс балосига йўлиққанлигидан уларга қарши қабани қўяди, Аллоҳдан мадад сўрайди. Зеро, буларнинг барчасидан қайтаргувчи ягона зот Улдир.

Шоир Аллоҳни шундай сифатлайди:

Эй худо, Ғаффуру Саттор аст бешак номи ту,
Мағфират гашта ба журми ошён аъломи ту,
Бар ҳама ом аст лутфу бахшиши инъоми ту,

Даст овезе надорам ғайри лутфи оми ту,
Ноумед аз ҳабли ҳоконам худоё дастгир.

Мазмуни:

Эй худо, сенинг номинг Ғаффору Саттордир. Омилар гуноҳи учун сенинг олий зотинг мағфират (кечирим) рамзидир. Сенинг лутфу караминг ҳамма аҳли мўъмин-мусулмонга бир хил ҳадя этилган, Омма учун Сенинг лутфу карамингдан бошқа ҳадя йўк, Ҳокон карамидан ноумиддурман, эй худо, мени қутқаргин.

Лутфу карами кенг ва мағфират айлагувчи ягона зот Аллоҳдир. Инсон ва Аллоҳ, Бири гуноҳкор, бири мағфират қилгувчи зот. Бундай ғоялар Рожий ижодида анчагина салмоқли бўлиб, бу мухаммас мазмунига қараб, уни шоир умрининг охирида ёзган бўлиши керак, деган хулосага келдик.

Мухаммаснинг кейинги бандларида такрор-такрор Аллоҳга йўл изланади ва шоир кўрқадики, «умрининг қуёши завола бўлибди-ю», у ҳеч нарса қилмабди, энди «жаллоди ажал» ёқасини ушлаб турибди. У ажал қўлида «асиру зору танҳо» ва мана қабрда Мункару Накирнинг ҳам сўроғини эшитади. Агар тили айланмай, жавоб беролмай қолса, Аллоҳнинг ўзидан мадад сўрайди. Лирик қаҳрамоннинг охириги нияти шу. Мухаммасда илгари сурилган ғоялар умр сўнгида ҳар бир инсон ҳис қилиши мумкин бўлган ҳолат ва кайфият ифодасидир. Мухаммаснинг охириги бандида ҳам насиҳат мавъизалар давом этади. Шоир гўё мана шу одоб-ахлоқ ҳақидаги инсоний ғояларни олға суриш учун бу мухаммасни яратади:

Олимон аз илм хоҳанд хешро болонишин,
Зоҳидон аз зўҳд доранд орзуйи ҳури ин,
Рожий аз уммид бар даргоҳи ҳақ сояд жабин,
Ҳар касе фардо зи чизе дам занад, эй қутби дин,
Ту бигу: ман аз заифонам, Худоё дастгир.

Мазмуни:

Олимлар ўз илмига суяниб тўрда ўтиришни хоҳлайдилар,
Зоҳидлар ўз зухдлари орқали жаннат ҳурларини орзу қиладилар,
Рожий эса уммидворлик билан Ҳақ дарғаҳига пешонасини суртади,
Ҳар ким эртанги кун ўз аъмолидан ҳисоб-китоб қилади, эй динимиз қутби,
Шунда сен айтгинки, мен бир бечора мусулмонман, эй худо, мени
қутқаргин.

Рожий Аллоҳдан мадад сўраш, унга суяниш борасида ўзини олимлару зоҳидлар каторига қўймайди, у ориф ҳам эмас, обиддир. Бир мусулмон инсон сифатида у ҳам аллоҳдан умидворлик изҳор қилади.

Шундай қилиб, шоир ижодида ҳамд, наътлар ва муножоти акс этган 5 та диний руҳдаги ғазаллар мавжуд бўлиб, уларда шоир Яратганни мадҳ этади, унга юкунади, комил инсон деганда эса энг аввало, Муҳаммад пайғамбарни назарда тутди.

2.2. Реалистик шеърлари

Рожий ижодининг ўзига хослиги шундаки, унинг бир туркум ғазалларида реал ҳаётий воқеа-ҳодисалар ифодаланган. Яъни, шоирнинг воқеабанд ғазаллари реалистик руҳ билан суғорилган. Бу ғазалларда шоир ўз даврининг фаол кишиси сифатида намоён бўлади. Реализмнинг ана шу хусусиятларини назарда тутиб, адабиётшунос А.Ҳайитметов ёзади: «Реализмнинг асосий эстетик принципи ҳам шундаки, реалист санъаткор бевосита ҳаёт билан боғланган, мавжуд социал табақаларнинг реал кайфиятларини, бир-бирига муносабатларини, бу муносабатлар қандай бўлишидан қатъий назар, рўй-рост тасвирлашга интилади. Кўп романтик санъаткорлардан фарқли ўлароқ, у ҳаётни албатта гўзал тасаввур қилиб, муболаға билан тасвирлаб бериш керак деб тушунмайди»¹.

Чунончи:

Еткурур кўнглумға олам ранжи озор алғиёс,
Не илож эткум мени ранжуру ночор алғиёс.

Гоҳ хазину гоҳ малолат, гоҳи кулфат, гоҳи ғам,
Еткурур жонимға даврони ситамгор алғиёс.

Бир киши етмас мани дилхастанинг фарёдиға,
Телмуруб йиғлаб десам ҳар лаҳза садбор алғиёс.

Бир ғамимға чора топмоқ истасам юз саъй ила,
Даҳр этар ул дам манга минг ғам падидор алғиёс.

Алғиёс эй қозиюл ҳожат, ўзинг қил ёрлиғ,
Қилмади фарёдрасанлик кимса изҳор алғиёс.

Юкланур бошиға Рожийнинг дамодам бори ғам,
Айлагил бир лутф ила они сабукбор алғиёс (11 а).

«Рози эрдим ҳар жафо етса манга ағёрдин, Ҳар нафас юз жавр этар ман зорға ёр алғиёс» байтларидаги ёр маъшуқа маъносидан кўра кўпроқ дўст, ҳамдам маъносини беради ва дўстимнинг жабри жафосини тортгандан кўра, душманларимдан қанча жафо кўрсам рози эдим деган лирик қаҳрамоннинг дўст ва даврдан шикоят оҳанглари Аллоҳга муножоти билан қўшилиб, ўқувчида дардли кайфият ҳосил қилади.

Рожий ижодидан таъсирланиб, унга издошлик қилган Комёб ҳам шу радифда ғазал битган:

Ой ютиб ҳажринг аро қон алғиёс,
Топмади ҳеч роҳату жон алғиёс.

Дарди ҳажрингга тушуб жону дил,
Топмади бир амни амон алғиёс².

Рожий ижтимоий лирикасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида адабиётшунос В.Мўминова ёзади: «Шоир ўз замонасида инсоннинг умри кулфатда, азобда

¹ Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Т.: Фан, 1970. –Б. 128.

² Комёб. Девон. (Сайланма). –Т.: Университет, 2002. –Б.14.

ўтаётганлигининг сабабчиси адолатсиз давр ва «аҳли давр», яъни хонлар, бойлар, бекзодалар, амалдорлар эканлигини тушуниб етган эди.

Рожий ижодида дунёвий ва ирфоний ғоялар уйғун тасвирланган. Айни пайтда, у ўз даврининг муаммоларига жавоб излаганида соф реалистик тасвирларни ёрқин бўёқларда беради. Бунда ҳам чекиш ва ижтимоий иллатларни танқид остига олиш руҳи устуворлик қилади.

Рожий ўз даврининг ижтимоий ва ахлоқий иллатларидан кўз юмолмайди. Бу иллатларнинг пайдо бўлишини инсонда нафс қувватининг ғолиб келишида кўради. Шоирнинг айна шу реалистик руҳдаги ғазаллари ўзининг таъсирчанлиги, дарду ҳасрат ва танқидий оҳангнинг кучли ифода этилгани билан алоҳида аҳамият ҳам касб этган.

Охжим умр ўтти тинмай ранжу кулфатдин фароғ,
Бермади даврони дун бир лаҳза меҳнатдин фароғ.

Дер эдилар «Хар машаққат кейнидан роҳатдурур»
Етти шиддат гар даме, топтим машаққатдин фароғ.

Хар балийят ичра қолғонлар фароғат топтилар,
Бир мени ғамбодаға йўқтур балиятдин фароғ.

Гоҳ даврондин етар заҳмат, гоҳи давр аҳлидин,
Топмай алқисса даме, мен хаста заҳматдин фароғ.

Мамлакат ва халқнинг оғир аҳволи, хон ва амалдорларнинг талончилик ва адолатсизликлари Рожий ижодида ўз изини қолдирди. Шоир хонликнинг зўравонликларидан жабр кўришга, моддий ва маънавий жихатдан қийналишига қарамай ижодини тўхтатмади, ўзининг илғор ғояларига содиқ қолди»¹. Шоир-лирик қаҳрамон баъзида шохни ҳам танқид қилиб, уни инсофу адолатга чақиради:

Хусраво, бутратма тегрангдин улусни зулм ила,
Кўр не ҳол ўлғой бошида бўлмаса девор гул (36 а).

Шоҳ учун халқ уни ўраб турган бир девордир, зулмни кучайтириб уни тарқатиб юборсанг, атрофи девор билан ўралмаган гулзорнинг аҳволи нима бўлишини кўрасан, дейди.

Бу ғоя унинг мустазодида янада ёрқинроқ ифодаланган:

Эй шох, тилар бўлсанг агар мулкни обод
эл кўнглини бузма,
Десангки сазовор ўлайин лутфи худоға
шод эт фуқарони (51 а).

Шоир:

Хусраво, даҳр саботинг била маъмур ўлсун,
Айни оламда юзунг меҳри била нур ўлсун.

Некўхоҳинг ҳама мансур, музаффар бўлубон,
Кимки бадхоҳдурур ожизи маҳкур ўлсун.

¹ Мўминова В. Шоир Рожий // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. №5. -Б.56-57.

Қурбатинг базмида бўлсун ҳама тузларга мақом,
 Кажлар ул базми ҳумоюн ичидин дур ўлсун (42 а)
 дея подшоҳ базмида тўғри, ростгўй кишилар муносиб ўрин эгаллашини истайди.

Шоирнинг ҳаётий-маиший мавзуларда ёзган ғазалларидан бири «Бел оғриқ» радифли ғазалидир. Шоир шунчаки бел оғриқдан бошлаган ғазали охирида унга чуқур ижтимоий маъно юклайди. Ғазални охиригача ўқиган киши лирик қаҳрамон бел оғриғидан эмас, балки даврдан шикоят қилаётганлигини тушуниб етади:

Фиғонки, айлади ҳолим хароб бел оғриқ,
 Бериб ўкуш алам ила азоб бел оғриқ.

Не юрганимда топармен фароғ, не ётсам,
 Берур мудом манга изтироб бел оғриқ
 деб бошланган ғазал

Бели букулса нетонг, Рожий аламзаданинг,
 Ки, юкланибдур анга беҳисоб бел оғриқ (34 а)
 тарзида чуқур ижтимоий умумлаштириш кучига эга бўлган сатрлар билан ниҳоясига етади.

Шоир оддийгина боғ мавзусида ҳам гўзал ғазал яратиб, унга ҳам чуқур ижтимоий маъно юклайди. Бу борада Комил ва Рожий шу радифда ғазал ёзиб, ҳамфикр эканликларини изҳор қиладилар. Огаҳий боғ мавзусидан сўз очиб, ўзининг фақирлиги туфайли боғсиз эканлигидан надомат чекса, шоир Сўфи эса хон боғлари ҳақида гўзал ғазаллар ёзмагани учун «не имому не муаззин, не амалдор» бўлганини ёзади. Аваз эса бемор ҳолида «Тоза боғ» (хон боғи) га бориб-келиш ўзи учун кулфат эканлигини айтса, Рожий боғлар ҳақида ғазал ёзиб, бу мавзунини бошқача талқин қилади, чунончи, бир ўринда боғи билан беҳад кибрланган зотга қарата:

Боғ бўстонингга кўп қўйма кўнгул, эй боғбон-
 Неча сендекларга туфроғини мадфан қилди боғ¹.

деса Комил эса:

Чунки дохил бўлмади ул ҳусн шоҳи базмига,
 Комили бечорага андоқки зиндон бўлди боғ² дейди.

Рожий, Огаҳий ва Комил ижодидаги ғоялар ҳамоҳанглиги образлар ҳамоҳанглиги билан ҳам уйғунлашиб, натижада адабий таъсир натижасида бир-бирига ҳамоҳанг ғазаллар вужудга келган. Бу XIX аср Феруз даври адабий муҳитидаги янгиликдир ва бундай ҳодисани ўтган асрларда кам учратамиз.

Рожий «Тамаъ» радифли ғазалида бошқа кўпгина ғазаллари каби ўша замоннинг қабиҳ ва ярамас кирдикорликларини фош этади. У давлатманд одамларнинг олтин-кумушга ўчлигини эшакнинг сомонга ўчлигига ўхшатади:

Ғаний айламас тарки зар ўлгунча,

¹ Қаранг: Юсупов Юнус. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 85.

² Комил. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. –Б. 91.

Эшак узмагандек сомондин тамаъ (30 б).
Ғазал мактаси шоирнинг ўз-ўзига мурожаати билан якунланади:

Дегил Рожиё, уз тамаъ барчадин,
Вале дема қатъ айла ондин тамаъ.
Бу байтда шоир худди бошқа бир шахсга мурожаат қилгандек тарзда ўзига мурожаат қилиб, тажрид санъатини қўллайди.

Барча мумтоз адабиёт вакиллари ижодида замоннинг норасолигидан шикоят мотивлари учрайди ва бу ғоялар умумий ҳамоҳанглик касб этган. Огаҳий бу дунёни «бир кўхна ҳасратхона» деса, Рожий уни «бир эски вайрона» деб таърифлайди:

Огаҳий:

Комиға еткан киши тонг йўқ жаҳондин топмасанг,
Ким бу олам, Огаҳий бир кўхна ҳасратхонадур¹.

Рожий:

Жаҳон айвонидур эй дил, бир эски вайрона,
Ичида бошдин-аёқ мамлуди ом ила доно (60 б).

Феруз даври Хоразм адабий мухитини тадқиқ этган Г.Исмоилова бу давр ижодкорлари ҳақида сўз юритиб: «...Улар шеъриятида давр воқеаларига муносабат билдириш, рўй бераётган ўзгариш-янгилинишларнинг моҳиятини мушоҳада этиш, халқнинг ички кечинмалари ва руҳий дунёсини очиб бериш, оммани янгиликка, яхшилиқка, эзгуликка ундаш, турмуш қийноқларини сабр-тоқат билан енгиш, яхши кунларни ишонч билан кутишга даъват этиш каби ғоялар марказий ўринни ишғол этади»² деб қайд этади.

Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг «Мен ғофил» радифли ғазали бошдан-охиригача давру даврондан шикоят мотивлари билан йўғрилган. Лирик қаҳрамон ўзига озор берган «шайху шоб», «ёру мусоҳиблар», «шевайи каззоб»лардан кўрган жавру жафоларини бир-бир ифодалайди:

Жаҳон ичра экан меҳру вафо ноёб, мен ғофил,
Жафо қилгон эканлар пеша шайху шоб, мен ғофил.
Вифоқи сидқ даъво айлаган ёру мусоҳиблар,
Бор эрмишлар мунофиқ шевайи каззоб, мен ғофил.

Лирик қаҳрамон ошиқ бўлган ёр ҳам қаллоб:

Неча маҳвашни англаб ёри яқдил жон нисор этдим.
Экондурлар хадъат пешайи қаллоб, мен ғофил.

Хаёл айлар эдимким, бир менгадур даҳр ташвиши,
Эмиш боқсам ҳама бу ранж ила бетоб, мен ғофил. (37 б).

Рожий шеъриятининг ҳаётӣ моҳиятини кенгроқ тасаввур этмоқ учун унинг «Каж» радифли ғазалини кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир. Шоир бу ғазалда ўша замондаги ижтимоӣ тенгсизлик ва зиддиятларни тасвирлаб, муҳитнинг танқидий

¹ Огаҳий. Асарлар. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, -Б. 167.

² Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Филол. фанлари номз...дисс. –Т, 1995. -Б. 43.

манзарасини чизади. Рожий ҳақдан кўра ноҳақлик, ростдан кўра ёлғон, яхшилиқдан кўра ёмонлик авж олганини, энг яхши фазилятлар ҳақоратланган ҳолда, энг қабих хислатлар мўътабар тутилганини очиб ташлайди:

Каж дер жавоб итоб этибон туз саволима,
Дер туз, жавоб ўзгалар этса савол каж...
Мумкин эмас жаҳон аро тузларга эътибор,
Беъътибор бўлмоғи, лекин маҳол каж.
Тузларгадур жаҳон аро ҳар навъ дард, ранж,
Ҳар ерда бўлса бордурур осуда ҳол каж (12 а).

Шоир ўзининг «Келур» радифли ғазалида гўзал бир ўхшатиш ишлатиб, дард, меҳнат, ғам-аламни ўзига қариндош дейдиким, бу унинг ситамкаш ва аламдийда кишилар билан биргалигини равшан кўрсатади:

Дарди меҳнат хайли, тонг йўқ, келсалар кўнглум сари,
Ҳар киши қошига албатта, қариндоши келур¹.

Рожий ижодида реалистик тамойилдаги «Ҳасби ҳол» ғазаллар орасида «Эй вужудинг келибон маъдани эҳсонун саховат» деб бошланадиган ғазали муҳим ўрин тутаяди. Ғазал - номи эҳсонун саховатнинг кони бўлган подшоҳ мадҳи билан бошланиб, агар ижозат берсанг сенга икки оғиз арзим бор деган лирик чекиниш билан бошланади:

Эй вужудинг келибон маъдани эҳсонун саховат,
Остонингда икки қулдурур иқболу саодат.
Хотиринг кўзгусини айламасун даҳри муқаддар,
Етмасун кўнглунга ҳеч ваҳҳ ила осори малолат.
Манки даргоҳи фалак жоҳи дуоғўйидурурман,
Арзи ҳоҷат қилурам гар қараминг берса ижозат (8 б).

Кейинги сатрлар Рожий таржимаи ҳолининг муҳим бир саҳифасини ёритиши билан характерли. Саройда туриб икки тилло қарзини узолмаган шоирнинг руҳий аҳволи, моддий муҳтожлиги ёрқин лавҳалар орқали очилади:

Бор эди бир кишига беражак икки тиллоким,
Ваъдалиғ вақти етиб бергали йўқ манда бизоат.

Келадур ҳар кун олурға ҳаққини қаҳрлар айлаб,
Совутиб чехрасини кўргузуб анвойи синоат.

Мани бекас қилибон ҳар кун анга ўзгача хийла,
Қайтарурман неча ёлғон сўз ила бу не қабоҳат.

Кўргоч онинг юзини титрашадур жон ила кўнглум,
Соладур бошимға ҳар кун минг ошуби қиёмат (8 б).

Шоир лирик «мен»нинг руҳий ҳолатини жуда моҳирона очиб берган. «Совутиб чехрасини» ибораси замирида ўткир киноя бўлиб, қарзини сўраб келган киши қиёфасини равшанроқ ёритишга хизмат қилган. Лирик қаҳрамоннинг жон ила кўнгул титраши шоир ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур беради. Лириканинг ана шу жиҳатини назарда тутиб,

¹ Қаранг: Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 85-86.

С.Мамажонов «Шеърятда ҳаёт, воқелик зарби билан тебранган шоир қалбининг оҳанги ифодаланади»¹-деган эди.

Шоир ижодида «Чой» туркумидаги ғазаллар анчагина бўлиб, бу радифли ғазалларида жамиятдаги иллатларни фoš этиди. Бу туркум ғазалларида чой бир восита, холос. Чой радифли ғазал Оғаҳийда ҳам мавжуд:

Токи базм ичра ҳарифи лаъли жонон ўлди чой,
Жонфизолиғ ичра рашки оби ҳайвон ўлди чой.²

Оғаҳий фақат чойнинг таъриф-тафсифи билан кифояланса, Рожий шу образ орқали мансабдор амалдорларни фoš қилади. «Рожий шеърятти ўзига хос хусусиятларга бой. Шоир ҳаётда у қадар кўзга ташланмайдиган ҳодиса ёки нарсани тема қилиб олиб, уни бадий сўз ва воситалар билан образлаштириб, чуқур ғоявий мақсадни илгари суради. Рожий поэзиясидаги бу ажойиб усул, чунончи унинг чойга бағишланган ғазалларида ўз аксини топган. Маълумки классик поэзияда май мавзуи ва образи орқали ҳаётга муҳаббат, эрқарварлик орзулари ифодаланар эди. Рожий ҳам шу тахлитда май ҳақида шеърлар битган. Бироқ, у бир неча шеърини ўша замон адабиёти учун янгилик бўлган чой мавзуида яратди. Шоир бундай шеърларида чой воситасида ўзи яшаётган замондаги очкўзлик, ҳасислик, судхўрлик, пулпарастлик каби ҳодиса ва ҳислат-одатларни фoš этиди.³ Воқеабанд бу ғазаллардан бирида шоир чойсизликдан зорланиб, «олий ҳиммат» бир кимсадан чой сўрайди:

Эй маъдани жуду кони ҳиммат,
Гулзори баҳору боғи беҳжат.

Бу хастаки коми ҳимматингдин,
Баҳшишдурур шафқату мурувват.

Айлар бу сифат мақол бирла,
Изҳори ғаму баёну ҳожат.

Ким чой эди бир тасалли,
Рафъ этгали ҳар нафас малолат.

Ул ҳам кўзидин учубдур андоқ,
Ким йўқдур онга етарга қудрат.

Асру буюк эрмиш ошиёни,
Йўқ кимсада етқурурга ҳиммат.

Рожий карамингга кўз тутубдур,
Дафъ айласа деб бу навъ кулфат (9 а).

¹ Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1978. –Б.21.

² Оғаҳий. Асарлар. II жилд. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 80.

³ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 83-84.

Бу «Чой» туркумидаги биринчи ғазал бўлиб, шоир иккинчи ғазалида «олий ҳиммат» бир кишининг ҳимматсизлиги, зикналиги ва пулпарастлигини фош этади:

Хайфким, они дедим маъдани эҳсону саховат,
Жамъ бўлмиш экан онда ҳама авсофи хасосат.

Ўзи васфини дер экан буки доим қилур эрди,
Неча одамни хасосат сифати бирла шикоят.

Санар эрдим они фаҳм аҳлидину, дониш элидин,
Билмас эрконмен эмиш бошдин-оёқ лофи жаҳолат...

Тилабон чой юбордим анга ул навъ кишиким,
Қилур атвори афъоли улуғликка далолат.

Қилибон бўйла киши ранжа қадам чой юбормиш,
Ки бир-икки йўли дамларга қилур қилса кифоят... (9 б).

«Бу ғазалда Рожий мақтанчоқ, аммо ўлгудай курумсоқ давлатмандларнинг типик портретини яратган, уларнинг сўзи бошқа-ю, маънавиёти бошқа эканини усталик билан фош эта олган»¹.

Шоир лирикасининг ўзига хослиги шундаки, у чой образини танқид қилиш воситаси сифатида хизмат қилдирди. Унинг «Чой» туркумидаги учинчи ғазалида шоир-лирик қахрамон соқийга мурожаат қилиб кора чой олиб келишни сўрайди:

Кетур соқиё, эмди чойи сиёҳ,
Ки чойи кабуд этди ҳолим табоҳ.

Ича олсам андин тўла бир аёқ,
Не ғам чекса бошимга қайғу сипоҳ.
мақтаъси:

Эрур Рожий озурда кўк чойдин,
Кетур соқиё, эмди чойи сиёҳ (46 б).

Кўринадики, шоир иккинчи байтда чойни ғам ва кулфатларни унутишга ёрдам берувчи тимсол сифатида ифодалайди. Шу билан биргаликда, матлаънинг биринчи сатрини мақтаъда такрорлаш билан раддул матлаъ санъатини яратган. Матлаъ ва мақтаъни бир-бирига пайванд этиб, яхлит фикр ва образ яратиш шоирнинг ижодкорлик маҳоратидан дарак беради. Халқчил лирика соҳиби Рожий доимо Огаҳий ва Комил каби прогрессив ғояларни илгари сурди.

«Алишер Навоий ўз асарларида подшоларни доим адолатли бўлишга чақирганидан Рожий ҳам таъсирланиб, қуйидаги мисраларни ёзади:

Эй шах, иноят бирла боқ афтодалар ҳолиғаким,
Бўлмиш аларнинг сен киби кўб кимса султон устина.

Рожийнинг жасорат билан халқ манфаатини муҳофаза қилиши, жафо чекканлар номидан шохга хитоб қилиши унинг ўз устозидан фақат ғазал ёзишнинггина эмас, балки

¹ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 83-84.

довюраклик, жасоратни ҳам ўрганганини кўрсатади. Рожий Навоий каби ростгўйликни севади. У доим рост сўзлаш мақсадга элтади, рост гапирсанг ҳеч ёмонлик топмайсан, -деб насиҳат қилади:

Ростлиғ бирла қил оҳанги мақомати сулук,
Топмағай бу йўл аро ҳеч чапандоз маком.

Рожий бундай ғояларни илгари суриш билан ўз даври лирикасини бойитди. У фақирлигидан ор қилмайди ва ҳақиқат камбағаллар томонида-дейди:

Жодаи фақр дурур мулки ҳақиқат роҳи,
Борсанг ул мулук сори, қил бу тариқ ила хиром.

Бундай халқпарварлик Рожийнинг прогрессив ғояларни илгари сурувчи шоир эканини кўрсатади¹. В.Мўминова таъкидлаганидек, шоир бу байтда камбағаллик ва қашшоқликни эмас, балки тариқатдаги фақирликни назарда тутган.

Биз ишимиз жараёнида Огаҳий, Комил ва Рожий ижодидаги ўзаро таъсир масалаларига тўхталишга ҳаракат қилдик. Бу ҳақда адабиётшунос олим С. Долимов ҳам ўз эътиборини қаратиб, Огаҳий ижодига Шарқ классиклари билан бир қаторда, Рожий ижоди ҳам кучли таъсир этганлигини қайд этган эди:

«Шоир Огаҳий Низомий, Мавлоно Қосим Анворий, Умар Хайём, Бедил, Муҳаммад Фузулий, Саъдий, Ҳилолий, Восифий каби тожик, озарбайжон, эрон классик шоирлари, Шермуҳаммад Мунис, Комил Хоразмий, Роқим, Рожих, Рожий каби ўз замондошларининг ижодини мукамал ўрганди. Булар ижодидаги адолат темаси шоир ижодига ҳам кучли таъсир қолдирди ва шоирнинг поэзиясида адолат темаси марказий ўринни эгаллайди»².

Шундай қилиб, ўз даврининг истеъдодли шоири Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий демократик адабиётнинг илғор вакили сифатида давр воқеа ходисаларига фаол муносабатда бўлиб, Огаҳий ва Комил билан бир сафда турди ва ўз ўрнига эга бўлди.

Ахлоқий-маърифий руҳдаги ғазаллари. Ахлоқ-одоб жамиятни бир мезонда тутиб турадиган таянч нуқтадир. Ҳамма даврларда жамиятнинг фозил кишилари ахлоқ-одоб масаласини биринчи ўринга қўйганлар. Бу ҳолат Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида юксак чўққига кўтарилди. Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Мунис каби шоирларимиз лирикасида ҳам бу мавзудаги ғазаллар кўпчиликни ташкил этади.

Ўз салафларига эргашган Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ҳам ахлоқий-маърифий руҳдаги ғазаллар яратди. Шоирнинг лирик қаҳрамони

Ҳар бир комил оллида хизматга комил ўл,
Рожий кўнгулда коминг эса гар камоли файз (28 б).

дея ўзи ва замондошларини «камоли файз» соҳиби бўлишга чақиради. «Рожий ўз даври адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлиш билан бирга, ғоят камтар киши бўлган.

¹ Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. –Т.: Фан, 1979. –Б. 18.

² Долимов С. Огаҳий ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номз... дисс. –Т, 1962. –Б.189.

У камтарлик ёзувчининг эзгу фазилати деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам Рожий манманлик ва мағрурликка нафрат кўзи билан қаради. У ўзига (айни чоқда ўзгаларга ҳам) қаратиб бундай деган эди:

Рожий ар шогирдинг эрса шеър эли мохирлари,
Айлабон ноқислиғ этма даъвийи устодлиғ.

Рожий камтарликни фақат адабиёт соҳасидагина эмас, ҳаётнинг бутун соҳаларида ҳам кишиларнинг олижаноб фазилати деб тушунди. У кишиларни тўғри, ростгўй, иболи, одобли, хушмуомала бўлишга чорлади. Ҳукмрон доираларга хос манманлик, шуҳратпарастлик, мутакаббирлик каби иллатларни қоралади. Шу зайлда Рожийнинг бир қатор насиҳат шеърлари дидактик поэзияси вужудга келди»¹. Жумладан, унинг бутун бошли бир ғазали одоб мавзусига бағишланган.

Эй ҳаё маъдани-ю кони адаб,
Сари кўйинг эрур дўкони адаб.

Адаб эрмаски отинг зикр этмоқ,
Деса бўлғай сани жаҳони адаб.

Оразингдин ҳаё бўлур зохир,
Қоматинг фош этар нишони адаб.

Лаби лаълинг такаллумни кўрсун,
Кўрмаган руҳ ила равони адаб.

Кипригинг новаки этарга ниҳон,
Эгма қошингдурур камони адаб.

Адаб эрмас дами фаромушинг,
Сенсан оламда кадрдони адаб.

Рожий ашъорин айласун тақдор,
Ҳар ким истар эса баёни адаб (5 б).

Шу зайлда шоир ижодида панд-насиҳат тарзидаги туркум ғазаллари вужудга келган. Бошдан-охир кишиларни саховатпешаликка, хокисорлик ва камтарликка даъват этадиган куйидаги ғазал ҳам жуда характерлидир:

Эр эрсанг пеша қилғил базлу эҳсон суфрасин ёймоқ,
Не ҳожат юз фасохат бирла айлаб кибр қўйсаймоқ.

Очиғ сўзлар демақдин талхком этма халойиқни,
Очиб чехранг чучук айла, каломинг айлаким қаймоқ.

Кими кўрсанг тавозеъ айлагил расми адаб бирла,
Кишилиқдинмудур дойим такаббур бирла қайқаймоқ.

Кичикроқ тут ичу тошингда барча халқдин ўзни,

¹ Юсупов Юнус. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. -Б.81-82.

Мурод эрса санго гар олам аҳли ичра улғаймоқ.

Қаноат пеша айлаб эл аро бўлғил қизил юзлук,
Тамаъ бирла недур ҳар сифла даргоҳида сарғаймоқ.

Қўлунгдин келмас ишни айлагум деб олмағил тилга,
Басе номардликдир эр кишига аҳдидин тонмоқ.

Кел, эй Рожий эшит панд элдин, аммо демагил элга,
Нолойиқдур ўзинг қилмас ишингни ўзгага айтмоқ (34 б).

«Нолойиқдур ўзинг қилмас ишингни ўзгага айтмоқ» мисраси замирида «Ўзингга раво кўрмагани бировга ҳам раво кўрма» деган ҳикматли сўз сингдирилган. «Ичу тошда ўзни кичикроқ тут»иш энг олижаноб инсоний фазилатдир. Халқимизнинг «Қамтарга камол» мақоли гўё байт маъзига сингдирилган. Бутун бошли ғазал бошдан охиригача инсонни эзгу фазилатлар соҳиби бўлишга даъват этади. Бу каби ғазаллар маънан баркамол инсоннинг қалб нидолари сифатида жаранглайди:

Йигит улки ўзин поклар ичра қотғай,
Қирса нопок эл аро бўлғуси мурдор йигит.

Ёки:

Ол йигитликда дуосин қариларнинг зинҳор,
Нийятингда қаримоқлиғ гар эса ёр йигит (7 а).

Шоир ғазалларининг айрим байтларида ҳам панд-насихат ҳам маърифий ғоялар уйғунлашиб, лирик қаҳрамон илмли бўлишни ҳамма нарсадан устун қўяди:

Ваҳшатафзой таъбдурур тундхўйлиғ,
Оқил ҳамиша соҳиби илми виқор ўлур.

Чиксанг сипехр узра дағи кўргуз онгсар,
Иблис кўрки кибри учун сангсор ўлур.

Тангри азиз қилғон ўлур сарбаланди даҳр,
Ҳар кимки они хор тилар, ўзи хор ўлур (18 б).

Унинг қуйидаги байтлари Навоийнинг ота-онани ой ва қуёшга менгзаган сатрларига ҳамоҳанглик касб этган:

Мумкин эрмас ҳусн аро ул шўҳдек туғмоқ ўғул,
Олам ичра гар падар бадр ўлсадур модар қуёш (25 а).

Шоир панд-насихатлари замирида ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган инсоннинг аччиқ ҳаётий тажрибалари ётади:

Кел, эй Рожий, ғанимат тут қаноат кунжи оромин,
Эр ўлғон ҳар киши аслида арзи эҳтиёж этмас (23 а).

Ёки:

Оқил эрсанг бўлма мағрур иззатиға чархнинг,
Сочса анжумдин агар бошинг уза гавҳар қуёш (25 а).

Унинг «Хос» радифли ғазалидаги насихатомуз байтига халқимизнинг «Нодон роҳатда-ю, кулфатни доно тортадир» мақоли сингиб кетган.

Топди бир ишиға ҳар киши оламда хослик,

Жоҳилға роҳат ўлди-ю, доно аноға хос (27 а).
 Рожийнинг замондоши Комил Хоразмий:
 Эмас кишига бу дунёда мулк-мол камол,
 Хусули илм-хунар келди безавол камол.

Камол бергусидур сўзга шухрату таъсир,
 Бу қушға қилғали парвоз парру бол камол¹
 деб ёзган бўлса, Рожий ҳам Комилга ҳамоҳанг тарзда:
 Уқало мажлисин айлаб талаб эт касби камол,
 Бўлғосен шояд ул элдинки, атарлар кумало.

Кумало хизматин эт гар тиласанг донишу фазл,
 Тилагон фазл керак, топса қабули фузало.

Фузалоға будур авлоки худо фазлидин,
 Тилабон олмаса тилга вузарову вукало (48 б)-
 деб ёзади. Шоир-лирик қаҳрамон-жоҳиллар маскан этган даҳр (дунё)дан қочмоқ истайди. Оқиллар мажлисида бўлиш ҳар бир илм толибининг орзуси. Лирик қаҳрамон фозиллар хизматида бўлишни худонинг фазли деб билади. Шоирнинг фикрича, илмли бўлишдан, камолот эгаси бўлишдан асосий мақсад-барча жонзотларнинг гултожи инсон деган номга муносиб бўлмоқдир. Шоир бу байтда оқил ва жоҳилни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, тазод санъатини назокат билан қўллаган.

Рожий ижодида сўз ва созга муносабат тез-тез кўзга ташланади. «Огаҳий ҳазратларининг «Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо» дейишида ҳикмат кўп, токим «Билмаган ўз кадрили не билгуси сўз кадрили», дейди. Умуман, Хоразмда «соз»га жуда катта маъно юклайдилар: «ўттиз икки мучалинг соғу созми?», «Бари ишинг созми?», «Оз сўзла, оз сўзласанг ҳам соз сўзла» ва ҳ.к Бироқ соз тушунчаси кўпроқ мусиқага қиёслаб ишлатилади ҳамда «созанда» дейилганда фақат куй чаладиган мусиқачини эмас, балки кенг маънодаги уста ижрочини ҳурматлаш кўзда тутилади»².

Рожий ғазалларида куй номлари ва мусиқа асбоблари билан боғлиқ тушунчалар тез-тез учраб туради ва улар насиҳатомуз ғоялар билан ҳамоҳанг бўлади.

Матлаъ:

Қўлға олса муғанний дилкушо танбур,
 Солур наво била ушшоқ аро садо танбур.

Мақтаъ:

Нишот агар тиласанг Рожиё, жаҳон ичра,
 Анисинг айла париваш нигор, ё танбур (17 б).
 Аҳмаджон Табибийда ҳам шу радифдаги ғазал мавжуд:
 Олиб соз айлагач қўлға муғанний базм аро танбур,
 Етурғай хотиримға беҳжату файзу сафо танбур.

Табибийким, анга танбурсиз базм ичра роҳат йўқ,

¹ Юнусов М. Комил Хоразмий. –Т.: Давлат Бадиий Адабиёт, 1960. –Б.79.

² Комил Аваз. Мукошифот. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 5.

Чекар мутриб ани ё базмдин соз айлабон танбур¹.

Ўзини Рожийнинг шогирди деб ҳисоблаган Аваз ҳам ундан таъсирланиб, шу радифни сақлаган ҳолда издошлик анъанасини давом эттирди:

Агар илгига олса ёр танбур,
Берур элга фараҳ бисёр танбур.

Аваз, оламда илми мусқи ичра,
Ўзингга одат эт зинҳор танбур².

«Рожий мусиқийшунос ҳам эди. Мусиқани севган, ўзи ҳам танбур чалишни билган, чолғу чалиш, музика эшитиш, қайғу аламларни аритиш воситаси деб билган»³. Шоир қуйидаги:

Эй муғанний, қилдилар, аҳбоб оҳанги «Ҳижоз»,
Эмди сан ҳам бир нафас қилгил «Ҳижоз» оҳанги соз.

мақтаъ:

Рожийи бекасга ҳардам ёрлиғ оҳанги соз,
Эй муғанний, қилдилар, аҳбоб оҳанги «Ҳижоз» (21 б).

ғазалини Навоийнинг:

Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз,
Тортибон мунглуғ наво созинг била овоз туз.

мақтаъ:

Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглуғ суруд,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз⁴.

ғазалидан таъсирланиб ёзгани шубҳасиздир. Ғазал мақтаъсидаги «Эй муғанний» мурожаат шакли ҳам, матлаънинг биринчи мисраси мақтаънинг сўнгги мисрасида такрорланиб, раддул матлаъ санъатининг гўзал намунаси вужудга келган. «Бадий адабиёт билан музика ўртасидаги алоқа XVII-XIX асрларда янада ўсди, камол топди. Бу асрларда ҳам халқ мақомлари, қуйлари билан бирга Навоий давридаги классик музика мақомлари давом этди. Демак, Навоий замонидаги «нағамот»лар, жумладан «Ажам», «Ирок», «Ҳижоз» номли классик мақомлар бу асрларда ҳам бор эди»⁵. Музика, соз, оҳанг А.Муродов таъкидлаганидек, кўнгулдаги ғамларни аритиш воситасидир.

Ҳар кудурат етса кўнглумга замон осебидин,
Рафъ ўлуб қилмоқ била бир-бирга ҳардам кашфи роз (21 б).

Навоийда ҳам музика лирик қаҳрамоннинг «ҳазин кўнгли»га етган ғамлар билан сирлашмоқ воситаси сифатида ифодаланган:

Навҳа оҳанги тузуб оғоз қил маҳзун суруд,
Ул суруд ичра ҳазин кўнглумга маҳфий роз туз⁶.

Рожий ижодида қуй, музика май образи билан параллел равишда кўнгилга шодлик олиб келувчи образ сифатида келади:

Бу тунки келди иёдатга ул санам, эй дил,

¹ Аҳмаджон Табибий. Танланган асарлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. –Б. 24.

² Аваз. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. –Б.178.

³ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. Фил. фанлари. номз... дисс. –Т, 1967. –Б. 146-147.

⁴ Алишер Навоий. МАТ. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987. –Б. 190.

⁵ Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1964. –Б. 99.

⁶ Алишер Навоий. МАТ. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987. –Б.190.

Бу тунни ёд этар ўлганда ояти жоми нишот.

Муғанний, этма ҳазин нағмалар сори оҳанг,
Ки шодлиғ чоғидур, тут даме мақоми нишот (29 б).

Соз ва оҳанг ифодаси Хоразм шоирлари ижодида анъана тусини олди. Жумладан, Феруз ҳам оҳанг ва май образини параллел қўллаб, шодлик рамзи сифатида ифодалайди:

Эй муғанний, тузубон созинг наво оҳангида,
Ўқуғил созинг аро ушбу ғазални зеру бам.

Не ажаб Феруз ўз ёри билан бу базм аро,
Ўлтурубки тахтида ичса лаболаб жоми жам¹.

Мусиқага, созга бўлган кучли муҳаббат, унинг инсон ҳаётига таъсири масаласи шоир ижодида такрор-такрор келади:

Не ҳўб нағмадурур, нағмаи баёт кўрунг,
Ўлук баданга берур тозадин ҳаёт кўрунг.

Бу нағма не тонг этса нисор жон нақдин,
Ҳазин кўнгулга берур қайғудин нажот кўрунг.

Чу дилбар тузар ўлса баёт дер Рожий,
Не ҳўб нағмадурур, нағмаи баёт кўрунг

Бу ғазалда соз, оҳанг таърифи ва хусусиятлари маъшуқа образини очишга хизмат қилдирилган. Мусиқа эса:

Ўлук баданга берур тозадин ҳаёт кўрунг,
Ҳазин кўнгулга берур қайғудин нажот кўрунг (34)

каби сифатлар билан сифатланади. Бу ғазалда ҳам юқоридаги ғазал каби раддул-матлаънинг иккинчи бир гўзал намунасини яратадики, бу камдан-кам шоир ижодида учрайдиган адабий-бадий ҳодисадир. Мусиқа ва оҳангнинг инсон маънавий камолотида роли беқиёс. Рожийнинг мазкур ғазаллари ҳам комил инсон тарбиясига ўз ҳиссасини қўша оладиган ҳаётий руҳ билан суғорилгандир.

2.3. Шоир ижодида анъана ва ўзига хослик

Анъана ва маҳорат адабиётнинг умрбоқийлигини белгиловчи омиллардандир. Адабиёт майдонига кириб келган ҳар бир ижодкор борки, ўз салафлари ижодига эргашади, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ривожлантириб, ўз сўзини айтишга интилади.

Мухаммад Юсуф Рожий Хоразмий ижоди ҳам Шарқ шеъриятининг ўлмас анъаналарини ўзида мужасамлаштирган. Унда Навоий ва Фузулий, Огаҳий ва Комил ижодида мавжуд анъаналарни учратамиз. Рожий ўз даврининг истеъдодли шоири сифатида бу анъаналарни ўз даврининг муаммолари билан уйғунлаштира олди ва у ўз дардларини, армон ва ўкинчларини омухта ҳолда сатрларга кўчиришга интилди. Шоир салафларига эргашар экан, кўр-кўрона тақлид қилмайди, уларга ижодий ёндашади,

¹ Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. –Б. 69.

мавзуни ривожлантиради, ғоявий мотив ва образларни бойитиб, уларнинг бадиий қимматини оширади.

«Рожий поэзияси ўз ғоявий моҳияти билан ҳам, бадиийлиги билан ҳам диққатга сазовордир. У ўзининг бир ғазалида мазмун ва бадиий форманинг уйғунлиги ҳақида бундай деган эди:

Ботинингни маъни этгил, зеби зоҳирда ниҳон,
Ўйлаким, алфози рангиндин қилур мазмун либос

Маъно билан зийнат топган гўзал шеъргина халқ қалбига етиб боради, ундан ўрин олади, завқ-шавқ бағишлайди:

Кўнгулга шеъринг эрур Рожиё нишот афзо,
Деса сўзунгни муносиб улус каломи нишот.
Бу Рожий шеърятини учун бир шиор бўлди. Шоир ўз асарларини тор доира учун эмас, балки кенг халқ оммаси учун яратишни мақсад қилиб қўйди, поэзиянинг халқчиллиги учун курашди»¹.

Шоир энг аввало, Алишер Навоий ижодини ўзи учун ибрат намунаси деб билди. Бу ҳолат унинг 14 ғазалига мухаммас боғлашида, ғазалларига татаббуъ ёзишда намоён бўлди.

Навоий ижодининг XIX аср Хоразм шоирлари ижодига таъсири ҳақида адабиётшунос С.Долимов ёзади: «... Албатта, буюк шоир ижодидаги илғор анъаналар XIX аср Хива хонлиги ҳудудида етишган шоирларнинг эътиборини жалб этди ва Шермухаммад Мунис, Мулла Масих Бухорий, Мулла Вайсниёз Зийрак, Қози Хўжамберди Рожий, Мирзо Жунаид, Мулла Муҳаммад Яъқубхўжа Холис, Ҳабийкули Диловархўжа, Огаҳий, Комил Хоразмий каби шоирлар Алишер Навоий ижодининг қонуний меросхўри бўлдилар»².

Рожий ижодида бадиий санъатларни қўллашни мақсад қилиб қўймади, аксинча, туйғуларини теранроқ ифодалашда, образларни ёрқинроқ тасвирлашда улардан бир восита сифатида фойдаланди. Рожий, аввало, анъанавий мумтоз поэтикани давом эттирди, шу билан биргаликда ўзи ҳам шеърятга янгича шакл ва услуб, ўзига хос ифода воситаларини олиб кирди. Унинг бадиий санъаткорлик маҳорати аввало, «мисра такрори» яъни матлаъни мақтаъга улашнинг гўзал намуналарини яратишда яққол намоён бўлади. Бу такрор шунчаки шаклбозлик учун эмас, балки ички мазмун эҳтиёжи учундир. Бу санъатни ҳамма шоирлар ҳам қўллай бермаганлар. Фақат устоз шоирларгина унга эътибор бериб, ўз фикр-мулоҳазаларини таъкидлаш, урғу бериш, яхлит бир маъно яратиш учун ундан фойдаланганлар:

Не бўлди лутф этиб, ул сарви гулбадан бу кеча,
Келиб мақомимизи айласанг чаман бу кеча
мақтаъси:

¹ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 81.

² Долимов С. Алишер Навоий ва XIX аср Хоразм шоирлари // Маърифат фидойиси. (С.Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан). –Т.: Ўқитувчи, 2007. –Б. 83.

Фироқи хастасидур Рожийи ҳазин келсанг,
 Не бўлди лутф этиб, эй сарви гулбадан бу кеча (45 б-46 а).
 Рожийда мисра такрорининг гўзал намуналарига биз ишимизнинг олдинги фаслида
 ҳам ўрни билан тўхталган эдик.

Хоразм шоирлари ижодида бадиий такрорнинг гўзал намуналарини учратиш мумкин.
 Масалан Огаҳийда:

Жоним олур, эй пари, ҳолимға боқ,
 Иштиёку иштиёку иштиёқ¹.

Комилда:

Лоладек ишқингда кўнглим, эй нигор,
 Доғдору доғдору доғдор².

Ферузда:

Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон,
 Фиғону фиғону фиғону фиғон³.

Рожийда:

Кўзларим ҳажрингдадур эй гулйизор,
 Ашкбору ашкбору ашкбор.
 Айламассан, йиғлабон ёлбормоғим,
 Ўтибору ўтибору ўтибор (20 б).

Юқоридаги байтларда сўз такрори байтнинг фақат иккинчи мисрасида кузатилди.

Такрор санъатининг гўзал турлари, ўзига хос янги намунасини Рожий ижодида тез-тез
 кўрамиз. Ҳар бир мисра бошида бир сўзнинг уч марта такрор ҳолда келиши янгича ифода
 воситасидир:

Лабин, лабин, лабин оғзимға қўйди, дағи деди:
 Тотиб, тотиб, тотиб айт, ушбу тотли ё шаккар.

Сўруб, сўруб, сўруб ул дам лаби равонбахшин,
 Қасам, қасам, қасам ичдим, дедим: бу, эй дилбар.

Уёл, уёл, уёл, эй Рожий ушбу сўзлардин,
 Магар, магар, магар этмишсен ўзга ёру ҳунар (21 а).

Сўзни уч марта такрорлаш орқали шоир сатрлар мазмунига ўзига хос юк юклайди.

Комил Хоразмий шоирнинг шу ғазалига гўзал мухаммас боғлаган. Унинг учун Навоий,
 Фузулий, Огаҳий, Комил каби сўз санъаткорлари ижоди илҳом манбаи бўлди. Бу адабий
 таъсир фақат бир ёқлама бўлмай, Табибий, Аваз, Феруз, Комёб каби шоирлар Рожий
 ижодидан таъсирланиб, унинг ғазалларига татаббуъ ёздилар.

Шоир ижодида замондош шоирлар билан адабий таъсир муҳим ўрин тутади.
 Жумладан, Огаҳий билан Рожий ижодида бир хил радиф, бир мавзу доирасидаги ғазаллар
 кўпчиликини ташкил этади. Назира ёзган Огаҳийми ёки Рожийми буни аниқлаш қийин. Бу

¹ Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. 1 жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б.217.

² Юнусов М. Комил Хоразмий. –Т.: Давлат Бадиий адабиёт, 1960. –Б.96.

³ Феруз. Элга шоху ишққа қул. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. –Б. 38.

унчалик муҳим эмас, муҳими шуки, улар бир-бирлари билан фикрдош ва ҳаммаслак эдилар. Масалан Огаҳий:

Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб, бошингдин айлансун,
Янги ой тавозуъ кўргузуб, қошингдин айлансун¹.

Рожийда:

Париваш дилраболар барчаси бошингдин айлансун,
Сочи сунбул санамлар зулфи чирмошингдин айлансун (42 б).

Шунингдек, Рожий Огаҳийнинг:

Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳиста-оҳиста,
Чекиб тийғини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста²-
радифли ғазалига назира сифатида яратган
Кел, эй сарви равон айлаб, хиром-хиром оҳиста-оҳиста,
Кириб жон гулшанида қил мақом оҳиста-оҳиста (47 а)
ғазалида ҳам жуфт сўзли муқаррир санъатини яратган.

Баъзан шундай бўладики, шоирларнинг туйғу ва ички кечинмалари бир-бирига жуда яқин, ўхшаш бўлади ва улар қоғозга кўчиб, ўтли сатрларни майдонга келтиради:

Навоий:

Фироқ хирмани йиғдим висол тухмини экиб,
Замона мазраъида борму мен киби ҳорис³.
деса, Рожий ҳам ўз дардларини навоиёна ифодалайди:
Шавқ мазрайи ичра васл тухмини эктим,
Ваҳки топмадим андин жуз фироқ (и) ҳеч ҳосил (36 б).

Шу мавзу ва шу тасвир Огаҳийда ҳам давом этди:

Замирим дард тухми мазраъидур,
Онга келди сипехр даҳр ҳодис⁴.

Навоий ва Ғузулий «Лазиз» радифли гўзал ғазал яратганлар. Шу радифни Рожий ҳам давом эттирди.

Манга ул пари жондин ҳам лазиз,
Ки ҳар не лазиз эрса андин лазиз.
Эрур лутфлиғ жонфизо сўзлари,
Мазоқимга руҳи равондин лазиз (16 а).

Шоирнинг мазкур ғазалида мумтоз поэтиканинг бадиий мезонларидан бири қофия устида тинимсиз ишлаганлигидан ва оҳангдош сўзлар воситасида чуқур мусиқийлик ҳосил қилганининг гувоҳи бўламиз. Жондин, андин, равондин, гумондин, ниҳондин, дахондин, меҳрубондин, фалондин сўзлари ридфли қофия бўлиб келган ва ёй (и товуши) ридф вазифасини бажариб, ўзига хос мусиқийлик ҳосил қилган. «Вазнли ва қофияли сўз тоза ва порлоқ бир гавҳардир», - деган эди Хондамир⁵.

Унли ва ундош товушлар нисбати, қофия ва радиф ҳамоханглиги қуйидаги ғазалга алоҳида жозиба бахш этган:

Ваҳким, мани ул қошлари ё айламади ёд,

¹ Огаҳий. Асарлар. II жилд. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б.15.

² Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. II жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б.45.

³ Алишер Навоий. МАТ. I жилд. Бадойиъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987. –Б. 98.

⁴ Огаҳий. Девон. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б. 134.

⁵ Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул ахлоқ. –Т.: Бадиий Адабиёт, 1967. –Б. 44.

Қотил кўзи жонимға бало айламади ёд.

Ман ёд этайин доим они подшоҳим деб,
Ул деб мани бир зор гадо, айламади ёд.

Ёд айлар эди, лек гумоним будурур ким,
Манъ эттилар ағёр ки то айламади ёд.

Дерлар хама махжурларни ёд килибдур,
Билмон мани ҳам айлади, ё айламади ёд.

Хақ ёдини қил то сани ёд айлагай ул ҳам,
Ёд айламаганларни худо айламади ёд.

Заъф ичра эса Рожий янги ой каби тонг йўқ,
Бир ой дурур ул махлико айламади ёд (14 б).
Шунингдек, шоир Навоийнинг:
Кеча ҳар кавкаб кўрунғач, ёдима ойим келур,
Ой чу толеъ бўлди-меҳри оламоройим келур¹.
деб бошланадиган ғазалига назира тарзида ёзилган «Келур» радифли ғазалида ҳам бошдан
охиригача «ш» товуши ридфли қофия бўлиб келган.

Ҳар қачон ёдимға ул ой вўсмалиғ қоши келур,
Ҳам бўлуб ғам ёдидин қаддим, кўзум ёши келур.

Қомати олдиға не юз бирла келгай сарв ким,
Қошиға гар келса бир гулчеҳра бўйдоши келур.

Мужда еткурди сабо ул гул келур деб боғ аро,
Ўйлаким келганда шаҳ олида фарроши келур (16 а).
Шу тарзда подоши, қариндоши, боши, тоши, дурпоши, қаллоши каби ридфли
қофиялар ғазалга ўзига хос оҳанг бағишлаган.

Рожий бир байтда учта сўзни қофия қилиб, шеърга мусиқийлик, ҳамоҳанглик, алоҳида
бир жозиба бағишлайдики, бу мумтоз адабиётимизда зулқавофиъ деб аталган санъат
туридир. Бу ижодкордан жуда катта маҳорат талаб қилади. «Оҳангдорлик кўпинча
ижодкорнинг илҳом лаҳзаларидаги шоирона кайфиятидан, ҳаётни тасвирлаш услубидан
келиб чиқади»². Мана ўша санъат турига бир мисол:

Найладим, эй фалак санинг бўлди ишинг манго ситам,
Айру солиб нигордин мунисим айладинг алам.
Йўқ аламим шумораси, бутмади ҳажр ёраси,
Йўқму бу дарди чораси кўздин оқар дамбадам.
Тун-кун ишим фигон эрур, юзда ёшим равон эрур,
Тан доғи нотавон эрур, ҳажр аро тортадур то ғам.
Ул қади сарви гулбадан, жавр шиори зулмифан,
Лутфу тарахҳум айлабон, қўймади кулбама қадам.
Ман қолибон фироқида, юз туман иштиёқида,

¹ Навоий. МАТ. I жилд, Бадойиъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987. –Б.171.

² Шукуров Н., Ҳотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б. 37.

Ул кезибон йирокда, айш этадур тузуб нағам.
 Эйки тиларсен ўзни шод, ишқ рамузин этма ёд,
 Бўлма хазину номурод этмагил оху нола ҳам.
 Рожийи зор эрур хазин, тортадур охи оташин,
 Келмади ул куёш жабин, то ғами ранжин этса кам (38 а).

Шоир бир сўзни бир мисрада уч марта такрорлайдики, бу такрорийлик байтга гўзал шакл бериш билан бирга, унга гўзал мазмун ҳам юклайди:

Кади хўб, рухсори хўб, оти ҳам хўб,
 Сифоти хуш, фироқи хуш, феъли ҳам хуш (40 а).

Шунингдек шоир ғазалларида жуфт сўзларни қўллаш орқали мукаррар санъатини вужудга келтирадики, бундай санъат намуналари Навоий ва Огаҳий ижодида кўплаб учрайди.

Хастайи хори фироқинг бўлмишам эй гулғизор,
 Айб эмас бўлбул киби гар нола қилсам зор-зор.
 Жилва қилсанг боғ аро гул-гул очиб рухсорингни,
 Ўртанур булбул, чекар гул, хасратингда хор-хор (19 б).

Ёки «Наргис» радифли ғазалида

Гул-гул очиб узоринг қил сайри боғ гаҳ-гаҳ,
Тор-тор кудуминг истар кўб хор-хор наргис (23 б)

тарзида бир байтда тўртта жуфт сўзни қўллаб, юксак санъат намунасини кўрсатган. Маъшуқа таърифига бағишланган «Анга» радифли ғазалида ёрнинг отланиб йўлга чиқишини шахмат тахтасидаги доналар - рух ва шахга қиёс қилади:

Отланиб ул хусн шоҳи чикса майдон ичра маст,
 Рух қўйуб йўлида шахлар бўлғусидур мот анга (4 а).

Маъшуқанинг кўзи ва қоши қон тўкувчи қотилга ўхшатилади. Қотил ва хунрез сўзлари маъшуқанинг золимлигига ишорадир. Кейинги байтда бу тун ёрнинг келишига умид қилган ошиқ ахир куёш ҳам кечкурун тупроққа бош қўяди дейиш билан ўзини тупроқ, маъшуқани эса куёшга менгзайди.

Жилва гар қилсанг юзунг меҳр ўлғусидур мунфаил,
 Нетсун онда бўлмаса қотил кўзу хунрез қош.
 Не бўлур бу хокисоринг сори келсанг бир кеча,
 Расмдур туфроққа бўлмоқ кечалар мойил куёш (25 б).

Шоир ижодида фахриялар ҳам борки, бу ижодкорнинг ўз ижодига бўлган муносабати ва ишончидан далолат:

Нетонг ашъорини Рожийнинг эл боши уза санчар,
 Отинг ҳар ҳарфи абёти бошиға зийнат афзодур (17 а).

Ёки:

Нетонг ашъорини Рожийнинг эл боши уза сочгай,
 Деса сўзунгни муносиб улус каломи нишот (29 б).

Шоир ўз сўзининг қадрини юксак баҳолаб, ҳар бир байтим ва отимнинг ҳар бир ҳарфи «Эл бошига зийнат афзодур» дея фахрланади. Рожий «Боғ» радифли ғазалида шеърларининг гул каби сочилишига боғни сабаб қилиб кўрсатади:

Гул сочар Рожий сўзидин даҳр аро бу важҳ эрур,

Ким онинг кўнглин маонийга мулавван қилди боғ (32 б).
 дея кўнглим маънолар хазинаси билан зийнатланишига боғ сабаб дейди. Ҳақиқий
 ижодкорнинг маҳорати шундаки, у анъанавий бадиий воситалардан фойдаланган ҳолда
 янги, қутилмаган бадиий манзара яратади. Мана унинг маҳоратига бир мисол:

Гунча баҳс қилғонидин оғзининг ичи қондур,
 Айлабон киби нодон айбини намоён баҳс (11 а).

Гунчанинг қондек қизиллигига сабаб, у тортишиб баҳсга киришганидир, гўёки
 нодоннинг нодонлиги баҳсда намоён бўлганидек. Шунга ўхшаш байт Баёний ижодида ҳам
 мавжуд:

Гулузорим гулистонда гулни ҳайрон айлади,
 Лабларининг ҳасрати гунча ичин қон айлади.¹

Ёки:

Даҳр боғи бевафо эрконин гўё онгламиш,
 Мотамилардек юзида чок этар изҳор гул (36 а).

Гулнинг юзидаги яралар-бу дунёнинг бевафо эканини англаганидан сўнгги мотам
 туфайлидир-дея чиройли сабаб кўрсатади ва ҳар икки байтда ҳам шоир ҳусни таълилнинг
 энг яхши намунасини яратган.

Шоир ижодида тапхис-жонлантириш санъатининг ҳам гўзал намунасини учратиш
 мумкин. Рожий мумтоз адабиётимизда анъана бўлган гул, булбул, шамъ каби анъанавий
 образларга ижодий ёндашиб, уларни жонлантириш орқали гўзал поэтик манзара яратади:

Магарки ҳажр аро аъзоси бор эмиш мажруҳ,
 Чу тегди нохун этар нолаю наво танбур.
 Белин неча еридин боғлабон магар қилмиш,
 Неча мақом уружини иқтизо танбур (17 б).

Танбур ҳажр дардида кўнгли мажруҳ бўлган ошиқ тимсоли, у белини неча еридан
 маҳкам боғлаб мақомни энг баланд авж пардада куйлашга шай жонли ошиқдек
 тасвирланади.

Шунингдек, эй сабо, эй пайки сабо шаклидаги мурожаатлар воситасида ҳам тонг
 шамоли жонлантирилиб, ошиқ аҳволини маъшуқага етказиш сўралади:

Эй сабо, қил ғам ҳужумин ёри ғамхоримға арз,
 Кўнглим ошубини ёлғузликда дилдоримға арз (28 а).

Бу байтда шу билан биргаликда амри наҳий санъати ҳам омукта ҳолда қўлланган.
 Рожий кўпгина ғазалларида иншонинг нидо усулига мурожаат қилиб, ўз туйғуларини,
 ички кечинмаларини ўзга шахслар, маҳбуба, дўстлар, мутриб, муғанний баъзан мавҳум
 тушунчалар - кўнгулга, дилга мурожаат қилиб ўз туйғуларини ифодалайди:

Эй сабо, бер муждаким, оромижоним қайдадур,
 Сарвқомат, гулбадан, гунчадаҳоним қайдадур.

Рожий ўлди ҳажр зиндонида, эй пайки сабо,
 Бер хабар ким хисрави соҳибқироним қайдадур (19 а).

¹ Баёний. Ғазаллар. –Т.: Давлат Бадиий Адабиёт, 1962. –Б. 35.

каби байтларда тонгга мурожаат қилса,

Нигоро, дилситоно, йиғларим айб этмаким найлай,

Чиди олмай фироқинг ранжиға ночор йиғлармен (43 а)

каби байтларда маъшуқага турли истиоралар билан мурожаат қилади. «Нигоро, дилситоно» тарзида қўш нидони яратади.

Рожий қўллаган ва таъсирчан байтларга жило берган санъатлардан яна бири тазоддир. Одатда икки нарса қиёс қилинганда, уларнинг таъсирчанлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади:

Неъматинг мамнунидур гар **мунъим** ўлсун, гар **фақир**,

Тоатинг маъмуридур гар **шоҳ** бўлсун, **гар** гадо

Аллоҳ мадҳига бағишланган ҳамд ғазалида ҳам қатор зид сўзларни қўллаши байтнинг таъсир кучини оширган:

Эрур изхори **лутфинг жаннат** ўлса мазҳари **роҳат**,

Эрур **қаҳринг** зуҳури бўлса **дўзахдин меҳан** пайдо (2 а).

Ёки:

Турфа вақт бўлмишдур сифла иртифоъидин,

Бек бирла **қул** айлар, **ориф** ила **нодон** баҳс (11 а)

байтларидаги зиддиятлар шунчаки зид маъноли сўзлар эмас, балки шоир ҳаёти давомида шаклланган фикрий қарама-қаршилиқлар ифодасидир. Маъшуқа шаънига битилган мана бу байтда эса:

Мен неча изхори меҳр этсам ул айлар тарки меҳр,

Бағри тошу кўнгли қаттиқ, меҳрубоним қайдадур (19 а).

Изхори меҳр, тарки меҳр, бағри тош, кўнгли қаттиқ, меҳрубоним каби сўзлар таъсирчан ифодани майдонга келтирган.

Мумтоз адабиётимизда ғазал мақтаъсида шоирнинг таҳаллуси одатда бир марта келади. Лекин қуйидаги ғазалда шоир ўз таҳаллусини икки байтда такрор қўллаб, қўш мақтаъ яратганки, бу унинг санъаткорлик маҳоратидир.

Шаҳо, умид аҳлини шод айлагон чоғи,

Рожийни дағи айла олар бирла шодмон.

Рожийки модеҳи шаҳи соҳибкарам дурур,

Ёраб қил они шаҳ карами бирла комрон (41 а).

Рожий ғазалларининг 71 таси радифли бўлиб, радифларини қофия билан биргаликда ўрганишимиз натижасида уларни икки гуруҳга ажратдик:

1. Муҳаммад Юсуф Рожий ғазаллари орасида устоз шоирларнинг ғазалларидаги қофия ва радифни ижодий ривожлантириш анъаналари кўзга ташланади;
2. Унинг ижодида анъанавий бўлмаган, яъни шоирнинг бевосита ўз поэтик маҳсули сифатида юзага келган қофия ва радифли ғазаллар ҳам мавжуд.

Ҳар бир ижодкор ўз даврининг фарзанди сифатида ўша муҳитдан четда туролмайди. У ўзи истаса-истамаса давр манзараларига ўз муносабатини билдиради.

Рожий ғазаллари шубҳасиз, Шарқ шеърятининг анъанавий давоми сифатида ўз даври муаммолари, ғоявий эстетик қарашларини ўзида жамлаган шеърятдир. Ошиқона, орифона, ахлокий-маърифий, реалистик тамойилдаги ғазалларида илгари сурилган ғоялар шоирнинг бадиий олами ва поэтик маҳорати фонида янада ёркинроқ намоён бўлди. Шоирнинг новаторлиги шундаки, у шеърятга янги ва ўзига хос радифларни олиб кирди. Рожий шеърятининг ўзига хослиги шундаки, унда реалистик тамойиллар мавжуд. Муқимий ижодидаги каби реал ҳаёт воқеа- ҳодисалари ёрқин образларда ифодаланган шеърлар талайгина. Шу билан бирга, у ҳар бир мисра бошида бир сўзни уч марта такрорлаш орқали ўз даври ғазалчилигига янги шакл ва мазмун бағишлади. Қолаверса, ўзбек адабиётида қўш матлаъ қўллаш анъанаси мавжуд эди, лекин Рожий Хоразмий ижодида қўш мактаъни ҳам гўзал тарзда қўллайдики, бу адабиётда кузатилмаган ҳодисадир. Шоир ғазалларини ўрганиш бу бобни хулосалаш учун қуйидагича асос бўлиб хизмат қилди:

1. Шоир ижодида ғазал жанри етакчи ўринни эгаллайди. Муқимий, Фурқат, Комил, Аваз Ўтар ғазалларида анъанавий мавзулар билан биргаликда давр тақозоси билан ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий мавзуларни ёритишга кенг ўрин берилган бўлса, Рожий ижодида у яшаган давр манзарасига кўра ҳасби ҳол, анъанавий ишқ-муҳаббат, орифона, ахлокий-маърифий ҳамда реалистик руҳдаги ғазаллар етакчи ўринда туради.

2. Ахлокий-маърифий ва реалистик руҳдаги ғазаллар муҳим аҳамият касб этган. Бу борада шоир катта бир жасорат билан давр иллатларини шафқатсиз руҳда очиб ташлаб, амалдорларга нисбатан танқидий ҳукм чиқарган.

4. Қофия мумтоз поэтиканинг шаклланишида асосий омиллардан биридир. Рожий ҳар бир байтда учтагача қофиядош сўз қўллаб, бу соҳада етук маҳорат соҳиби эканлигини кўрсатди.

5. Шоир ўз ижодида раддул матлаъ, тажохули ориф, ташбеҳ, талмеҳ, ташхис, ҳусни таълил, тазод каби санъатлардан моҳирона фойдаланиб, юксак санъаткорлик маҳоратини намоёиш қилган.

III Боб. Рожий мусамматлари ва бошқа лирик жанрлар

3.1 . Мухаммас ва мусаддас яратиш маҳорати

Мусаммат Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётида кўп асрли тараққиёт тарихига эга бўлган шеър навларидан биридир. Мусамматнинг жанр сифатида шаклланиши, қўлланила бошлаши XI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади¹. Рожий ижодида мусамматнинг икки тури - мухаммас ва мусаддас мавжуд.

Тахмис мухаммас номи билан аталган жанрдир. Мумтоз араб адабиёти тарихида V-IX асрларда бу жанр мавжуд эмас эди. X-XII асрлар форс-тожик адабиётида ҳам мухаммас учрамайди. Фильштинский мухаммас жанри X-XII асрларда араб адабиётида пайдо бўлганлигини қайд этади². Мухаммаснинг айрим намуналари XII асрнинг охирида форс адабиётида вужудга келган ва сўнг туркий адабиётда жанр сифатида шухрат топган. XIV асрдан бошлаб мухаммас форс ва туркий адабиётда кенг миқёсда изга тушди ва оммавий жанрга айланди.

Мухаммад Юсуф Рожий Хоразмий ижоди жанрий ранг-барангликка бой. У мумтоз адабиётнинг кўпгина жанрларида самарали ижод қилган. Шоир мухаммас жанрида ҳам баракали қалам тебратган. Рожий девонида ғазаллардан сўнг мазкур жанр иккинчи ўринда туради ва 885 мисрани ташкил этади. Мухаммас катта тарихга эга бўлиш билан бирга, XIX асрдаги ривож билан бу даврдаги шоирлар ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлди. Мухаммасларки, жанрнинг тўлиқ хусусияларини ўзида жамлаган. Бинобарин айтиш керакки, XIX аср ўзбек адабиётида мухаммас мисли XIV аср форс-тожик адабиётида ривож топган ғазаллар каби тараққий этди. Умуман, XVIII аср иккинчи ярми XIX асрга келиб Хоразмда мухаммасчилик ўзига хос янги босқичга кўтарилди ва мухаммасчилик мактаби яратилди. Буни мухаммаслардан тузилган баёзлардан ҳам билиш мумкин.

Унинг девонининг барча нусхаларида мухаммаслари сони 28 та берилган. Биз турли баёзларни ўрганиш натижасида ЎзРФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган №1918, №7050 ва №7006 инвентар рақамли баёзлардан яна 6 та мухаммаси борлигини аниқладик ва жами мухаммаслари сони 34 тани ташкил этади. Шундан 30 таси ўзбек тилида, тўрттаси форс тилида яратилган. Шоир мухаммасларидан 14 таси Навоий ғазалига, 6 таси

¹ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Фан, 1976. –Б. 69.

² Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. –Москва.: Наука. Главная редакция восточной литературы. 1965. –С. 255.

Фузулий ғазалига, Огаҳий, Хусайний-Хусайн Бойқаро ва Зийракнинг 2 тадан ғазалларига, Комил, Амирий, Шариф, Ҳозикнинг 1 тадан ғазалларига мухаммас боғлаган, қолган тўрттаси мустақил мухаммасдир.

Рожий мухаммаслари бу жанрнинг икки турида яратилган:

1. Мустақил мухаммаслар
2. Бирор шоир ёки ўз ғазалига боғланган тахмислар.

Рожий Навоий, Хусайний, Фузулий, Огаҳий, Комил каби устоз ва замондошлари қаторида, Қўқон адабий муҳитидан Амирий ва Ҳозик ғазалларига боғланган тахмислари ҳам борки, бу нарса унинг Қўқон адабий муҳити вакиллари ижодидан баҳрамандлигини, бохабарлигини билдиради.

Шу тариқа, Рожийнинг 34 мухаммаси ғазаллари даражасида юсак поэтик асарлар ва улар XIX аср адабиётидаги жанрлар ривожини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Рожий ижодий мероси ва бадиий оламини ўрганишда мазкур мухаммаслар алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир шоир сатрига қўшилган Рожий байтлари бир бутунликни ташкил этиб, истиқлол даражасини топган асарлардир. Зеро уларда татаббуъ қилинган мисралар Рожий ифода этган ғояларга бўйсундирилган.

Рожий мухаммасларининг мазмуни маю маъшуқа васфидан, панд-насихат, ишқ-мухаббат, баҳор васфи, табиат манзаралари ва сўфиёна ғоялардан иборат. Аммо уларнинг ҳаммаси шоир кўтарган халқона мавзулар, сидқу сафо ва ватанпарварлик ғояларига ҳамоҳанг.

Биринчи мухаммасда «маий лаълфом», яъни қизил май тавсиф этилади. Бу мавзуга оид «дайр», «хумор», «ринди майпараст», «харобот», «зухд», «ҳалол ва ҳаром», «шайх», «мурид», «зоҳид», «жаннат», «майқада», «сайри сулук», «аҳли салоҳ» каби тушунчалар такрорланади ва фикр шу тушунчалар орқали баён қилинади. Ўз-ўзидан маълумки, Рожий мазкур мухаммасда маий ваҳдати вужуддан, яъни илоҳий мастликдан сўз юритади. Бу мазмун аслида Навоий ғазалида ифода этилган. Рожий эса уни ривожлантиради ва ранг-баранглик бахш этади. Мазкур тушунчаларнинг ҳаммаси сўфиёна тушунчалар бўлиб, муриднинг хонақоҳда ўтириб сайри сулукка берилиши ва илоҳиёт йўлида масту аласт бўлиши ва унинг дийдори йўлидаги орзу-интилишлари акс этган. Ҳам Навоий, ҳам Рожий бу принципларга риоя этганлар. Демак мухаммас мазкур шоирларнинг сўфиёна ғояларини яққол ифода этади. Улар тасаввуф ғоялари замирида озодлик, ғурур, садокат ва меҳр-вафони тарғиб-ташвиқ этганлар. Зеро, сўфий озодлик истайди, ишқ хоҳлайди, тотувлик ва бирликни талаб қилади. Бу принциплар сўфиёна либосга ўраб баён қилинади, умуминсоний ғояларга мос ва хосдир. Мухаммаснинг биринчи банди шундай бошланади:

Бировки толеъ ўлуб анго ром мен янглиғ,

Ўзига дайр аро қилмиш мақом мен янглиғ,
 Ичар мудом майи лаълфом мен янглиғ,
 Бил они дайрда масти мудом мен янглиғ,
 Ки, май гадолиғ этар субҳ-шом мен янглиғ.

Ҳамма мисралар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб, уларни ажратиш мушкул, шоирнинг маҳорати ҳам шунда. Мухаммаснинг иккинчи ва учинчи бандларида шоир Навоий ғояларига ҳамоҳанг тарзда ўзининг фалсафий ғояларини илгари суради.

Бу дайр ичи гаҳе холи бўлуб, гаҳе тўлғай,
 Неча май ичгайу неча хумордин сўлғай,
 Демаки барча кириб ринди майпараст ўлғай,
 Бировни ринди харобот англаким, бўлғай,
 Бир илкида кадую бирда жом мен янглиғ (51 б).

Мухаммаснинг тўртинчи банди характерли бўлиб, лирик қаҳрамонни жаннатга бошқармоқчи бўлган шайх қораланади. Гарчи бу ерда ориф номи тилга олинмаса-да, ботинан у сўфидан афзалдир деган ички мазмун барқ уриб туради:

Мангоки шайх деди: бир мурид ўлуб қул ким,
 Беҳишт гулшаниға бошқарай санго йўл ким,
 Дедим: узатма сўзингни, эй сўфи, гум бўл ким,
 Абири жаннат исин айламас писанд ул ким,
 Муаттар айласа майдин машом мен янглиғ (51 б).

Мухаммаснинг кейинги бандида бутун асар давомида айтилиши лозим бўлган энг юксак ғоя айтилган:

Вафоу меҳр илаким эл кўзини ёрутти,
 Қуёшдек ўртанибон дард ўтиға қон ютти,
 Ким экти эрса вафо тухмини жафо бутти,
 Бировки жон бериб, элдин вафо тамаъ тутти,
 Пишурди кўнглида савдойи хом мен янглиғ (52 б).

Фиску-фужур, ёмонлар озоридан ўртанган қалб изтироблари жуда оригинал ифодааланган. Мухаммас сўфиёна сайру сулук ғоялари билан ифодааланган мазмун билан яқунланади:

Десангки, салб этай ўзлук сулуки сайр ичра,
 Мақомим айламен аҳли салоҳ хайр ичра,
 Қот ўзни дайр аро Рожийдек ўлма ғайр ичра,
 Навоий ўзлукдин тинди, улки дайр ичра,
 Ушотти шишайи номусу ном мен янглиғ (52 б).

Шоирнинг иккинчи мухаммаси ўз замондоши Ҳозиқ ғазалига боғланган бўлиб, биз тожик тилидаги мухаммасларини алоҳида таҳлилга тортдик. Унинг учинчи мухаммаси мустақил мухаммаслардан бўлиб, етти бандли, ҳазажи мусаддаси солим вазнида ёзилган. Бу мухаммас ошиқона мазмунга эга. Шоир ҳажр, фироқ, жудоликдан шикоят қилади. Маҳбубани таъриф-тавсиф этади, унинг ишқида «ақлу ҳушу сабри»ни йўқотганини айтади, сабодан мадад сўрайди. У қосидга айланиб, дилдорга салом етказишини иштайди. Бу мухаммасда қиёслаш аксар хору гул, гулу булбул, андуху ғам, туну кун, ойу офтоб, ақлу хирад, қасру кулба, даму дуд, меҳнату ранж, жўя-жўя ашқ, дашту қуюн каби

воситалар атрофида бирлашади. Ва шу воситалар орқали шоир ошиқ ва маъшуқа ахволини ифодалайди, лирик қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб беради, унинг ёрга бўлган чин муҳаббати туфайли глобал мавзулар: улкан ишқ-муҳаббат, унинг тимсоллари, жозибаси ва инсонийлик хусусиятларини тасвирга тортади, жумладан, мухаммаснинг биринчи банди бундай:

Мени бедил фиғонким қолмишам дилдордин ойру,
Қоши ё киприки ўқ, ғамзаси хунхордин ойру,
Бўла олмон даме ранжу ғаму озордин ойру,
Нетонг кўнглум қуши гар нола қилса ёрдин ойру,
Эмас гул ҳажрида булбул фиғони зордин ойру (53 а).

Кўринадики, мазкур бандда ёрнинг лирик қиёфаси яратилган. Аммо бу табиий кўринишда эмас. Ёр сиймоси бўёқлар билан безатилган ва унда муболаға бўртиб туради. Масалан ёрнинг қоши ва киприги ўқ, ғамзаси хунхора бир тимсол, қиладиган иши «ғаму ранжу озор» бериш. Шундан лирик қаҳрамон нола чекади, булбул каби фиғон тортади, жудоликдан тушкунликка тушади. Бу фикрлар анъанавий тасвирларни эслатади ва шоир ижодида янгича ва оригинал садо беради. Зеро, шоир ўзи яратган шеърият дунёсида яшаб, ўз маҳоратини намойиш этади, бошқаларга ўхшамаган янги тасвир ва ифодаларни яратади.

Мухаммаснинг иккинчи бандида тазод ва муболаға санъати омукта ҳолда гўзал бир поэтик манзара яратади. Маъшуқа ҳажрида изтиробда қолган ошиқнинг дудидан қорайиб кетган кулбаси куёшрухсор ёр ёритишидан умидвор:

Тушубмен бир куёш рухсордин ойру мен махзун,
Чекармен зарра янглиғ изтироб айлаб наво мажнун,
Дамим дуди била кулбам бўлур тийра, ғамим афзун,
Қарорғон кулбам ичра кирса юз хуршиду ой гардун,
Ёрутмоқ мумкин эрмас ул куёш рухсордин ойру (53 б).

Сабо келким, сани қосид ўшул махрўя айлармен,
Анга деким фироқингда туну кун мўя айлармен,
Юз узра ҳар сори ашкимни жўя-жўя айлармен,
Жунун дашти аро ҳарён қуюндек пўя айлармен,
Ки даврон қилғоли ул сарви хушрафтордин ойру (53 в).

Шоир сабони ой юзли ёрнинг ҳузурига элчи қилиб жўнатмоқчи. Ул махрўй фирокида тун-кун йиғлашини, кўз ёшлари юзи уза жўя бўлганлигини, жунун даштида қуюндек кезишини унга сабо орқали етказмоқчи. Шоир жўя сўзини икки марта такрорлаб, жуфт сўз ҳосил қилиш билан тасвирнинг таъсирчанлигини ошириб, жозибадор поэтик манзара ҳосил қилган. Мухаммаснинг кейинги бандида ошиқ кўнглига ағёрдан етган ранжу аламлар ёркин бўёқларда тасвирланган:

Манга эй ким, кўруб кўнглумда андуху алам ниши,
Дединг: кимдин етушди санго бу зулму ситам ниши,
Манинг дардим фузун этма уруб бу навъ дам ниши,

Дамодам бағрима санчилмасинму дарду ғам ниши,
Ким ул ой бир нафас чун бўлмади ағёрдин ойру (54 а).

Бу тасвир муҳим кўриниш касб этади ва уни мухаммаснинг ниҳоясида айтилган хулосали фикрлар равшанроқ исботлайди:

Кўнгулга мосуводин заррае келтурмағил қайғу,
Жинонни соф қил, хотирталаб йўлидаким кўзгу,
Топарму ёр аксин бўлмамен зангордин ойру (54 а).

Шоир ёрга эришиш учун мустаҳкам муҳаббат талаб этади. Муҳаббат йўлида фирибгарлик нолойикдир, шу боис кўнгил поклигига интилиш шарт. Ёр васлига фақат ва фақат поклик билан эришиш мумкин. Ёр эса кўзгу ва зангор осмон ортида, унинг акси жилваланиб туради. Мухаммаснинг мазкур бандида сўфиёна ғоя акс этган, тажаллий мақоми ҳақида сўз юритилган.

Рожий замондоши Комил ғазалига боғлаган мухаммасида замонавий ва сўфиёна ғояларни бир-бирига пайванд этиб, дилдор ва ошиқи зор тимсоллари орқали глобал мазмунни ифода этади. Ушбу мухаммаслар оламга нур сочгувчи ишқ ва унинг муқаддаслиги ҳақидадир. Бу ишқ Олам ва Одам яратгувчиси ва дунё ҳақидадир. Уни аллоҳ десак ҳам, оддий инсон десак ҳам бўлади, аммо у бекиёс тимсолдир. Мухаммас мана бундай оддий сўзлар билан бошланиб, ўз замирида илоҳий мазмунни ифода этади:

Бу не ойин эрдиким, эй моҳи тобон айладинг,
Ким юзингга нозир ўлса, зори хайрон айладинг,
Кечалар аҳбоб базмин боғи ризвон айладинг,
Субҳидам май нўш этиб, азми гулистон айладинг,
Гул яқосин чоқ, ғунча бағрини қон айладинг (55 а).

Бу моҳи табон, юзлари қуёш, дўстлар базмига жон бергувчи тимсол, май ичиб, виқор билан гулзор сайрига борадиган ва гулғунчаларни хайрон қолдирадиган ёр ким бўлди? У гулдек гўзал маҳбуба бўлса, иккинчи томондан унинг қиёфасида илоҳий муҳаббат ҳам мужассам. Рожийнинг жўшқин ва ҳаяжонли муҳаббати ёр ишқида шундай садо беради. Бу ошиқона ва умуминсоний ғоялар замирида инсон тақдири ётади. Мухаммаснинг кейинги мисралари ибратомуз сўзлар, олам ва одам қисмати билан боғлиқ ғоялар билан чамбарчас ҳамоҳангдир. Масалан, ундаги «дашти фиروق», «зори ҳазин», «оҳи оташин», «май тоби (жилваси)», «нигори меҳрталъат», «шаҳи олийжаноб», «ошиқи саргашга», «ошиқи кўз ёши шарбат», «бағри кабоб», «фиғони тўққиз гардундан ўтган», «дийдаси пурхун», «дили маҳзун», «қисмати хуноби ғам» ва ҳ.к. Лирик қаҳрамон доимо азобда: у жигархун, бағри қон, жудоликдан маҳзун, аммо унинг маъшуқаси маликаларга ўхшаган, юзлари гул ва гўзалликда бекиёс. Шундай ёрга етолмасликнинг сабаби нима? Ахир шоир саройда маҳбубалар орасида эди. Зоҳиран шундай хулоса чиқадики, мазкур тасвирлар шеърый анъана учун ёзилгандек. Аммо аслини олганда бундай эмас. Лирик қаҳрамон бу ерда оддий инсон сифатида зухур этади. У гўзалга ета олмайди ва бунинг сабаби нотинч ва

бузук давр муҳити. Носоғлом муҳит ошиқи зорни шу кўйга солган, бас шундай экан, Рожий мухаммасида ошиқона тасвирлар замирида замонадан шикоят ғоялари ётади ва ўзига хос аҳамият касб этади. Шу тарзда мухаммаснинг ҳар бир бандида ошиқнинг ўтли, хароратли туйғулари ифодаланади. Бу туйғулар лирик қаҳрамонга орзу-умид, ҳаёт, жон бахш этади ва шу йўсунда Рожий мухаммасини Комил сўзларига пайванд қилиб, қуйидагича якунлайди:

Айлабон Рожий киби васлингга бир етмак ҳавас,
Тун-кун айлармен фиғону нола андоқким жарас,
Кўзларим хунобидин рангин ўлубдур хору хас,
Ёр юзин гулзор Комил фаҳм қилса, тонг эмас,
Фурқатингдин чунки қон ёшқи гулафшон айладинг (56 а).

Рожийнинг айрим мухаммаслари панд-насихат ғоялари билан лиммо-лим. Уларда ошиқона мазмун шу заҳоти пандомуз ғояларга айланиб кетади. Шу жиҳатдан унинг Фузулий ғазалига боғлаган мухаммаси характерлидир. Унинг бошланиши кейинги панд-насихатли сўзларнинг садосидир:

Кимиким оламда сондим, ошно-ноошно гўрдум,
Кима якдиллик этдим қўнглини мандин жудо гўрдум,
Кимаким меҳр зоҳир айладим ранжи ано гўрдум,
Вафо ҳар кимсадинким истадим андин жафо гўрдум,
Кими ким бу фано дунёда гўрдум, бевафо гўрдум (57 б).

Банднинг қарийб ҳар бир сатрида «Кими ким» бирикмаси қайтарилади ва бу бежиз эмас. Шоирнинг ушбу пандомуз мисралари шикоят ғоялари билан суғорилган. У ҳаётда бирор бир вафоли одам тополмайди, ҳеч кимда меҳр-оқибат йўқ, якдиллик йўқолган, ошинолар ноошно бўлган. Рожий яшаган давр ҳақиқатан шундай эди. У Фузулий даврида ҳам бундан яхши эмас эди. Бас шундай экан, ундай муҳитнинг кераги йўқ. Рожий ҳам Фузулий каби ошно ва якдиллик тарафдори эди. У шу ғоялар пардасида халқона ғояларни кўтариб чиққанки, улар ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шоирнинг ягона истаги хуш ҳаёт, гўзал дам, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликдир. Оқибатсиз ва фоний дунёда яхши яшаш инсон учун ягона йўл ва орзу бўлмоғи керак. Мухаммаснинг кейинги бандларида ҳам мазкур мазмунлар айрим ўзгаришлар билан давом этади. Уларда ҳам ранжу бало, изтироб, қайғу, дард-аламга қарши вафо, меҳр-муҳаббат, эзгулик ғоялари такрорланади. Ушбу мухаммаснинг энг муҳим жиҳати унинг тилидир. Мухаммаснинг тўртинчи бандини олайлик:

Агар туфроға ёстондим, ботирди ёнима сўзан,
Вагар бода эришдим, кўзларимга бўлди гардафжан,
Гар ўт ёнига вордум, айлади бин зори ёқмиғ фан,
Агар савдо манин дутдум равон дўндурди юзиндан,
Вагар кўзгудин ўтдум сидқи акси муддао гўрдум (57 б.)

Ю.Юсупов қайд этганидек «Рожий Фузулийнинг «Вафо ҳар кимсадин ким истадим ондин жафо кўрдум» деб бошланган ғазалига боғланган мухаммасида, бир томондан

Фузулийга эътиқоди ва жўрлигини қайд қилса, иккинчи томондан, ўзининг замон зодагонларига бўлган хизмати бекорга кетганидан қаттиқ изтиробга тушганини арг қилади. Ўша мухаммаснинг бир бандини келтирамиз:

Кими ким ҳосил этдим хизматида матлабин юз газ,
 Ҳалоким истаюб сурди бошимга ашҳабин юз газ,
 Чу арг этдим фалакка толейим тира шабин юз газ,
 Банго густурди гардун тийра бахтим кавкабин юз газ,
 Бани бадбахт анго ҳар комким бахтим қаро гўрдум.

Шуниси характерлики, Рожий Фузулий ғазалларига жуда кўп мухаммас боғлаб, Фузулий таврида-озарбайжон тилида мисралар битган. Бу озарбайжон мумтоз адабиётини яхши билгани, хусусан Фузулий ижоди билан яқиндан ошно эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга Фузулий ижодидан таъсирланган, у кўтарган ҳаётӣй, ижтимоӣй мавзуларни ўз ижодида татбиқ этган. Бу анъана ва новаторлик омилидир. Бунӣ бошқа бир мухаммасдан келтирилган қуйидаги банд ҳам равшан кўрсатади:

Тун-кун ишим ҳавоу ҳавас бирла сайрдур,
 Гаҳ хонақоҳ матлабиму, гоҳ дайрдур,
 Билмонки хонси шардуру ё ханси хайрдур,
 Қатъ ила ошнолиғим ондинки ғайрдур,
 Онжақ ўз ошноларинг эт ошно банго¹.

Мухаммаснинг кейинги икки банди ҳам замондан шикоят оҳанглари билан йўғрилган. Мухаммас якунида лирик қаҳрамон жавру жафолардан қутулиш учун узлат ихтиёр этганлиги ифодаланади:

Чекиб Рожий киби жавру жафо ҳар пеш ила камдин,
 Замоне ўлмадим фориг ғаму андуху мотамдин,
 Гар эмди узлат айлаб, ихтиёр истаб, фараҳ ғамдин,
 Фузулий айб қилма, юз чу расми аҳли оламдин,
 Надан ким ҳар кима юз дутдум ондин юз бало гўрдум (58 а).

Рожий ижодидаги характерли мухаммаслардан бири унинг Ҳусайний-Ҳусайн Бойқаро ғазалига боғланган мухаммасидир. У Ҳусайнийнинг 2 та ғазалига мухаммас боғлаган. Ҳар иккиси ҳам ошиқона. Мухаммаснинг биринчи банди маъшуқа таърифи билан бошланади:

Ишқинг ўти тушкали кўнглумга мен бехонимон,
 Ёна-ёна жисм ила жонимга йўқ тоби тавон,
 Эмди ўлгумдур тарахҳум қилмас эрсанг бегумон,
 Эй сенинг қошу кўзунгдур фитнайи охир замон,
 Лабларингдур хаста жонимга ҳаёти жовидон (59 а).

Кейинги банд ошиқнинг золим маъшуқага илтижосидан иборат бўлиб, ҳар бир сатр «рахм айлаким» радифи билан якунланади:

Борма, ҳижрон ўти жонимга уруб, раҳм айлаким,
 Бошим узра меҳрдек бирдам туруб раҳм айлаким,
 Ишқинг ичра бор нечук дардим сўруб раҳм айлаким,

¹ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 83

Эй куёш юзлук санам ҳолим кўруб раҳм айлаким,
 Етти кўкка ҳар нафас ҳажрингда фарёду фиғон.
 Кейинги икки банд ошиқнинг ҳолати ва руҳий кечинмаларини ифода этади:

Лабларинг шавқин чекиб, юз захми миҷгон сақладим,
 Сабр қилдим кўзларинг бедодиға жон сақладим,
 Неча йилдур қофи ишқинг чектим афғон сақладим,
 Эл аросида неча сирримни пинҳон сақладим,
 Бу сориг юз ошқоро айлади сирри нихон.

Ҳар неча тушса ҳазин кўнглумға ул ораз ғами,
 Тонғга текру келмамен уйқу оқар кўз шабнами,
 Не бўлур кулбамға бир тун келсанг, эй жон марҳами,
 Гар ҳаёлинг бўлса меҳмон кўнглум уйинда дами,
 Айлағай юз сори ҳардам кўзларим гавҳарфишон.

Шоир лирик қаҳрамоннинг маъшуқа ишқида сарғайган юзи ва ёр ҳаёлида тонг отгунча кўзларидан уйқу оқиб келса ҳам тунни бедор ўтказганлигини жуда чиройли ифодалаган. Золим, фитнаҳез маъшуқа бу бандда «жон марҳами» деб сифатланади. Ёрнинг ўзи эмас, унинг ҳаёли ҳам ошиқ кўнглига меҳмон бўлса, унинг йўлига кўз тиккан ошиқ кўзлари гавҳар сочади. Муҳаммаснинг охирги банди ўқувчида худди лирик қаҳрамон маъшуқа билан учрашгандек, унинг висолига етгандек таассурот қолдиради, лекин бу ҳаммаси тушда кечади:

Токи кўз кўруб ул ойни Рожиё, банд ўлди дил,
 Ҳажр зиндониға тушгум, ўтти неча ойу йил,
 Тушга кўрдум бир кеча сўз дерга жарроб қилди тил,
 Дедим: эй жон марҳами васлинг била бир чора қил,
 Кулуб айтур: Эй Ҳусайний, тутма мендин бу гумон (59 б).

Ҳусайн Бойқаро анъанавий образлар воситасида шўх ва ўйноқи ғазаллар битганки, Рожий ҳам уни янгича бир оҳангда, халқона руҳда акс эттирган.

Рожий ижодида Амирий ғазалига боғланган муҳаммас ҳам борки, бу ҳолат шоирнинг Кўкон адабий муҳити намояндалари ижодидан яхши хабардорлигини билдиради. Ҳар бир байти «Эй соқий» радифи билан тугалланадиган Амирий ғазали риндона бир кайфиятни ифодалайди ва Рожий қўшган сатрлар ҳам муҳаббатга ғарқ бўлган лирик қаҳрамоннинг дил изҳори сифатида жаранглайди:

Қошинг ёйиға мен саргашга қурбондурман, эй соқий,
 Кўзунг шавқида ашки, баҳри уммондурман, эй соқий,
 Юзинг меҳри била зор, бағри қондурман, эй соқий,
 Қўлимда соғари саршор, хайрондурман, эй соқий,
 Хумор олуида ул лаъли хандондурман, эй соқий (73 а).

Муҳаммаснинг иккинчи бандидаги «махмур», «бода», «жом», «май», «лаболаб», «соғар», «паёпай», «хуммор» каби сўзлар майпараст ошиқ ҳолатини ифодалайди. Аммо бу руҳоният майи эдими, йўқми ҳар ҳолда руҳбаландлик ва хурсандчилик кайфияти билан боғланиб кетади:

Мени махмурингга айлаб тараххум жом ила май тут,

Не майким, бодаи лаълинг била ҳамро бўлғай тут,
 Чу қилғунг бўйла ҳам бир жом ила доғ бас этмай тут,
 Лаболаб айлабон бир неча соғарни паёпай тут,
 Хуммор андуҳидин бесабру сомондурман, эй соқий.

Учинчи бандда қофия ва радиф ҳамоханглиги мухаммаснинг мусиқий оҳангини таъминлашга хизмат қилган. Жумладан, «олинг бирла», «хилолинг бирла», «ширин мақолинг бирла», «шамъи жамолинг бирла» каби сўз бирикмалари қофиядош бўлиб, ҳар сатр охиридаги «мажлисни» радифи чиройли поэтик уйғунлик ҳосил қилган:

Гулистон айлагил рухсори олинг бирла мажлисни,
 Фалаксан, айлагил абрў хилолинг бирла мажлисни,
 Муфарриҳ айлагил ширин мақолинг бирла мажлисни,
 Мунаввар айлагил шамъи жамолинг бирла мажлисни,
 Ки бу оқшом харобот ичра, меҳмондурман, эй соқий.
 Мухаммаснинг тўртинчи бандида даврдан шикоят оҳанглари акс-садо беради:

Юзумга ҳар нафас юз каж уруб дарду бало илки,
 Тани зоримни минг чок айлабон ранжи ано илки,
 Бу ёнглиғ тортибон минг ранж етмай бу гадо илки,
 Чаманда сунбулингни тор-тор этмиш сабо илки,
 Бу қайғу бирла зулфингдек паришондурмен, эй соқий.

Мухаммаснинг охирги банди лирик қаҳрамоннинг келажакка бўлган ишонч туйғулари билан якунланади:

Кезиб ҳусн оламин кўб маҳваши олий гуҳар кўрдум,
 Биридин меҳр топмай ўзни тун-кун дарбадар кўрдум,
 Бу дам Рожий киби уммид нахлидин самар кўрдум,
 Юзинг хуршидини то жоми майда жилвагар кўрдум,
 Амирий оламу Жамшиди даврондурмен, эй соқий (73 б).

Гўзал поэтик ташбеҳларга бой, риндона руҳдаги бу мухаммас ўзининг оригиналлиги билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитади.

Рожий ижодидаги гўзал мухаммаслардан яна бири унинг замондоши Зийрак ғазалига боғлаган мухаммасидир. Зийрак ҳақида Лафғасий қуйидагича маълумот беради: «Зийрак мулла Вайс Ҳазораспий бўлуб, деҳқон оиласидан бўлғони холида Хива хонлиғидину онинг амалдорлари-ю вузароларидин қотик жабр-зулму ситамлар кўруб дунёдин хасратлар қилиб зулм остида дунёдин ўтадур»¹. Шоир унинг 2 та ғазалига мухаммас боғлаган. Бири «Этгай», иккинчиси «Эврулай» радифли мухаммасдир.

Зийракнинг

Шаҳийким, май ичиб, ишрат тузуб, кўнглини шод этгай,
 Гадодинким ютар қон, ҳажридин не навъ ёд этгай
 деб бошланадиган жуда таъсирчан ва мазмундор ғазали бор. Рожий ана шу ғазалга мухаммас боғлаган. Зийракнинг шоҳ май ичиб, кўнглини шод этиб турган бир пайтда қон ютаётган гадони қаердан ҳам ёд олади деган чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлган

¹ Лафғасий. Хива шоирлари. Адабиёт музейи фонди. Инвентар №213. –Б. 13.

мисраларига золим маъшуқа образини параллел равишда қўйиб, ҳар икки образни бири-бирига қиёс қилади:

Қачон ул ой мени ушшоқ элидин иқтидод этгай,
Тузуб қонуни улфат соз оҳанги давод этгай,
Келиб кулбамға ё айлаб қошиға бир мурод этгай,
Шаҳийким, май ичиб ишрат тузуб кўнглини шод этгай,
Гадодинким ютар қон ҳажридин не навъ ёд этгай.

Эмас мумкин манга меҳру вафо ул шоҳи ҳўбондин,
Қачон кўрмиш бир ошиқ меҳри изҳорини жонондин,
Деманг чек нола токим кўргасен бир илтифот ондин,
Қачон парвоси андухи ғам ичра нола қилғондин,
Бировким хотирин созу тараб оҳанги шод этгай.

Бу банддаги «Эмас мумкин манга меҳру вафо ул шоҳи ҳўбондин» мисрасидаги «шоҳи ҳўбон» фақат ёрни эмас, балки шоҳни ҳам назарда тутган десак хато бўлмайди.

Мухаммаснинг энг авж нуқтаси учинчи банди бўлиб, Рожий ҳам Зийракнинг ўткир мазмунли мисраларага эш ва жўр тарзда фикр юритади:

Оқар ул ой ғамида кўзларимдин дам-бадам қонлар,
Тараххум айлабон зулм ортадур ҳар лахза чандонлар,
Топа олмон ғамимға чора айлаб тун-кун афғонлар,
Етушгон зулм элидин дод этар шаҳға мусулмонлар,
Менингдек шахдин бедод етган кимға дод этгай (62 а).

Мухаммаснинг кейинги икки банди ошиқнинг маъшуқа ҳажридаги изтиробларини ифодалайди. Олтинчи бандда шоир ўзининг дунё ҳақидаги фалсафий ғояларини ўртага ташлайди:

Сурури сури олам ҳосиледур ҳузн ила мотам,
Эмас мумкин топилмоқ доимо бир ҳол ила олам,
Қилиб дунёни фоний давлатидин хотиринг хуррам,
Фақир аҳволидин юмма кўз оч, эй ғанийи бераҳм,
Ки очиб юмгунча кўзни, бу давлат хайрбод этгай.

Бу олам доимо бир хил эмас. Аслида мотам бу хурсандчиликлар ҳосилидир. Яъни, шоир «ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ» деган халқ мақолини шу байтга сингдириб, давлатманд кишини фақр аҳволига назар ташлашга ундайди.

Мухаммаснинг охирги банди маъшуқа таърифи билан якунланади:

Ажаб бир нозанинсенким, шабиҳинг кўрмамиш олам,
Лабинг айни ҳаёту сўзларинг жон захмига марҳам,
Жамолинг васфидин не тил била Рожий уролғай дам,
Бўлур жаннат баҳорий сабзасориға арақ шабнам,
Агар бир ҳарфи Зийрак хатти сабзингдин савод этгай (62 б.)

Рожий зуллисонайн шоир сифатида она тилидан ташқари форс тилида ҳам кўркам мухаммаслар яратганки, бу унинг ижодкорлик маҳоратининг яна бир янги қиррасидир.

Унинг мавжуд 35 та мухаммасидан тўрттаси форс тилида яратилган. Рожий ижодидаги форсча мухаммаслар ҳам жанрнинг икки турига мансуб. Жумладан, икkitаси мустақил, эркин мухаммас ва биттаси Шариф тахаллусли шоир ва кейингиси Ҳозик

ғазалига боғланган мухаммасдир. Шоирнинг биринчи форсча мухаммаси жанрнинг истикболия (кутиб олиш) турига киради. Унда лирик қахрамоннинг йиллар давомида чеккан айрилиқ азобидан қутулиб, висолга етишиши юксак пардаларда куйланади. Бу ҳолат ёрнинг ошиқ кулбасига келиши туфайли юз беради. Лирик қахрамон ўз маҳбубасини кутиб олади. Уни кўриши билан тортган барча изтироблари унут бўлади. Мана шу ҳолат ошиқ тилидан қуйидаги тарзда ифодаланади:

Эй офтоби офати даврон, хуш омадй!
 Эй комёб сарвари хўбон хуш омадй!
 Эй рашки хур, ғайрати ғилмон хуш омадй!
 Эй хушхиром, барзада домон хуш омадй!
 Сарви равон, ғунчайи хандон хуш омадй!

Мазмуни:

Эй олам офати бўлгувчи куёш юзли ёр, хуш келибсан!
 Эй гўзаллар маликасининг мақсадига етишгани, хуш келибсан!
 Эй фаришталар рашкини келтирувчи, хуру париларни назарига илмайдиган, хуш келибсан!
 Эй қадам босганинг гўзалликда ягона ва этагини чанг босмаслигига сабаб, уни ҳилпиллатиб кўтариб юргувчи, хуш келибсан!
 Ошиқ учун ҳаёт фақат ҳижрондан иборат бўлмай, висол дамлари ҳам ёр экан. Маъшуқа бу мухаммасда вафо тимсоли сифатида намоён бўлади. Шоир улут инсонпарварлик ғояларини тараннум этади, ёр мадҳи уни улут мадҳия сари етаклайди.

Рожийнинг бу мухаммаси етти банддан иборат бўлиб, 35 мисрани ташкил этади. Мазкур бандларнинг барчасида ўша таъриф-тавсиф давом этади: ёрнинг хулқ-атвори, гўзаллиги, табиати ёрқин бўёқларда тасвирланади. Масалан иккинчи бандда лирик қахрамон рўпарасида турган маҳбубага жон садқа қилишга шай ошиқ сифатида гавдаланади ва шоир уни гўзаллар подшоҳи деб атаб, қолган барча гўзаллар унинг сипоҳи (аскарлари)дир, дейди. Бу мисолда тасвир ҳаётий чиққан. Унинг асосини шоҳ ва сипоҳ тушунчаси ташкил этади. Қолган байтларда ёрнинг қадди-қомати васф қилинади. Ёр васфи табиатнинг гултожи инсон таърифидир, ҳаёт гўзаллигининг мадҳиясидир ва бу эса Рожий гуманизмдан далолат беради. Мухаммаснинг учинчи бандида маҳбубанинг раҳму шафқатга мойиллиги, кейинги бандда ҳижронли тунларнинг ўтганлиги, лирик қахрамон доимо ҳаётга умид билан қараганлиги, ниҳоясида шоир ташриф буюрган маҳбубага яна бир бор таъзим қилиб, агар ўлганимдан сўнг қабрим ёнидан ўтсанг, бош кўтариб кутиб оламан деб лутф қилади:

Сад мархабо, чу омадй, эй маҳлиқо санам,
 Аз партави жамоли ту шуд дида равшанам,
 Нақди ҳаётро ба қудумат барафканам,
 Гар бигзарй ба турбати ман баъди мурданам,
 Сар бар кунам зи хок, ки эй жон, хуш омадй.

Мазмуни:

Сен келдинг, эй маҳлиқо санам, юз мархабо бўлсун,

Зеро, жамолинг нуридин кўзларим нурланди.
Энди ҳаётимдаги бор-йўғимни қадамингга нисор этаман,
Ва агар борди-ю, ўлганимдан кейин хоки пойим ёнидан бир ўтиб кетсанг,
Шу заҳоти тупроқдан бош кўтариб, хуш келибсан, эй жоним, дейман.

Бу туйғулар шоирнинг ўз ёри-дўстига кўрсатган садоқати эди ва бу инсон учун энг шарафли бир туйғудир. Зеро, Рожий мухаммасида биринчи навбатда инсон образи, унинг тимсоли, гўзаллиги васф этилади.

Рожийнинг яна бир форс тилидаги мухаммаси Шариф тахаллусли шоир ғазалига боғланган. Унинг «Асли исми Муҳаммад Шариф бўлиб, Узлат (Узлатий), Махжур, Нодир (Нодирий), Шариф (Шарифий) тахаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида ижод этган бу шоир Қўкон адабий муҳитидаги сўз санъаткорлари қаторига киради. Муҳаммад Шариф (1752-1758) йиллар оралиғида Ҳозирги Андижон вилояти Чуст туманининг Косон қишлоғида туғилган. У кексайган чоғида Умархон хонлигининг сўнгги йилларида Қўконга кўчиб борган ва у ерда ҳам умр бўйи моддий мухтожликда яшаган. Фазлий ўз тазкирасида Узлат истеъдодли шоир, қавоидшунос олим, машҳур ҳаттот, фозил бўлишига қарамай, бахтсиз киши бўлганлигини қайд этиб ўтган. Хабардор кишиларнинг айтишича, у юз йилдан ортиқ умр кўрган¹.

Мухаммас беш банддан иборат ва мавзуси ишқ дардидан тортиб, ваҳдат водийсигача чўзилади. Бандлар орасида панд-насихатли ғоялар ҳам ифодаланади. Шоир бекорга «чи фойда» (нима фойда) радифига мурожаат қилмаган. Ҳар бир банд охирида такрорланадиган бу радиф шоир мақсадларини ифодалаш учун хизмат қилган. Танбех бериш руҳидаги бу радиф туфайли сўфиёна мавъиза мавзуси ифодаланиб, ваҳдатга етаклашга ишора этилади. Биринчи бандда шоир юракка мурожаат қилиб, агар сенда ишқ дарди бўлмаса, минг нолаю фарёд чекишинг бефойда. Ёр жамолига етишиш учун кўнгилда муҳаббат шавқи бўлмоғи лозим деб орифона ғояни илгари суради:

Дар дидаи ту нури зиё нест зарраиё,
Дар тинати ту бўйи вафо нест зарраиё,
Дар хотири ту сидку сафо нест зарраиё,
Андар дили ту меҳри худо нест зарраиё,
Гар рўзу шаб намоз гузорӣ, чи фоида?! (58 б).

Мазмуни:

Сенинг кўзларингда равшанлик нуридан йўқ заррача,
Сенинг юрагингда ҳам вафо ҳиди йўқ заррача,
Сенинг хотирингда ҳам садоқат ва покликдан йўқ заррача,
Сенинг дилингда ҳам худо меҳри йўқ заррача,
Гарчи туну кун намоз ўқисанг, бунинг нима фойдаси бор?!

Лирик қаҳрамон муридни намоз, рўза, ҳаж каби такво амалларига эмас, балки меҳр-муҳаббатга, орифона ғоялар замирида эзгу ва яхши хулқ-атворга даъват этади. Кейинги бандларда таънаю маломат ғоялари илгари сурилади, ахлоқсизлик, ҳарислик, нафс балоси

¹ Ўзбек адабиёти. V жилд. Тўрт томликка илова. I китоб. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1966. -Б. 245-266.

танқид қилинади. Улуғ ҳашр, яъни қиёмат куни ёдга олинади. Ва шу йўл билан одамларни инсоний сифатлар соҳиби бўлишга ундайди.

Мухаммаснинг ниҳояси ваҳдат водийси тасвири билан якунланади. Шоир инсонни шу водийнинг йўловчиси бўлишга ундайди, унинг бош мақсади шу бандда ифодаланади, яъни нафсдан қутулиб, мусаффолик касб этишни истайди:

Рожий биё ба водийи ваҳдат духул кун,
Тан зан ба роҳи мақсад, коми ҳусул кун,
Нафсат ба бандагй ба жавонй малул кун,
Гуфтам: «Шарифро ба ғуломй қабул кун»,
Гуфт: эй ғулом пири низори чи фойда (59 а).

Мазмуни:

Рожий кел, ваҳдат водийсига қадам қўй,
Мақсад сари равона бўл, унинг ҳосилини кўр,
Йигитликда фақр йўлини тутиб, нафсингни тийиб юр,
Дедим: «Шарифни қулликка қабул қилгин»,
Деди: Эй қул, бу бечора қаридан нима фойда?!

Рожийнинг яшашдан мақсади шу. Ёшликни беҳудага ўтказмасдан, кўзланган мақсад сари интиланган киши, қариганда унинг ҳосилини кўради.

Рожийнинг тўртинчи форсча мухаммаси Ҳозик ғазалига боғланган бўлиб, у ҳам риндона ғояларни илгари суради. Ҳозик ҳақида академик А.Қаюмов шундай маълумот беради: «Жунайдулла Исломшайх ўғли Ҳозик XIX аср биринчи ярмидаги ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаларидан. Қори Раҳматулло Ҳозик тўғрисида «Ловубол машраб, қаландармижоз» деб ёзади¹. «Ҳозик «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзган. 1843 йил Насрулланинг буйруғи билан Шаҳрисабзда яшаб турган Ҳозикнинг боши кесилиб, амирга олиб борилади. Унинг қабри ҳозир Қашқадарё вилояти Китоб туманидадир»².

Мухаммас шундай бошланади:

Биё соқи дилам нури басар мегирад аз мино,
Пайи парвози беҳжат болу пар мегирад аз мино,
Ба қатъи дашти ғам зоди сафар мегирад аз мино,
Сабў ҳарчанд саҳбо бешгар мегирад аз мино,
Димоғам нашъайи файзи дигар мегирад аз мино (52 б).

Рожийнинг форс тилидаги тўрт мухаммаси ҳам бу жанрнинг етук намунаси ҳисобланади. Нафосатга бой бу мукаммал мухаммаслар Рожийнинг мухаммаслари орасида алоҳида ўринга эга.

Мусаддас

Рожий ижодида 2 та мусаддас мавжуд. Ҳар иккаласи ҳам 7 банд ёки 35 мисрадан иборат. Шоир мусаддасларида ҳам анъанавий жанрнинг талаблари тўла ўз ифодасини топган. Мусаддаслари ошиқона, орифона, риндона характерга эга. Рожийнинг биринчи

¹ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. (XVIII-XIX асрлар) –Т.: Ўзфанакаднашр, 1961. –Б. 118.

² Ўша манба. –Б. 160.

мусаддаси риндона руҳда бўлиб, унда хайёмона ҳаётсеварлик ва тириклик завқи балқиб туради. Мусаддаснинг ҳар бир бандида: Мусаддаснинг ҳар бир бандида

Муғтанамдур неча кун дайр аро айёми шабоб,
Фавт қилманг они ғофиллиқ ила, эй аҳбоб,-
байти такрорланиб келади. Мусаддаснинг ҳар банди охирида такрорланиб келадиган бу байт Навоийнинг

Маст ўлуб бир дам шабоб айёмини тут муғтанам,
Ким йигитлик дам-бадам ўтмакдадур айём аро¹, -
байтини эсга туширади. Бу кўхна дунё ҳеч кимга вафо қилмаган. Бир нафас олгунча умр ўтганини билмай қоласиз. Кекса шайх ҳам, ёш навқирон йигит ҳам навбатсиз бирма-бир ўтади:

Эй биродарлар, этинг айш, ичиб бодайи ноб,
Кечкулукдур нафс урғунча кўхнаи дайри хароб,
Мўътақиб ҳама азм этгусидур шайх ила шоб,
Қилғуси нўши ажал жомини соғу бетоб,
Муғтанамдур неча кун даҳр аро айёми шабоб,
Фавт қилманг они ғофиллиғ ила эй аҳбоб (77 а).

Мусаддас шу зайлда давом этади. Қаригандан сўнг тандан қувват, кўздан нур кетади. Йигитликда фурсатни қўлдан бермай, уни ғофиллиғ билан ўтказмасдан, ёшлик ва гўзаллик завқини суриш керак. Мусаддаснинг лирик қаҳрамони шундай ғояларни илгари суради. Учинчи банд:

Ичингиз бодайи ноб, тузингиз базм аро руд,
Келмайин кўнглингиза олам аро буди набуд,
Қилғусидур бу масойилингиз охир бадруд,
Бил адам бўлғусидур олам аро ҳар мавжуд,
Муғтанамдур неча кун, даҳр аро айёми шабоб,
Фавт қилманг они ғофиллиғ ила эй аҳбоб (77 а).

Олам ташвишлари ҳеч қачон тугамайди. Уни ўйлаб охирига ҳам етиб бўлмайди. Шоир бу риндона байтлар тагсатрида Олам ва Одам ҳақидаги ўз фалсафий қарашларини ифодалайди.

Мусаддаснинг 5-6 бандларида «ҳамага ажал жомини ичирадурган соқийи даврон» ҳақида гап боради. Ҳеч ким бу дунёга устун эмас. Ажал шоху гадога баробар. Агар шундай бўлмаганида Баҳрому Дилором, Зулқарнайну Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Жомию Навоий, Султон Ҳусайнлар ҳаёт бўларди. Қани улар? деган савол кўндаланг қўйилади.

Мусаддаснинг олтинчи банди шундай якунланади:

Эй хуш, ул кишиким дайр ичида топти сукун,
Эгибон бир муғон олида қаддин чун нун,
Ичадур муғбачалар илки била май туну кун,
Қилмайин кўнглини дунё ғами бирла маҳзун,

¹ Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. 20-жилдлик. II жилд. Наводир ун-нихоя. –Т.: Фан, 1987. –Б.23.

Муғтанамдур неча кун даҳр аро айёми шабоб,
Фавт қилманг они ғофиллиғ ила эй аҳбоб (77 б).

Шоир ўзининг орифона, риндона ғояларини, тўғрироғи максadini шу охирги бандда намоён қилади, шоир таҳаллуси келади ва қуйидаги маъвиза билан якунланади:

Рожий ёнглиғ ичингиз, оламда чун қон қилманг,
Даҳр фоний ғамидин ўзни паришон қилманг,
Ҳар неча топсангиз оламда жуз эҳсон қилманг,
Вақтингиз ўтқариб асрў, сўнгра пушаймон қилманг,
Муғтанамдур неча кун, даҳр аро айёми шабоб,
Фавт қилманг они ғофиллиғ ила эй аҳбоб (78 а).

Рожийнинг иккинчи мусаддаси ҳам 7 банддан иборат бўлиб, риндона ва ошиқона ғоялар омухта ҳолда ифодаланган ва ҳар банд охирида:

Тили лолу, дили ғамгин, кўзи хунбор ўлдум,
Раҳм қилким бу сифат ғамга гирифтор ўлдум
байти такрорланади. Мусаддас шундай бошланади:

Сокиё, бода кетур, фуркат аро зор ўлдум,
Ҳажр бедодида бошдин оёқ афкор ўлдум,
Туну кун дард била, хайли била ёр ўлдум,
Бўлубон ишқ ўтиға жону таним тор ўлдум,
Тили лолу, дили ғамгин, кўзи хунбор ўлдум,
Раҳм қил ким бу сифат ғамга гирифтор ўлдум (78 а).

Иккинчи банд маст ошиқнинг беҳудона ҳолатини ифодалайди. Сокий-Аллоҳ рамзи.

Май, бода, шароб, чоғир-муҳаббат, жазаба, нур жилваси. Айрилиқда қолган ошиқ учинчи бандда конкрет образ қиёфасида реал маъшуқа билан биргаликда тасвирланади:

Олибон сабру қароримни менинг бир қаро қош,
Қилди расволиғим ишқда жаҳон аро қош,
Урар атфол аямай ҳар соридин туфроқ, тош,
Йиғларам тинмайин оқиб дийдаларимдин қон ёш,
Тили лолу, дили ғамгин, кўзи хунбор ўлдум,
Раҳм қил ким, бу сифат ғамга гирифтор ўлдум (78 б).

Рожийнинг ҳар икки мусаддасида бир хил параллел образ-шайх ва шоб бир-бирига

ёнма-ён қўйилади. Жом-реал дунё, юрак.

Дафъи меҳнату ғамдур дедилар бодаи ноб,
Ҳажр аро ранжу бало чеккан улус шайх ила шоб,
Бу сабаб бирла келибмен қопунга зори хароб,
Тутубон жоми паёпай мени қилғил шодоб,
Тили лолу, дили ғамгин, кўзлари хунбор ўлдум,
Раҳм қил ким бу сифат ғамга гирифтор ўлдум (78 б).

Кейинги бандда яна ошиқ қалби изтироблари бўй кўрсатади:

Оҳким маҳваш дарди дийдаи дол этти мени,
Қоши хижронида гўёки ҳилол этти мени,
Белини кўзума кўргузмади нол этти мени,
Даҳани фикри била гунги мақол этти мени,
Тили лолу, дили ғамгин, кўзи хунбор ўлдум,
Раҳм қил ким, бу сифат ғамга гирифтор ўлдум (78 б).

Мусаддаснинг охирги банди лирик қаҳрамоннинг илтижо ва муножоти билан якунланади:

Етушуб Рожий киби кўнглума ҳар дам юз ғам,
 Чекибон оху дамо дам чиқариб кўкка алам,
 Оқизиб бир санамнинг фироқида кўздин нам,
 Келмишам дарғаҳингга юз тутибон айла карам,
 Тили лолу дили ғамгин, кўзи хунбор ўлдум,
 Раҳм қил ким, бу сифат ғамга гирифтгор ўлдум (79 а).

Рожий мусаддаслари ҳам худди ғазаллари каби май ва маъшуқа тимсолини ифодалаб, улар воситасида лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, қалб тугёнлари ва Олам ҳақидаги фалсафий қарашлари ифодаланади.

3.2. Қасидаларида Хива хонлари образи

Шарқ адабиётининг кенг тарқалган жанрларидан бири қасидадир. Бу жанр дастлаб араб поэзиясидан илдиз олган¹. Унинг асосчиси V асрда яшаб ижод этган араб шоири Имрулқайсдир. Имрулқайснинг «Муаллақа» деб номланган қасидалари ушбу жанрнинг кейинги ривожига катта туртки бўлди². X асрдан бошлаб форсигўй адиблар лириканинг бошқа жанрлари каторида ўз маҳоратларини биринчи навбатда қасидада ҳам синаб кўрдилар. Хуросон ва Мовороуннаҳр халқлари адабиётида ҳам қасида ўрин ола бошлади. Тўғри, Абдурауф Фитрат қайд этганидек, ўзбек адабиётидаги қасидачилик йўли форс адабиётидагидек кенг бўлмади³, лекин мавжуд қасидалардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Адабиётшунос Н.Жумахўжа тўғри қайд этганидек: «Таассуфким, ўтмиш маданий меросимизнинг улкан бўлаги билан биргаликда, мумтоз қасидачилик ҳам сиёсат ва мафкура қурбони бўлиб келди. Биз гўзал, миллий қасидаларимизни, улар феодал ҳукмдорларга мадҳу сано йўлида ёзилган, бугун ва келажак учун яроқсиз нарсалар деб қарадик ва инкор этиб келдик»⁴.

Ўзбек адабиёти тарихида қасида жанри ханузгача лириканинг етакчи жанри сифатида хизмат қилиб келмоқда, аммо унинг турлар бўйича махсус ривож топган даври XV асрдан XIX асргачадир. XIX асрда яшаган кўпгина шоирлар ғазал ва мухаммас билан бирга, қасидага ҳам майл қилдилар. Шулардан бири хоразмлик шоир Муҳаммад Юсуф Рожийдир.

Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий XIX асрда ҳақиқатан Хоразм адабий муҳитида ўзига хос мавқега эга бўлиб, бой, сермазмун ва ўзига хос ижоди ва фаолияти билан шоҳлар назарига тушган соҳибдевон ижодкордир. У Хоразмдаги ўта талабчан ва нуфузли адабий муҳитда ижод қилиб, замондошлари олқишига сазовор бўлган. Муҳаммад Юсуф Рожий лирик шоирдир. Унинг девонидан асосан ғазал ва мухаммас жанри ўрин олган

¹ Ханна ал-Фахури. История арабской литературы. том I. -Москва.: Издательство иностранной литературы. 1959. -С.70-81.

² Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. -Москва.: Наука, Главная редакция восточной литературы. 1965. -С. 33-40.

³ Қаранг: Фитрат. Адабиёт қоидалари. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -Б. 43.

⁴ Жумахўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. -Т.: Фан, 1995. -Б. 43.

бўлса-да, аммо юқорида таъкидлаганимиздек, у қасидада ҳам ўзини синаб кўрди ва бу шоҳона жанр ривожига муносиб ҳисса қўшди. Бизгача унинг учта мукаммал қасидаси етиб келган. Аммо, бизнингча, ижодкорнинг адабий муҳитда тутган ўрнини белгилашда асарларининг сони эмас, балки унинг мазмуни, бадиияти ва ғояси биринчи ўринга чиқиб, давр адабий муҳитининг биз учун қоронғи жиҳатларини ёритиши билан муҳим аҳамиятга эгадир. Рожий қасидалари борасида адабиётшунослар томонидан деярли фикр билдирилмаган. Зеро, Рожий ҳаёти ва ижодий мероси ҳалигача ўзбек адабиётшунослигида чуқур тадқиқотга тортилмаган. Бас шундай экан, у ҳақида айрим мақолалар ва ишоралардан ташқари, махсус илмий ишлар амалга оширилмаган. Рожий ҳақидаги мақолалардан фақат Юнус Юсуповнинг китобида унинг қасидалари эслатиб ўтилиб, шу асосда шоирнинг Саййид Муҳаммадхон саройида бўлгани ҳақида фикр юритилади¹.

Рожийнинг уч қасидаси унинг барча қўлёзма ва тошбосма девонларида учрайди. Аммо қадим форсигўй ва туркигўй шоирлардан фарқли ўлароқ, Рожий ва унинг замондошлари девонида қасидалар девоннинг охирида берилган. Бу шуни билдирадики, кейинги даврларда яшаб ижод этган шоирлар ижодида қасида кейинги ўринга тушиб қолиб, етакчи ўринни ғазал жанри эгаллайди. Ҳар ҳолда Рожийнинг уч қасидаси унинг девонида тўлиқ жанрий хусусиятларга эга бўлиб, мавқе ва эътибори билан шоирнинг ғазал ва мухаммасларидан қолишмайди. Хусусан, ушбу қасидалар Рожий таржимаи холининг айрим саҳифаларини ёритишда, ўша давр манзараларини ўрганишда ва шоирнинг бадиий маҳоратини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Рожий қасидалари сарой муҳитининг маҳсули бўлиб, ҳар учаласи ҳам қасиданинг энг машҳур турларидан ҳисобланган мадҳия мавзуида яратилган. Бизга маълумки, қасиданинг турлари жуда жуда кўп ва улардан баҳория, силжия (қиш қасидалари), хазония, ҳамрия (май ҳақидаги қасидалар), сафария, муаллақия, зафария, диния, наътия, фалсафий, ахлокий, ишқий қасидалар кенг тарқалган. Прогрессив шарқ адабиётида қасида ўзгача характерда тараккий топди. У кўпроқ шоирларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини баён этувчи жанр сифатида яшади. Бундай қасидалар ўз характерига кўра икки катта қисмга ажралади:

- а) мактовлардан холи фалсафий мазмундаги қасидалар;
- б) қасидаи маснуъ-санъатли, яъни безакли қасида.

Аммо бу турларнинг деярли ҳаммасида сўзсиз мадҳ бўлади ва жумладан, сарой муҳитида яралган қасидалар мадҳиясиз бўлмайди. Бундан ташқари, ўша муҳит билан боғлиқ бўлган ишқий ва манзаравий муқаддима билан бошланган тоза ва ўзига хос

¹ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –Б. 79-90.

мадҳиялар алоҳида ўрин олганлиги билан ажралиб туради. Муҳаммад Юсуф Рожий қасидалари эса ана шулар сирасига киради. Рожийнинг икки қасидаси Хоразм ҳукмдори Саййид Муҳаммадхонга бағишланган ва унинг таъриф-тавсифини қамраб олади. Шоирнинг учинчи қасидасидан ҳам шоҳнинг жарангдор, ярқираган мадҳияси эшитилиб туради, аммо тасодиф шундаки, шоир учун аён, аммо биз учун қоронғу бўлган шоҳнинг номи қасидада зикр этилмаган. Масалан, мазкур икки қасидада мамдўҳ номи бундай жарангли садолар билан эслатиб ўтилади:

Чарх токида муборак оти марқум айладур,
Ким шаҳи Саййид Муҳаммад комрони комкор (80 а).

Сафҳаи афлок уза исми ҳумоюннинг анинг,
Хусрави соҳибкарам Саййид Муҳаммадхон эрур (81 б).

Бу қасидалар ички жанрий хусусиятларга эга ва уларнинг таркибий қисмларини ташбиб, гурезгоҳ, мадҳ, талаб ва дуо, яъни муқаддима, чекиниш, мадҳия, мақсад ва мамдуҳнинг дуоси ташкил этади. Биринчи қасида 48 мисра, ёхуд 24 байтдан иборат бўлиб, унинг уч байтдан таркиб топган муқаддимасида тонготар вақти ва унинг жозибали манзараси тасвирланган: тонгда қуёш чиққан захоти бутун олам нурга тўлади. Халқ қуёш қаршисида таъзим билан туриб, уни кутиб олади. Зулмат бир зумда ғойиб бўлиб, ўрнини нурли зиё эгаллайди; олам тарабафзо бўлади, яъни хурсандчиликка тўлади, ҳамма ерда сафою сурур кайфияти жўш уради. Булар эса тонготар манзараси эди. Тонг отиши ва қуёш чиқиши ҳақида навоийшунос олим Ё.Исҳоқов шундай маълумот беради: «Ўрта асрлардаги форсий адабиётда тонг отиши ва қуёш чиқиши пайтини истиоравий, яъни кўтаринки тасвирлаш анъана тусига кирган эди. Шу асосда қуёшнинг турлича истиоравий атамалари (буларда авторнинг тасвир объектига бўлган ижобий муносабати ниҳоятда ёрқин акс этган) вужудга келган. Хусрави рўз (X аср), «Шоҳи Шарқ» (Манучехрий), «Шоҳи Чин» (Низомий), «Султони анжум» (Хожу), «Хусрави ховар» (Ҳофиз), «Султони чор болиши анжум» ва «Шоҳи анжум» (Шоҳий), «Хусрави субҳ» (Жомий) кабилар ана шулар жумласидандир. Навоийга қадар бўлган ўзбек шеъриятида Қуёшнинг «турки ховарий» (Хоразмий), «Субҳи шунқори», «Исфандиёри Рум» (Сайфи Саройи), «Хусрави Чин», «Шоҳи Машрик» каби истиоравий атамалари учрайди. Шунини таъкидлаш керакки, тонг отиши ва қуёш чиқиши билан алоқадор истиоравий иборалар поэтик этикет даражасига етиб қолган бўлиб, уларнинг моҳияти бир-позитив (ижобий) характерда: Қуёш-ғолиб, қоронғулик, зулмат (салбий) лашкарини мағлуб этган қудратли шоҳ сифатида талқин этилади»¹. Демак, қуёшни қудратли шоҳ сифатида тасвирлаш анъана бўлиб, Рожий Шарқ адабиётидаги бу анъаналардан яхши хабардор бўлган. Қуёш чиқиши инсонга гўзаллик

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. –Б. 11-12.

туйғусини бахш этиш билан бирга, барча тирик мавжудот учун кони фойда. Шоир кўтаринки рух ва масрурлик билан ёзади:

Бир сахарким, шоҳи ховар айлади зохир узор,
Бохтар султони етти бошига дурлар нисор.

Лашкари зулмат адам дашти аро пинҳон бўлуб,
Аскари нур ўлди офоқ ичра элга ошикор.

Сарбасар олам бўлуб мамлу тараб осоридин,
Дамбадам даврон аро топгай масаррат интишор (79 б).

«Тонг отди ва қуёш чиқди» деган бир оддий хабар қанчадан-қанча пардоз-андоз ва безанган ҳолда тасвирланган. Гўё шоир бахмалдан иборат янги бир ҳаёт яратган. Шеърнинг жозибали иборалари ва бадий санъатлар билан чулганган сатрлари кўзни қамаштиради: «Шоҳи ховар», яъни қуёш юз кўрсатиб оламни мунаввар айлади. Бу ғаройиботни кўриб, ғарб султонлари унинг бошига марваридлар сочади. Зулмат лашкари қуёш нури билан тарқалиб кетди, оламни нур аскари забт этди, бунинг натижасида ҳамма томон шодликка тўлди. Бунда халқимизнинг қадимги битикларида битилган нур ва зулмат кураши ҳақидаги тасаввуроти ҳам акс этгандай.

Гўзаллик аксини олувчи ҳисобсиз тасвиру ташбеҳлар! Мўъжизага ўхшаган ушбу сўзлар забардаст адибнинг маҳорати ила яратилган ва Муҳаммад Юсуф Рожий ана шундай моҳир шоирлардан эди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, хурсандчилик билан тўла мазкур манзаравий тасвир ўша пайтда шоирга керак эди. У Саййид Муҳаммадхоннинг салтанат тахтига эга бўлиши муносабати билан унга табрикнома йўлламоқчи эди. Шу боис, бу хурсандчилик айёмини фавқулодда ҳиссиёт билан тасвирлаб, уни тонготар манзараси билан бошлайди. Мана шундай мафгункор манзарадан сўнг тахту бахт сурури бундай давом этади:

Бир саодатманд тахти салтанат узра музиб
Тангри лутфи бирла Ҳақ ўз жойига топти қарор! (80 а).

Аммо шоир таъкидлашча, бу тахт мазкур шоҳга осонлик билан насиб этгани йўқ. Хива шаҳрида барқарор бўлган подшоҳлик салтанати ўзбек улуси дастидан хароб бўлиб, бутун эл азоб ва машаққатга гирифтор бўлганди. Бу талотўп воқеалардан шоир ҳам надоматлар чекади ва у тожу-тахт Саййид Муҳаммадхон қўлига ўтишини интизорлик билан кутади. Бу мақсад ҳосил бўлгач, Хива шаҳри ва унинг халқи азоб-укубатдан қутулиб, ҳақ ўз жойига қарор топади. Шоир ёзади:

Хоса Хевақ шаҳри ўзбек аҳлидин накбат чекиб,
Ҳар соридин давлат айсолиға бўлди иштиҳор...
Бўйла ҳолатлар тамошосинда дар ҳайрат эдим,
Кимни ҳолат айламиш зохир қазойи кирдигор! (79 б).

Ва шу «қазойи кирдигор»нинг иродаси билан Саййид Муҳаммадхоннинг ўхшаши йўқ тимсоли нидо қилади ва Хоразм тахти учун халқни курашга чорлайди. Бутун

мамлакат унинг ихтиёрига ўтади, Саййид Муҳаммадхон зафар топади. Шоир эътироф этишича, бу пайтда тезлик билан мамлакатда фавқуллодда ўзгаришлар рўй беради; ҳосидлару бадхоҳлар қатл этилади, ростлару аҳиллар кадр топади. Мамлакатда барқарорлик ўрнатилади, ободончилик ишлари авж олади. Илму фан ривож топиб, ақл-заковат билан иш юритила бошлайди. Ҳамма жойдан адолат нидоси жаранглаб, зулму ситамга чек қўйилади. Дин-шариат қоидалари эса бошқатдан ривож топади. Шоир бу янгиликларнинг шохиди сифатида улардан чексиз ҳаяжонга тушади ва давр симфониясини яратади:

Адл ройиҷ бўлди, мансух ўлдилар аҳли ситам,
Шаръ жоми топти бахт, дин ўлди соҳибқидор.
Илму фазл аҳлига етти қомронлиғ муждасин,
Жаҳлу ҳиссат хайлидин берди ривожии эътибор.

Ёки:

Ростлар манзур, кажравлар топиб манкублиғ,
Муфсиду бадхоҳлар бўлди қалилу хоксор (79 б, 80 а).

Саййид Муҳаммадхон ғалабаси ила фавқуллодда ҳолатлар юз берганидан ҳайратда қолган шоир ўз-ўзига савол бериб, саодатманд кунларни Аллоҳнинг фазли деб билади, Саййид Муҳаммадхоннинг мадҳиясига ўтиб, у ҳақдаги мактовли сўзларни айта бошлайди. Шохни осмонга кўтариб мактайди, уни ниҳоясиз муболағалар билан мадҳ этади. Шу тариқа, Рожий Саййид Муҳаммадхоннинг ўзига хос образини яратишга муваффақ бўлади. Чунончи, Рожий ёзади:

Мен дедимки: ул саодатманд ким бўлғусидур?
Бўлмиш онинг мақдами бирла жаҳон рашки жинон!
Дедиким: хайҳот, эй бекас, бу не ғафлатдурур,
Билмадингму сен хануз ул сарвари олитабор:
Қиблаи аҳли жаҳондур, боиси амну амон,
Салтанат дарёсида рахшанда дурри шахвор,
Давлатафзойи адолат, монеи зулму ситам,
Шери майдони шижоат, вориси мулки диёр (80 а).

Рожийнинг бу муболағали сўзлари, албатта фақат шохга маддоҳликдан иборат эмас.

Бу сўзлар XIX аср Хоразм шароитига мослаштирилган бўлиб, ўша ҳолат ва ўша манзарани табиий равишда акс эттирган. Шу боис, Рожий қасидасида жанр анъанасини давом эттирган бўлса-да, уни янгича мазмун билан бойитиб, давр талабига мувофиқлаштирган эди. Шоир янги ҳукмдорнинг фаолиятини қадим подшоҳлардан фарқли ўлароқ тасвирлайди ва буни қасиданависликда кўрсатган унинг тоза муваффақияти десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, Рожий қасидасида шаблон бўлиб қолган тақрорий ифодалар йўқ. Масалан, мазкур парчада Саййид Муҳаммадхоннинг қиёфаси қуйидаги иборалар билан тасвирланади ва шоир бу тасвирларни замон талабига мувофиқ янги ифодалар билан безайди. Чунончи: Саййид Муҳаммадхон «сарвари олитабор», «қиблаи аҳли жаҳон», «боиси амни амон», «салтанат дарёсида кўз камаштирадиган гавҳар», «адолат равнақи

учун курашчи», «зулм-ситамни манъ этувчи», «шижоатда майдон шери», «мамлакат ободончилиги учун туғма меросхўр»-деб сифатланади ва шу услуб орқали шоҳнинг барча хусусиятлари, юриш-туриши, ички ва ташқи дунёси очиб берилса; иккинчи томондан шоҳ муболағомуз сифатлар туфайли барча эзгу ниятларга, жумладан, инсонийликка, шижоатга, адолатга, ҳиммати баландликка, халқпарварликка даъват этилади.

Рожийнинг асл мақсади ҳам шу эди. У шоҳ мадҳиясини бежиз ва мақсадсиз яратмаган эди. Мазкур маддоҳона сўзлар замирида адолатпарвар шоҳ тушунчасига қаратилган идеали ётарди, яъни, мазкур идеал-одил ҳукмрон идеали эди. Рожий эса бу борада муваффақият қозонади. У Саййид Муҳаммадхонга бағишланган маддоҳона сўзлар замирида кўнглидаги бор орзу-ниятларини айтиб ўтади. Шоҳ энди ўзи хулоса чиқариши керак эди ва шоир айтган панд-насихатларга амал қилиб, хонликда ҳақиқат ўрнатиши зарур эди. Рожий қасидасининг аҳамияти ҳам мана шунда намоён бўлади ва шоирнинг қасида туфайли илгари сурган мазкур ғоялари бугунги кунда ҳам ўз қийматини сақлаб келмоқда.

Мазкур мадҳиянинг давоми яна фақат шоҳга хос бўлган муболағали сифатлар билан суғорилган. Рожий имкони бориша шоҳ ҳақида яхши сўзлар айтиб, унинг қайфиятини кўтаради. Шу тарзда шоҳга насихатомуз фикрлар баён этиб, унинг руҳиятига таъсир этиб, уни ижобий ўзгаришлар сари сафарбар этмоқчи бўлади. Чунончи, навбатдаги сатрларида Саййид Муҳаммадхон «муроди аҳли дин», «муддаойи аҳли олам», «мақсади хайли кибор», «махбати алтофи ҳақ», «манзилгахи жуду қарам», «мавриди файзи илоҳи», «мазҳари фазлу зафар», «меҳри сипехри салтанат», «мажмаи ақлу фаросат», «маъдани ҳилму виқор» ва бошқа сифатлар билан бу фазилатлар унга мансуб этилади ва шу тариқа, шоҳ янги-янги мақсад ва зафарларга қорланади. Саййид Муҳаммадхон, албатта бу сифатларнинг ҳаммасига эга ҳукмдор эди, дея олмаймиз. Лекин у бошқа кўп хонларга қараганда илм ва санъатни севадиган, нисбатан олганда адолатпарвар одам бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида Хоразмда маърифат ва маданият ривожлангани тарихдан маълум. Шу боис, ушбу қасида орқали шоир шоҳдаги табиий фазилатларни бўрттириб, уни адолатли, савобли ишларга рағбатлантира олган. Рожий шу восита билан мақсадига эришди ва замон талабига мос фикрлар айтиш борасида иқтидорли шоир сифатида ном чиқарди. Бу Рожийнинг шоирона маҳорати эди. Бундан сўнг яна шу тартибда мақтов байтлари давом этиб, ниҳоят шоир мақсадга ўтади ва қасида ниҳоясида шоҳга қарата ундовли сўзлар айтиб, унинг ҳаққига дуолар ўқийди. Масалан:

Шаҳриёро! Бўлсун иқболинг Сулаймондин фузун,
Давлатинг бўлсун Сикандар давлатига садҳазор.
Шавкатинг овозаси тутсун бари офоқни,
Қилсун адлинг шухрати Нўширавонни шармисор.

Кимки бул тобеъ фармонингга ўлғай сарбаланд,
 Қуллуғингдин тортғон бошини бўлсун сарбадор.
 Рожийи бекаски, бу даргах дуоғўйи эрур,
 Қоида мумкин бўлғай ўзгадин уммидвор (80 б).

Рожий қасидасининг мақтаёсида ўз тахаллусини зикр этади, ўзини шоҳнинг дуоғўйи кишиси деб орзу-умид билан яшайди. Шу тариқа, Рожий Саййид Муҳаммадхондан мадад сўрайди, унинг сояйи давлатидан бошпаноҳ топишни асосий мақсади деб билади. У шоҳ билан ижодий ва ижтимоий алоқа боғлайди: шоир шоҳга қасида тақдим этади, унинг хизматида камарбаста бўлади, шоҳ эса ўз навбатида шоирдан марҳаматини аямайди. Бу мақсад ва тилак Рожийнинг охириги истаги эди ва буни у қасидада намоён қила олди.

Аммо Рожий ўз хоҳиш ва истакларини шоҳдан талаб этса-да, яна ва яна унинг тарбиясига камарбаста бўлишни ўзининг бурчи деб билади. Саййид Муҳаммадхонни у Искандар Зулқарнайн каби иқтидорли ва шижоатли шоҳ сифатида кўрмоқчи бўлди; уни Нўширвон каби адолатда шуҳрат қозонган ҳукмдор сифатида кўришни орзу қилди; иқболини эса Сулаймон пайғамбардан ҳам афзалроқ деб билди. Бу талмехлар орқали XIX асрда Хоразмда ҳукмронлик қилган Саййид Муҳаммадхон бузрук шоҳлару мўъжизакор пайғамбарларга қиёсланди ва улардан ўрнат олишга даъват қилинади.

Рожий шоҳдан давр талабига мувофиқ иш юритишни талаб қилди. Уни олижаноб, ватанпарвар, адолатли ва бунёдкор ҳукмдор қиёфасида кўришни орзу қилди. Бу Рожийнинг эзгу мақсади эдики, буни ўз қасидаси билан ифода этди ва шу боис унинг қасидаси нишонга аниқ отилган ўқдек, шоир идеали ва муддаосини баён этди. Қасиданинг сиёсий қиймати ҳам шунда эди. Бутун шеър образлар, муболағалар, талмеху тавсифлар, ташбеҳу истиоралар билан тўла ва бу Рожийнинг беқиёс ижодкорлик маҳоратининг тантанаси эди.

Баҳор ёхуд ҳукмдорнинг сўлим мадҳияси

Муҳаммад Юсуф Рожий XIX асрда яшаган барча замондош ижодкорлар каби қасиданависликни асосий мақсад қилиб қўймаган бўлса ҳам, сарой муҳити анъанасига мувофиқ, бу жанрда ўз маҳоратини синаб кўрди ва дostonга ўхшаш катта ҳажмли қасидалар яратди.

Қасида лирик турнинг энг қийин бир жанридир. Аслида мумтоз адабиётимизда шоирнинг маҳорати шу жанр билан синаб кўрилган ва қасиданинг мавқеи ғазалдан ҳам юқори турган. Рожий ҳам ўз қасидалари билан шу мактабнинг вакили саналади ва унинг қасидалари XIX аср адабий муҳитининг маҳсулидир. Жумладан, шоирнинг иккинчи қасидаси ҳам ажойиб санъат асари бўлиб, эллик саккиз мисра ёки йигирма тўққиз байтдан ташкил топган. Қасида барча ички хусусиятларга эга. Унинг асосий қисмини Саййид Муҳаммадхон мадҳияси ташкил этади, бошқа қисмларида эса мадҳ қасидаси талаб қилган

ғоялар акс этган. Шундай қилиб, бутун қасида том маънода мадҳ оҳангида яратилган бўлиб, у мадҳ жанрининг ёрқин намунаси ва шеърый тантанаси сифатида яратилган асардир.

Қасиданинг кириш қисми-ташбиб ёки насиб мезонлари асосида ёзилиб, табиий равишда баҳорона оҳанг касб этган. Наврўздаги нафосат ва сўнмас илиқлик тўлиқ қасидага кўчган ва шу боис қасиданинг ташбиби ҳиссий жозиба ва ғусункор кайфият билан суғорилган. Ташбиб аслида икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисмида наврўзгача бўлган табиатдаги ўзгаришлар тасвирланса, иккинчи қисмида наврўз айёми ва ундан кейинги ўзгаришлар акс этган.

Бу қасида гарчи мадҳ қасидаси туркумига кирса ҳам худди васфий қасидалардек, насиб қисмида баҳор ва унинг манзаралари васфи келтирилади. Насиб қисмида бошдан-оёқ баҳор мадҳ қилинади ва у юртдаги ғаровонлик, омонлик рамзи сифатида тасвирланади. Шоир қасиданинг бошидаёқ ўз фалсафий қарашларини баён этиб, бу дамларнинг, умрнинг ғанимат эканлигини, оқил киши ундан самарали фойдаланишини, ғофиллар эса армонда ўтажагини таъкидлайди.

Гуллар ғунча очмоқда, булбуллар сайрашга шай. Кечалари майин шабада эсиб, хушбўй ҳидларни олиб келади. Идишлар ёмғир суви билан тўла. Табиатдаги бу жонланиш наврўздан дарак. Уни Рожий «Лутфи Яздоний» яъни «Аллоҳ илтифоти» деб билади. У оламнинг «баҳористон гулшани»га айланишини кўриб, ўз туйғуларини халқона оҳангга солиб, кўшиқ бошлайди:

Турфа лутфи эзиди бахшойиши Яздон эрур,
Ким саросар гулшани олам баҳористон эрур.
Хут буржидин қуёш айлар ҳамал сори хиром,
Эътидол бирла ҳаво роҳатфизойи жон эрур.
Оқил улким ушбу мавсумни ғанимат онглағай,
Ғафлат ила кимки ғавт айлар, анга армон эрур (81 а).

Шоир баҳор фаслининг маликаси Наврўзнинг гўзаллигини тўлиқ қасидага кўчиради.

Наврўз айёми билан ҳаммани қутлайди. «Ўзгача рангу ойинни» ҳис этиш мақсадида барчани сайлга даъват этади:

Яъни офоқ ичра тоза сайл била наврўздин,
Ўзга рангу ўзга ойин, ўзгача унвон эрур (81 а).

Табиатнинг бу гўзаллигини шоир «роҳатфизойи жон»-жонларнинг роҳати деб атайди. Рожиёна баҳор васфи энди одамлар қалбига кўчади. Шоир сайлда кўрганларини бирма-бир тасвирлашга тушади. Бу дамда «найсон саҳоби қатраафшонлик қилиб ётибди», яъни ҳамал ойининг оқ рангли булутларидан майин ёмғир ёғиб, оламга тозалик, нур ва тароват бағишламоқда; бутун чангу ғуборларни ювиб, ҳавони мусаффо қилмоқда. Айниқса, наврўз «айш аҳли» учун алоҳида кайфият олиб келади ва «хуш лаҳзалар»да ҳамдамлик билан яшашга даъват этади. Наврўз туфайли боғлар жаннат янглиғ гуркираб

кетади, сарв дарахти билан гул бутаси хур ва ғилмонга ўхшайди. Шоир мумтоз адабиётимиздаги гўзал санъатлардан ташбеҳ санъатини қўллайди ва эсаётган ҳар бир насим Исо дамига, ариқлардан оқаётган сувлар эса тириклик сувига менгзалади:

Дамбадам найсон саҳоби қатраафшонлиқ қилиб,
 Арсаи ғабро ғубор осоридин урён эрур.
 Кеча-кундузинг бўлуб беҳжат афзолиқ аро,
 Базми айш аҳлиға хуш айём хуш овон эрур.
 Даҳр аро ҳар боғ бир жаннат намудори бўлуб,
 Сарв ила гул анда гўё хур ила ғилмон эрур.
 Ҳар насим Исодаме янглиғ тан осо руҳбахш,
 Ҳар ариқ гўё зулоли чашмаи ҳайвон эрур.
 Кумрию булбул бўлуб сарв ила гул васфида шод,
 Юз наво бирла тараннум сози хуш илҳон эрур.
 Жумлаи олам аро зоҳир бўлуб файзи сурур,
 Ҳар ким ўз ҳамжинси бирла базм этиб хандон эрур.
 Боғларда ишрат аҳли соз этиб, оҳанги руд,
 Мутриби хушлаҳжалар булбул киби нолон эрур (81 а).

Мазкур байтлар Муҳаммад Юсуф Рожийнинг истеъдодини намоён этади. У ишқий шеърлардан ташқари, табиат тасвирини чизишда ҳам моҳир. Бунда албатта, салафлари ва замондошлари ижодининг таъсири шубҳасиздир. Айёмий «Огаҳий ижодидаги табиат лирикаси ўша замон Хоразм адабиёти вакиллари ижодига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Комил Хоразмий, Рожий, Баёний, Мутриб Хонахаробий ва Аваз каби шоирлар ижодида ҳам бунини яққол кўриш мумкин»¹ деб масалага тўғри ёндашади. Адоғи йўқ бу рожиёна тасвирларнинг ҳаммаси наврўз тантанасининг шеърий ифодаси эди. Рожий қасиданинг кириш қисми орқали Наврўз ҳақида катта шеърий дoston яратади. Бу дoston билан наврўз латофати ва мангулигини васф этади, уни олам кирдгари (аллоҳи) деб билади. Оламнинг пойдор ва барқарорлигини унда кўради. Унинг шеърида табиатнинг тонги ва оқшоми, кундузи ва кечаси, баҳори ва наврўзи, қиши ва ёзи тазод шаклида тасвирланади ва шу тарзда табиат моҳияти намоён бўлади. Ташбиб шеърий ўхшатишлар, ташбеҳлар ва истиоралар билан суғорилган. «Арсаи ғабро»-олам юзи, «зулоли чашмаи ҳайвон»-мусаффо замзам суви, «файзи сурур»-хурсандчилик нашидаси ва бошқа истиоралар шеър оҳангига жозоба бахш этган. Жумладан романтик иборалар: «найсон саҳоб», «урён ғубор», «базми айш», «хуш овон», «сарв ила гул», «Исодам насим», «зиллол сув ариқ», «шодон сарв», «хуш илҳон», «хандон базм», «нолон булбул» шеър руҳиятига ўзгача руҳ ато этиб, уни янада ҳароратли қилган. Табиат тасвирининг устаси Рожий шу ўринда форсларнинг XI асрда яшаган ва «табиат шоири» деб ном олган Манучехрийга ўхшаб кетади ва унинг ижодидан таъсирланган бўлса ажаб эмас. Шу ўринда Рожий қасидасидаги кириш-ташбибнинг биринчи қисми тугаб, унинг иккинчи қисми-гурезгоҳ бошланади

¹ Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 184.

(кириш-ташбиб, гурезгоҳ қасиданинг ички жанрлари ҳисобланади). Бу қисмда наврӯз таърифидан шоҳ мадҳига ўтиш таъминланади. Бу қоида қасиданинг восиласи-улаштирилиши деб номланади. Рожий восила туфайли қасида композициясини моҳирлик билан боғлаб, жамики бобларни бир-бирига улаб, қасидани том маънода яхлит бир асар сифатида тақдим этади. Масалан қасиданинг гурезгоҳ қисми бундай бошланади:

Гулситонлар ичра фазли илм етиб мажмаъ тузуб,
Хар бири бир илм фаннида такаллумрон эрур.
Шеър эли гулзор табъи доғи гулдек очилиб,
Шаҳ мадҳида ҳама ғарра қасоидхон эрур.
Мен ким эрдим хусрави соҳибқирон маддоҳидин,
Назму наср ичра каломим шухраи даврон эрур.
Дедим: айлай мадҳгустарлик русуми бирла назм,
Неча сўз таҳнияти наврӯзи олишон эрур (81 а).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Рожийнинг мазкур наврӯзномасида сарой муҳити билан боғлиқ ишратомуз манзаралар ва кайфиятлар оҳанги ҳам сезилиб туради. Масалан, шоир узлуксиз айшу ишратдан, файзу сурурдан, кайфу сафодан, висол оқшомидан, тараннум созидан шеърӣ суҳбат куради ва булар сарой амалдорларига хос кайфиятни ифода этувчи сўзлардир. Рожий ўз даврининг фарзанди эди ва сарой шоири сифатида ўша муҳитдаги манзараларни табиӣ равишда тасвирлайди. У сарой адабий муҳитининг талабига риоя қилади, шунинг учун нафақат мадҳияларида, балки манзаравий тасвирларда ҳам ишратомуз сарой манзараси акс этган. Бунга табиӣ ҳол сифатида қарамоқ керак. Жумладан, мазкур гурезгоҳ-чекиниш байтларида наврӯз гулшанида «фазли илм», яъни илм аҳлининг жамулжам бўлиб, суҳбат қуришлари саройда ташкил этилган илмӣ муҳит фаолияти билан боғлиқ; ёки наврӯз айёмида шеър аҳлининг гулдек очилиб туришлари ва уларнинг ҳар биттаси шоҳ мадҳида қасидалар яратишлари ҳам шу мақсад билан айтилган. Шу тасвирнинг ўзи воқеӣ ва табиӣ ҳолатлардан дарак берувчи тимсоллардир. Шоирлар табъининг гулдек очилиши фавқуллодда образ. Шу билан биргаликда шоир реал тасвирни ҳам берадики, шоҳ мадҳида ҳамма жўшқин қасидалар ёзадиган шоирга айланди, дейди. Қасиданинг гурезгоҳ қисмида ички жанр жиҳатидан икки тури бўлган ҳолия ва фаҳрия бир-бири билан пайванд ҳолда намоён бўлади. Шоир ўз сўзининг кучига ишонади. Ўз-ўзидан, ўз ижодидан қониқиш ҳосил қилган ижодкоргина фаҳрия ёзади. Шоир ўз аҳволи ҳақида тўхталиб, «сўзим шухрати даврондан ошди,- дейди ва наврӯз байрами билан шоҳни кутлаш шарафига муяссар бўлганлигидан ғурурланади.

Аммо айни дамда Рожий камтарликни ҳам унутмайди, хокисорлик билан «хусрави соҳибқирон маддоҳи»да ўз қасидасини бошқаларнинг қасидасидан пастроқ ҳисоблайди, шоҳнинг асл мадҳини қасидада айтилган тасвирлардан устун қўяди. Булар эса масофани сақлаш учун айтилган сўзлар эди. Шоҳ тахтда, шоир пастда, шу боис ҳақдингни билиб сўзласанг, мақсадга эришасан деган ғоя мавжуд. Бу борада шоир ўз ниятига эришганди.

Лекин аслида унинг қасидаси мазмун жиҳатидан шоҳ мадҳидан устун эди. Шоир мадҳ қасидаси шаклидан фойдаланиб, оддий инсонни улуғлаб, уни барча шоҳлардан устун қўйди. Шу билан Рожий шоҳ ва шоир муносабатининг ички илиқ сирларини кашф этди. Бу эса унинг Саййид Муҳаммадхон билан сиёсий алоқасини барқарорлаштиришга имкон яратди. Шу тариқа қасиданинг гурезгоҳ (чекиниш) қисми тугаб, шоҳ мадҳига ўтилади. Аслида баҳорона кайфият ва наврўз тасвири мадҳ учун бир восита эди, холос. Яъни, баҳорона илиқлик ва табиат тасвири мадҳга ҳам ўтади ва кириш қисми қанча тароватли бўлса, мадҳ ҳам шунча таассурот қолдиради:

Хақ муборак айласун бу фазлни ул шахға ким,
Дарғаҳининг ҳар кули бир қайсари Ҳокон эрур.
Дин адли, равшан айлар дидаи офоқни,
Эл бошига зоти поки сояи субҳон эрур.
Ҳар нечаким тахти тўққуз чарҳдин бордур раф,
Хоксори бенаволарга иши эҳсон эрур.
Илму фазл аҳли бўлуб алтофи бирла шодком,
Шаръ гулзори саҳоби адлидин райҳон эрур (81 а).

Шу тариқа, шоир наврўз байрамини шоҳ тақдири билан боғлайди ва уни баҳор каби муборак ва қутлуғ кўради, шундай бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қолади. Чунки Саййид Муҳаммадхон агар Аллоҳнинг ердаги сояси бўлса, уни асраш ва барча эзгу ниятларни унга муносиб кўриш лозим.

Саййид Муҳаммадхон нафақат барча шоҳлардан устун туради, балки унинг энг паст кули ҳам мартабада Қайсару Ҳоконлардан ҳам афзал ва баланд туради. Қайсар-турк шоҳларининг фахрий лақаби, Ҳокон-қорахоний ҳукмдорларнинг нисбаси эди. Албатта, Рожийнинг мазкур сатрларидаги муболағалар Саййид Муҳаммадхоннинг реал тимсоли билан мос келмайди. Аммо ҳамма гап шундаки, мадҳда ёлғонга ижозат берилади ва шу ёлғон орқали ҳақиқат очилади. Аристотель айтганидек, шеърнинг энг олий назокати ёлғонда маълум бўлади¹.

Мазкур мадҳ давомида шоир Саййид Муҳаммадхонни дин-шариатга эътибор берганлигини ҳамма учун намуна қилиб кўрсатади. Чунки шоир динни сиёсат мезони деб билади ва жамият устуворлигини дин устуворлигида кўради. Шу боис Рожий бутун оламни дин нури билан мунаввар кўрмоқчи бўлади ва шоҳга бу борада айрим кўрсатмалар ҳам беради. Рожийнинг бу фикри ўз даврида муҳим рол ўйнаган ва ўз даврининг шоири сифатида уни тўғри ифода этган эди. Иккинчи томондан, Рожий мазкур мисралар орқали маддоҳлик мактабининг ривожига яна бир устувор ғишг қўйган эди. Унинг маҳорати муболаға санъатини қўллашда намоён бўлди. Аксар муболағалари ифрок даражасига етган. Муболағанинг ифрок тури эса қасидага романтик оҳанг берган ва шу сабабли Рожий

¹ Аристотель. Поэтика. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. -Б. 65.

қасидаси ҳиссиёт билан ўқилади. Шундай иғроқ муболағалардан бири-шоир Саййид Муҳаммадхон тахтини тўккуз чархдан ҳам юқори деб таърифлайди ва унинг халққа ҳимматини ҳисобсиз деб билади.

Рожий қасидада такрор-такрор сарой шароитидаги илму фазл ва шариат аҳлининг аҳволига тўхталиб ўтади. Мазкур сатрларда яна шоҳнинг бу табақага бўлган эътиборидан ҳикоя қилади. Шу йўл билан шоир шоҳнинг эътиборини илм аҳлига кўпроқ қаратмоқчи эди. Шу сабабли шоҳни қуйидаги иборалар билан сифатлайди: «саҳоби адл», «дини адл», «дидаи офоқ», «зоти пок», «сояи субҳон», «тахти рафеъ», «эхсону алтоф» каби сўзларга канот бериб, шоҳни улуғлайди. Шоҳнинг шахсияти, табиати, шоҳона қиёфаси, одамгарчилигини қуйидаги мисраларда ифодалайди:

Нофизо лаҳком ўлуб куззоҳ анинг ҳукми била,
Муҳтасиблар ваҳмидин фисқ аҳли бағри қон эрур.
Хонақоҳ ичра ибодат аҳли молломол ўлуб,
Ҳам масождда жамоат беҳаду поён эрур.
Базлада Ҳотам била бир бек бўлуб шармандаси,
Адл расмида хижолатманди Нўширвон эрур.
Размда Рустам кела олмай анинг ўтрўсига,
Базми Кайковус базми шармидин пинҳон эрур (81 б).

Шоир шоҳ мадҳида давом этади ва мадҳ ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилади:

Сафҳаи афлок уза исми Ҳумоюни анинг,
Хусрави соҳибкарам Саййид Муҳаммадхон эрур (81 б).

Албатта, Рожий қасидаларини ўқиб, у йўқ ердан муболаға қилмаганига гувоҳ бўламиз. Унинг мадҳияси қисман реал мазмун билан ҳам суғорилган. Масалан: ўғриларнинг адабини ким беради? Қозилар! Фосиқлар эса муҳтасиб дарғалар қўлидан омонлик топмайдилар. Хонақоҳлар шайхлару сўфийлар манзили бўлса, масжидлар ибодат аҳли билан тўла. Бу манзаралар Рожий яшаган даврда мавжуд эди ва у шариат ва сиёсат жиҳатидан ўрнатилган бир меъёр эди. Шунинг учун ҳам қасидада фақат муболаға эмас, балки реал ҳаёт манзаралари ҳам акс этганлигини унутмаслигимиз керак. Мазкур парчанинг кейинги байтлари юксак муболағалар билан безанган. Масалан, Рожийнинг фикрича, Саййид Муҳаммадхон ҳиммати баландликда Ҳотами Тойдан афзал, адолатда Нўширвони одилни шармисор қилган, жанг ва шижоат бобида Рустами Достондан ўтган, базм ва хурсандчиликлар ташкил этишда Кайковус шоҳни енгган улуғ ва муборак зотдир. Ривоят ва достонларда келтирилган мазкур номлар Саййид Муҳаммадхон даврига келиб, ўз шухратини йўқотган эди ва уларнинг ўрнини ҳар жиҳатдан Саййид Муҳаммадхон шахси эгаллаган эди. Бу муболағалар асосан қиёс учун келтирилган ва улар зимдан Саййид Муҳаммадхонни адолатли, музаффар, олийҳиммат, шариат ҳомийси сифатида ўқувчига намоён этади. Ниҳоят Рожий қасидасида Саййид Муҳаммадхоннинг одилона ҳаракатларини конкретлаштириб, уни Хоразм мавзеси билан чегаралайди. Зеро, Хоразм

Саййид Муҳаммадхоннинг мамлакати эди ва у авваламбор, шу юртнинг ободлиги учун курашиб, Рожий фикрича адолат ўрнатди. Бу эса табриклашга лойиқ иш эди ва уни Рожий мадҳия орқали амалга оширди:

Уммати Аллоҳ таоло, адлайи эҳсонайи,
Арсайи Хоразм анинг адли била бўстон эрур (81 б).

Шу билан қасиданинг талаб қисми бошланади ва у икки байтдан ташкил топган.

Рожий бу байтларда Худодан илтижо қиладики, у барча жаҳон султонларини Саййид Муҳаммадхонга қул қилсин! Токи бандалигу қуллик анъанаси бор экан, мазкур Саййидга қул бўлиш абадий бўлсин! Дунёдаги жамики султонларни пастга уриб, уларни Саййид Муҳаммадхон қулига айлантириш қулгили эди, аммо мадҳ жанри буни кўтарарди ва улар шоирона бир лутф ҳисобланади. Бу муболағалар Рожийнинг ижоди ва бундай детал Рожий замондошлари қасидаларида учрамайди, бу эса шоирнинг поэтик кашфиёти десак хато қилмаган бўламиз:

Ёраб, этгил қул жанобингга жаҳон султонларин,
Токи офоқ ичра расми бандаи султон эрур.
Тахти фармонида бўлсун жумла жин ила башар,
Токи олам арсаида жин ила инсон эрур (81б-82 а).

Талабнинг иккинчи байтида инсу жинс, яъни инсонлару жинлар образи гавдаланиб, улар ҳам жаҳон султонлари каби Саййид Муҳаммадхонга бўйсундирилади ва унинг фармонига тобеъ қилинади. Жинларнинг пушти-паноҳи ва эгаси Сулаймон пайғамбардир ва Саййид Муҳаммадхон бу пайғамбардан ҳам устундир дейилади. Қасидада яна шундай ғоя ҳукмронки, агар кишилар кимга бўйсунган бўлсалар, бу хатодир, уларнинг ҳақиқий эгалари фақат Хоразмшоҳ Саййид Муҳаммадхондир ва шу сабаб шоирнинг истагига кўра улар мазкур шоҳга тобеъ бўлишлари шарт. Булар албатта такрор-такрор ифодаланган баландпарвоз муболағалар эди. Аммо улар мадҳ жанри мезонида образли тарзда яратилгани учун ўзига хос кайфият бахш этади. Буни Рожий ва унинг мамдўҳи билардилар ва шу сабаб икки томон ҳам бундан рози эдилар. Муҳаммад Юсуф Рожий қасидасининг ниҳояси дуою тазарруга бағишланган бўлиб, унда бундай қуйма сатрлар бор:

Рожий ашъори гулин шаҳ мадҳига айлар нисор,
Лек умид айлаб қабулин рўйидин тарсон эрур.
Кирдкоро, бер анга шаҳ таъбиға макбуллик,
Ҳар нечаким сарбасар айб ўтила нуксон эрур! (82 а).

Рожий барча сарой шоирлари каби шоҳга маъқул бўлишни истайди. У саройда, шоҳнинг ёнида туриб ҳам унинг қабулида истаган пайтда бўла олмаслигидан афсус қилиб, бунинг рўёбини Яратгувчидан сўрайди. Шунинг учун ҳам қасиданинг якуни дуо билан тугалланади ва барча эзгу ниятларга эришиш Ундан сўралади. Рожий қасидасида шоҳни илм-фан ва адолат, дин ва фаровонлик ҳомийси сифатида макташ орқали уни эзгу

ишларга рухан тайёрлайди ва шунга даъват этади. Унинг дostonга тенг қасидасининг аҳамияти ҳам шундадир.

Рожийнинг учинчи қасидаси ҳам мадҳ жанрида яратилган бўлиб, у 17 байт ёхуд 34 мисрадан иборат. Бу ҳам худди кўрганимиз икки қасидадек Хоразмшоҳни улуғлашга, унинг сифатларини поэтик образларда гавдалантиришга қаратилган. Шоир қасиданинг мамдўҳини айтиш мавриди келганда, негадир уни Хоразмшоҳ дейиш билан чекланади, холос:

Қайси шахким маъдани лутфу карам, Хоразмшоҳ,
Мавриди файзи илоҳи, маҳбати лутфи ғурур (82 а).

Биз олдинги икки қасиданинг Саййид Муҳаммадхонга бағишланганлигини ҳисобга олиб, бу учинчи қасидани Ферузшоҳга бағишланган бўлиши керак деб тахмин қиламиз.

3.3. «Илтижономаи Рожий» асари муножотноманинг намунаси сифатида

Форс-тожик ва ўзбек адабиётида илтижонома асарлар узоқ тарихга эга.

Алишер Навоий асарлари луғатида¹ муножот арабча сўз бўлиб, ялиниш, ёлвориш, худога ялиниб хитоб қилиш деб изоҳ берилган. Илтижо сўзи ҳам арабча бўлиб, ёлвориш, сиғиниш, паноҳ тилаш деб изоҳланган.

«Муножот»-худога ялиниш, ёлвориш бўлиб, мумтоз адабиётнинг бадиий унсурларидан биридир. Муҳаккиқларнинг фикрича, форс-тожик адабиётида муножотни катта ва махсус жанр миқёсида анъана тусига киритган шоир-ХІ аср ориф шоири Хожа Абдуллоҳи Ансорий ҳисобланади.

Аксарият шоир ва ёзувчилар маснавийнинг кириш қисмида, лиро-эпик дostonлар, қулиёт ва девонларнинг муқаддимасида «ҳамд» ва «наът»дан олдин одатга кўра муножотга жой берганлар. Муножотни Аттор, Санойи, Жалолиддин Румий, Ҳофиз ва бошқалар қасида жанри таркибида ёзганлар. Шунинг учун айрим адабиётшунослик асарларида уни диний қасида деб ҳисоблайдилар. Муножотнинг мундарижасини худога ялиниш-ёлвориш ташкил қилганлиги учун унда ижтимоий ҳаёт масалаларига камроқ эътибор қаратилади. Муножотнинг адабиётшуносликдаги аҳамияти шундаки, содда ва равон тилда бадиий безаклар билан суғорилганлигидир.²

Яна бир манбада-«Муножот- (арабча ялиниш, ёлвориш сўзидан) поэзиянинг бир тури бўлиб, у нажот (кутулиш) умиди билан қилган лирик мурожаати, тавба ва илтижоларини ўз ичига олади. Замонасининг шароитига кўра, Навоий ва бошқа шоирлар

¹ Алишер Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг 15 жилдлигига илова. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. -Б. 271-415.

² Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Иборат аз III чилд. II чилд. -Душанбе.: Сарредакцияи илмий энциклопедияи тоҷик, 1989. -С 317-318.

«Хамса» дostonлари каби бадий асарларини «хамд», «наът», «муножот» сингари анъанавий боблар билан бошлаганлар».¹

Шарқ фалсафаси тафаккурида дуо, илтижолар муҳим ўрин тутди. Дуо-илтижолар аста-секин бадий адабиётга ҳам кириб келди ва ўзига хос анъана тусини олди. Муножот-банданинг Яратганга томон йўллаган юрак ноласи, У билан банда ўртасидаги сирли суҳбатдир.

Туркий адабиётдаги муножотнинг илк намуналари «Авесто» нинг «Яшт» қисмидаги Ахура Мазда ва у яратган маъбудалар шаънига айтилган алқовларни², Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асаридаги:

Илоҳий, кечурган идимсан кечур,
Неча маъ хатолик қул эрсам сенга³
(Эй танграм, кўп хатога йўл қўйган қулинг бўлсам ҳам, кечириб келган эгамсан, кечир)
каби илтижолар, Аҳмад Яссавийнинг

Муножот айлади мискин Қул Хожа Аҳмад,
Илоҳи қил бандангни раҳмат.

Ёки:

Ўзини билди эрса Ҳақни билди,
Худодин қўрқтию инсофга келди⁴
ҳамда Сулаймон Боқирғонийнинг

Раҳмон отлиғ раҳматингдан умидликман, илоҳим,
Қаҳҳор отлиғ қаҳрингдан қўрқинчликман, илоҳим.
Қаловусиз қарвондек, из етургон қарвондек,
Қулман десам ёлғондек, қулим дегил илоҳим⁵
каби муножотлар руҳи Алишер Навоий ижодида ҳам давом этди ва махсус «Муножот» яратди. «Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам рад қилса, сенга таважжух этгаймен ва агар сен рад қилсанг нетгаймен ва кимга кетгаймен?»⁶.

«Муножот мансур ёғариш (дуо, ўтиниш) ларнинг энг гўзалларидандир»⁷ деб ёзади турк олими Оғоҳ Сирри Лаванд.

Форс-тожик тилидаги манбаларда муножотларни бадий адабиётнинг бир унсури, элементи сифатида қайд этсалар, айрим ўзбек адабиётшунослик манбаларида у мустақил жанр сифатида таъкидланади ва муножотлар дастлаб Робия Адавия ижодида бошланганлигини айтадилар: «Мумтоз адабиётдаги муножот (Оллоҳга илтижо) **жанри**

¹ Ҳ. Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлари лугати.-Т.: Ўқитувчи, 1967. –Б. 121.

² Авесто: Яшт китоби. Исҳоқов Мирсодиқ таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 3.

³ Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойиқ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б.34.

⁴ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б. 197-199.

⁵ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. –Т.: Ёзувчи, 1991. –Б.14.

⁶ Алишер Навоий. Муножот // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т., Камалак. 1991. –Б.3.

⁷ Ғаниева Суйима. Алишер Навоийнинг «Муножот» асари // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т., Камалак. 1991. –Б. 9.

(таъкид бизники-М.Б) ҳам Робианинг илоҳий кўшиқларидан бошланган».¹ Робия ижодида муножот бадий асарнинг бир элементи сифатида учраса, Абдуллоҳи Ансорий эса махсус «Муножот» номли асар яратган.

Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг «Илтижономаи Рожий» асари Аллоҳга, азиз-авлиёлар ва эшонларга шеърий мурожаатдан иборат. Қўлёзмада кўчирувчининг исми келтирилмаган. Асар 1286/ 1869-1870 йилда кўчирилган. Асар ҳажман жуда ихчам, беш варақдан иборат бўлиб, №6895/II инвентар рақам билан ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади ва қўлёзма мажмуанинг 19б-23а саҳифаларида жойлашган, ҳажми 14,5 х 22.

Шоир асарни меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлаб, Шайх Кабир ота, жаннатмакон Сайид ота, Паҳлавон ота Хивақий, «орифлар қасрининг орифи»-Баҳоваддин, «авлиёлар сарвари» Аҳмад Яссавий ва охириги паноҳгоҳ-Ҳаким ота каби яхшиларнинг ҳаққи-ҳурмати Яратгувчидан раҳм қилишини сўрайди:

Йиғлатиб ғурбат аро қўйма мани зору залил,
Гарчи ўткардим гуноҳ бирла ҳаётим ою йил
дея истиғфор сўраётган лирик қаҳрамон:
Ҳазрати Паҳлавондек фарзанд бериб Парвардигор,
Кишвари Хевақ аро улдур вали лам эътибор.
Кўргоч ўқ дувораи молу жонин қилди сетор,
Йиғлабон келдим қопунга раҳм қил эй Бирру Бор (19 б).

Хевага, бутун дунёга Паҳлавон Маҳмуддек фарзандни берган кодир худодан, ягона Мутлақ зотдан бир мадад сўрайди.

«Маълумки «дуо» сўзи Қуръони Каримда ўзининг маънодошлари билан бирга ҳаммаси бўлиб 212 марта тилга олинади. «Дуо» сўзи иккита луғавий маънога эга: даъват қилмоқ, яъни бирон нарсага чақириқ ва овоз чиқариб чақирмоқ ҳамда «нидо», «садо», «овоз» кабилар. Аммо «дуо» сўзининг истилоҳий маъноси худодан «ёрдам сўраш, мадад тилаш» дан иборатдир.² Рожий махсус илтижонома асар яратди. Асарда бошдан охиригача лирик қаҳрамон билиб-билмай қилган гуноҳлари, умрни залолатда ўтказгани учун Аллоҳдан истиғфор сўрайди. Лирик қаҳрамоннинг Яратувчига муҳаббати ва истиғфори азиз-авлиёлар оркали ўтади:

Эй ҳаё аҳлига сардафтар шоҳи соҳиб башар,
Тиғ тортиб қўймадинг куффор хейлидин асар
Пешаи шарму ҳаё ичра эдинг бир шеру нар,
Ё Али Султон бошим узра туман минг шўру шар,
Дарғаҳингга келмишам истаб мадад хайрон манам... (20 а).

Ҳазрат Навоий муножотлари адабиётшунослигимизда алоҳида мавқега эга. Ул зот ёзади:

¹ Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. -Т.: Ўқитувчи, НМИУ. 2005. –Б. 11.

² Худоёр Иброҳим. Румий қарашларида дуо-илтижонинг ўрни // Сино. 2002 №7. -Б. 26.

Гарчи гунаҳнинг ҳаду поёни йўқ,
Айламасанг раҳм ҳам имкони йўқ.¹

Беайб парвардигор, Навоийдек комил зот ҳам гуноҳнинг ҳаддан зиёд эканлигини, лекин, раҳм айламасликнинг ҳам имкони йўқлигини, яъни карами кенг Аллоҳнинг кечиришига умидворлик изҳор қилади. Лирик қаҳрамон «ҳаё аҳлининг сардафтари», «шоҳи соҳиб башар», «шарму ҳаё ичра бир шеру нар» каби сифатлар билан кофирларга омонлик бермаган Алидан мадад сўрайди.

Мавлоно Жалолиддин Румий фикрича, иложсиз қолган кишининг дуоси Аллоҳ даргоҳида ижобат бўлади. Бунга Марямнинг аҳволи далил.

«Ўзни бирон нарсага эҳтиёжли билмоқ керакким, Оллоҳ «ночор одам дуо-илтижо қилган вақтда дуосини қабул қилади-ноиложлик ҳақилик гувоҳидир» (Намл сураси, 62-оятга ишора).

Марямнинг ниёзи ва дарди-беҳоллиги эдиким, шу боис чақалоқ тилга кирмиш.²

Зулайхо «ҳусн подшоҳи» Юсуфнинг висолига эришиш учун унга тухмат қилиб, этагини йиртганда, Юсуфнинг иложсизлиги унинг ҳақилиги эдики, шунинг учун бегуноҳ бешикдаги гўдак Аллоҳ қудрати билан тилга кирди. Ёки бўлмасам, Бобуршоҳ ўғли Ҳумоюн ўлим ҳолатида қолганда, Яратганга муножот қилиб, ўз жонини унга садақа қилди. У иложсиз ҳолатда эди, шунинг учун унинг илтижолари Тангри даргоҳида ижобат бўлди. Демак, Аллоҳга сиғиниш, ундан мадад сўраш учун ҳар бир инсоннинг кўнгил эҳтиёжи бўлиши лозим. Кўнгилда Яратганга маънавий эҳтиёж бўлмаса, уни киши қалбига мажбурлаб солиб бўлмайди. Илтижо қилиш учун инсон ёшининг аҳамияти йўқ. Аммо у ҳам инсон ҳаётидаги руҳий камолот босқичи бўлиб, инсон ички бир тайёргарлик даражасига эга бўлиши лозим.

XV аср биринчи ярмида ижод қилган ўзбек олими Шайх Аҳмад Тарозий адабиётшуносликка оид «Фунун ул-балоға» асарида бу ҳақда ёзади:

«...агар Тенгри азза ва жаллаға ҳамд этсалар, они тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи васалламни васф қилсалар наът дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар».³

Лирик қаҳрамон Шайхи Азизондан бошига мурғу меҳнат ин солганлиги учун хайрона ҳолда мадад сўраса, кейинги мисраларда:

Бир мусофир ит киби келдим қошингга дарбадар,
Ё Сайид Чучук пирим, бу ҳолима айланг назар (20 б).

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. VII жилд. -Т.: Фан, 1991. –Б. 349.

² Худоёр Иброҳим. Румий қарашларида дуо-илтижонинг ўрни // Сино. 2002 №7. –Б. 4.

³ Ҳайитметов А. Умаров Э. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 й. 18 март.

дея пирлар, улуғлар руҳига сиғинади, ҳам валий, ҳам илм элига пешвор бўлган ибн Ҳожибдан, Шайх Жалилдан дардига даво излайди, ҳам лашкари босиб келиб, давлату бахту саодати кўлдан кетган лирик қаҳрамон Ҳазрати Шайхи Шараф ва Султон Саъиднинг руҳи покига сиғинади:

Ҳохи эшон, ҳохи хўжа йўкса бўлғай мужтахид,
Рўсиёҳий шарму сорим айлабон келдим умид.
Дарғаҳингга келмишам, ё шайхи Султон Саъид
Ё пирим, дарғаҳингга келдим бу кун, хайрон манам (20 а).

Юзикора, шармандаи шармисор лирик қаҳрамон умид билан илтижога кўл очади.

Лирик қаҳрамон Аллоҳдан ташқари, азиз-авлиёлар-Арслонбоб ва Паҳлавон Маҳмуддан ҳам мадад сўрайди. Чунки халқимизда шундай доно ҳикмат бор: Авлиёлар худо эмас, худодан ҳам жудо эмас. «Азал-азалдан мусулмон халқимиз Аллоҳ таоло ва унинг Расулидан ташқари яна авлиё ва асфиёларга, донишманд бузургворларга эътиқод ва эҳтиром билан яшаб келади, уларнинг хоки покини зиёрат этиб, руҳий-маънавий ибрат олади. Одамларнинг бузургворларни эъзозлаши Покликни, Маърифатни, Иймонни эъзозлашидир ва муқаддас инсоний орзуларнинг мужассами Пок Парвардигорга муҳаббатнинг ифодасидир».¹

Бу фироқ айёмининг шиддатлари қилмиш хароб,
Ҳасрато, йўқ мушфиқим келса бу ҳолимга савоб.
Бир мадад айланг ҳолимга, эй Арслонбоб,
Ё пирим, дарғаҳингга келдим бу кун, хайрон манам.

Ёки:

Тангри халқ этти мани, рўзи азал Мажнунвор,
Келмишам, эй асғари Маҳмуд қопунгга хору-хор. (20 б).

Лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи. У Яратгувчининг ошиғи. Тангри уни азалдан Мажнун каби ошиқ қилиб яратган. Аммо унинг Аллоҳга муҳаббати, ошиқона ва сармаст туйғулари тўғридан-тўғри эмас, Арслонбоб ва Паҳлавон Маҳмуд орқали ўтади. Чунки, «...Оллоҳ таолонинг арзу самосидаги Ҳақ аскарлари (жундуллоҳ) валийлардир. Оллоҳ қулларини Унга мана шу зотлар даъват қиладилар».²

Паҳлавон Маҳмуд халқ орасида «Полвон пир» номи билан шуҳрат қозонган. Аллоҳга илтижоси бор эҳтиёжманд кўнгиллар унинг хоки пойига ошиқадилар, унга сиғинадилар, ундан руҳий қувват оладилар. Паҳлавон Маҳмуд ҳақиқатан авлиёмиди? - деб савол қўйган эди ўтган асрнинг 70-йилларида шоир рубоийларини нашрга тайёрлаган олим Тўхтасин Жалолов.

«Хоразм руҳонийлари Паҳлавон Маҳмудни «авлиё» деб кўкка кўтарганлар. Маҳмуднинг таржимаи ҳоли унинг ҳалол бир меҳнаткаш эканини кўрсатганидек, ажойиб

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. -Т.: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. -Б. 151.

² Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. -Т.: Ўқитувчи. НМИУ. 2005. -Б. 153.

рубойилари ҳам Паҳлавонни «авлиё» эмас, илғор, равшан фикрли файласуф бир зот эканини очик ифодалаб беради. Мана бу рубойини ўқиб мазмунига ўзингиз зехн солинг: ахир, бу сўзларни айтишга журъат этган кимса қандай қилиб «авлиё» бўлсин?

Кел кўнгул, мен ахтарай жононани,
Кўча-кўю ҳар эшик, ҳар хонани.
Масту майхўрмиз мудом Хайёмсифат,
Дўзах этгаймиш қабул мастонани.

Бундай фикрларни айтишга журъат этган кимсаларни руҳонийлар «шаккоқ», «йўлдан озган» деб атардилар. Таажжубки, Хоразмнинг бу эркин фикрли шаккоқ шоири «авлиё» даражасига кўтарилибди!»¹. Тўхтасин Жалолов ўша давр мафкураси таъсирида шундай фикр айтишга мажбур бўлган. Паҳлавон Маҳмуд ҳақиқатан пир, муршид эди, хонақоҳи бор эди. Устоз Тўхтасин Жалолов Паҳлавон Маҳмуд ҳақида маълумот излаб уни бирон адабиётдан топа олмай, Хоразм наққоши Абдулла Болтаевда авлиёлар ҳақида бир китоб борлигини ва ундан шоир тўғрисида батафсил маълумот олганлигини таъкидлайди². Шу маълумотнинг ўзиёқ юқоридаги фикрни рад этишга асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Юсуф Рожий Паҳлавон Маҳмуд тимсолини ёрқин ифодалаган:

Ё пирим, дарғаҳинга келдим бу кун ҳайрон манам... деб илтижо қилишини шу нуқтаи-назардан тушунмоқ керак.

Дуо-илтижолар инсон руҳиятини поклайди, кўнгил ойинасини гард ва ғуборлардан тозалайди. Инсон руҳиятида ажиб бир енгиллик, ҳузурбахш лаҳзаларни бахш этади... «Илтижонома»да Рожий «боргоҳи оташ» дан бўлган Саййид Жалолиддин ва имом Фаҳриддиндан, кўз ёши Мажнун мисол ҳадсиз нолишлари учун Хоразмда ўтган барча қорию қуръонлар, Сайид Ғозию одил султонлар, муттасил зикр айлаган «муттақий эшонлар», «пардаи исматда бикр ўтган неча жононлар» ҳаққи-ҳурмати сўзон бўлган сийналари учун нолаи-зор қилади. Ҳайронлик водийсида қолган, ҳар бир ўтли оҳидан Қакнус каби лов-лов ёнган лирик қаҳрамон ҳазрат Навоий қакнус қушига менгзаган шайх Фаридаддин Атторни «ҳақ таоло эркаси», «сармаст валий» каби сифатлар билан улуғлаб, ул зотнинг шу заминда туғилишига ишора қилиб Расул Балхни «Қуббат ул ислом» атади деб ёзади. «Мусофирлиғ ғами рўзи азал йўлдош» бўлган лирик қаҳрамон бу дардларнинг давосини Ҳозик табиб даволашини таъкидлайди-ю, аммо мададни Шайх Аттордан сўрайди:

Ушбу Хоразм ичра ўтган эрмиш ҳар масти валий,
Шайхи машойих, саййид, пири забардасти валий,
Неча пир девонаи, Мажнунлар дашти валий,

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубойилар. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 11-12.

² Шу манба. –Б. 8.

«Ҳақ таоло эркаси» ҳам барҳи сармасти валий,
Раҳм этиб ҳолим кўринг, оғиштаи исён манам.

Ёки:

Шайх Атторий валий даргоҳига келдим қарийб,
Лутф қил, ҳолим кўриб саргаштаи ҳайрон манам. (22 а).

Барча азиз авлиёлар, эшонлар, пирлардан мадад сўраган лирик қаҳрамон
пировардида шу илтижоларининг қабул бўлишини Яратганнинг ўзидан сўрайди:

Тавсифин ёзмок била ҳаргиз туганмас, эй кўнгул,
Онинг учун «Қуббат ул-ислом» отин қўйди Расул,
Ман умид айлаб дедим: ҳожатларим қилғай қабул,
Раҳм қилғай Ҳақ ўзи, Мажнуни саргардон манам.
Мардуми Хоразм аълоси амни-адносиман,
Гарчи Мажнуну валийлар ошиқи шайдосиман,
Рожийи умм шармандаман, бу даҳрнинг расвосиман,
Камтарин жумла олам зеру-хоку ёсиман (22а).

Шундан сўнг «Илтижонома»нинг иккинчи фасли бошланади:

Ал-қисса Рожий бечора худойи таолоға муножот қилиб, авлиёларни ёд қилиб,
менинг ҳам душворларим осон қилғай деб бир ғазал айтди:

Ё пирим, шайхи кабир шоҳи Шоҳидон қил мадад,
Дил шикаста бандадурман ё Жамилхон қил мадад.
Келмишам Хоразм аро Мажнуни саргардон бўлуб,
Лутф этинг ҳолим кўриб, ё Али Султон қил мадад.
Қатра басдур баҳри лутфингдин менга эй Бирру Бор,
Дарғаҳингга келмишам, айлаб гар афғон қил мадад (22 б).

Бу фаслда ҳам Аллоҳдан мадад шайхлар, саидлар, авлиёлар орқали сўралади:

Рожий умми шафқатлардин шояд ўлғай деб менга,
Ҳожию ҳам, қорию ҳам, жумла эшон қил мадад. (22 б).

Устод Фирдавсийда шундай шоҳбайт бор:

Жаҳонда икки нарса қолур абадий-
Ботирнинг иши-ю, дононинг сўзи.

Рожий Хоразмий «Илтижономаи Рожий» да шундай ўлмас сатрларни битган:

Қалам йўндим хат битардим, рўзигор,
Ўзим ўтсам, хатим қолғай ёдигор...

Ҳа, ундан қалб туйғулари, дарду армонлари, орзуларини ўзида сингдирган гўзал
сатрлар, ўлмас сўзлар ёдгор қолди. Унинг илтижолари форс-тожик ва туркий адабиётда
шаклланган муножотномаларнинг узвий давоми ва ўзига хос кўринишидир.

Муножот аслида Яратгандан мадад сўрашдир. Унинг асосини банданинг Аллоҳга
илтижолари ташкил қилади. Муҳаммад Юсуф Рожий илтижолари фақат Яратганга эмас,
азиз-авлиёлар, шайхлар, пирлар, эшонларга ҳам йўналтирилганлиги учун у соф муножот
асари эмас. Унинг илтижолари форс-тожик ва туркий адабиётда шаклланган
муножотномаларнинг ўзига хос кўринишидир.

Муножотномалар тарихига назар ташлаб, шунга амин бўлдикки, уларнинг замирида
дуолар ётади.

Учинчи боб юзасидан кузатишларимиз қуйидаги хулосалар учун асос бўлиб хизмат қилади:

1. Рожий мухаммаслари XIX асрда Хоразмда ривожланган мухаммасчиликнинг узвий давоми сифатида қимматлидир. Уларда илгари сурилган ғоялар, бадиий тасвир воситалари бу давр адабиёти ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Мухаммас ва мусаддасларида шоир мумтоз адабий анъаналарни изчил давом эттирди. Жумладан, Навоий, Ҳусайний, Фузулий, Огаҳий, Комил, Амирий каби устоз санъаткорлар ғазалига тахмис боғлаши XIX асрда шаклланган мухаммасчилик мактабининг ривожига салмоқли улуш бўлиб қўшилди. Шоирнинг мустақил ва тахмис мухаммаслари, зуллисонанлик анъаналарини давом эттирган форс тилидаги мухаммаслари, ҳаётсеварлик руҳидаги риндона мусаддаслари шоирнинг барҳаёт адабий анъаналардан яхши хабардорлигини кўрсатувчи омиллардир. Рожий мусаддасларида риндона ғоялар билан бирга ўзининг фалсафий ғояларини ҳам илгари суради.
2. Рожий қасидалари форсий ва туркий адабиётда шаклланган қасидалардек жанрнинг тўлиқ хусусиятларини қамраб олган. У ўз қасидаларида Хива хонларини улуғлаш орқали уларни одилликка даъват этди. У гарчи сарой адабий муҳитида яшаб ижод этса-да, мадҳ қасидалар унинг ижодининг етакчи моҳиятини ташкил этмайди.
3. Туркий адабиётдаги муножотларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келдикки, уларнинг юзага келишига дуолар замин бўлиб хизмат қилган. Унинг муножотлари форсий ва туркий адабиётда шаклланган муножот туркумидаги асарларнинг узвий давоми ҳамда муножотноманинг ёрқин намунасидир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг, маданий меросимизга муносабат ўзгариб, биз ўзлигимизни қайта кашф эта бошладик.

Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг Огаҳий, Комил ва Хива хонлари билан ижодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлари нафақат Хоразм тарихи ва адабиёти, балки ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифасини ташкил этади. Унинг хаттотлик, таржимонлик ва шоирлик фаолияти ўрганилишга арзирлидир. 3500 мисралик лирик ижоди, алоҳида тадқиқотни талаб этадиган таржимонлик фаолияти унинг Хива адабий муҳитидаги эътиборли ижодкор эканлигини кўрсатади.

У анъанавий руҳда ижод қилган бўлса-да, ўзбек адабиётини ўзининг гўзал ғазаллари, қасидалари, юксак поэтик мухаммаслари билан безаб, уларда сўфиёна тимсолларни ўзига хос рангин бўёқларда ифодалади. Ахлоқий-маърифий руҳдаги ғазаллари бу туркумдаги лирикани бойитиши билан аҳамиятлидир. Муножотлари билан форс ва ўзбек адабиётидаги «муножотнома» туркумини бойитди.

Шоир девонидаги шеърлар ошиқона, орифона, ахлоқий-маърифий, ижтимоий руҳда бўлиб, бу ғояларни гўзал поэтик тимсоллар ва воситалар билан ифодалади ва инсонни улуғлашга даъват этди.

Шоир ғазалларидаги сўфиёна тимсоларни ифодаловчи «май», «майхона», «қаллош», «соқий», «бут», «бутхона», «ориф», «зоҳид» каби образлар Шарқ адабиётининг жон томири бўлган тасаввуф шеърляти билан боғлиқ масалалар ифодаси сифатида намоён бўлади.

XIX аср Хива адабий муҳитидаги таржимачилик мактабининг давомчиси сифатида Рожий Хоразмий форс тилини мукамал билган ва илми нужумга оид «Лубби лавойиқ ул-қамар фи-л ихтиёрот» (Ойнинг одамлар ҳаракатига доир қулай вақт танлаш учун кўрсатмалари) деб номланган асарни форс тилидан ўзбек тилига ўтирганлиги унинг кенг йўналишдаги ижодининг бир қиррасидир.

Ю.Юсупов «Раъно ва Зебо» достони таржимасини ҳам Рожийга нисбат берадики, бунга аниқлик киритиш лозим.

Комил уни ўзига устод деб билиши, Огаҳийнинг биргина ўзи эса унинг 8 ғазалига Комил, Аваз, Ожиз, Мунший, Роғиб, Девоний, Холис каби шоирлар ҳам унинг ғазалларига мухаммас боғлаши, Аваз ва Комёб уни устоз деб билиб, издошлик қилишлари Рожийнинг ўз даври адабий муҳитида нечоғли ўринга эга бўлганлигини кўрсатади.

Муҳаммад Юсуф Хўжамберди ўғли Рожий Хоразмий ижодий мероси юзасидан кузатишларимиз қуйидаги умумий хулосаларга келишимизга асос бўлади:

1. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий XIX асрда Хоразм ҳукмдорларидан Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммад Аминхон, Саййид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон Сонийлар даврида яшаган ва мазкур шоҳлардан кейинги учтаси билан адабий алоқада бўлган. Унинг ҳаёти ҳақидаги манбаларни уч гуруҳга тасниф этиш мумкин: ўз асарлари («Девон»и, «Илтижономаи Рожий» асари ва ҳ.к.), тазкиралар («Хива шоирлари», «Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари» ва «Тазкираи Қайюмий») ҳамда замондош шоирларнинг айрим ишоралари; Шарқ адабиётида бир таҳаллусда ижод қилган шоирлар кўп бўлган. Уларнинг номи ва ижоди кўп ҳолларда аралашиб кетган. Аммо Рожий таҳаллусли шоирлар номи ва ижоди бир-бирига аралашиб кетмай, яхлит ва алоҳида ҳолда етиб келган. Бу таҳаллус билан ижод қилган 16 нафар Рожий ҳақида ҳам маълумотлар тўпланди.

2. Рожий ижодининг манбалари шоир адабий мероси ҳақида тўлақонли тасаввур бера олади. Шоир асарлари асосан қуйидаги тўрт манба асосида бизгача етиб келган: *биринчидан*, ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган «Девони Рожий» нинг 4 та қўлёзма ва 4 та тошбосма нусхалари, шу фонддаги 7006, 6996, 1132, 1133, 1161, 1918,

7050, 1154-рақамли баёзлар ҳамда 6895-рақамли «Илтижономаи Рожий» асари. *Иккинчидан*, Давлат адабиёт музейи фондидаги 88, 377/III рақамли баёзлар. *Учинчидан*, Ичанқалъа музейидаги инвентар рақамсиз девон нусхаси. *Тўртинчидан*, Рожий ижоди акс этган тазкиралар.

3. Маълумки, муайян шарт-шароитлар сабабли кўп асрлик тарих ва маданиятимизга оид баъзи масалалар нотўғри талқин этилган. Хусусан, XIX аср Хоразм адабиётининг кўпгина намояндалари ҳам “сарой шоири”, “реакцион ижодкор” тамгалари билан шўро адабиётшунослиги эътиборидан четда қолиб келган эди. Шу маънода XIX асрда яшаб ижод этган кўплаб истеъдод соҳиблари қатори шоир Рожий Хоразмий ҳаёти ва адабий мероси ҳам ўрганилишга лойиқ ижодкордир.

4. Рожий Хоразмда туғилган, ижодкор сифатида шу муҳитда шаклланган. Навоий, Ғолибий, Мунис, Оғаҳий, Комил ижодидан баҳраманд шоир Хоразм адабий муҳитидаги ижодкорлар билан ҳам яқин алоқада бўлган, улар ижодидан маънавий қувват олиб камол топган. Унинг ўз даври адабий муҳитида эътироф этилган ижодкор эканлиги кузатишлар давомида маълум бўлди. Шоирнинг Комил Хоразмий ва Оғаҳий билан адабий ва шахсий муносабатлари ҳам Хоразм адабий муҳитига доир тарих саҳифаларини ёритишга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

5. Рожий Хоразмий лирикаси мумтоз шеърининг етти жанридаги шеърлардан таркиб топган. Ундаги ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мустазод, қасида, ҳикматларда ҳар бир жанрга хос етакчи хусусиятлар ёрқин акс этган. Асарларининг салмоғи аниқланди, жанрлар таркиби ўрганиб чиқилди ва амин бўлиндики, Рожий адабий меросининг қўлами, ҳажм ва йўналиш эътибори билан сермахсул ва серқирра ижодкордир.

6. Рожий лирикасида ғазал жанри асосий ўрин эгаллайди. Ғазалчиликда мумтоз адабиёт анъаналарини муваффақиятли давом эттирди. Унинг лирикасида ошиқона ва орифона, ҳамд, наът ва муножот, ахлоқий-маърифий ва реалистик ғазаллар устувор. Дарҳақиқат, ижоди «маъни жиҳатдан бир уммон» (Лафласий) бўлган Рожий лирикаси ғоявий йўналиши, мавзу қамрови ва бадиий маҳоратининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

7. Шоир адабиётда анъанавий руҳни давом эттириш билан бирга, уни даврга хос янги оҳанглари, ифода воситалари, образлар билан бойитди, мумтоз шеърининг бир қадар янги нафас олиб киришга муваффақ бўлди. *Биринчидан*, шоир новатор, у ҳар бир мисра бошида бир сўзни уч марта такрорлаш орқали ўз даври ғазалчилигига янги шакл ва мазмун бағишлади. *Иккинчидан*, ўзбек адабиётида қўш матла қўллаш анъанаси мавжуд эди, Рожий эса илк бор ижодида қўшмақтани гўзал тарзда қўллади. Бу эса адабиётда

янгилик. Шеърятининг ўзига хослиги эса, унда реалистик ифодаларнинг кучлилигидир. Қолаверса, ғазалиётида мақом билан мутаносиблик ҳам муҳим ўрин тутди.

8. Қофия – мумтоз поэтиканинг шаклланишида асосий омиллардан биридир. Рожий ҳар бир байтда тўрттагача қофиядош сўз қўллаб, бу соҳада етук маҳорат соҳиби эканини исботлади. Шунингдек, ижодида радд ул-матла, тажохули ориф, ташбеҳ, талмеҳ, ташхис, хусни таълил, тазод, фаҳрия, амр-наҳий каби санъатлардан моҳирона фойдаланиб, юксак санъаткорлик истеъдодини ҳам намойиш қилди.

9. Рожий ижодида адабий таъсир масаласи ҳам муҳим. Унинг мухаммаслари XIX аср Хоразм мухаммасчилиқ мактабининг маҳсули сифатида қимматли. Мухаммас ва мусаддасларида мумтоз адабий анъаналарни изчил давом эттирган шоир Навоий, Ҳусайний, Фузулий, Огаҳий, Комил, Амирий каби устоз санъаткорлар ғазалларига боғланган тахмислари мухаммасчилиқнинг ривожига салмоқли улуш бўлиб қўшилди. Мустақил ва тахмис мухаммаслари, зуллисонайнлик анъаналарини давом эттирган форс тилидаги мухаммаслари, ҳаётсеварлик руҳидаги риндона мусаддаслари шоирнинг барҳаёт адабий анъаналардан яхши хабардорлигини кўрсатувчи муҳим омилдир. Мусаддасларида риндона ғоялар билан бирга, Олам ва Одам ҳақидаги фалсафий ғоялар ҳам илгари сурилганки, бу Рожийнинг чуқур диний, дунёвий билим эгаси, закий инсон бўлганини намоён этади.

10. Шоир XIX аср ўзбек адабиётида қасида жанрини давом эттириб, уни ўзига хос янги босқичга қўтарди, жанр ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Рожий гарчи сарой адабий муҳитида яшаб ижод этса-да, мадҳ қасидалар ижодининг асос моҳиятини ташкил этмайди.

11. Муножот туркумидаги асарлар ва Рожий илтижолари диний қарашлар, дуо-илтижо ва илоҳий қўшиқлар заминидан юзага келган. Рожий муножотлари форсий ва туркий адабиётда шаклланган муножот туркумидаги асарларнинг узвий давоми ҳамда муножотноманинг ўзига хос намунасидир.

12. Рожий Хоразмий номи бир қатор замондошлари асарларида қайд этилгани, ғазалларига мухаммаслар, назиралар боғлангани, унинг ўз даври адабий муҳитида юксак мавқега эга ижодкор бўлганидан далолат беради. Таржимонлик фаолиятининг ўзи ҳам алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса, шоирнинг ўзига хос бетакрор сўз санъаткори эканини кўрсатувчи яна бир муҳим омилдир.

Манбалар

Девонлар:

1. Девони Рожий Хоразмий-№1271, №12551, №IV 1119-III, №10297, 65, 66, 18053.
2. Равнак, Рожий, Комил девони. Тўплам. № 922/II.

Баёзлар:

Ўз ФА ШИ фонди:

3. Мухаммасот №7006, №6996, №1132, №1918, №7050, №1154, №1161
4. Мусаддасот № 1133
5. Баёз №1161
6. №6895 «Илтижономаи Рожий».

Адабиёт музейи фонди:

7. Баёз №88
8. №377/III Рожий мухаммаслари

Тарихий таржима асарлар:

9. Мирхонд. «Равзат ус-сафо». Инвентар №7415 IV жилд.
10. Мирхонд. «Равзат ус-сафо». Инвентар №7416 V жилд.
11. Сайф уз- Зафар Навбахорий. Дурр ул-мажолис. Инвентар № 6633/III

Тазкиралар:

12. Лаффасий. Хива шоирлари. № 213. 1948. 121 б.
13. Лаффасий. Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари.
14. Қайюмов Пўлатжон. Тазкираи Қайюмий. –Т.: Ўз ФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, I, II, III жилд. 1998, 720 б.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 352 б.

II. Илмий тадқиқот, монография ва рисоалар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. II китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1964. 384 б.
2. Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. –Т.: Фан, 1961. 234 б.
3. Аваз Ўтар. Танланган асарлар. –Т.: Ўздавнашр, 1956. 320 б.
4. Аваз Ўтар. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. 392 б.
5. Аваз Комил. Мукошифот. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 80 б.
6. Авесто. Яшг китоби. (Худо Ахура Мазда ва у яратган маъбудалар шаънига айтилган алқовлар). –Т.: Шарқ, 2001. 128 б.
7. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Мажмуа. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. 256 б.

8. Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид) III жилдлик. III жилд. –Т.: Фан, 1992. 248 б.
9. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. 182 б.
10. Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик. I жилд, Бадойиъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987. 725 б.
11. Алишер Навоий. МАТ. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987. 620 б.
12. Алишер Навоий. МАТ. III жилд. Ғаройиб ус-сиғар. –Т.: Фан, 1988. 616 б.
13. Алишер Навоий. МАТ. IV жилд. Наводир уш-шабоб. –Т.: Фан, 1989. 560 б.
14. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилдлик. I жилд. –Т.: Фан, 1983. 658 б.
15. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II жилд. –Т.: Фан, 1983, 647 б.
16. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III жилд. –Т.: Фан, 1984. 624 б.
17. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилд. –Т.: Фан, 1985. 636 б.
18. Аристотель. Поэтика. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. 151 б.
19. Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. 398 б.
20. Асрлар нидоси. Антология. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. 320 б.
21. Аъзамов А. Муножотнома. Алишер Навоий «Муножот»ига шарҳлар. –Т.: 1997. –Б. 32.
22. Баёний. Ғазаллар. –Т.: Давлат Бадиий Адабиёт, 1962. 104 б.
23. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинение. Т. II. Ч. I. – М.: 1963. –С. 1020.
24. Белинский В.Г. Танланган асарлар. –Т.: Ўздавнашр, 1955. 512 б.
25. Бобожон Тарроҳ Азизов-Ходим. Хоразм навозандалари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. 96 б.
26. Бобур. Девон. Фан, 1994. 142 б.
27. Бойқаро Хусайн. Рисола. Девон. (Шоҳ ва шоир). –Т.: Шарқ, 1995. 158 б.
28. Бойқаро Хусайн. Жамолингдан кўзум равшан. Ғазаллар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. 32 б.
29. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ. 2005. 400 б.
30. Боқирғоний Сулаймон. Боқирғон китоби. –Т.: Ёзувчи, 1991. 80 б.
31. Валихонов Амонулла. Ғазал нафосати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. 232 б.

32. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 191 б.
33. Давлатёр Раҳим. Матрасул Шихназар. Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. 128 б.
34. Жумахўжа Нусратулла. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. –Т.: Фан, 1995. 89 б.
35. Исоҳқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. 168 б.
36. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1987. 322 б.
37. Каримов Ғ.К. Халқ. Тарих. Адабиёт. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. 314 б.
38. Суфизм в контексте мусульманской культурѳ. –М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. –С. 337.
39. Комѳб. Девон. (Сайланма). –Т.: Университет, 2002. 56 б.
40. Комил. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. 224 б.
41. Комилов Н. Бу қадимий санъат. Рисола. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. 192 б.
42. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. 272 б.
43. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. –Т.: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. 208 б.
44. Мажидий Раҳмат. Огаҳий лирикаси. –Т.: Ўзфан. акад. нашр. 1963. 138 б.
45. Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1978. 238 б.
46. Машарипова Ғ. Хоразмда битилган кўлѳзмалар. –Т. Нашриѳтсиз, 1997. 84 б.
47. Мўминова В. Ўзбек демократик адабиѳтида лирика. –Т.: Фан, 1979. 105 б.
48. Носиров О., Жамолов С., Зиѳвуддинов М. Ўзбек классик шеърѳяти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. 187 б.
49. Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. I жилд. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. 392 б.
50. Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. II жилд. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. 424 б.
51. Ойбек. Адабиёт тўғрисида. –Т.: Фан, 1985. 48 б.
52. Орзибеков Раҳмонкул. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Фан, 1976. 120 б.
53. Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. 88 б.
54. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. –Т.: Фан, 1995. 155 б.
55. Раҳматова Дилбар. Муқимий издошлари (Писандий, Ғурбат, Рожий). –Т.: Фан, 1978. 55 б.

56. Рустамий Алибек. Адиблар одобидан адаблар. –Т.: Маънавият, 2003. 112 б.
57. Сайф уз-Зафар Навбахорий. Дурр ул-мажолис. –Т.: Ёзувчи, 1991. 168 б.
58. Собрание восточных рукописей. № 5555. Академии наук Узбекский ССР. VII т. Издательство «Наука» Узбекской ССР. –Т.: 1964. -С. 558.
59. Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri so`zlugi. –Istanbul: Marifat yayinlari. Yaylacir matbaasi. 1991. 552 б.
60. Султон Иззат. Адабиёт назарияси. Иккинчи нашр. –Т.: Ўқитувчи, 1986. 408 б.
61. Табибий Аҳмад. Танланган асарлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. 228 б.
62. Феруз. Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. 160 б.
63. Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. –М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1965. -С. 312.
64. Фитрат. Адабиёт қоидалари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. 112 б.
65. Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. –Т.: Маънавият, 2000. 208 б.
66. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Халқ мероси, 1993. 224 б.
67. Фузулий. Девон. –Т.: Ўзадабийнашр, 1959. 252 б.
68. Фузулий. Девон. Иккинчи нашри. –Т.: Ўзадабийнашр, 1961. 230 б.
69. Ханна ал-Фахури. История арабской литературы. том I, -Москва.: Издательство иностранной литературы, 1959. -С. 370.
70. Ханна ал-Фахури. История арабской литературы. том II, -Москва.: Издательство иностранной литературы. 1961, -С. 485.
71. Хондамир Ғиёсиддин. Макорим ул ахлоқ. –Т.: Бадиий Адабиёт, 1967. 82 б.
72. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Т.: Фан, 1965. 482 б.
73. Шукуров Н., Ҳотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. 230 б.
74. Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Иборат аз III чилд. II жилд. Сарредакцияи илмий энциклопедияи тоҷик, -Душанбе.: 1989. -С 560.
75. Эҳметзеки Velidi Тиған. Xetireler. -O'FO': Kitap, 1996. 654 б.
76. Югнакий Аҳмад. Ҳибат ул ҳақойиқ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. 104 б.
77. Юнусов М. Комил Хоразмий. Даври, ҳаёти ва ижоди. –Т.: Давлат Бадиий Адабиёт, 1960. 104 б.
78. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. 140 б.
79. Ўзбек совет энциклопедияси. 9-том. 1977. 651 б.

80. Ўзбек адабиёти тарихи. Тўрт томликка илова. V жилд. II китоб. –Т.: Фан, 1968. 354 б.
79. Қаюмов А. Қўкон адабий муҳити. –Т.: Фан, 1961. 155 б.
80. Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. I китоб. -Урганч.: 1992. 145 б.
81. Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. –Т. Фан, 1987. 200 б.
82. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. 400 б.
83. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1961. 292 б.
84. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т.: Фан, 1970, 331 б.
85. Ҳасанов С. Хоразм маърифати-олам кўзгуси. –Т.: Ўқитувчи, 1996. 304 б.
86. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.:Адабиёт ва санъат, 1991. 184 б.
87. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998. 160 б.
88. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. –Т.: Фан, 2007. 226 б.
89. Ҳожиаҳмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос қирралари. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1999. 175 б.
90. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. -Т: Ўқитувчи. 1967. 299 б.
91. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1995. 464 б.
92. Яссавий Аҳмад. Ҳикматлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. 256 б.

III. Илмий мақолалар ва вақтли матбуот материаллари:

1. Абдуғафуров А. Навоий мусамматлари // Эрк ва эзгулик куйчилари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. 160 б.
2. Долимов С. Алишер Навоий ва XIX аср хоразм адабиёти // Маърифат фидойиси. (Субутой Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан). –Т.: Ўқитувчи, 2007. 213 б.
3. Комилов Н. Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била // Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т., 1991. 176 б.
4. Муталов О. “Риёзуд давла” адиблар хусусида» // Шарқ юлдузи. 2000 й. №1.
5. Мўминова В. Комил, Аваз, Рожийнинг ижтимоий қарашлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1969, №4.
6. Мўминова В. Шоир Рожий // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. №5.

7. Худоёр Иброҳим. Румий қарашларида дуо-илтижоларнинг ўрни // Сино. 2002 №7.
8. Ғаниева Суйима. Алишер Навоийнинг «Муножот» асари // Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т., 1991. 176 б.
9. Ҳайитметов А. Умаров Э.Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 й. 18 март.
10. Ҳаққул И. Парим бўлса учиб қочсам // Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т., 1991. 176 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

1. Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол.фанлари канд... дисс. –Т, 1962. 430 б.
2. Дехқонов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номз... дисс. автореф. –Т, 2007. 25 б.
3. Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърятини асосида). Филол.фанлари док... дисс. автореф. –Т, 1999. 51 б.
4. Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Филол.фанлари номз... дисс. – Т, 1995, 139 б.
5. Комилов Н. Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. Филол. фанлари номз... дисс. –Т, 1970. 349 б.
6. Мадғозиев М. Рожий Марғилоний ва унинг поэтик маҳорати. Филол. фанлари номз... дисс.– Самарқанд, 1973. 197 б.
7. Маткаримова С. Табибий–тазкиранавис («Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий» асосида). Филол. фанлари номз... дисс. автореф. –Т, 2007. 23 б.
8. Маҳмудова Р. Тошбосма асарлар ва уларнинг ўзбек адабиёти тарихидаги аҳамияти. (XIX аср охири-XX аср бошлари) Филол. фанлари номз... дисс. –Т, 1970. 323 б.
9. Муродов А. Ўрта Осиёда хаттотлик тарихидан. Филол.фанлари номз... дисс. –Т, 1967. 288 б.
10. Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. Филол.фанлари номз... дисс. –Т, 1971. 182 б.
11. Сайдалиева Н. Муаззамхон шеърятини адабий анъана ва бадиий маҳорат. Фил.фанлари номз... дисс. автореф. –Самарқанд, 2002. 26 б.
12. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Филол.фанлари док... дисс. –Т, 1968. 371 б.
13. Рафиддинов С. Атойининг поэтик маҳорати. Филол.фанлари номз... дисс. –Т, 1993. 156 б.

14. Ғойипов Д.Қ. Отаниёз Ниёзий ижодий мероси. Филол.фанлари номз...дисс. –Т, 2006. 153 б.

15. Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти. Филол.фанлари док... автореф. –Т, 1995. 52 б.

Долимов С. Алишер Навоий ва XIX аср хоразм адабиёти // Маърифат фидойиси. (Субутой Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан). –Т.: Ўқитувчи, 2007. 213 б.

Мўминова В. Комил, Аваз, Рожийнинг ижтимоий қарашлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1969, №4.

Ҳасанов С. Хоразм маърифати-олам кўзгуси. –Т.: Ўқитувчи, 1996. 304 б.

Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. I китоб. -Урганч.: 1992. 145 б.

Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. –Т. Фан, 1987. 200 б.

Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. 140 б.

81. Орзибеков Раҳмонкул. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Фан, 1976. 120 б.

82. Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. –Т.: Фан, 1979. 105 б.

83. Давлатёр Раҳим. Матрасул Шихназар. Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. 128 б.
- Бобожон Тарроҳ Азизов-Ходим. Хоразм навозандалари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. 96 б
84. Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид) III жилдлик. III жилд. –Т.: Фан, 1992. 248 б.
85. Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. 182 б.

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш3

I БОБ. XIX аср иккинчи ярми Хоразм адабий муҳитида Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийнинг ўрни

- 1.1. Рожий тахаллусли шоирлар.....7
- 1.2. Адабий муҳит ва Рожий14
- 1.3. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ҳаёти ва адабий мероси.....25

II БОБ. Рожий лирикасининг мавзулар кўлами ва бадиияти

- 2.1. Лирикасининг ғоявий йўналиши ва мавзу қамрови37
- 2.2. Реалистик шеърлари62
- 2.3. Лирикасида анъана ва ўзига хослик67

III БОБ. Рожий мусамматлари ва бошқа лирик жанрлар

3.1. Мухаммас ва мусаддасчилик маҳорати.....	83
3.2. Қасидаларида Хива хонлари образи	98
3.3. «Илтижономаи Рожий» асари муножотноманинг намунаси сифатида.....	117

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР118

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....122

Феруз адабиёт, тил, мантиқ илмида шундай камолотга эришдики, сарой адабий муҳитидаги шоирларнинг шеърларини таҳлил этиш ва баҳолаш бобида унинг олдида тушадиган уламо ва фузало кам эди. Бу тўғрида хаттот ва тарихчи Ходим шундай воқеани эслайди:

«Биз, яъни Болта девон - Нодим, Юсуф Харрот —Чокар ва ман Бобожон тарроҳ Ходимларга Арабхон мадрасасининг охуни Юсуф Ҳожи Доий адабиёт илми бўйича Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, Фирдавсийнинг «Шохнома» асари бўйича сабоқ берганида, Феруз мазкур асарлар юзасидан савол бериб, бизни имтиҳон қиларди. Ана шундай пайтларда бирортамиз ғазал ўқишда хатоликка йўл қўйсак, ёки бирорта сўзни нотўғри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхтатиб, хатоларимизни тўғрилар, у ёки бу сўзнинг маъносини айтиб бериб, бизни ҳеч хафа қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди»¹.

Феруз саройида шеърӣ мусохабалар, мақом оқшомлари ўтказиш анъана тусига кирган эди. Шоир ва таржимон Аҳмаджон Табибийнинг саройга таклиф этилиши қизиқ. Буни Ходим ўз хотираномасида шундай кўрсатади: «Хоннинг кўнглига яхши гурунг эшитиш тушса, ёнбошлаб ётганича ўтирган вазирларидан бири номини айтиб «Фалончае, гурунг эт» деб буюради. Агар қонун бобида гурунг эшитишни истаса, Толиб Маҳзумга мурожаат этилади Агар мақоми паст, шўх гапларни эшитишни хоҳласа, Қаландар Дўнмасга буйруқ қилинади. Ана шундай кунлардан бирида хон Худойберди маҳзумга «гурунг эт!» деб хитоб қилди.

Худойберди маҳзум г у р и н г бошлади: -«Тақсир Чарчи саройида

¹ Бобожон Тарроҳ Азизов-Ходим. Хоразм навозандалари. —Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. —б. 30.

бир Али маҳрам деган чарчининг Аҳмад деган бир ўғли бор. Жуда уқувли.. Шоир йигит. Агар уни саройга олдириб қандай ғазал ёзишни буйруқ қилсангиз, дарров истаган ғазалингизни ёзиб беради». Бу гапни эшитган Феруз кичик Мамат маҳрамга буйруқ берди: «Дарров бориб Чарчи саройидан Аҳмад деган шоирни олдири. Худойберди маҳзум сўзини синаб кўрамиз».

—Хўп, жаноби олийлари,“—деб Мамат маҳрам саройдан чиқиб кетди. Орадан бирон соат ўтмай Табибий қибла Тозабокқа хон олдига кириб келди.

Аҳмаджон Табибий ориқдан келган, кўса одам, юзида бирорта ҳам тук йўқ эди. Бунни кўрган Муҳаммад Раҳимхон Худойберди маҳзумга қараб: «Ҳали бу бир ёш бола-ку», деди.

—Таксир, бу ёш бола эмас, ёши борғон шоир шу. Қандай ғазал буюрсангиз, бирпасда ҳозир қилади.

—Майли, синаб кўрамиз. Қани, шоир «Шоҳим, менга айлади хизматда дегил» мисрасига бир ғазал тирка! Аҳмаджон Табибий Давлатгалди дўғма ёнида тик турганича, тўққиз байтдан иборат ғазални битди ва Давлатгалди дўғма кўлига икки кўллаб топширди. Давлатгалди дўғма эгилганича хон кўлига ғазални олиб борди. Феруз ғазални диққат билан ўқиб чиққач, юзида майин табассум пайдо бўлди:

—Худойберди маҳзум, бу йигит шоир экан-ку, бу модаризод шоир экан-ку,—деди.

Мана шу воқеадан сўнг Аҳмаджон Табибий саройда қолиб, бу ердаги шоир ва олимларнинг пешқадам вакилига айланди.

Баёний Ферузнинг шеърят илмига бўлган муҳаббатини «Шажарайи Хоразмшоҳий»да шундай тасвирлайди: «Хон ҳазратларй шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундин «Феруз» тахаллуси била мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ харис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа саҳл қобилияти бўлса, навъи шеърларини айтиб даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг

ададлари кам-беш қирққа ёвуқ борди».

Мана шу шоирлар билан бўлган шеърят оқшомларида Ферузнинг ўзи бошловчилик вазифасини бажарган ва янги ёзган ғазалларини ўқиб мушоирани бошлаб берган. Сўнгра эса бошқа шоирларга ана шу янги ёзилган ғазалга пайров тариқасида ғазаллар битиш топширилган. Қарабсизқи, бир оқшом ичида янги ёзилган бир-икки ғазалга жавоб тариқасида эллик-олтмиш ғазал вужудга келган. Бу ғазалларнинг кўпчилиги Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Табибий, Чокар, Рожий, Комёб каби забардаст шоирлар қаламига мансуб бўлиб бадийий етук, гўзал асарлардир. Сарой адабиёти муҳитида ўнлаб қўлёзма баёзлар, мажмуа ва тазкиралар юзага келиб, бугунги кунда олимларимиз учун муҳим тадқиқот объекти саналади. Бу тўғрида Огаҳий ўзининг «Таъвиз ул-ошиқин» девони билан боғлиқ бир воқеани ҳикоя қилади.

Огаҳий Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафойи Носирий» (Носирнинг поклик боғи) асарини ва Муҳаммад Юсуф Мунший ибн Хожа Бақонинг «Тазкирайи Муқимхоний» (Муқимхон тазкираси)ни ўзбек тилига таржима этади. 1864 йилга келиб Огаҳий Фуруз буйруғига биноан Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Муқим Ҳиравийнинг «Табоқоти Акбаршоҳий» (Акбаршоҳ табақалари) асарини форс тилидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди.

Феруз бир куни Огаҳийга қарата шундай дейди: «Эй Огаҳий, сиз кўп йиллардан бери бадийий адабиёт бобида қалам тебратиб келасиз. Уларнинг кўпчилиги баёзларга кирган, баъзилари эса турли жойларда сочилгон ҳолда мавжуд. Шуни ҳеч қачон ёддан чиқармангки, кишидан қиёматгача ёдгор қоладиган ва унга бахт-саодат келтирадиган нарсаяхши сўз —ёзган нарсаларидир. Бунга ҳеч нарсаязарар етказолмайди, ҳаёт қийинчиликлари адабиётга шак келтира олмайди. Шоирларнинг ишлари боқийдур ва уларни ҳатто тухмат деган бало ҳам енга олмайди. Шунинг учун барча ёзган шеърларингизни бир жойга тўплаб, уларга рақам тартиб берингда, бир девон шаклида китоб қилинг!».

Бу таклифдан ғоят хурсанд бўлган Огаҳий ўз кулбасига келиб жиддий ижодий меҳнатга киришади. Кўп машаққатли меҳнатдан кейин шоирнинг «Таъвиз ул-ошиқин» (Ошиқлар тумори) девони вужудга келади. Демак, мазкур девоннинг юзага келишида Ферузнинг хизматлари улуғдир.